

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ ҚОШИДАГИ ФАН ДОКТОРИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ DSc.03\30.12.2019.Fil.19.01.**

РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЎЗБЕК ТИЛИ
ВА АДАБИЁТИ УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида

УЎК:821.512.133.09

РАСУЛОВА УМИДА ЙЎЛДОШ ҚИЗИ

**XX АСР ЎЗБЕК ҚИССАЧИЛИГИ (ПОЭТИК ИЗЛАНИШЛАР ВА
ТАРАҚҚИЁТ ТАМОЙИЛЛАРИ)**

10.00.02- Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари доктори (DSc)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИ С С Е Р Т А Ц И Я**

Илмий маслаҳатчи:

проф. Каримов Баходир

Тошкент – 2020 йил

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	3
-------------------	----------

I БОБ. ҚИССА ЖАНРИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қисса жанрининг шаклланиши.....	14
1.2. Ўзбек қиссалари таснифи.....	47
Биринчи боб бўйича хулоса.....	70

II БОБ. XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҚИССА ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА БАДИИЙ ФУНКЦИЯСИ

2.1. Ўзбек қиссаларининг мавзу кўлами.....	71
2.2. Қиссада инсон ва давр тасвири.....	114
Иккинчи боб бўйича хулоса.....	151

III БОБ. МИЛЛИЙ ҚИССАЛАРДА ПОЭТИК ИФОДА

3.1. Қисса жанрида одам ва табиат уйғунлиги.....	152
3.2. Қиссанинг структур, семиотик хусусияти.....	170
Учинчи боб бўйича хулоса.....	195

IV БОБ. ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИ ТАДРИЖИ

4.1 Модернистик қиссаларда бадиий образ талқини.....	197
4.2 Қисса жанрида поэтик тил ва услубий ранг-баранглик.....	214
Тўртинчи боб бўйича хулоса.....	232

ХУЛОСА.....	234
--------------------	------------

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	240
--	------------

КИРИШ

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон тамаддуни ривожда башарият маънавий меросининг ажралмас қисми ҳисобланган адабиётшуносликнинг ўрни бекиёс. Бадиий асар таҳлилига доир муаммони эпик турдаги маълум бир жанрнинг тараққиёт тамойиллари нуктаи назаридан ўрганиш ва уни миллий адабиёт сатҳида тадқиқ этиш зарурияти филология соҳасида ҳам жиддий вазифаларни кун тартибига қўймоқда. Пировардида, гуманитар соҳаларда маълум давр адиблари ижоди ҳамда уларнинг поэтик изланишларини тадқиқ этишга оид янги метод ва усуллар пайдо бўлмоқдаки, бу бадиий асар моҳиятини янада чуқурроқ англаш имкониятини яратди. Адабиётшунослик фани ўз объектига янги нигоҳ билан қараш орқали XX аср қиссачилигидаги поэтик изланишлар ва уларнинг тараққиёт тамойилини чуқурроқ тадқиқ этиш йўлидан борапти. Зеро, қисса жанрини таҳлилий ўрганиш шахснинг маънавий олами, дунёқарашини, шунингдек, ёзувчининг тафаккур тарзига хос қонуниятларни ифодалашда муҳим омилдир.

Дунё адабиётшунослигида, хусусан, қиссачиликдаги поэтик изланишлар муаммосига бадиий-эстетик аспектда ёндашиш, ёзувчи бадиий маҳоратини очиш, ижодкор асарларининг адабий такомиллини янгича англаш долзарб илмий масала сифатида кун тартибига чиқмоқда. Бунда энг муҳим вазифа муайян поэтик изланишлар, тасвир ва ифоданинг янгича талқини билан боғлиқ. Тадқиқотда ҳал этилиши лозим бўлган асосий муаммо ечимини топиш адабиётшунослик илмида мавжуд қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал-семантик, герменевтик, статистик каби усулларни самарали истифода этишни талаб қиляпти. Дунё адабиётшунослигида қиссачилик тараққиёти тамойилига нисбатан алоҳида ёндашувлар кузатиляпти. Жараёнда янги давр адабиётшунослигида муҳим муаммо ҳисобланган ўзбек қиссачилигидаги поэтик изланишларни чуқур ва атрофлича тадқиқ этиш асосий вазифа этиб қўйилди. Дарҳақиқат, муайян

давр прозаси қиссачилик жанри ривожининг бадий поэтик кўламини белгилашда алоҳида ўрин тутади.

Мустақиллик йилларида маданий меросни ўрганиш, миллий ифтихор туйғусини туйиш ҳамда қадриятларни англаш, ўзбек қиссалари моҳиятига янада чуқур кириб бориш, бадий асарларнинг адабиёт ривожига муносиб ўрнини асослаш, ҳозирги давр адабиётига кучли таъсир ўтказган ижодкорлар фаолиятини кузатиш жадаллашди. Бадий адабиётда умуминсоний ғояларнинг талқин этилиши баркамол авлод келажагига ижобий таъсир кўрсатади. “Бу дунёда инсонларнинг дарду ташвишларини ўйлаб яшаш одамийликнинг энг олий мезонидир”¹. Асарнинг поэтик ўзига хослиги, тасвир кўлами, композицион яхлитлигидаги ўзгаришлар ижодкор тафаккуридаги эврилишлар маҳсули саналади. Бадий адабиётнинг қисса жанрида қаҳрамон ҳаётининг бир босқичи тасвирланар экан, асарда рўй бераётган воқеа-ҳодисалар негизида инсон фитратини ёритишга урғу берилади. Қисса жанри табиатини илмий жиҳатдан мукаммал ўрганиш бадий тафаккурни бойитишда муҳим аҳамиятга эга. Қисса жанри шаклланиши, тараққиёти, тавсифи муаммосини тадқиқ этиш – адабий жараёни, муаллифнинг индивидуал услуби ва маҳоратини изчил ўрганишга имкон беради.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 13 майдаги ПФ-4797-сон “Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 16 февралдаги 124-Ф-сонли “Ўзбек мумтоз ва замонавий

¹ Мирзиёев Ш. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. – Т.:Ўзбекистон, 2017. – Б 112.

адабиётини халқаро миқёсда ўрганиш ва тарғиб қилишнинг долзарб масалалари” мавзусидаги халқаро конференцияни ўтказиш тўғрисида”ги фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонлари ҳамда соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертацион иш муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни ривожлантириш» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Қисса жанри, унинг такомили, поэтикаси муаммолари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ҳамда олий таълим муассасаларида, жумладан, Москва давлат университети, Санкт-Петербург (Россия), Baki Dovlet Universiteti (Озарбайжон), Ankara Universitesi, Istanbul Universitesi (Туркия), University of Indiana (АҚШ), Universitat Humboldt, Universitat Bonn (Германия), Cambridge University (Англия), Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида илмий-амалий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Дунё адабиётшунослигида қисса жанри генезиси, тараққиёт жараёни ҳамда поэтикаси масаласи юзасидан муайян илмий натижаларга эришилган.

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://arts.unimelb.edu.au/nceis>; <https://www.westernsydney.edu.au>; <https://slc.umd.edu/persian/about>; <http://nelc.uchicago.edu>; <https://nelc.osu.edu>; <http://ut.ac.ir>; <http://www.um.ac.ir>; <https://www.amu.ac.in>; <http://www.du.ac.in/du>; <http://www.istanbul.edu.tr/tr>; <https://www.ankara.edu.tr>; <http://gazi.edu.tr>; <https://www.orientalstudies.az/ru>; <http://literature.az/?lang=aze>; <http://www.kaznu.kz/ru>; www.iaas.msu.ru; <https://www.ivran.ru>; <https://spbu.ru>; www.orient.spbu.ru/ru; <http://www.orientalstudies.ru>; <http://oriental-studies.org.ua/uk/home>; <http://zoa.dmt.tj>; <http://iza.tj/ru/institut-yazyka-literatury-vostokovedeniya-i-pismennogo-naslediya-im-rudaki>; <http://tashgiv.uz/ru/>; <http://navoiy-uni.uz/uz-k>; <http://www.samdu.uz> ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

Қиссаларнинг мумтоз анъаналар негизида шаклланиши, такомиллашуви ХХ асрдан жадаллашгани (АҚШ, Франция), ўзбек қиссасининг матбуот ривожини, рус адабиёти таъсири билан боғлиқлиги (Россия, Туркия), қисса композицияси, образлар тизимининг поэтик хусусияти тадқиқ этилгани (Россия, Германия), асарлар структураси, хронотоп поэтикаси юзасидан назарий қарашлар илгари сурилгани (Россия, Франция), жанр тараққиёти хусусияти кузатилгани (Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти), адабиётшунослар томонидан ўрганилаётгани эътиборга молик.

Дунё қиссашунослигида ХХ аср қиссалари поэтикаси бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: жанр тараққиёти хусусиятини аниқлаш; қиссаларни таснифлаб, бадиий қийматига баҳо бериш; асарнинг мазмун-моҳияти, ифода йўсинидаги фарқли жиҳатларни белгилаш; асар ғоявий-бадиий концепциясини ифодалашда қаҳрамонни ҳар томонлама тўлиқ тасвирлаш; қиссанавислар ижодидаги бадиийлик, халқчиллик, фалсафийлик каби жиҳатларни ёритиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбек адабиётида қисса жанрининг тадқиқига доир муайян тажрибалар тўпланган. Назарий ва амалий йўналишда тадқиқотлар бажарилган. “Адабиёт назарияси”, “Адабиётшуносликка кириш”, “Адабий тур ва жанрлар”, “Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг–баранглиги” каби монография, илмий адабиётларда масаланинг назарий жиҳатлари ёритилган.

Рус адабиётшуносларидан М.Бахтин, Ю.Борев, М.Храпченко, Л.Чернец, А. Кузьмин, Г. Поспелов, В. Хализев ³ каби олимларнинг илмий изланишларида бадиий-эстетик таҳлил масалалари кўрилгани маълум.

И.Султон, М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, У.Норматов, А.Расулов, Б.Назаров, Х.Болтабоев, Д.Курунов, Б.Каримов, У.Жўрақулов ⁴ каби

³ Бахтин М. Эстетика словесного творчества – М.: Искусство, 1986; Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки – М.: Советский писатель, 1981; Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя развитие литературы – М.: Советский писатель, 1972; Чернец Л. Литературные жанры – М.: Издательство Московского университета, 1982; Кузьмин А. Повесть как жанр литературы – М.: Знание, 1984; Поспелов Г. Теория литературы – М.: Высшая школа, 1978; Хализев В. Теория литературы – М.: Высшая школа, 1999.

адабиётшуносларнинг тадқиқотларида поэтика, наср, услуб каби илмий муаммолар қамраб олинган.

Миллий қиссаларнинг пайдо бўлиши, такомиллашуви, улардаги мавзу, қаҳрамон, сюжет, услуб масаласи А. Аббасов, А. Рашидов, А.Улуғов, А. Холмуродов, К.Тагматов, Ғ.Тошпўлатов, С.Зоҳидова, М.Тенглашев, Қ.Қўбаев, Д. Холдоров, М. Рустамова⁵ каби олимлар тадқиқотида кузатилган.

Ўзбек адабиётшунослигида муайян адиблар ижоди, қиссаларининг ғоявий бадиий-эстетик аҳамияти ўрганилишда давом этаётган мавзудир. Анъанавий қисса, модерн қиссалар поэтикаси муаммолари билан боғлиқ умумлашмалар жанр тараққиёти борасида аниқ тасаввур ҳосил қилади. XX асрда яратилган қиссалар жамланиб, қиёсий – типологик тарзда илмий – назарий жиҳатдан етарлича ўрганилган эмас. Улардаги поэтик изланишлар, жанр шаклланиши, тараққиёт тамойиллари диссертациямизда илк бор махсус тадқиқ этилган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти

⁴Султон И. Адабиёт назарияси –Т.:Ўқитувчи,1986; Қўшжонов М. Сайланма –Т.: Шарқ, 2018; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти –Т.Шарқ, 2004; Норматов У. Ижод сеҳри –Т.: Шарқ, 2007; Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш –Т.: Фан, 2006; Назаров Б. Ҳаётийлик- безавол мезон –Т.:Ўқитувчи,1983; Болтабоев Ҳ. Наср ва услуб –Т.Фан.1992; Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш –Андижон.:Ҳаёт,2002; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси – Т.: Мухаррир, 2011. Жўракулов У. Назарий поэтика масалалари: муаллиф, жанр, хронотоп. - Т.: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ,2015

⁵Аббасов А. Ўзбек повести –Т.: Фан,1973; Рашидов А.Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири –Т.: Фан,1980; Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари –Т.:Ўқитувчи,1991; Холмуродов А.Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнги чораги) Филол.фан.доктори..дис – Т.:2008;Тагматов.К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970 гг.): Дис...канд.филол.наук –Т.:1981; Тошпўлатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст,Тагай Мурад, Гаффар Хотам): Дис.канд.филол.наук –Т.:1993; Зоҳидова С.Жанровые и стилевые особенности советской узбекской повести(60-70г): Дис.канд.филол.наук –Т.:1982; Тенглашев М.Особенности конфликта в узбекских повестях 80- годов: Дис.канд.филол.наук –Т.:1989; Қўбаев Қ. Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадиий маҳорат(60-80 йиллар):Филол.фан. номзоди...дис –Т.:2001; Холдоров Д.Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадиий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида):Филол.фан.буйича фалсафа док...дис -Т.:2017; Рустамова М.Истиклол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан. номзоди...дис –Т.: 2005; Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол.фан. номзоди...дис –Т.: 2012; Раджапова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида) Филол.фан.буйича фалсафа док...дис -Т.:2018

университети Адабиёт назарияси ва замонавий адабий жараён кафедраси режасининг “Ҳозирги адабий жараён” мавзусида олиб борилаётган илмий тадқиқотлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади XX аср ўзбек қиссаларининг шаклланиши жараёнидаги поэтик изланишлар, тараққиёт тамойилларини кўрсатиб беришдан, хусусан, қисса жанрига оид бир гуруҳ асарлар адабий жараён контекстида кузатиб, инсон тақдири, унинг жамият билан муносабати, оламу одам ҳақидаги концепциясини илмий-назарий жиҳатдан асослаб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўзбек адабиётида қисса жанрининг ўрганилиши тарихини янгича нуқтаи назардан очиб бериш;

ҳозирги ўзбек насрида қисса жанри эволюцияси ҳамда ўзига хос поэтик изланишларни кўрсатиш;

ўзбек қиссаларида шахс, замонга хос ахлоқий омиллар ўрнини аниқлаш;

қисса табиатида рўй берган ўзгаришлар ҳамда унинг тараққиёт тамойилларини илмий тадқиқ этиш;

қиссанинг замонавий, детектив, биографик, ҳужжатли, тарихий кўринишларини қиёсий далиллаш;

XX асрда яратилган қиссаларнинг фалсафий, эстетик, психологик омилларини илмий-назарий жиҳатдан асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Абдулла Қодирийнинг “Обид кетмон”, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Одил Ёқубовнинг “Муқаддас”, Тоҳир Маликнинг “Алвидо... болалик”, Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили”, Ҳожиакбар Шайховнинг “Аждодлар хотираси”, Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили”, Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Галатепа қиссалари”, Неъмат Аминовнинг “Ёлғончи фаришталар”, Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом”, Назар Эшонқулнинг “Қора китоб”, Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик”, Исажон Султоннинг “Муножот” каби қиссалари; бадиий образ

ассоциациясини кузатиш мақсадида Хуршид Дўстмуҳаммаднинг ”Ёлғиз” , Шомирза Турдимовнинг “Мезон”, Шодикул Ҳамронинг ”Қора кун” асарлари танланди.

Тадқиқотнинг предметини ўзбек адабиётида қисса жанрига мансуб асарларни классификация қилиш, тараққиёт тамойилини аниқлаш ва тадқиқот доирасига қамраб олинган ўзбек қиссалари поэтик кўлами, тафаккур тарзидаги ижодий уйғунлик, умуминсоний қадриятлар муштараклиги ҳолатини ўрганиш ҳамда муаллиф адабий-эстетик қарашини ёритиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертациянинг ёзилишида қиёсий-типологик, биографик, психологик, структурал-семантик, герменевтик, статистик таҳлил усулларида фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

XX аср ўзбек қиссачилигида янги типдаги образлар системаси, янгича тасвир ва баён услуби, сюжет ва композиция қурилишидаги янгиланишлар далилланган;

қиссанинг тарихий, замонавий, биографик, ҳужжатли, сатирик, фантастик каби турлари ҳамда поэтик ифода усули янгилангани асарнинг структур-семиотик жиҳатларини ёритиш орқали илмий исботланган;

ўзбек қиссачилигида ботиний фожиа ва мағлубиятда шахснинг маънавий камолоти ҳамда зафари бадиий тажассум топанлиги очиқ берилган;

модерн қиссалар поэтикасида умуминсоний ғоялар талқини етакчилик қилаётгани, улардаги янги поэтик изланишлар ва жанрдаги тараққиёт тамойиллари ёритилган;

XX аср қиссаларидаги янги услуб, янги қаҳрамон, рамзий тимсоллар талқини қиёсий-типологик усулда ўрганилиши илмий-назарий асосланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбек адабиётида қисса жанрининг тараққиёт тамойиллари, уларнинг биографик, тарихий, сатирик, фантастик, замонавий, ҳужжатли каби турларининг моҳияти ёритилган;

қиссанавислар маҳорати-ю ҳаётга муносабатини баҳолаш бадиий матн негизидаги фалсафий умумлашма, концептуал теранликни аниқлашга имкон берган;

қисса поэтикаси метафорик образ ва тасвирлар билан янгиланаётгани ижодий ютуқ тарзида баҳоланиб, миллийлик ва умуминсонийлик ғоялари талқини ижодкор тафаккури маҳсули экани аниқланган;

бадиий тафаккурдаги янгиланишнинг жанр тараққиётига таъсири масаласи ҳамда поэтик маҳорат, ифодавий янгиланишлар қўлами кўрсатиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қисса жанри поэтик ифода йўсинида фольклор ва мумтоз анъана уйғунлиги кўрсатилгани, тадқиқ усулларининг илмий мақсадга йўналтирилгани, назарий манбалардан ўринли фойдаланилгани, қиёсий, структурал, семиотик таҳлилларга таянилгани, илмий хулосалар чиқарилгани билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти қисса жанри поэтикасига оид назарий қарашларни бойитиши, хусусан жанр тараққиёти масаласининг ўрганилиши қиссанинг ўзбек насри ривожига ўрнини белгилашга ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти диссертация хулосаларидан олий таълим тизимидаги бакалаврият, магистратура босқичлари учун “Адабиёт назарияси”, “Ҳозирги адабий жараён”, “Ўзбек адабий танқиди” фанлари бўйича дарслик ва ўқув қўлланмаларнинг янги авлодини яратиш, илмий маърузалар, махсус курс, семинарларда фойдаланиш мумкинлигида кўринади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари) масаласига доир олиб борилган илмий натижалар асосида:

халқ қиссаларидаги ижтимоий, маданий шароит, мумтоз асарлардаги образлар тизимида бадий, фалсафий хусусият, шарқона маданиятни англашда қаҳрамон этикодининг ўрни каби илмий хулосалардан “Ф 1-02 рақамли “Адабиётшунослик тарихининг фундаментал тадқиқи” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2088-сон маълумотномаси). Натижада миллий, маънавий мероснинг таркибий қисми бўлган халқ ва мумтоз қиссаларнинг адабиётимиз тарихидаги ўрни ёритилишига асос бўлган;

қисса жанрининг шаклланиш жараёни, туркий халқлар адабиётидаги образлар типологияси, шахс маънавий, эстетик моҳиятининг жаҳон адабиётидаги талқини, тарихий ва замонавий асарлардаги бадий образнинг поэтик хусусияти, қиссалар таснифи келтирилган илмий хулосалардан ФА-Ф1-Г 040 рақамли “Ўзбек адабиёти қиёсий адабиётшунослик аспектида: типология ва адабий таъсир” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2020 йил 16 июндаги 3-1255-1237-сон маълумотномаси). Натижада ўзбек қиссачилигида ботиний фожиа ва мағлубиятда шахснинг маънавий камолоти ҳамда зафари бадий тажассум топганлигига доир назарий хулосалар билан бойитилган;

янги услуб, янги қаҳрамон, рамзий тимсоллар талқини, тасвир усули яхлит монографик планда тадқиқ этилган илмий материаллардан А-1-118 рақамли “Навой образининг тасвир ва талқинларига оид ўқув қўлланмасини тайёрлаш ва нашр этиш” (2015-2017) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2088-сон маълумотномаси). Натижада янги қаҳрамон, тимсолларнинг қисса поэтикасида қўлланиши бўйича аниқ хулосага келинган;

қиссаларда қаҳрамон моҳияти борасидаги илмий хулосалардан А-1-61 рақамли “Кўриш имконияти чекланган талабалар учун тилшунослик фанлари бўйича аудиокитоб таъминотини яратиш” (2014-2016) мавзусидаги амалий лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 16 июндаги 89-03-2088-сон маълумотномаси). Натижада тил ва адабиёт фанини ўқитишнинг самараси оширилган;

ҳозирги қиссаларда қаҳрамон ва давр муносабати, поэтикадаги ўзгаришлар хусусидаги материаллардан “O‘zbekiston” телеканалида “Ассалом, Ўзбекистон”, “Тилга эътибор” кўрсатувлар сценарийларини тайёрлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2020 йил 24 февралдаги 102-9895-сонли маълумотномаси). Натижада телекўрсатувларнинг сифати ошиб, замонавий қиссаларнинг миллий маънавиятимизни бойитишдаги ўрнини кўрсатишга эришилган;

носирлар бадий маҳорати, асар структурасидаги анъанавий ҳамда модерн тасвирлар борасидаги муайян тушунчалар сингдирилган илмий маърузалардан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Наср ижодий кенгашининг йиллик ва истикболли режалари доирасида 2016, 2019 йиллардаги ҳисобот йиғилишларида фойдаланилган (Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг 2020 йил 20 февралдаги 01-03-292 сонли маълумотномаси). Натижада модерн қиссалар поэтикасидаги умуминсоний ғоялар талқин этилиб, улардаги янги поэтик изланишлар ва жанрдаги тараққиёт тамойиллари белгиланган;

туркий халқларнинг бой тарихи, умуминсоний фазилат талқинига доир хулосалар Ўзбекистон қозоқ миллий маданий марказида адабий алоқаларни мустаҳкамлашга татбиқ этилган (Ўзбекистон қозоқ миллий маданий марказининг 2020 йил 10 март маълумотномаси). Натижада ўзбек ва қозоқ халқларининг икки томонлама маданий, илмий муносабатларини чуқурлаштиришга эришилган;

қисса жанри генезиси, такомили, поэтикасидаги янгиланиш, асар структур, семиотик хусусияти кўрсатилиб, туркий халқлар маданияти, анъаналари уйғунлиги борасидаги маълумотлардан Туркия Отатурк

университети ўзбек адабиёти мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларда зарур билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш ҳамда такомиллаштириш учун фойдаланилган (Отатурк университетининг 2020 йил 28 февраль маълумотномаси). Натижада Отатурк университетида “Адабий жараён”, “Ҳозирги ўзбек қиссалари” каби курслар юзасидан дарслар ташкил қилиш, соҳага оид қўлланма ва услубий кўрсатмани ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишлар такомиллашган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 11 та, жумладан, 8 халқаро, 3 республика илмий-назарий ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси юзасидан жами 30 та илмий иш эълон қилинган бўлиб, шундан 1 та монография, 1 та услубий қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола босилган бўлиб, шулардан 13 таси республика, 1 таси чет элдаги журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, асосий тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган бўлиб, умумий ҳажми 249 бетдан иборат.

I БОБ. ҚИССА ЖАНРИНИНГ ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Қисса жанрининг шаклланиши

Адабиёт тарихида кўп янгиланишлар рўй берди. Бадиий ижодда маънавий, эстетик омилларнинг такомиллашуви янгича қарашларга замин яратди. Сўз санъати – бадиий адабиётнинг барча жанрларида оламу одамни тадқиқ этиш жараёни теранлашди. Истеъдоднинг кадрланиши, уларга ижод учун етарли шароит яратилиши, муҳими, ҳурфикрлилик имконининг туғилиши ижобий самарасини бермоқда. Юртбошимиз томонидан санъат ва адабиётга айрича эътибор берилиши ижод аҳлини янада илҳомлантирмоқда.

Сўз санъаткори бадиий адабиётнинг қайси турида асар яратмасин, нигоҳини умумбашарий муаммолар ечими, азалий қадриятлар талқинига қаратади. Хусусан, қисса жанрида воқеликни теран таҳлил қилиш, инсон руҳиятининг тубсиз ва қоронғу пучмоқларига назар ташлаш, ҳаёт моҳиятини англатишга эътибор кучайди. Қисса жанри табиатини кузатар эканмиз, унда образлар кўп қирралиги, конфликт ўткирлиги, психологик таҳлил чуқурлиги, бадиий-тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, мавзулар ранг-баранглиги кўзга ташланади. Қисса жанри шаклланиши, тараққиёт босқичини ўрганиш мазкур жанр ҳақидаги қарашларни янада мустаҳкамлайди.

Буюк қудрат соҳиби Аллоҳ таоло оламу одамга оид илм маҳзанини илоҳий китобда нозил қилган. Қуръондаги мўъжизалардан дунёнинг орифу уламолари ҳануз ҳайратланмоқда. Инсон яралишига доир хабар ихчам қисса шаклида Қуръон саҳифаларига жо бўлган. Унда одам ботину зоҳири аниқ, лўнда, теран ифода этилган. Макону замон тасвиридаги сирлилик замирида асрий синоатларга ишора муҳрланган. Ҳозирги тасаввурда мавжуд бўлмаган замон мезони ҳам Қуръон саҳифаларида илк бор намоён бўлган. Пайғамбарларнинг дунёга келиши, илоҳий муждаси само, уммон, тоғ, замин каби маконда рўй берган. Уларнинг турли манзилга сафари мобайнида расуллик ҳамда набийлик хислати, ақлу заковати, қувваи ҳофизаси намоён бўлади. Қисса негизида дин, тарих, фалсафа, психология, тиббиёт, география, мантиқ, санъат каби фанлар ибтидоси, жавҳарига нигоҳ ташланади. Қуръонда

“қисса” сўзи (Аъроф, Бақара, Намл, Нисо, Нух, Марям, Оли Имрон, Каҳф, Юсуф, Худ, Ғафур каби суралар таркибида қўлланилган) самовий кенгликдан заминий қатламгача, илк пайғамбар Одам Атодан сўнгги расул Муҳаммад алайҳиссаломгача, фонийдан боқийгача башарий кўлам, даражадаги муҳим воқеа, ҳодисотни илоҳий ахборот муштараклигида талқин этади.

Йиллар давомида бирор қавм ҳаётида бўшлиқ, фалокат рўй берганда, тўғри йўл, аниқ дастурга эҳтиёж туғилади. Улар орасидан танланган шахс тафаккурга янгилик, эркинлик, қалбга ҳаловат бахш этувчи олий низом кўрсатиши керак. Шу маънода бу қисмат эгаларига турли ёшда набийлик ё расуллик неъмат берилади. Улар бошлаган янги саодат йўлидан қавмлар доим бўйин товлаб, турфа мўъжиза, кароматни талаб этган. Азалий ва абадий рақиб – шайтон фитнасига мубталолар исёндан қайтмаганлар.

Қуръони Каримда инсоният тарихи уч сатҳда: мозий, бугун, келажак (ҳатто одамнинг яралишидан аввалги борлиқ ҳамда охириги маҳшаргоҳ) қамраб олинади. Илоҳий ҳикмат моҳияти ихчам, аммо залворли қиссалар қатига сингдирилади. Илк яралишдаги муддао (Аллоҳга ошиқлик) ни уқиш маъносида қиссалар ойинаи олам янглиғ инсониятга илму ғарибадан дарак беради.

Фаришта (илоҳий нур), руҳ ҳамда вужуд (нутфа) борасидаги илми аввалда арши аъло, курраи замин макони қамраб олинади. Қуръондаги шаръий аҳком билан қиссаларнинг уйғунлигида инсонга юборилган синовга ишора кузатилади. Бу қиссалар маълум сурада изчил, айрим оятларда жамланиб, муайян пайғамбар фазли, кароматидан бохабар этади. Фақат ”Юсуф” сурасида пайғамбар қисмати яхлит тарзда тизимли қамраб олинади.

“Бақара” сурасида Одам алайҳиссалом ҳамда Момо Ҳаввонинг жаннат саодати, иблис найранги синоати замирида илк бор имон ва куфр зиддиятига урғу берилади. Суранинг маълум ўрнида муқаддас фаришта, ожиз инсон, маккор шайтон – уч яратикнинг моҳияти теран мантиқ асосида уқтириб борилади.

“Оли Имрон” сурасидаги Имрон (а.с), Марям, Исо (а.с) лар қиссасида чақалоқнинг дунёга келиш мўъжизаси асосий йўналишни белгилайди. Исо (а.с)нинг таваллуди, гўдакнинг тилга кириб пок, афифа онаси Марямни маломатдан асрагани инсониятга аниқ, тугал далил тарзида келтирилади. Унинг ўликларни тирилтириб, ҳаётдаги амали ҳисобини ошкор айлаши ғофилларни огоҳликка ундайди. Исо (а.с.)нинг осмонга кўтарилиши, белгиланган вақтда Дажжолни мағлуб этишида муаммоли вазиятга ечим берилади. Реал макон, замонда содир бўлган бу мислсиз мўъжизага асрий эътирозни тўхтатиш борасида таъкид оҳанги кучаяди.

“Нисо” сурасида пайғамбарлар ҳақидаги қиссалар эслатилиб, эътиборли жиҳати алоҳида айтилади. Бунда икки хил ёндашув кузатилади. Кенг маънода дунёга 124 минг пайғамбар келгани, 313 таси расул (китоб ё саҳифа туширилган), қолгани набий (китобсиз) бўлгани эслатилади. Қуръонда 25 пайғамбар тарихи қисса шаклида суралар моҳиятига сингдириб борилади.

Тор маънода Нух (а.с), Иброҳим (а.с), Исмоил (а.с), Исҳоқ (а.с), Яъқуб (а.с) ва унинг авлоди, Исо (а.с), Айюб (а.с), Юнус (а.с), Ҳорун (а.с) Сулаймон (а.с)га ваҳий юборилгани, Довуд (а.с)га Забур китоби берилгани ҳақидаги илоҳий дарак назарда тутилади. Нух тўфониға сабаб бўлган омиллар, дунёга тарқаган насллар тақдирига нигоҳ ташланади. Биёбонда сувсаган гўдак Исмоил (а.с) учун замзам сувининг пайдо бўлиши, Иброҳим (а.с) нинг Каъбани бино этиши, қурбонлик синовидан ота ўғилнинг хайрли ўтишида имон қуввати намоён бўлади.

Мусо (а.с) нинг Мисрдаги Тур тоғида Яратган билан ёлғиз (элчи фаришта воситасисиз) илоҳий мулоқоти ёдга олиниб, унда тажалли, муножот, хос ишқ, ошиқ банданинг маъшук Аллоҳга ихлосу эътиқодига урғу берилади.

”Аъроф” сурасининг 176-оятида ҳам турли кишилар синоати ёдга олинади:

“Бу ўша охирги оятларимизни ёлғонга чиқарган қавм кишиларининг мисолидур. Бу қиссаларни уларга айтиб беринг, шояд тафаккур қилсалар”⁶.

Сурада Нух (а.с), Ҳуд (а.с), Солиҳ (а.с), Лут (а.с), Шуайб (а.с), Мусо (а.с)лар қавмининг мўъжизалар талаб қилгани ҳолда Аллоҳга имон келтиришдан бўйин товлагани эслатилади. Турли давр пайғамбарларига осийлар сув, шамол, бўрон, булут, қичкирик, тўфон каби табиий офатга мубтало бўлса-да, исёнда давомийлиги таъкидланади. Инсониятни огоҳ этиш, ҳидоятга чорлаш мақсадидаги қиссалар замирида ҳақиқат теранлашади. Кўп оятлар таркибидаги англамайди, эшитмайди, кўрмайди, тафаккур қилмайди каби мулоҳаза серқатлам маъно касб этиб, ҳидоятга шафоатдан маҳрумлик, бенасибликка ишора этади. Мазкур ҳолат куфр, ботилдан қайтиш, яралишдан мақсад нелигини уқиш, фоний дунёга ҳирсдан воз кечишга ундайди.

Маълумки, Қуръони Каримда қадимий шаҳар, давлат номи учраб, улардан баъзилари вақт ўтиши билан ўзгаргани тарих илмидан аён. Миср, Макка, Мадина, Шом, Ироқ, Саудия, Шом, Қуддус, Рум каби давлат ҳудудидаги воқеалар илк ахлоқий, диний, ижтимоий муносабатдан баҳс боғлайди. Улар орасида ҳалокат боис умуман қурраи заминдан йўқ бўлгани талайгина. Ҳануз археология, тарих, этимология соҳасида тугал илмий ҳулоса берилмаган. Бу маскан ўрни, иқлими асрлар давомида алмашиб борган. Нух (а.с) қавмидаги итоатлилар билан олти ой мобайнида денгизда сузиб, сўнг қуруқликка муяссар бўлади. Лут (а.с) қавми баччабозлик илллатидан воз кечмагани боис қиздирилган лой қотишмасидан таркибланган тош билан бомдод вақтида жазоланади. Жаброил фаришта томонидан Мадян юртига азоб тоши ёғдирилади. Солиҳ (а.с) қавми мўъжизали туяни сўйгани боис уч кун ичида ҳалокатга йўлиқиб, қичкирик овозидан уйларида мурдага айланади. Жазо вақти, даражаси ҳамда муддатида тафовут кузатилади. Қуръонда бу ҳодисалар аксаран намоз вақти: бомдод, шом, хуфтонда рўй бергани билан шарҳланади. Умуман бирор муҳим воқеага нисбат берилганда намоз вақти мезон қилиб танлангани аёнлашади. Фаришталар ҳақидаги

⁶ Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири –Т.:Sano standart, 2019 – Б.173

илохий хабарга кўра, бош элчи мақомида Жаброил, сўнг Микоил, Азроил, Исрофиллар номи келтирилгани равшанлашади.

Адабиётшунос А.Қозихўжаев : ”Ҳар бир “қисса” марказида аниқ бир шахс ҳаёт йўли (сюжети) туриши, барча воқеалар (сюжет линиялари) шу шахс атрофида кечиши ва бевосита унга келиб боғланиши; бутун “қисса” ягона бир мазмун, жумла-концепцияга қурилиши” ни қайд этади”⁷.

Қуръони Каримда “Юсуф” сураси гўзал сура дея таърифланганини 3-оят билан қувватлаймиз: “Биз Сизга ушбу Қуръон (сурасини) ваҳий қилишимиз билан бирга гўзал қиссани айтиб берурмиз. Сиз эса (эй, Муҳаммад) ундан(ваҳийдан) олдин беҳабарлардан эдингиз”⁸.

Аллоҳ таолонинг тенгсиз қудратини англаш учун курраи замин, самовоту набототга нигоҳ ташланса бас. Мазкур сурада гўзал сифати назаримизда илохий ҳамда мажозий ишқ талқинида аёнлашиб боради. Яратгувчи Юсуф (а.с)га ботиний ва зоҳирий чиройни насиб этади. Зоҳирий хусн аёлларни макрга бошлайди. Сийратдаги ҳаё Юсуф(а.с)ни гуноҳдан асрайди. У Аллоҳдан уялгани боис зинодан ҳазар қилади. Кейинги босқич ота ва фарзанд, биродар муҳаббатида ҳасад ҳамда садоқат муқояса этилади. Яъқуб(а.с)нинг 12 та ўғли бўлиб, Юсуф(а.с) ўн биринчиси эди. Ота тўғриси, ақлу заковатли, ахлоқли Юсуфни пайғамбар бўлмасдан аввал ҳам қадрлаган. Акалар қаҳри, адовати сабабидан ука қудуқ, сўнг зиндонда азобланади. Учинчи босқичда аёл (Зулайҳо) ва эркак (Юсуф) муҳаббатида макр, жазо, айрилиқ, висол мотиви етакчилик қилади. Бунда аёл феълидаги фаҳш илллатига эркак имони, ғурури контраст қўйилади. Муҳими, тизимда кишининг юксалиш, покланиш жараёни мажозий рамзий моҳият касб этади. Бу рукнда кейинчалик Рабғузий, Жомий, Фузулийнинг асарлари яратилгани муҳаббат туйғусининг боқий қувватини мустаҳкамлайди.

⁷ Қозихўжаев. А.Қисса жанри хусусида. XX аср ўзбек адабиёти масалалари –Т.:Фан , 2012 –Б.206

⁸ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири –Т.:Sano standart, 2019 –Б. 235

Сураинг 7 - оятидаги ҳикматга эътибор берайлик: “Ҳақиқатан, Юсуф ва унинг биродарлари (қисса)сида сўровчилар учун аломатлар бордир”⁹.

Юсуф (а.с)га туш таъвили (изоҳи) орқали ғайб саодати башорат этилган. Яъқуб (а.с) ҳам буни тинглагач, ўғлига ниҳон сақлашни тайинлайди. Шу маънода тилсим, аломатга эътибор қаратамиз. Сурада тўртта туш таъбири ҳикмати берилади. Юсуф болалигидаги илк тушда 11 юлдуз, қуёш, ой - самовий неъматлар орқали илоҳий лутфга ишора берилади. Мазкур тушунчалар мажозий моҳият касб этиб, ота ,она қуёш ҳамда ойга , юлдуз ўн бир биродарга нисбат тарзида талқин қилинади. Зиндонда Юсуф (а.с)га ҳамроҳ соқийнинг тушида май қуйгани хушида озодлик билан алмашади. Новвой асирнинг тушида ризқини қушларга берилгани дорга осилиш билан яқунланади. Сўнгги туш шоҳ томонидан кўрилади. Унда 7 та озғин сигирнинг 7 та семиз сигирни егани, 7 та яшил ҳамда 7 та қуриган бошоқнинг таъбири муаммо бўлади. Буни фақат 7 йиллик тутқун Юсуф (а.с) изоҳлайди: 7 йил зироат қилиниб, бошоғи омборда сақланади, кейин 7 йил қаҳатчиликда захирадан фойдаланилади. Бир йил келиб ёмғир сероб бўлганда мевадан шарбат олинади. Илоҳий ҳикматнинг тушдаги таъвили бу мотивнинг синоатга таҳайюлий мезонда ёндашишга имкон яратганидан дарак беради.

Сурада башариятга ҳар нарса маҳзанини чуқур идрок этиш, ҳаёт қонуниятини теран англаш, вақт ва макон мувозанатини нозик кузатиш таъкидланиб, майда заррадан йирик оламгача аниқ низом доирасига мослашгани, бўйсунгани талқин этилади. Қиссада қаҳрамон ва қавм тақдирига туш орқали ишора берилиши, тилсимлар асрорини англаш ҳикматига эришилиши идрок қилинади.

“Қаҳф” сурасида эса вақт мезонидаги сирлилик, ғайритабиийлик, ҳидоятга ноиллик масаласи ёритилади. “Қаҳф” сўзи ғор маъносини англатиб, унда золим Дақёнусдан яширинган йигитлар, уларга ҳамроҳ ит сабри эслатилади. Уларнинг маълум (300 йил) муддат уйқуга кетиши жаҳолатдан омон қолиши, кейинги авлодга рўбарў келишига туртки бўлади. Асрий вақт

⁹ Ўша манба –Б.236.

тушунчаси уйқу қолипида қамраб олинисида илоҳий каромат бўй кўрсатади. Бу қиссада инсонга содиқ жонзот ҳам борлиқнинг зарраси бўлиб, саодат манзилига ошиқиши аёнлашади.

Қуръонда ғор ибодатгоҳ маъносида қўлланиши Солиҳ (а.с), Мусо (а.с), Муҳаммад (а.с)нинг ёлғизликда Яратган билан руҳий мулоқотга киришишида маълум бўлади. Бунда руҳий юксалиш, тозариш, хузурга эришишга ноил бўлинади. Энг маҳзун ва масрур ҳолатда Парвардигорга илтижо қилиш ботиндаги буюк муҳаббатни изҳор айлашдир. Танҳо ожиз инсоннинг қудратли Зотга тавалло айлашида зарранинг ўз Эгаси ҳузурига ошиқиши тажассумини топади.

Сура таркибида асҳобул қаҳф, Мусо(а.с) ва Хизр (а.с), Зулқарнайн саргузашти берилиб, улар яшаган замону манзиллар аро узвийлик кузатилмайди. Бирида подшо ва йигитлар контрасти, кейингисида Мусо ва Хизр дунёқарашидаги тафовут устунлик қилади. Хизр табиатидаги сайёҳлик, барҳаётлик, ҳожатбарорлик сифатида ҳам илоҳий маърифат англашилади. Искандарда зоҳирий қувват, адолат, ирода нафс тимсоли яъжуж-маъжужни мағлуб этади. Ғор, йўл, девор мотиви рамзий моҳият касб этиб, қиссалар маъно қатламини қолиплаб боради.

“Марям” сурасининг 2-ояти бундай келтирилади: “Эй, Муҳаммад! Бу раббингиз Ўз бандаси Закариёга қилган марҳаматининг зикри (қисса) дир”.¹⁰

Инсониятнинг фарзанд кўриш борасидаги ихтилофига далил тарзида келган оятда кекса Закариё (а.с) уч кунлик (соқов) ҳолатидан туғилажак гўдаги сирини англайди. Бундай неъмат нуроний Иброҳим (а.с)га ҳам насиб этилган. Ҳаётда насл қолдириш ёш билан боғлиқ эмаслиги пайғамбарлар қисмати билан исботланади.

Марям сурасининг 51-ояти бундай: “Эй, Муҳаммад. (Китоб) Қуръонда Мусо қиссасини ёд этинг! Дарҳақиқат, танлаб олинган элчи-пайғамбар эди”¹¹.

¹⁰ Ўша манба. -Б.305.

¹¹ Ўша манба. -Б.308.

Миср юртидаги зулматга ёғду бўлган Мусо гўдаклигидан тирик қолиб, душман саройида хатарсиз вояга етади. У кофир Фиръавнга қарши курашар экан, қавм томонидан талаб этилган мўъжизани тақдим этади. Аммо ғафлатга мубтало ноқислар ҳидоятни англамайди. Мусо (а.с) асоси билан дарёдан йўл очиб, хотиржам ўтади. Фиръавн лашкари билан дарё ўртасига келганда йўл ёпилиб, барчаси ғарқ бўлади. Бу қиссани эсда тутиш ҳақни ботилдан ажратишга даъват этади. Дарё гўдакни асраб маликага тақдим этиш лавҳасида эзгулик сифатида кўринса, Фиръавнни ўз қаърига тортишида акс хоссаси юзага чиқади. Аслида инсондаги тоза, шаффофликни сув ҳам ажрата олади. Шу маънода табиат унсурларининг инсониятга таъсири икки хил аспектда кўринади.

Қиссаларда Исмоил (а.с), Мусо (а.с), Исо (а.с)ларнинг чақалоқ, гўдакликда илк синоат (сахро, дарё, биёбон) дан ўтиши, оналарнинг ҳам қавм, элат олдида сабру қаноатини намоён этиши кўрсатилади. Бу қаҳрамонларга ҳаётининг илк давридан Яратган инояти кўрсатилиши (биргина зам зам сувини эсланг) жами инсонни тафаккур юритишга, раҳмату саховатни ҳис этиб, синов ажрини идрок айлаш имконини беради.

Дунё яралгандан буён ерга халифа, элчи бўлиб танланган шахслар маълум қавмга пайғамбарлик қилганлар. Фақат сўнгги расул Муҳаммад (а.с) бутун инсониятга қиёматга қадар пайғамбар этиб тайинланган. Қуръони Карим муфассал илоҳий китоб бўлиб, охиратгача одамзот учун бош, асосий Калом бўлиб қолади. Бунда Жаброил (а.с) ваҳий орқали Муҳаммад (а.с)га азалу абад илми, яъни ўтмиш - ҳозир - келажак воқелигидан таълим берганлар.

Қуръондаги Илм бу ундаги Қиссалар ва ғайб хабарлари, Ҳикмат эса ақоид ва шаръий ҳукмлардир (Намл сураси, 6- оят)¹².

Мазкур оят қисса Қуръоннинг таркибий қисми эканини тасдиқлайди. Уларнинг илми илоҳийдаги ўрни, вазифаси муҳимлиги, ҳар бир пайғамбар маънавияти, иқтидори ила ўша замону макон, қавмлар ижтимоий, ахлоқий

¹² Ўша манба. -Б.377.

даражасига таъсир кўрсатгани маълум бўлади. Пайғамбар ҳаётининг асосий даври, босқичи алоҳида эътироф этилиб, муҳит, шароит, синов усули ўзгаргани кузатилади.

Қуръондаги 28-сура номи “Қасас”, яъни “Қисса” деб номланади .

Кўринадикки, қисса сўзи фақат суралар таркибида эмас, алоҳида ном тарзида ҳам берилган. Бу назаримизда, унинг салмоғи, даражаси, манфаатига ишора бўлиб, инсоният яралишидан охирига қадар бўлган тилсиму синоатлар моҳиятини жамлагани билан таърифланади. Унда бир ё ундан кўп инсон қисмати турли макону замон ўлчовида тақдим этилади. Қуръонда илоҳий мулоқот Яратганнинг сўнгги элчисига йўналтирилгани, жами умматга аввалу охир борасидаги ҳукм қиссалар моҳиятида жо бўлгани аёнлашади. Муҳими, бу қиссалар Муҳаммад пайғамбарга мозий ва келажак сарҳади қамровида босқичма-босқич ваҳий орқали маълум қилинади.

Қуръони Каримда Муҳаммад (а.с)га улардан аввалги пайғамбарлар қиссаси батафсил, такрор келтирилишидан мақсад ҳалокатдан огоҳ этишдир. Хусусан, Одам (а.с) Нух(а.с), Лут (а.с), Мусо (а.с), Исо (а.с), Яъқуб(а.с), Юсуф (а.с), Иброҳим (а.с), Юнус (а.с), Солиҳ (а.с), Сулаймон (а.с), Айюб (а.с), Шуайб (а.с), Худ (а.с)лар ҳаётига доир маълумотлар кўп, қайта берилишида айрим жиҳати тўлдириб борилади.

Имрон (а.с), Закариё (а.с), Исҳоқ (а.с), Идрис (а.с) , Ҳорун (а.с), Яҳё (а.с) лар ҳаётига оид ҳолатлар нисбатан кам берилган. Улар авлодидаги давомийлик, маълум вазиятга аниқлик киритиш, эслатма бериш шаклида ҳам оз ўринда кўринади.

Қиссалар бир жумлада ҳам, батафсил ҳам ифодаланади. Баъзи набий, расуллар тақдирига доир илоҳий маълумотлар бир неча суралар таркибида кузатилса, Юсуф пайғамбар борасидаги воқелик шу номли сурада яхлит ҳолда нозил қилингани маълум бўлади. Қуръон саҳифаларида пайғамбарлар қиссаси теграсида маълуму номаълум миллату элатлар тарихи жамланиб боради. Вақт ҳамда макон тушунчаси кенг бўлиб, улар мезони борасида аниқ тўхтамга келиш душвор. Жаннат ва жаҳаннам макони, Арши аъло ҳудуди,

Меърож, Қадр кечаларидаги тилсимот ҳануз инсон тафаккури учун нихон қолмоқда. Ғайб ҳикматлари замиридаги аниқлик ҳам эътиборни тортади. Қуръонда ой сўзи 12 марта, кун сўзи 365 марта, дунё сўзи 115, охират сўзи 115 марта, имон сўзи 17, куфр сўзи 17 марта, фаришта сўзи 88, шайтон сўзи 88 марта қўлланиши илоҳий қонуниятдаги қатъий тизимдан бохабар айлайди.

Сураларда пайғамбарларнинг даъват йўлидаги машаққати, ҳалокатга учраган қавмлар фожиасидан бохабар этилади. Қаҳрамон тушунчаси набийлар реал ҳаёти, маслағи, ирода, сабрини ҳолату имтиҳонда умумлаштиради. Муҳими, илк бор қисса Қуръони Карим таркибида қўлланиб, пайғамбарлар қисматида илоҳий ахборот бергани билан аҳамиятлидир.

Шу маънода адабиётшунос А. Қозихўжаевнинг: ” Қиссанинг бу олий кўриниши барча замон қиссалари учун намуна вазифасини ўташи мумкин. Инсон бадий тафаккури илоҳий манбадан озикланади. Инсонга ато этилган илоҳий илҳом уни илоҳий ҳақиқатлар сари етаклайди. Қисса жанри спецификасига назар ташлар эканмиз, айнан илоҳий моҳиятга яқинлашиб келган қиссалар жанрнинг ёрқин намунаси сифатида кўзга ташланишини кузатамиз,”-эътирофи эътиборга молик¹³.

“Қисса” атамаси арабча сўз бўлиб, луғавий маъносига кўра “саргузашт”, “ҳикоят” дея англашилади. У адабий, тарихий жараёнда такомиллашиб борди. Асрлар давомида инсон моҳиятини англаш, ижтимоий, психологик омилни аниқлашга қизиқиш ортиб борди. Одамзот, ҳайвонот, наботот учлигида дунёнинг азалу абад ақоиди ифодаланиб турди.

Маълумки, қадимда одамлар, асосан, давра-давра бўлиб бахши дostonларини, қиссахонларнинг Рустаму Достон, Иброҳим Адҳам, Або Муслим ҳақидаги саргузаштларини тинглаганлар. Халқ борки, унинг оғзаки ижоди бор. Мазкур ижод намуналари юксак ғоявийлиги, чуқур халқчиллиги билан эътиборга молик. Унинг боқий анъаналари халқ қиссаларида ҳам давом эттирилади. Фольклор борки, қисса, достон, эртак сингари жанр ва турлар мавжуд. Ҳар бир қисса асосида тарихий ҳақиқат мавжуд бўлиб,

¹³ Қозихўжаев А. Қисса жанри хусусида. XX аср ўзбек адабиёти масалалари –Т.:Фан, 2012 –Б.208.

миллат истеъдоди, тахайюли эвазига тўйиниб бориши, одамнинг набототу ҳайвонот билан уйғунлиги ниҳон воқеаларга сабаб этилиши белгилаб ўтилади.

Қуръоний маълумот асосида яратилган “Искандар Зулқарнайн”, “Юсуф ва Зулайҳо” номли қиссаларда мазмуний қатлам ўзгаргани, дунёвий моҳият етакчилиқ қилгани маълум бўлади. Бунда қаҳрамон ижтимоий муҳитда фаоллашиб, кишилар орзу, майлини рўёбга чиқаришда ўрнатилган саналади. Унинг ҳаёт йўли, қалб кечинмаси, ҳаракатлари ибратли қаҳрамон борасидаги қарашни мустаҳкамлайди. Халқ қиссаларида бадий образ мундарижаси паҳлавон, дарвеш, зоҳид каби қаҳрамонлар билан бойиб боради. Идеаллашган қаҳрамон халқ тасаввури, ҳаётларидаги қудратли, кучли, матонатли кишининг умумлашмаси тарзида юзага келади. Образ тафсилоти батафсил келтирилиб, эртак, афсона йўсинидаги усулни ёдга солади. Мазкур қиссаларда бўрттириш, сифатлаш, ҳаётга эрк бериш тамойили кўзга ташланади.

Халқ қиссаларида кишиларнинг ҳаётга муносабати, ижтимоий турмуш тарзи содда, аниқ тасвирланган. Имонли, сабрли донишманд шахслар номи фахрланиб тилга олинган. Бу асарларда маълуму машҳур воқеалар тасвирланиб, қаҳрамон фаолияти ижтимоий тараққиёт қонунлари билан боғлиқ ҳолда ёритиб борилган. Ватанга муҳаббат, дўстлик, инсонпарварлик ғоялари улуғланиб, меҳр-муҳаббат тараннум этилган, энг яхши фазилатларни мужассамлаштирган халқ қаҳрамонлари мадҳ этилган. Бирор шахс фаолияти ё халқ қаҳрамони номи билан боғлиқ воқеалар ихчам сюжетли бўлиб, уларда ижтимоий, тарихий шароит бадий ифодасини топган. Элпарвар ва адолатли, иродаси мустаҳкам қаҳрамон шу тариқа халқ орзу қилган кучнинг рамзий ифодасига айланган. Бош қаҳрамон саргузашти машҳур сюжетларни шакллантирган.

Халқ қиссаларини сақлаб, китоб ҳолатига келтиришда баён усули етакчилиқ қилган. Уларда асосан мажозий ишқ етакчи бўлиб, қаҳрамонлар муносабатида чигал вазиятлар, ўзга кишилар таъсири уйғунлашиб борган.

Асар тили содда, макон ва замон борасида гоҳ тарихий жой, гоҳ хаёлий манзил киритилган. Эпик воқелик кўҳна дунёқараш негизида ташкилланиб, кавму элатлар орасидаги муносабатларни ёритиб борган.

Халқ қиссалари элнинг метин иродаси, келажакка бўлган қатъий ишончи, ҳақиқат ва садоқат борасидаги тасаввурининг инъикосидир. Халқ тасаввури асосида умумлашган, идеаллашган қаҳрамонлар юрт тинчлиги, этник бирлик, миллий ўзлик йўлида ҳаракат қилган. Баҳодир сиймосида элнинг орзу-истаги, мақсад-интилиши мужассамлашган. Даврга хос урф-одат, анъана муштараклиги тарих, санъат, маданият, миллий тил жозибасини бир нуқтада жамлаган. Қисса услуби, мавзу –мундарижаси, ҳажми поэтик баёнини белгилаб берган. Мураккаб воқеа– ҳодиса, турли характер силсиласи, ижтимоий-сиёсий кураш, қомусий солномани вужудга келтирган.

Рамзийлик, бўёқдорлик, сирлилиқ халқ оғзаки ижоди намуналарига хос асосий хусусият. Муболаға, сифатлаш поэтик тафаккурни бойитиб, тўлдириб борган. Халқ қиссаларида пирлар, кароматгўйлар қаҳрамон ҳаётининг маълум босқичида уларга мадад, кўмак берган. Бу образлар эл тинчи, осойишталигини асраётган кишилар келажакдан умидвор бўлиб, уларни ғалабага руҳлантирган. Қиссалар композициясида қадимий тасаввур, тушунчалар билан боғлиқ ҳолат, вазиятлар ранг- баранглиги, образлилиги фикрнинг ёрқин, таъсирчанлигини оширган.

Қаҳрамонлик қиссалари тарих фани, тарихшунослиқ таркибида ривож топган. Чингиз ва унинг авлодлари, Темур ва темурийзодалар ҳақидаги оғзаки маълумотлар сараланиб, кейинчалик машҳур саркарда-ю қаҳрамон, авлиёсифат, дарвешнамо сиймолар ҳақида халқ қиссалари пайдо бўлган. “Темурнома” асарида идеаллашган қаҳрамон шахси асосий маънони юзага чиқарган. Соҳибқирон мақомидаги инсонга пирлар мадад бериб, доим уни қувватлаган. Қаҳрамоннинг зафар қозонишида каромат, дуолар қилиниб, элпарвар йигитнинг мардлиги мадҳ этилган. Бу қиссаларда шахснинг жисмоний қудрати, бошқарув салоҳияти, ҳарбий сиёсатига урғу берилиб, алплик тизими такомиллашиб борган.

Асарлар пухта ғоявийлиги, чуқур халқчиллиги билан эътиборга молик. “Темурнома”, “Шоҳ Машраб” сингари асарлар-халқ мулки, маънавий-рухий манбаи. Бунда анъана-ю кадрият бир нуктада бирлашади, миллий ўзлик талқин қилинади. Инсон руҳиятига она сути, алласи билан сингувчи олий туйғу- ватани, оиласига садоқат аслида ирсиятдан ўтади. Ботин баданда тинмай айланаётган қон, насл жавҳари ген асос, негиз саналади. Шу боис асл инсон киндик қон тўкилган юртни баридан улуғ санайди. Қиссада ҳам қаҳрамон миллат ишончини ифодаловчи идеал шахс тарзида талқин этилади.

Мазкур қиссалар кўпинча “нома” сўзи билан (жангнома, саргузаштнома сингари) қўшиб айтилган. Улар ёзма адабиётга ҳам, оғзаки ижодга ҳам мўл материал берган. Панднома руҳидаги битикларда ватанга садоқат туйғуси етакчи мавқени эгаллаган. Муайян мавзу ифодасида содда, батафсил мулоҳаза билдирилиб, қаҳрамонни динамик тасвирлашга кам эътибор қаратилган. Асарда учрайдиган шахслар бадий образ даражасига кўтарилмаган, сюжет, композиция каби компонентлар тўла шаклланмаган, яхлит структура кузатилмаган.

Мумтоз адабиётнинг “Қисаси Рабғузий” асари Қуръон, Ҳадис ва бошқа манбадаги сюжетлар асосида яратилган. Мазкур асардаги қиссалар тарихийлик нуктаи назаридан эътиборга молик ёзма адабий ёдгорлик саналади. Зеро, асарда олам ва одам ҳақидаги фалсафий, эстетик қарашлар теран ифодаланган. “Қисаси Рабғузий”да оламнинг яралиши, табиат ва жамият ҳодисалари, инсоний муносабатлар борасида фикр юритилади. Асарда 72 та қисса мавжуд бўлиб, мавзу доирасига кўра фарқланиб боради. Муаллиф Қуръондаги суралар номланишидан ибрат олиб, набийлар исми билан бир тизимда маскан, китоб, жонзот номини қиссаларга бириктириб, “Каъба қиссаси”, “Таврот қиссаси”, “Чумоли қиссаси” дея ташкиллаштиради.

Оламдаги бутун мавжудот эгаси бўлган Аллоҳни улуғлаш, пайғамбарлар ҳаётининг маълум лавҳаларини ёритиш, ота-она ва фарзанд муносабатини кўрсатиш, эрк ва адолат, тинчлик ва осудаликни қадрлаш каби

диний, маърифий дунёқараш поэтик ифодани бойитади. Асардаги жой, қавмлар номи муқаддас манбадагига мувофиқ берилишига ҳаракат қилинади.

Асар ибтидосида осмон ва ер макони яралиши, сифати, самовий ҳамда заминий жисмлар хоссасига доир лавҳалар берилади. Композицион сатҳда савол жавоб усулида диний мотив киритилиб, исёнкор иблис ва итоаткор фаришта аро контраст тасвир шарҳланади. Бунда саволга асрор бирикиб, жавоб қисмида сабаби, ечими тақдим этилади. Муаллиф Одам (а.с) қиссаси бўлимини оят, ҳадис, ривоят, ҳикматлар асосида ташкиллаштириб, ўрни билан муфассир, шайхлар қарашларига мурожаат этади. Ривоятда тарихийлик тамойили (инсон яралиши), маълум удумнинг ибтидоси (қурбонлик қилиш)га ишора берилади.

Ҳикоятда пайғамбар хислати, мўъжизаси ((Исо (а.с) нинг марҳумларни тирилтириши), эртак анъанаси (бор эмиш, бўлган экан) поэтик мазмунни бойитади. Ҳикматда донишлик, закийлик, сирлилиқ усули етакчилиқ қилади. Хабар, ҳукм, нуқта, фойда каби кичик бўлақлар кўрилган масалани умумлаштириш, таққослаш мақсадида киритилади. Хабарда инсон тийнатиининг муҳим қирраси ёритилиб, содир бўлган ё бўлажак воқеалардан бохабар этилади. Ҳукм қисмида қавмга юборилган мукофот ё ҳалокат бобидаги амрдан тўғри хулоса чиқариш эслатилади. Фойда ўғит, насиҳат тарзида келтирилиб, гуноҳдан тийилиш, тавба қилиш, Яратганга таваккал қилиш бобидаги илоҳий ҳақиқатни тасдиқлайди. Кейинги бўлимларда Одам (а.с) зурриётлари Нух (а.с), Мусо (а.с), Исо (а.с), Муҳаммад(а.с) га хос фазилят, кароматлар фоний дунё синоати, имон ҳамда куфр тафовути борасидаги мушоҳадалар савол жавоб, ривоят, ҳикоятлар билан қувватланади. Қиссаларда Иблис найранги, фитнаси боис бут, хамр, зино иллатининг одамни тубанликка етаклаши асосланади. Исмоил (а.с) қиссасидан сўнг инсон тийнатидаги жавонмардлиқ фазилати бўлими тузилишида ўзгариш сезилади. Муаллиф кириш сўзда ҳайрат, таажжубини намоён этиб, ўхшатиш санъати воситасида қаҳрамон портретига чизги тортади. Сўнг адиб ота, она,

Ўғилнинг олий имтиҳондан шараф билан ўтганини мадҳ этиб, қарашларини хулосалайди.

Юсуф (а.с) қиссаси таркибида латифа, яъни нозик маъноли кичик ҳикоялар учрайди. Унда бурж, ой, юлдуз тасвирида метафорик уйғунлик ҳосил қилиниб, ота, аёллар, биродарлар образига ишора қилинади.

Туркий халқлар Наврўз айёмида табиатдаги уйғониш, яшариш ҳолатидан завқланиб, асрлар силсиласида уни дўстлик, оқибат, мурувват ришталарини мустаҳкамловчи қадрият тарзида эъзозлаганлар. Ижодкор умр манзараларига табиатдаги фасл хоссаларини параллел ифодалашга интилади.

Латифада контраст лавҳа дуо қилиш жараёнида аёнлашади. Инсон азиз ё хор, озод ё қул, бой ё қашшоқ бўлиб, қисмат битигига разм солиши, идрок этиши эслатилади. Адиб ёритилаётган масалани муфассал тақдим этиш мақсадида савол жавоб, танбеҳларни киритиб, диний, ахлоқий муносабатни мустаҳкамлайди.

Асарда муҳаббат тушунчаси мажозийдан илоҳийга, фонийдан боқийга эврилиб, икки хил эътиқод кишиларининг ёндашувини далиллайди. Аллоҳдан ҳаё қилган, уялган хушсурат Юсуф (а.с) нафс сиртмоғига илинмай, чин гўзаллик борасидаги сулуқини мантиқ доирасида англатади. Гуноҳ даражасини, ҳисобини марҳумлик диёридаги абадий ҳақиқат тарозисида баҳолайди. Ошиқ Юсуф (а.с) Яратганга пок, соф қалби билан эришишини уққани боис иблис фитнаси, аёл макридан баланд туради. Кексаликдаги висол Зулайҳонинг имон келтиришига туртки бўлади. Инсон руҳиятидаги тазарру тавбага ҳозирлайди. Асарда Қуръондаги оятлар бош мазмунни ифодаллагани, қолган поэтик бирликлар маъновий қатламни бойитгани англашилади.

Асарда “Юсуф а.с қамчининг учини оғзига тутганида Зулайҳо бир оҳ уриб, оғзидан ўт чиқиб, қамчи эриб, оқиб кетгани”, ”Худ қавмидан Халхон полвоннинг шамол билан курашгани”, ”Қушларнинг сандикдаги Намрудни кўкка кўтаргани” каби муболағавий тасвирлар учрайди.

Асарда фаришта инсонни саодатга бошловчи, илоҳий мужда келтирувчи, залолатдан огоҳ этувчи мақомида тасвирланади. Шайтон эса инсонни тинимсиз васвасага солиши, нафс сиртмоғига бўйсундиришга интилиши, турли қавму элатлар орасига нифок, ҳасад уруғини сочиши баён қилинади. Инсоннинг эзгулигу ёвузлик сарҳадларида синоатдан ўтиш жараёни қиссалар негизида уқиб борилади.

Асарда воқеа баёнига атрофлича тўхталиб, жараённи батафсил шарҳлаш тамойили устунлик қилади. Муаллиф қисқа диалоглар воситасида шахслар нутқини жонли, табиий ифодалашга, маълум вазиятга ойдинлик киритишга, жонзотлар ҳолати, баҳсини образли тақдим этишга интилгани маълум бўлади. Муҳими, асарга илоҳий ахборотга эга оятлар сингдирилиб, ривоят, ҳикоятлар билан тўлдирилиб, инсоният тарихи, маданияти борасидаги тасаввурни кенгайтириш мақсад қилинади.

Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида Қуръони Карим асосида пайғамбарлар тийнати ёритилиб, воқеалар тасвирида образлилик, ифодавийлик кузатилади. Одамнинг яратилишида тўрт фариштанинг амри илоҳийни вожиб айлаши, илк найранг жазоси, тавба мақбули, заминдаги фарзандлар зиддияти босқичма-босқич ёритилади. Ижодкор набийлар ҳаётидаги туб бурилиш, синоатнинг уҳдасидан чиқиш, шайтон найрангидан халос бўлиш онини бирлаштириб, яхлит тасаввур пайдо қилади. Навоий пайғамбарлар мўъжизаси, дуосини баён этар экан, уларнинг одамзотга элчи бўлиб танлангани, илоҳий кўрсатмани жорий этиш бобидаги сабру бардошини тафаккур, салоҳият, малака хислати уйғунлигида асослаб боради. Шоир асарида икки қутб мунозара, зиддияти сюжет воқеаларини таранглаштиради. Ҳақ висолига талабгор аҳли имон доим рақиб хиёнаткор найранги, исёнидан озорланади. Анбиё – чин ошиқлар умматни ҳақиқат, маърифат манзилига элтишида иблис тузоғи, қутқусидан огоҳ бўлиши, илоҳий ваҳий, китобларни тарғиб этиши мозий солномасини янги саҳифалар билан тўлдириши эслатилади.

Асар поэтикасида ошиқлик йўли, синоати тасвир кўламини кенгайтиради. Навоий набийлар тарихидаги асосий, бош йўналиш Аллоҳ жамолига мушаррафлик эканини босқичма-босқич ёритиб боради. Бунда замону маконлар ўзгариши, инсон ҳақу ботил, итоат аро дарбадар кезиниши, яралиши сабабини англаши даражаси белгилаб борилади. Фоний дунё ҳою хавасидан озод шахс Яратганнинг марҳаматига эришиб, ҳақ йўлда собит ҳаракатланади.

“Наузу биллоҳи мин шурури анфусино ва мин саййиоти аъмолино”(Аллоҳдан паноҳ тилаймиз нафсларимизнинг ва амалларимизнинг ёмонлигидан)”¹⁴.

Назаримизда ижодкор асарининг бош ғояси юқоридаги оятдан тўйинтирилган, барча мотивлар шу марказга бирлашган. Айюб (а.с)нинг Иблис найранги, ҳийласини сабру бардош билан енггани, муваққат бойлик, соғлиқдан маҳрумликда ҳам имонини саломат асрагани Аллоҳ ризоси, лутфига осон сазовор бўлмаганини далиллайди. Бу шахс тийнатидаги сабр неъматини моддий тушунчадан баландлиги, вужуддаги хасталик имон нурини сўндира олмагани, руҳий поклик висолга умидлантиргани маълум бўлади. Такаббурлик боис ҳалокатга маҳкум этилган қалби сўқир Фиръавн, Намрудлар фожиаси ибтидоси Иблиснинг илк исёни билан муштарақлик ҳосил қилади. Шайтон кибри боис боқий саодатдан маҳрум бўлиб, шундай сифат эгаларига раҳнамоликдан лаззатланади. Турли қавму элатлар тақдирига оид лавҳалар замирида исён ҳамда итоат тушунчаси шарҳлаб борилади.

Мусо (а.с) туғилишида туш мотиви орқали ишора берилиши, сирлилик маълум муддатда аён бўлиши, тоғдаги илоҳий мулоқот шукуҳи замирида Яратган қудратига имон келтириш масаласи англанади. Сулаймон (а.с) лавҳасида борлиқдаги яратиклар аро узвийлик, инсу жинлар ички мулоқотидаги ниҳон асрорлардан воқиф этилади. Исо (а.с) гўдаклиги, кишилар фитнаси, тириклик ва марҳумлик муқоясаси драматизмни

¹⁴ Навоий Алишер. МАТ.16 Т. – Т.: Фан, 2000. – Б.180

орттиради. Унинг осмонга кўтарилгани, белгиланган вақтда Дажжолни ҳалок этиши борасидаги илоҳий ҳақиқат ёдга олинади. Муаллиф қаҳрамон сийратидаги имон қуввати, сабру қаноатини одамзотга аниқ ҳаётий воқеалар тизимида етказишни мақсад айлаган. Набийлар аҳкоми, тавозе ила Яратган ҳукмига итоати турли вақту маконлар кесимида тақдим этилади. Муаллиф ҳокисор, камтар, собиру шокир инсонларни эътиқодсиз, зулмкор кишилар билан муқояса қилиб, шайтон найрангидан йироқ бўлишни таъкидлаб боради.

Бу асарда шоир пайғамбарлар тарихидаги майда тафсилоту ҳолатгача, ҳайвонлар ранги, феълигича инобатга олиб, уларни қизиқарли, таъсирли тасвирлашга муваффақ бўлади. Мазкур асарда соддалик, аниқлик, мантиқийлик етакчилик қилади. Юқоридаги асарлар структурасидаги тафовут Рабғузийнинг хронология усулида воқеликни ташкиллантиргани, Алишер Навоийнинг қисм, лавҳаларни жамлаб, яхлит манзара, тасаввурни ҳосил қилганида кузатилади. ”Қисаси Рабғузий”да образ портретини беришда ўхшатиш, сифатлашлардан кўп фойдалангани, диалогларда тасвирий воситалар берилгани билан ажралиб туради.

Навоий асарлари композициясида ҳам ривоят, ҳикоят, шеърлар воқеликни тарихий жиҳатдан асослаш, образ моҳиятини ёритиш, ахлоқий, фалсафий қарашларни умумлаштириш мақсадида қўллангани кузатилади. Ижодкорларга Қуръони Каримдаги қиссалар таянч, асос бўлгани, бадий ниятини рўёбга чиқариш жараёнида тасаввур, тафаккур маҳсулидан унумли фойдалангани маълум бўлади. Ҳар икки асар туркий тилда яратилгани, бадий ифода ила тўйинтирилгани билан эътиборга молик.

“Хамса” таркибидаги баъзи қаҳрамонлар эътиқоди, маслаги Қуръон қиссалари асосида англашилади. Бунда дардманд инсон олий низом моҳиятини теран англаб, дунё фитналаридан йироқ бўлади.

Адабиётшунос У.Жўрақулов: ”“Хамса”даги бир дoston бевосита Қуръони Каримда баён этилган Зулқарнайн қиссасига асосланади. Бундан ташқари, хамсачиликкача ва мазкур анъана таъсирида майдонга келган қатор дoston тўпламларидан бевосита Қуръони Каримдаги “Юсуф” сураси асосида

ёзилган “Юсуф ва Зулайхо” типдаги ишқ дostonлари ҳам жой олган”,-дея эътироф этади¹⁵.

Қуръоний қиссалар асрлар давомида халқ, мумтоз қиссаларга таянч бўлибгина қолмай, замонавий қиссалар яралишига ҳам таъсир этган. Инсон тафаккури мудом янги ахборот билан бойиб борса ҳам, ўз яралиш муддаосини унутмайди. Одамзотнинг макони ўзгариши, ўзга жамиятда яшаши ҳаёт, тириклик борасидаги қарашларига монандлигини вақт кўрсатади. У доим кузатилаётгани, синалаётганини унутмаслиги лозим. Шу маънода қиссалар қаҳрамони, мавзуси янгиланса ҳам моҳиятан яқинлик сақланиб туради. Қиссалар поэтикасида Қуръондаги пайғамбарлар қисмати учраши ((Одам(а.с), Иброҳим (а.с), Мусо (а.с), Хизр(а.с), Исо(а.с), Муҳаммад(а.с)), иблис фитнаси, исён ва итоат ҳолати ифодаланиши тадқиқотдаги асарлар таҳлили жараёнида ёритиб борилади. Қуръоний қиссаларда чақалоқ имон нурига зийнатлаб берилгани маълум. Ҳозирги адабий жараёнда ғайритабиий гўдак икки хил аспектда талқин этилиб, унинг дardманд (“Ғариб” Исажон Султон) ёки зиёнкор(“Қиз чақалоқ” Назар Эшонқул) тийнатиини ёритишга аҳамият берилади.

Қисса марказидаги инсон фаолияти тараққиёт боис барпо бўлган иншоотлар, саноат корхоналаридаги жараён уйғунлигида тасвирлаб борилади. Қаҳрамон образида ишчи, бой, пахтакор, коммунист, инженер, зиёли, раҳбар, жиноятчи, телба каби инсонлар намоён бўлади. Ижтимоий муносабатда ахборот технология ривожии жадаллашгани ҳам кўринади. Қуръоний қиссадаги имон ҳаловати ёки куфр ҳалокати масаласи ҳам янги кўринишда талқин этилади. Илоҳий ишқдан мажозий муҳаббатга, маънавий етукликдан моддий манфаатга аҳамият ортади. Ҳаётда ҳақни ботилдан ажратиш, эзгуликни ёвузликдан устун кўйиш долзарблигича қолади, у турли давр кишиларига зарур аҳком саналади. Муҳими, қаҳрамон инсоний фазилатни асрамоғи, умумқоинотнинг қисми эканини ёдда сақлаб, оламу одамга зиён етказишдан тийилмоғи даркор. Қуръон қиссаларидаги бош қаҳрамон

¹⁵ Жўрақулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси –Т.:Turon iqbol,2017 –Б.33.

пайғамбар олий низомни етказишга буюрилган. Ҳозирги қиссадаги қаҳрамон эса оддий инсон, жамиятнинг бир аъзоси, муаллиф бадиий нияти, тафаккури маҳсули бўлиб, унда типик элемент, тўқималар ҳам кузатилади. Бу қаҳрамон қайси мавқе, даража, ҳолатда бўлса ҳам ҳалоллик, меҳрибонлик, эзгулик фазилатини тарғиб этиши билан ажралиб туради.

Ижтимоий ҳаёт тасвирида қаҳрамон жасорату матонати халқ тафаккурини ўзгартиришга ҳам сабаб бўлди. Қисса поэтикасидаги романтик тасаввурдан реалистик тафаккурга эътибор ортиши самарасини кўрсатди. Мумтоз асардан фарқли сайёр сюжет ўрнига замонавий воқеликнинг бадиий инъикоси ортиб борди. Анъанавий образлар кўп ҳолда идеал даражасига кўтаришган бўлса, қаҳрамон тасвиридаги реаллик, аниқлик оммалашиб борди. Муболағавий тасвирлар, афсонавий типлар тақдимида ижтимоий фаолият кишиси томон нигоҳ ташланди. Реалистик унсурлар етакчилиги аниқ макон ва замонда ҳаракатланаётган қаҳрамонларни ёритиб борди. Мумтоз қиссаларда илоҳий, мажозий ишқ баёни китобхонга эстетик завқ бергани аён. Замонавий асарларда илму маърифатни, эзгулик адолатни бош омил тарзида сифатлаш тамойили ортиди. Анъанавий сюжет борасидаги қарашлар янгиланди. Қаҳрамонга алоқадор воқеаларда моҳият концептуал ёндашув асосида уюштирилиб, муаллиф ниятини ёритишга йўналтирилди. Ижтимоий масала теграсидаги лавҳада инсоний муносабат таҳлилига айрича аҳамият қаратилди. Қиссада диалогу монолог характер ички кечинмаларини ёритишга хизмат қилди.

Маълумки, XX аср бошида илмий жамоатчилик “повесть” номини истеъмолда фаол ишлатди. Ҳатто *қисса* ҳамда *повесть* атамалари маълум вақт алоҳида термин сифатида қўлланди.

“Повесть сюжет линияси асосий бир-икки қаҳрамон ҳаётида бўлган воқеаларни ифодалашга бўйсундирилган бўлиб, шу сюжет тараққиётида ҳикояга нисбатан анчагина персонажлар иштирок этади. Муаллиф асосий

эътиборни бир-икки қаҳрамон характери́ни ёритишга қаратиб, воқеа, ходисаларни унинг атрофига бирлаштиради”¹⁶.

Кўринадики, жанрга берилган таъриф замирида асар композицион сатҳидаги унсурулар бўй кўрсатиб, асосий хусусият таъкидланмоқда.

“Повесть жанрига мансуб бўлган асарларда қамраб олинган даврдан қатъи назар бош қаҳрамон ҳаётида мавжуд бўлган барча воқеаларнинг батафсил тасвирланиши шарт эмас. Ёзувчи ўша воқеаларнинг энг асосийларини танлаб олади, қайсики бош қаҳрамоннинг характери́ни очишга қулай келган, асар ғоясини очишга хизмат қиладиган воқеаларнигина кенгроқ тасвирлайди”.¹⁷

Ёзувчи ғоявий-бадiiй ниятининг ифодаси воқеанинг қаҳрамон теварагида изчил уюштирилиши, ҳолатнинг мухтасарлиги, тасвирнинг реаллигида намоён бўлади. Қиссачилигимизда меҳнаткаш, зиёли, ишбилармон, мансабдор образлари талайгина, уларнинг ҳар бири ўзига хос. Инсон маънавий қиёфаси, жамиятдаги мавқеи, саъй-ҳаракати бадiiй талқинига доир кузатиш асарлар поэтикасидаги ўзгаришни акс эттиради.

“Қисса” терминини бадiiй ижодда илк бор Абдулла Қодирий қўллаган. У “Обид кетмон” асарини “қисса” деб номласа-да, мутахассислар “повесть” деб юритган. Асарнинг композицияси жанр талабига мувофиқ ташкилланган эди. У ҳажм доираси, яқка бош қаҳрамон талқини билан реалистик қисса даражасига монанд яратилган.

Кейинроқ адабиёт назарияси, адабиётшуносликка доир асарларда повесть қиссанинг синоними экани илмий эътироф этилди.

“Маълумки, повесть билан қисса термини мантиқан деярли бир хил маънони англатади. Улар логик жиҳатдан ўзаро эквивалент. Шунинг учун ўзбек тилида повесть термини ўрнига қисса термини ишлатилади”¹⁸.

¹⁶ Головенченко Ф. Введение в литературоведение. – М.: Высшая школа, 1964. – С. 255.

¹⁷ Аброров.А. Ўзбек повести. – Т: Фан, 1973. – Б. 9.

¹⁸ Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари –Т.:Ўқитувчи, 1991 –Б.13.

Илмий мунозаралар натижасида қисса нутқимизда эркин қўллана бошланди, айнаи дамда қисса нутқимизга бутунлай ўзлашганини таъкидлаймиз.

“Адабиётшуносликда қисса билан повесть терминларининг қўлланиши турлича: улар синоним сифатида ҳам, бошқа-бошқа жанр номлари сифатида ҳам ишлатилади. Қисса билан повестни бошқа-бошқа жанрлар деб тушуниш етарли асосга эга эмас, шунинг учун уларни синоним сифатида тушуниш кенгроқ оммалашган. Ҳозирги ўзбек адабиётида қисса фаол эпик жанрлардан саналиб, XX аср давомида ўзбек қиссачилиги жиддий муваффақиятларга эришди”¹⁹.

Ижодкор ва мутахассислар томонидан фольклор, мумтоз қиссаларнинг шу номда таърифлангани илмий муомалага кенг татбиқ қилинади. Ўзбек қиссалари ислом фалсафаси, шарқ маданияти замирида такомиллашади. Повесть эса рус ва ғарб адабиёти таъсирида ривожланади. XX аср ўзбек қиссалари шарқ ва ғарб анъаналари уйғунлигида яратила бошланди.

Қиссаларда асосан совет воқелиги, босмачи – ички душманга қарши кураш, колхоз қурилиши, саноатдаги фидокорона меҳнат, рус кишисининг ҳар жабҳадаги ибрати, фаол ёшларнинг келажакка умид, ўтмишга шубҳа билан муносабатда бўлиши кўрсатилган. Жамоат ва меҳнатга янгича муносабат совет воқелигига бириктирилади. Дехқон, пахтакор онгидаги ўзгаришлар меҳнат жараёнига ҳамоҳанг тасвирланади. Композицияда ички душман билан боғлиқ конфликт бош ўринга кўтарилади. Бу даврда баъзан қуруқ баёндан иборат асарлар ҳам яратилади. Янги давр кишиси ташаббуси, сиёсий онги шаклланиши билан боғлиқ мотивлар қиссалар мазмунига сингиб боради. Икки тоифа орасидаги конфликт етакчи ўринга кўтарилади.

Абдулла Қодирий “Обид кетмон”, Ғафур Ғулом “Тирилган мурда” асарларида меҳнат жабҳасини тасвирладилар. Ер, сув ислоҳоти, қишлоқдаги колхоз меҳнати, синфий кураш натижалари аста-секин қиссанинг мавзу қўламини кенгайтириб борди. “Обид кетмон” икки қисмдан иборат. Муаллиф

¹⁹ Қуронов Д.ва б. Адабиётшунослик лугати. - Т.: Академнашр, 2010 –Б.381.

қахрамон ўтмиши ҳамда айни ҳолатини шу тахлит тақдим этади. Бош қахрамоннинг колхоздаги фаолияти, мажбурият зафарлари даврга монанд акс эттирилади. Инсон тийнатидаги ўзлик, жасорат фазилати Обид табиатида учрамайди. Назаримизда, адиб қиссасида киноявий пафос етакчилик қилади. Муболағавий тасвир кишидаги мослашувчанлик, итоаткорлик кайфиятини далиллайди. Обиднинг диалоги замирида ўз ҳолатига ачиниш, иш натижасидан қониқмаслик ҳисси бўй кўрсатади. Муаллиф эҳтиёткорлик билан қахрамони тилидан тузумдаги норасоликка муносабат билдириб боради. Обид образида икки хил ёндашув кузатилади: жамоани бирлаштирган инсон ва айни дамда сароб ишни ҳис қилиб, очиқ исёндан кўрқаётган ожиз деҳқон. Образ тийнатидаги коллизия таранглашса, унинг моҳияти равшанлашарди. Бироқ муаллиф зийрак китобхонга фақат ишора бериш билан кифояланади:

-Ўртоқ Сталин! Сенинг раҳбарлигингда колхозимиз большевиклашмакда, аъзоларимиз бойиб, бахтли турмушга ўтмакда (зўр олқиш), ўртоқ Ҳамидов айтганча бизнинг Ленинобод қишлоғидан социализм хиди келади (узоқ олқиш)²⁰.

“Аъзолар ёз ўтиб, кийим-кечакка, кўрпа-ёстикқа қарай олмаганлар. Барчанинг яктак-иштони, тўн ва чолвори лавак-лавак бўлган, этиклардан пайтава осилиб юрийди. Аксар дўппилар тепчигидан қирқилиб, пилтаси кўриниб туради”²¹.

Қодирий “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек ҳожи тилидан “Биз қипчоққа қилич кўтарганда, ўрис бизга тўп ўклайдир” фикри илгари сурилган. Адиб умрининг мазмуни миллат эрки, ҳурлиги бўлгани тарихдан маълум. Асарлар ёзилиш муддатида катта фарқ йўқ, бироқ шубҳа, гумон, тазйиқ, назорат таъсирида ёзилган қиссада контраст тасвир етакчилик қилади. Қодирийнинг фелъетон, ҳангомаларидаги киноя даражаси ортиб, колхоз тузилмасидаги баландпарвоз, кўтаринки оҳанг замиридаги гротеск

²⁰ Қодирий А.Обид кетмон. - Т.: Бадиий адабий нашриёт, 1959 –Б.252

²¹ Ўша манба – Б.245.

аёнлашади. Зўр олқиш, узоқ олқиш ибораси киши феълида куртакланган мутелик тушунчасини чуқурлаштиради. Халқ турмуш тарзидаги ночор, кашшоқ вазият портрет чизгиларида кўрсатилади. Ҳар бир деталь бош(дўппи)дан оёқ(этик)кача афористик бўёққа пардаланиб, ҳиссий таъсирчанликни таъминлайди.

Бу қиссада тузум, унинг типик қаҳрамониға муаллифнинг ироник муносабати алоҳида аҳамият касб этади. Коллективлаштириш жараёнида аёлни жамоавий меҳнатға жалб этиш бошланганиға урғу берилиб, уларни уйдаги юмушдан хўжалик ишиға йўналтиришға киришилгани айтилади.

Қиссада Мулла Обиднинг эътирофи киши сийратидаги имонға ишора беради. У дин аҳкомиға ҳам, замон сиёсатиға ҳам риоя этади. Қаҳрамон ҳалол меҳнати, элпарварлиги боис раис даражасиға кўтарилиб, оқилона фаолияти билан деҳқон турмушини яхшилашға интилади. Бу образ борасидаги мунаққид У.Норматов мулоҳазаси аҳамиятға молик:

“Ёзувчининг мақсади Обид кетмон образида шунчаки ўрта деҳқонға хос “типик хусусиятлар”ни қайд этиш, жамлашдан иборат эмас. Айни бу шахсдаги фавқулудда хислатлар, унинг ғайриоддий хатти-ҳаракатлари, ғаройиб кечмиши орқали адиб, гўё, боя айтилганидек, янгича демократик деҳқон хўжалиги ҳақидаги ўз инсоний орзу- идеалларини, андозасини тақдим қилаётгандек, шу тариқа, ўша кезларда қишлоқда ўтказилаётган хатарли сиёсат билан пинҳона ва моҳирона баҳс олиб бораётгандек туюлади”²².

Асарда муаллиф мулк, ердан айрилиб, яккадан умумға ўтиш жараёнидаги сохта тузум ибтидосини аниқ баҳолаб, аччиқ ҳақиқатни пардалаб борганини эътироф айлаймиз. Муаллиф образ табиатида зоҳиран мослашувни кўрсата туриб, ботиндаги эътироз ҳақ гапни аста уқтиришға эришади.

Даврнинг илғор кишисини тарғиб этиш мақсадида ижодкорлардан ҳозиржавоблик, хушёрлик талаб этилади. Улар муҳит, ҳолат, вазиятни пухта ўрганиб, асарларида долзарб масалаларға муносабат билдиради. Ҳаётий

²² Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1999 –Б.162.

манзараларни жонли ифодалаш, меҳнатдан фахрланиш туйғуси асар моҳиятида етакчилик қилади. Бадий образнинг мослашуви турли ҳолат, вазият кесимида тасвирланиши кузатилади.

Қисса жанрида бош қаҳрамон тадрижи масаласи ижодкор эътиборида бўлиб, у яшаган жамият, муҳитдаги асосий тамойил, йўналиш, муддаога урғу берилиб, характер ҳаётидаги туб бурилишлар кесимида тасвирланади. Қиссада мазмуннинг теранлиги, ҳаётӣ материалнинг салмоғи, сюжетнинг сертармоқлиги, характер мантиғи, образларнинг воқеадаги иштироки жанр хусусиятини белгилаб боради.

Қиссалар поэтикасидаги ўзгаришлар ҳам уларни синчиклаб кузатиш асносида юзага чиқади. Асардаги бош қаҳрамоннинг тадрижи кўрсатилиши мақсадга мувофиқ. Қаҳрамоннинг ёрқин ҳамда тўлақонли кўриниши унинг жамиятдаги фаолияти асносида юзага келади. Унинг саъй-ҳаракати, маслаги доимо бошқа образлар уйғунлигида ойдинлашиб боради. Қиссадаги характер табиати санъаткорнинг адабий-эстетик позицияси, идеалига мувофиқ баҳоланади. Муаллиф бадий ғоясини етказишда қаҳрамоннинг маънавий, ахлоқий қадриятни тарғиб этиши ҳам муҳим мезон саналади. Ҳаётдаги барча мураккаблик асосий тамойилга уйғун тасвирланиб, турли ҳолатга образнинг аниқ муносабати акс этиши зарур.

Ғафур Ғуломнинг "Ёдгор" қиссасида муаллиф икки хил муносабатни муқояса этади. Ёдгор маъносида гўдак исмига ишора, олижаноб фазилат соҳиби Жўрадаги мурувватга нисбат берилади. Чақалоқ икки гуноҳкор ёшнинг хатосидан мерос бўлса, Жўра образи ўзбек миллатига хос болапарварлик феълени сийратига сингдирган. Образ мантиғи мустақил қарор чиқариш, тантилик билан чақалоқни қарамоғига олиш мотивида намоён бўлади. Меҳри исмида сурату сийрат аро номувофиқлик, зиддият гўдакка бефарқлигида кўринади. Ёшлиқдаги хато йиллар ўтиши билан сарҳисоб қилинади. Аёл макрига Жўра мардлиги контраст берилиб, болани онаси, суюклиси Саодатнинг таънасига қарамай парвариш қилади. Эски урф-одатлар измидаги Жўра барчага қарши курашиб, болани тарбиялаб боради.

Воқеалар Тошкент ҳамда Ленинград шаҳарлари доирасида ривожлантирилиб, сабаб натижа асослаб борилади. ”Холис хизмат” тушунчаси инсон тийнатидаги софлик, тўғрилиққа ишора беради. Мазкур ибора замирида муаллиф бадиий нияти яширинади. Беғараз эзгулик боис ғафлатдаги кишилар сергакланади, ўзини тафтиш этишга интилади. Шифокор Жўра “сир”и Ёдгор ҳақиқати фош этилиш лавҳаси мумтоз сюжетни ёдга солади. Унда ҳам композициядаги тугун маълум воқеалардан сўнг аёнлашади. Муаллиф маиший мавзунини ёритар экан, ёшлар орасида муҳаббат, садоқат туйғуларига енгил қараш, ҳаё, виждондан мосуво бўлиш ҳалокатга етаклашини уқтиради.

“Шум бола” асари композициясига турли лавҳалар бирлашиб, бош қаҳрамон саргузаштлари борасида яхлит манзарани намоён этади. Асардаги кичик воқеалар асосий марказга жамланиб бориб, давр нафасини сездиришга қаратилади. Қоровой ўз уйидан тухум ўғирлайди, тугун кулгили вазиятдан бошланади. У ташқи оламга сайр этиб, ноҳақлигу фирибларга кетма-кет рўбарў келади. Ўзга муҳитга мослашув синов жараёнида кўрсатиб борилади. Йигитнинг қушларга қатик ичириб ўлдириши, эшак ўрнига ҳўкиз сўйиши, олмазордан қувилиши каби саҳналарда драматизм бўртиб боради. У эшон, домла, бой мунофиқлигига турмуш уринишлари давомида гувоҳ бўлади. Сюжет марказида Қоровой хатти-ҳаракати келтирилиб, бошқа образлар унинг характер қиррасини тўлдириб туради. Макон ўзгариши билан асарга янги қаҳрамонлар киритилиб ўз вазифасини бажаради. Инсон табиатидаги тубанликлар, асосан, катталар қилмиши, найрангида ўз тажассумини топади. Композициядаги воқеа, эпизод, деталь ижтимоий муҳит, халқ турмушини реал ёритишга хизмат қилади. Бола характерида хос хусусиятлар муаллиф биографиясидаги хотиралар билан синтезлашиб яхлит тасаввур пайдо бўлади.

Бадиий асарларда меҳнат шижоати, совет кишиларининг саноат қурилишидаги эришаётган ютуқлари мадҳ этила бошлади. Кузатишимизга кўра, уруш даврида эътиборга молик қисса яратилмаган. Урушдан кейин меҳнат мавзуси, меҳнаткаш-яратувчи образи қиссаларнинг асосий масаласи бўлиб қолди. 1930-1950 - йиллар ўзбек қиссачилигида сиёсий ҳушёрлик -

ички ва ташқи душманга қарши курашни бўшаштирмаслик масаласи кўтарилди. Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтбосар”, Саид Аҳмаднинг “Ҳукм” сингари асарларида ички душманларга қарши кураш ғояси илгари сурилди. Ўтмишдаги воқеаларни танқид қилиш орқали социалистик тузумни мадҳ этишга эътибор берилди. Қиссада ҳаётдаги янгиликларнинг тез суръатда бадий ифодаланиши замонавий мавзулар салмоғини орттирди. Образлар фаоллиги, сюжет кўптармоқлиги давр манзарасини акс эттирди.

Ўзбек шўро қиссачилигининг яна бир хусусияти шундаки, аксарият асарларда рус инқилобчиси (инженери, қурувчиси, партия раҳбари, зобити) ерли халқларга йўл кўрсатувчи-раҳномолик вазифасини ўтайди. Қисса тасвири завод, фабрика, маданият уйи, колхоз, ферма, райком каби маконга кенгайиб борди. Асар композициясида ишчи фаолияти, жамият равнақига кўшаётган ҳиссаси прологдан эпилогга қараб ривожланиб борди. Реал ҳаёт ва қаҳрамонлар тасвири сюжет марказини эгаллади. Ҳаётдаги зиддият синфий курашни бош мезон этиш тамойили ортиб борди.

Қисса ҳаётдаги янгиликларни дарҳол акс эттирадиган ҳозиржавоб жанрга айланди. Очеркка сиғмаган ҳаётий материал қиссага жо бўла бошлади. Очерк ва қисса ҳаракатдаги жараённи тасвирлайди. Замон руҳи, нафаси очеркда аниқ кўрсатиб берилади. Қиссани очеркнинг эгизаги деган қарашлар ҳам йўқ эмас. Очерк жанрида муаллиф ҳужжатлиликка асосланиб, қаҳрамони ҳаёти, фаолияти ҳақидаги кузатувларини, қарашларини таҳлил қилиб, содда, аниқ тасвирлашга эътибор қаратади. Очерк жанрида фаолияти ёритилаётган шахс ҳаётидаги маълум лавҳалар ўз ифодасини топади. Унинг жамиятдаги мавқеи, олижаноб фазилати ибрат қилиб кўрсатилади. Муаллиф оддий меҳнаткаш, фидойи инсонни қаҳрамон даражасида тасвирлашда ижтимоий, маънавий омилларни аниқлаб боради. Қаҳрамоннинг ҳаётий тажриба, малакаси, яратган ихтироси, бунёдкорлик салоҳияти билан касб, ҳунарнинг сулола томонидан такомиллашиш ҳолати ҳам инобатга олинади. Очерк чуқурлаштирилиб, қисса ёзилади. Қисса янгилик, фалсафий қарашлар тугал

ифодаси сифатида юзага келади. Қиссада қаҳрамон фитрати мукамал, теран ёритилиши, бадиий жиҳатдан тўйинтирилиши кўзда тутилади.

Пиримкул Қодиров пахтакорлар фаолиятини кузатиш асносида Мамажон Дадажонов ҳақида очерк тайёрлайди. Унда давр руҳи, меҳнат жабҳаси фактик материаллар билан тўйинтирилади. Вақти келиб, мазкур очерк асосида “Мерос” қиссаси яратилади. Бунда муаллиф бадиий компонентлар узвийлиги, қаҳрамоннинг ижтимоий, ахлоқий қарашларини ривожлантиради. Қисса учун танланган бош қаҳрамон фамилиясининг очерк қаҳрамони фамилиясига уйғунлиги ҳам ушбу образни бир бутунликда кўриш нияти билан боғлиқ. Ёлқин Отажонов тузумдаги меҳнат фидойиларининг умумлашма образи. Унинг ҳаёт маслаги тинимсиз ҳаракат қилиш, марраларни забт этиш асосига қурилган. Қаҳрамон жамиятнинг муносиб аъзоси бўлишга интилиб, бахту ҳаловатни фақат дала бағрида ҳис этади. Асар композициясида пахтакорлар турмуши, иш жараёнига урғу берилади, бироқ уларнинг ўз ҳолатини баҳолаш, тафтиш қилишига эътибор қаратилмайди. Бу қиссада асосан образнинг ташқи фаолияти қамраб олинади. Унда итоатли, тузумга садоқатли меҳнаткаш роҳат кўрмаса ҳам исён қилмайди, вазиятга мослашиб, мавжуд низомга бўйсуниб яшашдан қониқади. Шу асосда инсонга меҳнат “мерос” бўлиб ўтаётгани ғоявий жиҳатдан тасдиғини топади.

Мунаққид М.Қўшжонов: “Менинг назаримда ҳикоя ва очерк жанрларига кўра қисса жанрида анча силжиш борга ўхшайди. Қиссачиларимиз ҳаёт ҳақида, ундаги зиддиятлар, яхшилик ва ёмонлик ораларидаги кураш ҳақида чуқурроқ ўйлаётганга, бу борадаги фикр ва мулоҳазаларни активроқ ўртага ташлаётганга ўхшайди”, - деган эди²³.

Адибнинг “Эрк” қиссасида бунёдкорлик соҳасидаги ўзгаришлар Саттор ҳамда Розия нигоҳидан аёнлашади. Ёшлар орасидаги муҳаббат мотивида эрк туйғусига ойдинлик киритилади. Бир авлодга мансуб Сатторда удумга итоат, Розияда замонга мослашув, Ойшахонда ҳам оилага садоқат

²³ Қўшжонов М. Ижод масъулияти. - Т.: Фан, 1981 – Б.128.

хислати кузатилиб, эркак характеридаги коллизия мустақил қарор чиқаришга замин ҳозирлайди. Саттор ижтимоий турмушда мақсадига эришган, аммо шахсий муносабатдаги йўлсизлик уни безовта қилади. Оилавий ажрим борасида бир тўхтамга келиш, Розия билан бирга яшаш масаласи сюжет чизиғини таранглаштиради. Муаллиф инсон ҳурлигини мажозий ишқ замирида ифодалаб, жамиятдаги вазиятни оила теграсида ривожлантиради.

Пиримкул Қодировнинг “Қадрим” қиссасида меҳнат фонидан ўзликни англаш босқичига бурилиш кузатилади. Искандардаги ички кўрқув, матонатсизлик Зулайҳо таъсирида барҳам топади. Қаҳрамон йиллар давомида ахтарган кадр тушунчасини ҳис этиши воқеалар силсиласида етилиб боради. Асарнинг бош мазмуни “Ўз қадрини билмаган, ўзганинг қадрини билмайди” ҳикматига жамланади. Киши кадр-қиммати борасидаги қарашлар авлодлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этади. Қиссаларда аёл образи жамиятнинг фаол қатламига айланиб бораётгани кузатилади. Улар ишлаб чиқариш, хўжалик жабҳаларида мустақил фикр, қарашлари билан композицион қатламда ҳаракатланади.

Пиримкул Қодировнинг “Қадрим”, “Эрк”, “Мерос” асарларида ўша йилларнинг янги ижтимоий технологик муҳити тасвирланди. Бундай бурилиш жараёни кўпчилик учун мураккаб бўлди: инсон энди қандай яшаши керак, қайси йўлдан бориши лозим, кечаги удумлар билан бугунги янгиликлар муқоясаси теранлашди. Искандарга (“Қадрим”) мўмин-қобиллик панд бера бошлади. Ойша (“Эрк”) инсон ўзи, фарзанди учун курашиши лозимлигини англагандай бўлди. Турсун (“Мерос”) фақат меҳнат, меҳнат дея умрини ўтказаётган акасининг яшаш тарзига қарши чиқди. Аммо у ҳали ўз йўлини топмаган. Пиримкул Қодиров қиссаларида изланувчи қаҳрамонларга маёқ вазифасини ўтовчи Зулайҳо, Саттор, Ёлқин сингари образлар асосий объектга айланди.

“Ёзувчи асар қаҳрамонларини ўта чигал вазиятларга солиб тасвирлайди, уларнинг умр йўлларидаги муаммоларни тезда ҳал қилиб ташламайди. Ҳар бир ҳаётий муаммо қаҳрамоннинг ўзи томонидан ечилишига қўйиб беради.

Баъзан образлар олдида турган муаммолар мантиқий ечим топмагани ҳам кўрсатилади. Персонажлар қисса воқеалари давомида ўз характерлари мантиғига мувофиқ ҳаракат қилишади”, - дейди адабиётшунос Қ.Йўлдошев²⁴.

1960-70 - йилларда ёшлар ҳақида кўплаб қиссалар яратилди. Одил Ёқубов, Асқад Мухтор, Пиримқул Қодиров, Учқун Назаров, Ўткир Ҳошимов, Ўлмас Умарбеков, Шукур Холмирзаев сингариларнинг қаҳрамонлари асосан ёшлар эди. Абдулла Қаҳҳорнинг “Синчалак”, “Муҳаббат” қиссалари қаҳрамонлари ҳам ёшлар. Аксарият қиссалардаги ўсмирлар характери романга хос талқиний йўсинда ёритилади. Саида ва Қаландаров муносабатларида романга хос мураккаблик, ёндашувнинг теранлиги мавжуд. Ҳаёт мураккаблиги, турмуш паст-баландлигига кўникаётган йигит-қизлар характери романига хос кўламдорлик, концепциянинг теранлиги орқали очиш мумкин. Конфликт сюжетни ҳаракатга келтириб, бош қаҳрамон фаоллигини оширади, шу тарзда характер қирралари очилиб боради. Партия вакили аёллар раҳбар образида ёритилиш ҳолати кузатилиб, ўша даврдаги шароит, вазиятни ифодалаб боради.

Адабиётшуносликка кириш, адабиёт назарияси каби дарсликларда қисса романдан чоғроқ, ҳикоядан каттароқ асарлиги айтилади. Айтиш керакки, қисса романдан ҳаёт кўламини, фалсафий умумлашмани, концептуал теранликни акс эттиришда фарқ қилади. Роман ёзувчи катта давр манзарасига хос чизги, миқёсни аниқ белгилаши, ўзгариш механизмини тўғри кўрсатиши, сюжет тармоқларини бош ғояга йўналтириши керак. Роман қаҳрамони (ёши, жинси, миллати, динидан қатъи назар) ҳаёт ҳақида залворли хулоса беради. Унинг ахлоқий, эстетик қарашлари кўламли, ҳам теран бўлади. Тоғай Муроднинг “Отамдан қолган далалар” асари, ҳажман ихчам бўлса-да, теран илдизли, фалсафий асосга эга роман. Адиб уч авлод яшаган муҳит, жамиятни хронология усулида ташкиллаштириб, инсон тийнатидаги ўзликнинг маҳв этилиш жараёнини босқичма-босқич шарҳлаб боради.

²⁴ Йўлдошев Қ. Сўз ёлқини. -Т.: Шарқ., 2018 –Б.128

Асримизнинг 70-йилларидан бошлаб қиссачиликда ўсиш, ривожланиш сезилади. Бунинг асосий сабаби ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги ўзгаришлар билан белгиланади. Инсонга муносабат, унинг кадр-қимматини ўрнига қўйиш масаласи ёзувчи, санъаткорларни ўйлантира бошлади. Иккинчидан, 30-50 - йиллардаги шахсни оёқ ости қилиш, сталинча қатли ом кескин танқид қилина бошлади. Ижтимоий ҳаётдаги бундай жиддий ўзгаришлар илк бор қисса жанрида акс эта бошлади. Қисса бошқа жанрларга нисбатан етакчи, эътиборли бўлиб қолди. Бадиий етук қиссаларнинг пайдо бўлиши жанр хусусиятларини аниқ ифодалаш имконини берди. “Синчалак”, “Биллур қандиллар”, “Эрк”, “Баҳор қайтмайди”, “Ичкуёв” қиссаларида маиший жабҳадаги долзарб муаммолар ойдин кўринади.

Ёзувчиларнинг эътирофига кўра, ҳикоя ёзишдан қисса битиш осон. Ҳикоя – математик тенглама мисоли: у характер табиатига, ўлчамига мос келмайдиган тасвир далилнингинамас, ҳатто битта сўз, бирикмани ҳам сингдира олмайди. Қисса, нисбатан, бағрикенг жанр: у сўз, бирикма, жумла у ёқда турсин, тўлиқ воқеа, тафсилотларни ҳам “қабул” қила олади. Чингиз Айтматов қиссалар орқали машҳур донгдор бўлгач, романга қўл урди. Ўзбек адабиётида қисса жанри ривожига ҳисса қўшган Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Тоҳир Малик, Ўткир Ҳошимов сингари адиблар бор. Уларнинг романи поэтикасига эътибор берилса, қиссадаги айрим мотивларнинг тўлдирилиб, бадиий такомиллашиб сингдирилгани маълум бўлади.

Ҳикоя – кичик жанр: инсон сийрати, унинг бирор томонини ёритиб берадиган асар. Ҳикояда характер воқеа-ҳодисаларни танлайди. Қиссанавис воқеа орқали характер яратса, ҳикоянавис характер воситасида воқеаларни саралайди. Шу ўринда қиссаларда алоҳида шахс, инсон тақдири етакчи эканлигини унутмаслигимиз лозим. Ҳақиқий санъаткорона яратилган қисса ўз таърифи, моҳиятига эга бўлиб, китобхонлар қалбидан муқим жой эгаллайди.

Қиссаларда ижодкор портретини яратишга эътибор ортиши маълум маънода биографиясини теран тасаввур этиш имконини беради. Ҳар бир

санъаткорнинг адабий, эстетик позицияси, бунёдкорлик ғоясини уқиб бориш, унинг сиймосини бадий гавдалантириш анча мураккаб. Ижодкор асарларда жамият маънавий қатламига ракурс уюштилади. Ҳаётдаги муваффақияту таназзуллар аро яна ижодни буюк санаган тақдир соҳибларини китобхонга тақдим этиш осон эмас. Тафаккурдаги товланишлар инсон фитратидаги пўртаналар яхлит полотнода бирлашиши мураккаб ҳолат. Бу жараёни жонли, таъсирли тақдим этиш, ижтимоий маъноларни англаштириш мақсадида кўп маълумотлар сараланиб, асар меҳварига сингдириб юборилади.

“Дастлабки шакли халқ қиссачилиги бўлиб, уларга маълум ва машҳур воқеаларни баён этиш, яъни усули баён етакчилик қилган. Шўро даврига келиб қиссачилик ўз функциясини тубдан ўзгартирди. Маълум сабабларга кўра уларда тарғиб ва ташвиқ усули бош планга чиқди. Қиссачилигимизнинг учинчи кўриниши XX асрнинг 80-90 - йилларида шаклландики, буларни шартли равишда янги қиссалар деб аташ мумкин”²⁵.

Қиссалардаги ўзгаришлар шахс тақомили жараёнини теран ёритишга, маънавий, маданий ҳаётга хос манзараларни тасвирлашга, ғоявий, мавзуй кўламни кенгайтиришга туртки берди. Қиссалар поэтикасида мазмун универсаллиги, асар тўқимасига муаллиф шахси сингдирилиши, воқелик тасвирида янги манзаранинг суратланиши эпик полотнони тиниқлаштиради.

Қиссада бош қаҳрамон феъл-атвори, ҳаётий маслаҳи уларнинг муҳитга муносабати, ахлоқий қарашлари негизида акс эттирилади. Инсон маънавий қиёфасини белгилашда унинг тахайюл оламидаги ўзгаришлар, миллий манфаат йўлидаги изланишлар босқичма-босқич асослаб борилади.

Қисса поэтикасида қаҳрамон ҳаётининг бир босқичи, баъзан умр манзаралари батафсил тақдим этилгани, эпизод образлар ҳам ғояни ёритишда муайян вазифани бажариб, узвийлик, мантикийликни таъминлашга қаратилгани маълум бўлади.

Мазкур фаслдаги кузатишлар натижасида қиссаларда инсон сийрати, қисмати, умр синоати борасидаги илк илоҳий ҳақиқатлар кейинги даврда ҳам

²⁵ Жўрақулов У. Худудсиз жилва – Т.:Фан, 2006 –Б.161.

давом эттирилиб, ижтимоийлашув, шароитга мослашув жараёни тезлашгани, дунёвий муаммолар доирасида тасвирлангани, қаҳрамон ташқи ҳаракати фаоллашгани маълум бўлади. Фольклор, мумтоз намуналаридаги ўхшатиш, муболаға ўрнига конкрет, табиий лавҳалар ортгани, индивидуал хусусиятга эътибор кучайгани, реал ҳаётий муаммо синфий тенгсизлик негизида берилгани асосланади. Очеркка танланган материал бадиий тўйинтирилиб, қисса яратилиши, ҳаётдаги янгиликдан тезкорлик билан воқиф этиши кузатилади.

1.2. Ўзбек қиссалари таснифи

Вақт ва манзил, давр ва замондан қатъий назар дунё ва инсонни акс эттириш бобида намоён бўлувчи яқинлик, ўхшашлик, муқобиллик, айниятлилиқ асосида матнни таҳлил этиш моҳиятни теран уқиш имконини беради. Қиссаларда ўзбек халқининг психологияси, халқ достонларининг руҳига кириб бориш, миллий бўёқларнинг ёрқин ифодаси аниқ деталлаштирилган ҳодисалар моҳиятида кўзга ташланади.

Ўзбек қиссаларининг ҳаётни қамраб олиш кўлами, воқеликни тасвирлаш усулига кўра маълум хиллари мавжуд. Бадиий ижод жараёнида қисса поэтикасида салмоқли ўзгаришлар рўй берган, яъни у такомиллашиб ранг-баранг тус олган. Унинг ички хилларга бўлиниши жанр имкониятини теран англашни тақозо этади. Қиссанинг бундай ички хилларга бўлиниши поэтик усул ва воситаларнинг ўзгариши, ғоявий мазмуний хусусиятларнинг янгиланиши билан боғлиқ. Адабий ҳодиса, ҳаётий материал, аниқ ва қизиқ фактлар қаҳрамон тақдири ва дунёқарашини ҳолис талқин қилиш имконини кенгайтиради. Ёзувчи олам ва одамни бадиий идрок этиш салоҳиятига кўра қиссанинг қайси хилида асар яратмасин, аниқ ва реал воқеликни тасвирлашга, баъзан фантазия маҳсулини ҳам илмий асослаб тақдим этишга интилади. Қиссаларнинг қуйидаги ички хиллари мавжуд:

- *тарихий;*
- *замонавий;*
- *фантастик;*
- *детектив;*
- *сатирик;*
- *хужжжатли;*
- *биографик*²⁶.

²⁶ Аслида бундай тасниф нисбий бўлиб, қиссаларни мақсад ва вазифасига кўра яна хилларга ажратиш мумкин.

XX аср ўзбек қиссачилигида мазкур хилларга оид кўпгина асарлар яратилиши жанрнинг имконияти қай даражада кенглигини исботлаб берди. Биз фақат баъзи хиллар моҳиятига эътибор беришликни лозим топдик.

1. *Тарихий қисса хусусияти*: тарихий ҳақиқатни рўй-рост тасвирлаш; машҳур шох, шоир, олим, авлиёнинг бадиий образини ёритишда солнома, мемуарлардаги аниқ маълумотдан фойдаланиш; тарихдаги муҳим маънавий, ахлоқий муаммони ёритиш; фожейлик омилини инсон қисматидаги ожизлик ҳолатига монанд теран англатиш; мозийдаги туб бурилиш онларини хронотоп сатҳига уйғунлаштириш; ўтмишдаги турмушни бадиий қайтадан суратлантиришда аниқ объектив мазмунни асраш, тарихий ҳамда архаик сўздан ўринли фойдаланиш; маданий анъаналарнинг халқ, миллат тафаккурига таъсирини кўрсатиш. Бу асар хусусий воқеа контекстида тарихий фактларни саралаб, тажриба асосида тўғри, холис хулоса чиқаришга имкон яратади.

Академик Матёкуб Қўшжонов: “Тарихийлик, давр руҳи ҳамма реалистик асарларда ҳам бўлиши керак. Аммо шундай асарлар борки, уларда реализмнинг бу хусусияти давр учун типик бўлган тарихий шахслар характерини яратиш орқали ифодаланади. Бундай асарларда давр руҳи энг аввало тарихий шахслар характерига боғлиқ бўлиб қолади,” - дейди²⁷.

Қиссалар хирмонида тарихий мавзудаги асарлар анча. Миркарим Осимнинг “Жайхун устида булутлар”, “Ибн Сино қиссаси”, “Синган сетор” асарларида ахлоқий, фалсафий қарашлар муқояса этилади. Қаҳрамон туғилган макондаги тарихий шароит, ички низолар, ҳарбий музокаралар асар поэтикасини тўлдириб боради. Беруний ҳамда Ибн Сино образини яратишда болалик, ўсмирлик, ўрта ёш давридаги воқелиklar композицион сатҳни кенгайтириб боради. Икки қаҳрамон тафаккур олами, юксак интеллект сарой ҳукмдорлари томонидан синалиши, баҳоланиши асосида сийратидаги донишлик, орифлик аёнлашиб боради. Қиссаларда мантик, география, тиббиёт, мусиқа, математика каби фанларнинг интеграцияси уламолар

²⁷ Қўшжонов М. Танланган асарлар. -Т.: Шарқ, 2018 –Б.39.

назарий таълимоти негизда такомиллашгани эътироф этилади. Муҳими, Беруний ва Ибн Сино ботинидаги имон, эътиқод, қаноат боис турли хавф хатардан омон бўлиб, ўзлиги, инсонийлигини сақлаб қолади. Уларнинг илму урфонни кадрлаб, халқ, миллат дардини ҳис этиб яшагани ибратли лавҳаларда зухурланади.

Адиб Ибн Сино ҳақидаги қиссасида давр манзараси, маданий ҳамда тарихий муҳитдаги ҳолатни турли тақдирлар кесимида кўрсатади. Қаҳрамон тадрижга риоя этилиб, тиббиёт илмини ўрганиш машаққати, амалдорлар тазйиқи, халқ ихлоси доирасида тасвирлаб борилади. Образ сийратисидаги заковат, қатъият, матонат ўз касбини пухта эгаллашига туртки бўлади. Саёҳат мотиви турли касб, дунёқараш кишиларининг илму маърифатга муносабатини кўрсатиш, шу манзилдаги мадраса, кутубхона борасидаги тасаввурни пайдо қилиш имконини беради.

Бобораҳим Машраб ҳақидаги қиссага “Синган сетор”, дея ном қўйилишида рамзийликка ишора берилади. Миркарим Осим тарихий воқеалар ораси, замини, моҳиятидан қаҳрамонларини олиб ўтади. Бунда ёзувчи жанр имкониятини намоён этиб, низому тартибот, ҳодисот моҳиятини ёритишга интилади. Айрим ўринда Машраб ҳолатидаги сохталиқ изоҳ талаб этади. Боиси, мусулмон кишиси намоз ибодатида дунёвий сўз, яъни шеърни зикр этиши мантиққа зид. Машраб ижодининг марказида Яратганга ошиқлик бирламчи моҳият касб этиши мутахассисларга аён. Ўйигитнинг қизга муҳаббатида бачканалиқ, сунъийлик тус олади. Машраб характериға номувофиқ тўқима лавҳа эътироз пайдо қилади. Маънавий руҳий покликни кадрлаган инсон ҳаракатлари оқибатини тафаккур қилиши табиий. Муаллиф замонга мувофиқлаштириш принципиға риоя этиб, сохталиқка йўл қўйгани англашилади.

“Ҳақиқий бадиий асар конфликт ҳаётдаги асосий зиддиятларни танлаб, саралаб олиш асосида қурилади ва ижодкорнинг қалбида, тафаккурида пишитилади”, - дейди адабиётшунос А.Улуғов²⁸.

²⁸Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари. -Т.: Ўқитувчи, 1991 –Б.57.

Миркарим Осим тарихий шахсларнинг ички ва ташқи конфликтини ёритишда илм соҳибининг маънавиятини моддийдан устун қўяди. Улар ботинидаги виждон тафтиши ижтимоий масаладан юқори бўлиб, ўзликни асраш асрорига бориб тақалади. Беруний, Ибн Сино яшаган тарихий шароитда маърифатни англовчи билан инкор этувчи амалдорлар ҳукми, мурасасини фарқлаш даркор. Олимларга хотиржамлигу ҳаловатни яратганлар маъқул бўлган. Ички коллизия улар руҳиятидаги тебранишни ҳис этишга, урафолик мартабаси залворини уқишга чорлайди. Машраб сийратидаги қаландарлик коллизиялар қобиғида мутлақлашади. У дарвеш, халқ, сўфий, ҳукмдор қатлами билан муносабатда ёндашувни ўзгартириб боради.

Ҳар бир бадиий образни табиий, жонли, таъсирли ифодалашда тафаккуридаги ўзгаришларни ёдда сақлаш самарадорликни оширади. Миркарим Осим асрий анъаналарни давом эттириб, тарихий мавзуда қиссалар яратди. Ўтмиш сабоқлари қаҳрамонлар орқали тарғиб қилиниб, ижтимоий, иқтисодий, маданий қатламлар тасвир объектига айланди.

Навоий ҳақидаги қатор илмий ишлар, роман, дostonдан сўнг Ойбек “Бола Алишер” қиссасини яратди. Адиб асарда икки улкан сиймо Алишер Навоий ва Ҳусайн Бойқаро характерининг шаклланишини нозик ифодалаб берди. Мирзо Улуғбек ҳақида ҳам қиссалар яратилди. Хуршид Даврон “Митти юлдуз” қиссасида бола Улуғбек ва Соҳибқирон Темур образини яратади. Рўй бераётган воқеалар гоҳ мўйсафид Темур, гоҳ зийрак бола Улуғбек томонидан бадиий талқин этилади. Қиссада Темур ва унинг аъёнлари, саройга турли юмушлар билан келган кишилар ҳаракати Улуғбек нигоҳи билан баҳоланади. Бўрибой Аҳмедовнинг “Улуғбек” асари тарихий йўсинда ёзилган. Унда кўплаб воқеалар, одамлар, тафсилоту ҳодисалар Улуғбек сиймоси воситасида ёхуд бевосита иштирокида тасвирланади.

Хайриддин Султонов асарларида шоҳ, шоир, ота мартабаси Бобур шахсида мувофиқлашади. Ёзувчининг “Саодат соҳили” қиссасида ватан туйғуси характер бош идеалига айланиб, композицион қатламни

ривожлантиради. Ҳофиз Кўйкий ҳамда Бобур диалоги асосий марказ саналиб, унга маъно нуқталари бирлашади. Оламдаги моддиятдан маънавий ҳаловатни устун билган донишманд руҳиятидаги безовталикни фақат маслакдош орифгина уқишга қодир. Асар структурасидаги ”Саодат соҳили - ватанда олампаноҳ...” жумласида бадиий ният ойдинлашади.

Муаллиф асар поэтикасини ташкиллаштиришда ”Моли вофир, эли кофир, йўл ёвуқ...” мисрасини асос қилиб белгилайди. Қаҳрамон сийратидаги дард шу иборалар тизимида теранлашиб боради. ”Бобурнома” асаридаги шоирнинг Навоий ижоди борасидаги лутфи поэтик мазмунни тўлдиради. Дарвеш Бахшитурк сулуки ила Бобур армонларидаги уйғунлик композицион қатламни равшанлаштиради. Бу образ ҳаловату ҳақиқат бобида шохдан хурроқ бўлиб, миллату элатни огоҳликка ундовчи, куну ойлар интиҳоси борлигини эслатувчи зоҳид янглиғ тасаввур уйғотади. Муҳими, дарвешу шох мусофир турклар бўлиб, қалбан ҳамда руҳан бир-бирини қувватлайди. Ҳофиз Кўйкий воқеалар силсиласида бу образлар фитратидаги армону изтиробнинг замирида юрт соғинчи ноласини тингларди. Хайриддин Султонов Бобур шахси, ижоди, саркарда, шохлик салоҳияти борасидаги изланишларини мустаҳкамлаб, ”Бобурийнома” асарини яратади.

Тоҳир Малик, Набижон Боқий сингари ёзувчилар XX аср бошларида халқ озодлиги йўлида курашганлар образини яратдилар. Тоҳир Малик ”Чорраҳада қолган одамлар”, ”Сўнгги ўқ”, ”Қалдирғоч”, ”Одам ови” асарларида аср бошларида яшаган, курашган кишилар руҳиятини, тузумга муносабатини кўрсатишга ҳаракат қилади. Асрга тенгдош кишилар борки, ички кураш, қамоқхона азоблари, сиёсий қатли ом, иккинчи жаҳон уруши жанггоҳлари азобидан ўтган. Қиссалардаги образда ҳаёт мураккаблиги, поймол бўлган қисмат намоён бўлади. Баҳодир Мурод Алининг ”Кўктўнликлар” қиссида қонли тўқнашув, биродаркушлик воқеаларига янгича ёндашилади. Муаллиф босмачи, деб сунъий номланган ҳаракатга қўшилган йигитлар руҳиятини ишонарли ёритиб беради. Қашшоқлик, бир парча ердан ажралиб қолмаслик, эътиқод, имон-инсофдан мосуво қилишга

интилиш ҳаракати юрагида ёли бор йигитларни курашга, қўлга қурол олишга ундади. “Кўктўнликлар” қиссасида қаҳрамоннинг оиласи, турмуш тарзи ҳам тасвирланган. Муаллиф мазкур қиссаси билан характерни моҳир тадқиқ этувчи ижодкор эканлигини кўрсатди. Аср бошларидаги воқеа-ҳодисаларни баҳолашда ёзувчиларнинг онги кун сайин ўзгариб бормоқда. Улар жамиятда содир бўлаётган ўзгаришларга мустақиллик давр кишиси ақли-шуури билан муносабат билдирмоқда.

2. *Замонавий қисса хусусияти:* айни замон, вақтдаги реал турмуш тарзини, ижтимоий, маданий, иқтисодий соҳадаги ўзгаришларни ифодалаш; шахснинг туғма, табиий қиёфасини турли зиддиятларда ёритиш; даврдаги фаол тамойилларга дадил муносабатни кўрсатиш, долзарб мавзуларни акс эттиришда характер муносабатини белгилаш. Асар тараққиёт жараёнида инсон маънавияти масаласини тубдан ёритиб, у томонидан жамиятдаги янгиликка мослашув ҳолатини тасвирлашни мақсад айлайди. Конкрет ҳодисадан тўғри хулоса чиқариб, давр тараққиётига йўналтирилиши муҳим саналади.

Замонавий асарлар ўз вақтида машҳур бўлибгина қолмай, моҳияти, матн пухталигига кўра кейинги даврда ҳам мутахассис эътирофига сазовор бўлади. Одил Ёқубовнинг “Муқаддас” қиссасида қўйилган муаммо турли авлод вакиллари эътиборини тортиши билан замонавийлик хусусиятини сақлаб қолади. Муаллиф асар сарлавҳаси ва қаҳрамон исми орасидаги уйғунликни аниқ белгилайди. Инсон учун моддий ё маънавий даражага кўра муқаддас нарса, туйғулар қадрли саналади. Исмнинг киши фитратига муносиблиги умри саҳифаларига мазмун бахш этади. Адиб виждон, ҳақиқат, бурч тушунчаларини манфаатлар кесимида муқояса қилади. Таълим тизимидаги иллат негизи оталар хатоси, фарзандлар кечинмасини мураккаблаштиради. Икки ёш Шариф ва Муқаддас ҳаёт синовини ижтимоий адолат ва муҳаббат мезонида қаршилайди. Илм даргоҳидаги майда фириб, худбинлик, порахўрлик йириклашиб, инсон руҳиятига, пок ҳиссиётига соя ташлайди. Ҳақни ботилдан ажрата олган тафаккур соҳибигина қалтис

вазиятдан тоза кўнгил, соф виждон билан нажот топади. Мақсадга тўғрилиқ, ҳалоллик билан эришишга интилан йигит ва қиз психологик ҳолати бадиий ифодани конкретлаштиради. Муаллиф эстетик, фалсафий қарашлари кишини ҳар қандай саноатда эътиқодида собит бўлиб, ҳақиқат, диёнатни авайлашга чорлайди.

Эркин Аъзамнинг ”Жавоб” қиссасида инсон умри манзаралари, асосан, ровий ҳамда қаҳрамон монологи орқали ёритиб борилади. Ровий қаҳрамон руҳий тебранишларини, бепарволик, мутелик куртакланишини кузатиб боради. Элчиев образидаги итоаткорлик, камтарлик, соддалик ижтимоий муҳит томонидан турлича тушунилади. Зиёли инсон ҳаётининг маълум босқичида ўзини, оила аъзоларини тафтиш этишга киришиб, шу пайтга қадар эришган нарсаларида ҳикмат кўрмайди. Инсон қалбининг мураккаблиги, мансаб, манфаат, худбинлик иллатлари касб эгалари, қариндошлар муносабатида тиниқлашиб боради. Элчиев қизи Жасура, ўғли Камолиддин тарбияси, қизиқшини кузатиб, авлоддаги тафовутдан ажабланади.

Муаллиф исм орқали фарзандлар тийнатидаги дадиллик, шижоатга ишора беради. Унинг феълидаги журъатсизлик кичкина, кўринмас одам бўлиб яшашига мослаштиради, камсуқумлик ҳақоратга имкон туғдирди. Ҳаёт савол янглиғ ҳар бир кишидан қилмишлари сарҳисобини олаверади. Қиссада зиёлилар орасидаги моддий ва маънавий қашшоқлик, маррага интилиш, катта одамга айланиш, орзулар рўёбига ошиқиш мотивлари инсоннинг ҳаёт фалсафасидан баҳс боғлайди. Элчиев тоифасидагилар бориға қаноат қилиб, майлиға эрк бермайди, ночор, жўн ҳолатиға ўзи сабабчилигини кеч англаб этади. Пул, мартаба қаҳрамон шаънидан ортиқ кўрилиб, айбдорлар қилмишининг кечирилиши олий низомни парчалайди. Улуғсифат бошлиқ Нодир Файзуллаевичнинг майда хизматчи Элчиевға муносабатида ҳақиқат жаҳолатға тобе бўлади. Адиб тириклик мазмунини мурод ва муродсизлик, бойлик ва қашшоқлик, ҳокимлик ҳамда тобелик тушунчалари негизида баҳолаётган образлар контрастини тақдим этади. Ҳаёт мантиғиға зид келувчи

лавҳалар замирида эрк, кадр, оқибат каби маънавий эҳтиёжларнинг барҳам топишига имкон бермаслик уқтирилади.

Абдуқаюм Йўлдошевнинг “Осмон оғуши” қиссасида ибтидоий йўсинда машқ қилиб учувчиликни орзулаётган ўсмирларнинг тобланаётгани кўрсатилади. Тоғ хронотопи айрилиқ, ҳаёт зиддиятига тайёрланиш, катъиятни шакллантириш мотивини намоён этади. Қаҳрамон сийратида изтиробу кўркув устунлик қилади. Қиссада инсоний тубанлик лавҳасида пафос кучайиб, йиғи руҳиятдаги оғриқ, ўкинчни юзага чиқаради. Маълумки, фарзанд учун ота қоя, суянчиқ, оғир дамда падар мададига эҳтиёж ортса ҳам, йигит муаммоларни ёлғиз ҳал этишга мажбур бўлади. Кўприк синов майдони янглиғ ўзликни асраб зафар қозониш ёхуд мағлубиятни енгиш маскани бўлиб тасвирланади.

Ҳарбий авиация билим юрти ирода, бардошни тоблайди, самога парвозда ишонч ҳисси ортади. Йигитнинг мустақил қарор қабул қилиб, тоғда ҳарбий топшириқни аниқ бажаришида матонат улуғланади. Тоғда Эрали отани йўқотди, вақт келиб шу макон унга ўзлигини, лаёқатини кашф этишга туртки берди. Абдуқаюм Йўлдошев замона қаҳрамони фидокор ватан ҳимоячиси образини яратишда беғубор болалик орзусини ривожлантириб яхлит манзарани намоён этади.

Ижодкорлар доим бир макону замонда яшаётган турфа феълли қаҳрамонлар ҳаётини параллел тасвирлаб, долзарб муаммолар ечимини ахтаради. Ҳаётнинг беаёв, беомон курашдан иборатлиги ўсмирлару катталар дунёқарашидаги зиддияту ноодатий тутумида равшанлашади. Соғлом турмушга мослашган, ҳалол меҳнатни қадрлаган инсон жамиятда ўз ўрни, мавқеини мустаҳкамласа, ичкилигу порахўрлик иллатига мубталолик уни тубанлаштириб, манқуртга айлантериши, орзуларни поймол этиши муқаррар. Шу боис маданий, маиший ҳаётдаги муҳим ижтимоий масалаларни ёритиш замонавий асарлар композициясини тўлдириб боради.

3. *Фантастик қисса хусусияти*: илмий техника тараққиётига қаҳрамоннинг мослашуви; генетик формулалар, электрон элементлар, сирли,

ғайриоддий саргузаштларни истифода этиш; само, курраи заминдаги эркин сайрлар, макону замондаги тахайюл кенглигини тасвирлаш; туш мотивида келажак ҳодисотларига башорат қилиш; олис сайёрадаги ноаниқ жонзотларни илмий гипотезалар тизимида ёритиб бориш. Қаҳрамон техник тафаккури микро ҳамда макрооламдаги яратикларни меҳварга жамлайди. Асарда келажакнинг тахминий манзараси реал ҳамда нореал воқеалар кесимида чизилиб, илму фаннинг инсон такомили аспектида талқин этилиши етакчилик қилади.

“... авваллари фантастика ижоднинг бир унсури сифатида кўринган бўлса, энди у ижоднинг тўлақонли, мустақил бир бўлаги, ўз мавзу доирасига, ўз тасвир воситаларига, ўз поэтикасига эга бўлган алоҳида жанр сифатида шакллана бошлади”²⁹.

Фантастика – бадий ижод соҳасидаги ўзига хос йўналиш. Фантастика деганда илмий кашфиётларни бадий характерларда талқин қилиш ҳам; ғайришуурий, ноодатий ҳолатларни кўрсатиш ҳам; воқеа-ҳодисаларни бўрттириб, муболағавий манзарани тақдим этиш ҳам тушунилади. Фантастик асар ўн саккиз минг олам маконида, турли замонларда рўй бериши мумкин. Шарқ-мумтоз адабиёти табиатида фантастика бисёр: Алишер Навоийнинг “Хамса” достонидаёқ оламжаҳон тахайюл самаралари кўзга ташланади. Ўзбек фольклор асарларини фантастикасиз тасаввур этиш мумкинмас. XX аср ўзбек адабиёти, хусусан, қиссачиликда фантастика 70-йиллардан кўрина бошлади. Худойберди Тўхтабоев болалар адабиётига халқчил, оғзаки ижодда учраган фантастикани киритган бўлса, Тоҳир Малик ва Хожиакбар Ислон Шайх асарларида ўзга сайёралик ҳаёти, илмий фантастика унсурлари кўрина бошлади. “Фалак”, “Сомон йўли элчилари” қиссалари билан фантаст ёзувчи сифатида танилган Тоҳир Малик кейинги асарлари – “Чорраҳада қолган одамлар”, “Сўнгги ўқ”, қиссаларида ижтимоий воқеаларни тадқиқ этиб, шўро замони кишилари характерини ёрита бошлади. Лекин Тоҳир Малик

²⁹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти – Т.:Шарқ, 2004 –Б.567.

фантастикани зинҳор тарк этгани йўқ. Унинг ҳар бир асарида фантастик воқеа, инсонлар, ҳолатлар акс этади. “Шайтанат”даги асосий қаҳрамонлардан ҳисобланган Анвар ўзга сайёраликлар, ота-боболар руҳлари билан бемалол сўзлашаверади. Фантастика Тохир Маликка қаҳрамон руҳиятини ёритишда ишонарли восита вазифасини ўтайди.

Ҳожиакбар Шайхов асарларида илмий фантастика етакчилик қилади. У “Кўз”, “Аждодлар хотираси” сингари асарларида фантастика имкониятларидан унумли фойдаланган. Ёзувчининг “Олмос жилоси”, “Само меҳваридаги намойиш”, “Шом камари”, “Жодугарнинг эри” қиссалари ҳам мароқ билан ўқилади. Ҳожиакбар Шайхов “Сирли олам” ҳафтаномазининг муҳаррири сифатида ҳам фантастиканинг ривожланишига ҳисса қўшди. Ёзувчи Маҳкам Маҳмудов ҳам фантастик асарлари билан китобхон диққатини жалб этади. Фантастик қиссаларни кузатиш шундан далолат берадики, йилдан йилга фантастикамиздаги қизиқтирувчи, илмий асос сусайиб бормоқда.

Ҳожиакбар Шайховнинг “Аждодлар хотираси” қиссасида қаҳрамон саргузашти метафорик образ ва тасвирлар уйғунлигида ташкилланади. Ўтмиш ҳамда келажак ассоциацияси воқеани таранглаштиради. Қиссада хронотоп ўзгариб, ибтидоий инсон яшаган макон, ғордан замонавий иншоотларга кўчиб туради. Камол генетик хотира қуввати ила мозийга сайр этиб, аввал маймун, сўнг овчи қиёфасига киради. Инсон ҳайвоний вужудда унга хос ҳаракатларни бажарар экан, эврилиш мотиви поэтик ҳукмга ишора қилади. Кейинги сирли манзара Камолнинг бепоён тоғ ҳудудидаги қабила удумига исёнида кузатилади. Муқаддас қоя теграсидаги эзгулик ва ёвузлик кураши инсон вужудида пўртана ҳосил этади. Ибтидоий одамнинг руҳлардан мадад кутиши, қурбонлик келтириш маросими мифология қоришиқлигида акс эттирилади. “Бадийий характер яратишда онг оқими ривоя техникаси қаҳрамоннинг мураккаб руҳий дунёси, психологиясини очиб беради”³⁰.

³⁰ Жўраев Т. Онг оқими модерн. Фарғона. 2009 –Б. 59.

Илмий кашфиётларни бадий характерда талкин этиш, ғайришуурий, ноодатий ҳолатларни кўрсатиш, воқеа-ҳодисаларни бўрттириб тасвирлаш фантастик қиссаларга хос тамойил саналади. Бундай асар хронотопи курраи заминни ўз теграсига бириктиради. Улардаги мўъжизавий ҳолатлар, руҳоний- ҳиссий муносабатлар матн бадийятини мустаҳкамлайди. Инсон ботиний ҳамда зоҳирий қуввати ила ўзга олам вакиллари билан мулоқотга киришар экан, жонли ҳаёт эффекти юзага келади. Қаҳрамон тафаккур ҳаракатининг бадий тасвири мавжуд ҳолатга сирлилик, бўёқдорлик бахш этади. Камолнинг сезги идроки оний лаҳзадаги ўзгаришларни тезда илғаб олади. Овчи тимсолидаги йигит муҳаббат боис қизни ёвузлардан халос этиб, тинч манзилни ихтиёр айлайди. Камол одамзотнинг олис уйғониш даврига ташриф буюриб, макону замондаги тафовутни муқояса қилади. Афсона йўсинидаги эпизодлар образлиликни юзага келтириб, ўзига хос кўламдорлик, ифодавийликни уйғун бириктиради. Одам мясининг серқатламлиги, қувваи ҳофиза қудрати борасидаги илмий мулоҳазалар бадий мантиқ устуворлигини таъминлаган.

Шахснинг ғайриқутб билан мулоқоти коммуникация жараёнини жонлантирган. Эътиқодий қарашлар негизида кишиларнинг илоҳий муждага интилиши теран ёритилган. Асрлар давомида инсон ўзини кашф этишга ошиқаётгани, турли вазиятдан ақлу заковати ила ҳақ йўлга талпинаётгани маълум бўлади. Метафорик тафаккур инсон тахайюлини янги оламга чорлаши фантастикага эътибор ортаётгани белгисидир.

Адабиётшунос И.Ёкубов: “Илмий фантастик шакллар адибга инсон ҳаётининг мазмун-моҳияти: эътиқод, ҳалоллик, поклик, инсоф, диёнат, меҳр-оқибат, самимият, бағрикенглик билан ёвузлик, жаҳолат, худбинлик, нафс илинжидаги турфа эврилишларни контраст ҳолда ифодалаш имконини беради. Адиб инсон виждонига мурожаат этар экан, уни ғафлат уйқусидан уйғотиш ва баркамоллик сари ундашни кўзлаб қалам тебратади”, - дея мулоҳаза билдиради³¹.

³¹ Ёкубов И. Ўзбек романи тадрижи. -Т.: Фан ва технология, 2006 –Б. 143.

4. *Детектив қисса хусусияти*: ҳаётдаги жиноятларни сирли фош этиш; турли гуруҳ вакиллари табиати, қилиғи, лақаби, мақомини мавжуд шароит сатҳида бирлаштириш; давр ва қаҳрамон зиддиятида жиноят негизига ишора бериш; махфий хизмат, норасмий одаду қоидаларни киши тасаввурида тиклаш; изқувар, хуфия, мафия, миршаб каби образлар ўртасидаги битиму низолар аспектида тўғрилиқ ва эгрилик тушунчасини акс эттириш; рақиблар характерида топқирлик, уddaбурунлик, зийраклик туйғулари мувозанатини сақлаб туриш. Асосан, қиморхона, касалхона, қамоқхона, терговхона маконида воқеа уюштирилиб, қаҳрамон нутқида жаргон, вульгар сўзлар фаоллашади.

Бадиий адабиётда детектив жанри бор. Одатда, бу жанрдаги асар қотиллик, катта ўғрилиқ, умуман, жиддий жиноят рўй берганлигини тасвирлаш билан бошланади. Бундай асарлар сюжетида драматизм воқеани таранглаштириб, босқичма-босқич, қадам-бақадам жиноят сири очила боради, чигал калаванинг учи топила боради. Детектив асарда икки гуруҳ: жиноятчилар ва уларни фош этишга киришганлар иштирок этадилар. Жаҳон адабиётида бу йўналиш ўз мавқеини мустаҳкамлаб олган. Мазкур адабиётда ёвузлик, аёвсизлик, жисмоний, руҳий азоб беришнинг одам тасаввурига сиғмаган усулини топиш етакчилик қилади.

Одамларда инсоф-имон, эътиқод, инсоний ғурур қанча юксак бўлса, шайтон измида бўлиш – жоҳиллик, ҳаёсизлик шунчалик чекинади. Бизда детектив адабиёт намуналари 60-йиллардан пайдо бўла бошлади. Асарда мафия (қора, жиноятчи) гуруҳлар ҳамиша янгича йўлларни, усулларни кашф этиб борадилар. Адиблар асосан, воқеадаги жумбоқли нуқталарни очиш – калаванинг учини топишга эътибор қаратадилар. Санъаткор детектив асарда ҳам пишиқ характерларни яратади. Аксарият детектив асарларда жиноятни фош этувчи куч сифатида полиция бошлиғи, унинг чиниққан ёрдамчилари кўрсатилади.

Тоҳир Маликнинг “Алвидо ... болалик” қиссасида ўсмир, жабрланувчи, жазоловчилар қатлами композицияни ташкиллаштиради. Асарда жиноят

илдизи, ибтидосига эътибор берилиб, бир неча сабаби аниқланади. Меҳр танқислиги, лоқайдлик, масъулиятсизлик уруғининг киши қалбида куртакланиб, фожеага йўл очиши кўрсатилади. Қамокхонадаги маҳбуслар тазарруси, ҳуқуқ ходимлари тезкор фаолияти ниҳон, мураккаб вазият, тугун йўналишини белгилайди. Асарда ҳикоячи воқеани уюштирувчи, сюжет линиясини ривожлантирувчи бўлиб, ўсмир, милиция ходими, марҳум қисматига доир лавҳаларни бош марказга йўналтиради. Қиссада Қамариддиннинг майор Солиев томонидан таъқиб этилиши мотивида жиноятнинг икки сабаби: муҳтожлик ва шўхлик англашилади. Ҳикоячи мактаб, пивоҳона, етимҳона, анҳор, қоҳона уй, маҳкама, кинотеатр, вокзал каби манзилдаги тафсилотни жамлаб, ўрни билан тасвир предметиға муносабат билдиради. Жиноят тушунчасига кенг аспектда ёндошилиб, никоҳсиз гўдак, моддий муҳтож бола, маънан бўйсунган йигит, эрка меросхўр тоифаларига ажратилади. Сюжет ривожига ҳар тоифанинг умумҳалқага йўналиши асослаб берилади. Ўсмирлик палласида аламзадалиқ, беътиборлик, ҳатто қизиқувчанлик ҳам жиноят оламиға етаклаши акс эттирилади.

Асарда ота, она мақоми борасида контраст тасаввур пайдо бўлади. Тоҳир Малик оталар образини бой, отарчи, дангаса, ногирон тарзда таснифлаб, уларнинг фарзанди олдидаги вазифаси тўқис бажарилмаганини сюжет ривожига англашиб боради. Фоҳиша, бека, камбағал оналарнинг ўғил тарбиясидаги хатоси бир мезонда баҳоланмайди. Қамариддин ҳаёсиз, бемеҳр онадан нафратланиб, унга олий жазони орзу қилади. Салим меҳнаткаш онасига қинғир пул топиш билан кўмак беради. Асрор маъсума онани эъзозлайди, аммо отарчи отасидан озорланади.

Асарда пул, амалға инониб, жиноятдан кўрқмайдиган оиланинг парокандалиги сағир хатодан кабир гуноҳға ботиш ҳолатини асослайди. ”Болалик” дан “ўсмирлик” давриға ўтиш вақти, синоати структурада қисмларни жамлаш, иллату, жаҳолат даражасини белгилаш, инсон мақомини шарҳлашға даъват этади. Детектив адабиётға хос

гуруҳбозлик, ичкилик, гиёҳвандлик лавҳалари қотиллик мотивига замин ҳозирлайди. Адиб ёшлар тақдиридаги туб бурилиш сабаб, оқибатини реал манзаралар орқали истифода этади.

Ўлмас Умарбеков “Ёз ёмғири” қиссасида детектив адабиёт йўриғидан борди. Сўнгги йилларда ўзбек адабиётида детектив йўналишдаги асарлар кўпаймоқда. Тоҳир Маликнинг “Шайтанат” асари асосини детектив воқеа, ҳолатлар белгилайди. Ёзувчи Асад бойвачча, Чувринди, Кесак полвон, Ҳосил бойвачча, Хонгирей сингариларнинг яширин гуруҳга қўшилишларини ижтимоий муҳит билан боғлайди. Аксарият ўринларда Асад оддий инсон: Жалил дўстини қадрлайди, унга дилидаги дардини ишонади.

Асад ва Қамариддин (“Алвидо...болалик”) образида ассоциативлик кузатилади. Улар тоза кўнгил дўстни жиноят оламига йўлатишни истамайди. Асрорнинг профессор бўлишини орзулаган Қамариддин уни моддий қувватлашини айтади. Икки характер ўз кучи, мулоҳаза қудрати билан аччиқ ҳақиқатни англаб, тийнатидаги ниҳон инсофни билдириб туради. Шу тарзда инсон фитратидаги мураккаблик ёритиб борилади. Ҳаром йўл билан топилган бойлик изтироби, оилавий парокандалик, руҳий таназзул асар матнидан англашиб борилади.

Детектив асар яратишда санъаткорларнинг характерларни очиш йўлини эсдан чиқармаслик жоиз. Зеро, ҳар бир мукамал асар китобхон маънавиятини бойитишда муҳим омил ҳисобланади.

5. *Сатирик қисса хусусияти:* иронияга бой ҳолат, вазият негизида ижтимоий, психологик муносабатни акс эттириш; инсон ё жонзот образидаги кулги эффекти орқали сўз ўйини, қочиримни ривожлантириш; монолог, диалогдаги лутф, ишоралар асосида бўёқдорликни ҳосил қилиш ; зийраклик, топқирлик фонида фирибгарлик , найрангликни қоралаш. Ошкор ва яширин, тасдиқ ҳамда инкор ҳолат киши табиатидаги ўзгарувчанлик, мослашувчанликка ишора беради. Асарда жамият тараққиётига зиён келтирувчи турли иллатлар киноявий пафосни юзага келтиради.

Неъмат Аминовнинг “Ёлғончи фаришталар” қиссасида муаллиф пичинги воқеалар ривожда ортиб боради. Ёлғон ҳамда фаришта орасидаги контрастни англашда қаҳрамон ва давр муносабатига эътибор қаратилади. Рамзий тасвирни изоҳлашда ниқобланган фирибгар беаёв фош этилади. Жамият ривожига зиён келтирадиган маккор моҳияти Баширжон Зайнишев тимсолида тажассумини топади. Адиб сатирик қаҳрамоннинг оиладаги ҳолатини думбул хотини, эрка ўғли қилмишлари теграсида ёритиб боради. Зайнишев собиқ тузумдаги хос ходимнинг умумлашма образи. Шамси Тўраевич, Асқар Бакировичлар раҳнамолигида турли лавозимга “тайёр” кадр ташкилотни бошқаришда қинғир ишга берилиб кетади. Катта акалар кувватлагани боис “сувдан қуруқ чиққан” ходим чаласаводлиги, андишасизлиги сатирик оҳангни кучайтиради. Қўрқоқ, юлғич, довдир Баширжон эпчиллиги сабаб мушкул вазиятдан осон қутулади.

Қиссадаги қаҳрамонлар нутқида рус сўзлар бисёр қўллангани кузатилади. Искарри памуш (тез ёрдам), пигура (фигура) , вараҷ (врач), тиф (тип), типиркулос (тиберкулёз), тўчка(точка), кофе (кафе) каби сўзлар талаффузи илмсизликни исбот қилувчи омилдан бири. Турли соҳа вакиллари билан мулоқот жараёнида Баширжоннинг саводсиз, шошқалоқлиги ироник вазиятни таранглаштиради. Воқеалар шаҳар, туман ҳудудида ривожлантирилиб, содда баён усулида тақдим этилади. Қаҳрамон тузумда муқимлашиб, манфаатлар илинжида тинмай ҳаракатланади.

Ёзувчининг бадиий тил воситасида портрет яратиши, китобхон тасаввурида қаҳрамонни конкрет гавдалантиришга замин ҳозирлайди. Кенг ялтироқ пешонали Баширжон халтамонанд шим ,оқ кўйлак , кулранг шляпада цирк қизиқчисига ўхшатилади. Мазкур тасвирда асосан кийим орқали образ шамойилига аниқлик киритилади. Хусусан, цирк қизиқчиси ибораси Баширжон руҳий, амалий фаолиятини ўзида мужассам айлайди. Кишининг мансаб пиллапоясидан юксалгани сари инсофу диёнатдан йироқлашиб бориши ҳамкасблари нафратида аёнлашади.

Қисса композициясидаги асосий маъно нуқтаси Зайнишев иқроарида конкретлашади :” Эшакман! -деган товуш чиқди гирех тишлари орасидан – Асли менинг жойим оғилхона бўлиши керак. Ҳалиям шу акаларга минг раҳмат, мендай бир бефаросат эшакни, овози эшакникидан ҳам паст ношукур бир кучукни, қулоғи эркак мушукникидан ҳам кичик, қулоқсиз бир нодонни шундай масъулиятли ташкилотга бошлиқ қилиб қўйишибди”³².

Инсон феъл атворининг жонзотга менгзалишида унинг хароб, ноқислик манзараси акс эттирилади. Бефаросат, ношукур, нодон изоҳловчилари иллат даражасини орттириб боради. “Хўтиқнинг балоғати” номли фельетон сатира тиғини янада ўткирлаштиради. Қаҳрамоннинг ҳар бир ташкилотдаги қизғин позицияси киноявий муносабатни мустаҳкамлайди. Асардаги Қирмизхон, Қиёмхонлар тимсолида уят, номусдан мосуво кимсалар кирдикори тақдим этилади. Одамзотнинг оломонлик ҳолатига тушиши асар маъно қатламини шарҳлаб туради. Воқеалар силсиласида ниқобу найранглар тўғрилиқ, ҳалолликдан айроликда пайдо бўлиши идрок этилади.

6. *Ҳужжатли қисса хусусияти:* фактик материаллар асосида маълум соҳа вакили қисматига аниқлик киритиш; воқеага оид кўрсатма, иқдор, англатмани ўрганиш; баъзан расмий доирага хос муҳитни тасвирлаш, реал макону замондаги вазиятни холис ёритиш. Асарда қаҳрамон ҳаётидаги туб бурилиш, фожеий ҳолат сабаби давр билан уйғунликда кўрсатилади. Ўзга манбалар (газета, журнал, илмий, тарихий адабиёт)да мазкур мавзуга оид маълумот муқояса усулида баҳолаб борилади. Қаҳрамон тақдиридаги ҳолату вазиятнинг аниқ вақт, маконда берилиш жараёнини инобатга олиш, сабаб, оқибатини кўрсатишда унга замондош ҳамкасб, қариндош гувоҳлигини ёдда тутиш мақсадга мувофиқ.

Набижон Боқий “Қатлнома” ҳужжатли қиссасини яратиш учун кўплаб манбаларни ўрганди, Абдулла Қодирийга оид материаллар қайси архивда бўлса, ўша ерларда ишлади. “Қатлнома” талайгина ҳужжат асосида ёзилган,

³² Аминов Н. Ёлғончи фаришталар –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 –Б.240.

лекин у бадийликдан, китобхонни жалб этишдан маҳрум эмас. Абдулла Қодирий ҳақида бир вақтнинг ўзида икки асар яратилди. Уларнинг ҳар бири ўзига хос. Ҳабибулла Қодирийнинг “Отам ҳақида” ҳам, Набижон Боқийнинг “Қатлнома”си ҳам адабиётимиз учун зарур. Ҳар икки асарда бир хил воқеалар учраб, бир хил ҳужжатлардан фойдаланилгани ҳолда ёндашув усули фарқланади. Ҳабибулла Қодирий асарида оила аъзолари, қариндошлар хотиралари асносида адиб тийнатидаги фазилатлар ёдга олинади. Мазкур қиссаларда икки ёзувчининг қараши, муносабати, бадий талқини мавжуд.

Набижон Боқий асарида ҳаётий далил тафсилотлари, бадий асарга хос “ички ҳаёт” мавжудки, улар ўқувчини бефарқ қолдирмайди. Ёзувчи керакли далил, ҳужжатларни бадийлик нури билан ёрита олганки, китобхон мураккаб материал манбаларни уқа бошлайди. Бу қиссада изчил тизим кузатилмайди, композицион жиҳатдан турли қисмлар тарқоқ кўринса-да, асосий моҳиятни ёритишга бўйсундирилади. Муаллиф келтирган фактик ҳужжатлар инсоний виждон, сабр, ирода тушунчаларини ўзга мезон, кўламда қабул қилишга чорлайди.

Миллат фидойилари қисматидаги фожеий лавҳалар турли насаб, даражадаги инсонлар ҳақиқату макри доирасида идрокланади. Муаллиф Қодирий номи оқлангандан сўнг ҳуқуқ ташкилоти мутассадилари муносабатидаги масъулиятсизлик, муаммонинг ечимига сусткашлик билан ёндашувни ой, йил вақти кесимида муқояса этади. Терговга дахлдор кўрсатма, айблов, сўровнома, ҳукмнома каби расмий ҳужжатларда низом талабига риоя этилмагани, ишга асоссиз, шошилиш ёндашилгани мисоллар билан исботланади. Адиб даврдаги ноҳақ ҳукму тазйиқни фактик материаллар билан мустаҳкамлайди. Ҳужжатлардаги лоқайдлик, сохталик истеъдодлар тақдирига бефарқ ҳолатда ҳукм чиқарилганини далиллайди. Муаллиф ижодкорга сунъий айбловни тайёрлаган мутассадилар феъли, иш услубини гувоҳлар кўрсатмаси воситасида ишончли ёритишга интилиб, адолат мезони бузилганини асослайди.

Ёқубжон Хўжамбердиевнинг “Қалдирғочлар баҳорда келади” хужжатли қиссасида журналист Муродхон Собировнинг жамиятнинг зиёли катлами фаолиятдан олган лавҳалари ёритиб борилади. Унда Марказий Осиёдаги туркий халқлар бирдамлиги, тинчлиги, тараққиёти йўлидаги саъй-ҳаракатлар асос қилиб олинади. Муаллиф маконни белгилашда қадим шаҳардан дунёнинг айрим давлатларига қадар ракурс уюштиради. Журналист турли миллат вакиллари ҳаётидаги лавҳаларни қизиқарли фактлар орқали тақдим этади.

Қаҳрамон собиқ тузум шароитида миллати манфаатини ҳимоя қилган давлат арбоблари, ижодкор олимлар фаолиятига нигоҳ ташлайди. У ҳар бир образ мавқеи, жамиятдаги ўрни, ҳаётий тажрибасини ўрганибгина қолмай, кўнгил ҳолатини ёритишга ҳам аҳамият беради. Садриддин Айний, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор каби адибларнинг халқона лутф, иборалардан унумли фойдалангани мисоллардан англашилади. Муаллифнинг Турсунбой Ўлжабоев, Тўракул Айтматовлар борасидаги мулоҳазаларида мафкура найранглари фош этилади. Шароф Рашидовнинг стратегияни аниқ, тўғри белгилаш маҳорати, бунёдкорлик салоҳияти халқ, миллат манфаати йўлидаги фаолияти билан муштаракликда кўрсатилади. Адиб қисса ёзиш жараёнида кўплаб материалларни ўрганиб, саралаб, тизимли ифодалагани кузатилади.

7. *Биографик қисса хусусияти:* муаллиф ҳаётидаги лавҳалар контекстида сюжетни ривожлантириш; ўз тақдиридаги ҳолатларни жамият билан уйғун тасвирлаш; шахсий кечинмаларни кундалик, мактуб, хотира асосида жонлантириш; тўқимага берилмай, ижтимоий, маданий соҳадаги ўзгаришларга қаҳрамон муносабатини кўрсатиш. Асарда ижодкор болалик, ўсмирлик вақти, санъат оламига илк қизиқиши дунёқараши, руҳиятига монанд тақдим этилади. Ижод лабораториядаги индивидуал факторларнинг матн таркибига сингиши маънавий руҳий олам борасидаги тасаввурни мустаҳкамлайди.

Ирвин Стоун: “Биографик қисса бир инсон ҳаётининг хужжатлар билан тасдиқланган ҳаққоний тарихи бўлиб, унда ҳаётдан олинган ҳикояларга

сайқал берилади ва муаллиф томонидан чинакам бадий асар даражасига кўтарилади”- дея эътироф этади³³.

Қиссачиликда биографик асарлар кўп, қурилмаси ҳар хил, бадийлик даражаси турлича. Ижодкор асаридаги асосий воқеа замирида характер хос қиррасини ёритишга интилади. Биографик асарда ҳам миллий урф одат, ўша даврга хос тамойиллар қамраб олинади. Инсон ҳаётидаги муҳим бурилиш, контраст вазиятлар ижодкор тафаккурида сараланиб, сайқалланиб, воқеалар бир-бири билан боғланиб, сюжет линиясини кенгайтиради.

Биографик қиссада муаллиф тасвирлаётган ҳолат, воқеага оид тафсилотни драматик руҳ билан тўйинтириши, давр манзарасини беришда кишилар кийими, масканлар меъморий кўриниши, шаҳар ёхуд қишлоқ қиёфасини эътиборда тутиши керак. Воқеани уюштириш жараёнида муаллиф ўзи ва яқинларига оид муносабатлар сабаби, ечимини ҳам диалогу монологда тиниқлаштириб боради. Муаллиф қаҳрамони майллари, туйғулари, руҳиятидаги ўзгариш, фазилату нуқсонини таъсирли, табиий ифодалашга интилади.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Ойбекнинг “Болалик”, Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар” биографик қиссалари яратилди. Ғафур Ғулом асарида шум боланинг бошидан ўтган воқеа-ҳодиса, руҳий ҳолатларни асосан холис қилиб тасвирлаш; домла-имомларни мазаҳ қилиш ҳолатлари сезилади. Умуман олганда, Ғафур Ғулом қиссасида XX аср бошидаги Тошкент ва унинг ён-атрофидаги қишлоқлар ҳаёти жонли, турли ранг-бўёқларда тасвирланган. Бола сийратидаги самимият, беғуборлик катталар табиатидаги риёкорлик, фирибгарликка контраст берилади. Ҳаётни кузатиш, кишилардаги турфа иллатни фош этишда боланинг зийрак нигоҳи устунлик қилади. Оғир дамда бола топқирлиги боис вазиятдан силлиқ чиқади. Адиб хронотоп масаласида бозор, боғ, масжид, тоғ, дарё, молхона, қишлоқларни қамраб олишга, воқеаларни тизимли уюштиришга эришади. Бозор тасвирида тириклик масканидаги ҳалоллигу ҳаром муқояса этилади. Масжиднинг пок

³³ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида –Т.:Маънавият, 2010 –Б.97.

мухитига яширинган малъун кимсалар, дарёнинг шаффоф сафосига номуносиб фирибгарлар халқ ишонган кишиларнинг чин қиёфасини тафтиш айлашга имкон беради.

Қиссада турли касб эгаларининг дунёқарашидаги тафовутлар ҳавола этилиб, кулги мотиви орқали ойдинлик киритилади. Адиб асар матнига халқ кўшиқ, мақолларидан киритар экан, инсонлар ижтимоий турмушини янада жонли ифодалаш, мулоқотни ривожлантиришни мақсад айлайди. Авлод алмашинуви жараёнида турмуш синоатида тобланаётган қаҳрамонлар руҳияти ёрқин рангларда акслантирилади.

Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртақлар” қиссасида ижтимоий ҳаёт, кишилар турмуш тарзи, табиат манзаралари ёрқин акс эттирилган. Афсуски, бу қиссада ҳам бой, дин пешволарини тасвирлашда қора бўёқлар бисёр ишлатилган. Муаллиф бадиий нияти эпиграфда тажассумини топади.:

Эшилиб, тўлғониб ингранади куй,

Асрлар ғамини сўйлар “Муножот”.

Куйи шундай бўлса, ғамнинг ўзига

Қандай чидай олган экан одамзот (А.Орипов)³⁴

Муаллиф болалик хотиралари асосида жонли, саргузаштга бой, комик, баъзан трагик ҳолатга монанд қисса яратишга ноил бўлади. Қиссада макону замон тасвири Фарғона ҳудуди дея белгиланади. Халқ ўтмишига теран нигоҳ ташлаб, жамиятнинг турли табақаси баҳоланади. Мусофирликнинг машаққатини болаликдан ҳис этган қаҳрамон саргузашти сюжет линиясини ривожлантириб боради. Асар композициясида кичик боблар яхлит картинани тўлдириб боради. “Тери-ю суякдан иборат бўлиб қолган бемор кўзларини катта очди, оппоқ тилини зўрға чиқариб, қонсиз лабларини ялаган бўлди, кўзларини яна юмди, киприклари ялтиради. Унинг куйгани, йиғлагани, фарёд чеккани шу, бундан ортиққа мадори йўқ эди”.³⁵

³⁴ Қаҳҳор А. Ўтмишдан эртақлар –Т.:Ғ.Ғ номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 –Б.188

³⁵ Қаҳҳор А. Ўтмишдан эртақлар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988 – Б.210.

Бола нигоҳидаги касал аёл юз ифодаси, кўз, тил, лаб детали хаста умумий ҳолати, дард салмоғидан бохабар айлайди, фарзандидан айрилган онанинг фарёд чекишга ҳолсизлиги шу тарзда шарҳланади. Қаҳрамон гувоҳ бўлган аянчли воқеалар ёки хушнудлик онлари бари болалик таассуротларини табиий, таъсирли етказишга хизмат қилади.

Абдулла Қаҳҳор руҳиятидаги пўртаналар унинг ижодкор бўлиб етишганда ҳаёт материалини синчковлик билан тафтиш этиб, асл манзарани изчил акс эттиришига туртки бўлди. Сўзни қадрлаб, унинг салмоғини ҳис айлаган адиб сиқиклик, теранликни қадрлагани маълум. Ҳар бир асар концепциясини аниқ белгилаш, образ мантиғини асослаш муаллифнинг бадиий матн меҳварини тўлиқ ҳис этганини билдиради.

Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор қиссалари иқлимини ҳазил-мутойиба, юмор бойитиб турибди. Ойбекнинг “Болалик” қиссасида ҳам Тошкент, тошкентлиларга хос ҳаёт тарзи, ёш Мусанинг Бектемир, Янгибозор сингари кент қишлоқларда кўрган-кузатган ҳолатлари ўта табиий, жозибали тасвирланади. Лекин юморнинг танқислиги сиёсий муаммоларни, мастеравойларнинг инқилобий руҳдаги йиғилишлари-ю, ёш мусоларнинг бу воқеаларга берилиб кетишини қуюқлаштириб юборган.

Асардаги қаҳрамонлар орасида оила аъзолари, кексалар портрети анча батафсил берилади. Қиссада ўша давр кишилари турмуш тарзи, касбга доир терминлар турли хунармандлар ҳаётини реаллаштиради. Бош образ бола буваси билан кунлик сайри савдо аҳли, дин пешвоси, касб эгаси қуршовида уюштирилиб, унинг нигоҳи, имкони даражасида персонажлар ҳаракат, ҳолатига муносабат билдирилади.

Бу қиссаларда ҳикоячи бола функцияси аро ўхшаш ва фарқли жиҳатлар мавжуд. Макон тасвирида туғилган кент, қишлоқ тарихи, удуми, аҳолиси борасида болалар ёндашуви ўхшайди. Қиссалар поэтикасида болалар ўйини, шўхлиги манзарасига эътибор берилган. Қоравой ўзи кузатувчи, тобланувчи бўлса, Абдуллага ота, Мусога бобо таянч, ҳамроҳ бўлади. Она образида ҳам тафовут кузатилади. Етим тарбиялаётган аёл машаққатлар гирдобида

қийналади, тушкунлик ҳолатида фарзандига кўп танбех бериб, рўзғорни ўзи амаллаб тебратади. Абдулланинг онаси мусофирликдан азият чекади, фарзандлари нобуд бўлгани сабабидан ўғлини эҳтиётлайди. Мусонинг онаси камгап, итоатли, турмуши тинч, бола тарбиясида қайнота ўғитига суянади. Муҳими, адиблар биографиясидаги эътиборга молик воқелик занжирини ҳаракатга келтириб, замон нафаси, киши тасаввурини англантишга муваффақ бўлганлар.

“Биографик қиссанинг муаллифи бир одам ёхуд бир гуруҳ одамлар ҳақида материаллар йиғиш устида ишлайдиган биограф бўлмоғи керак. У бу материалларни таснифлашнинг мураккаб техникасини ўзлаштириб олоғи, одамларнинг бошидан ўтган юз миллионлаб турли-туман ҳаётий воқеалар ичидан айна мана шу биттасини ажратиб олоқ учун айрим олинган ҳар бир ҳолатга мос келувчи айрича услуб қўлламоғи, айрича ёзиш тарзини кашф этмоғи лозим”, - дейди Ирвин Стоун³⁶.

Адиблар томонидан миллатнинг қадриятини дунёга тарғиб қилишга алоҳида диққат қаратилмоқда. Шу маънода миллий ўзлик, олижаноблик талқин қилинган асарлар инсоният томонидан қадрланмоқда. Ҳаётни бадиий идрок этиш муаллифдан ҳар бир қаҳрамон образини ягона марказга жамлаш укувини талаб этади. Воқеа ривож, конфликт, кульминацияда ғоявий, ҳиссий муносабат яққол акс этиши кузатилади.

Фаслда ўрганилган муаммо натижасида қисса жанри ички хиллари ҳаёт қонуниятини таъсирли ифодалагани, инсоний муносабатга турли ракурсдан фалсафий, эстетик ёндашгани маълум бўлади. Қисса композициясида аллома, шоҳ, жаҳонгир, изқувар, уддабурон, сайёҳ каби образларнинг ҳаётий маслаги, салоҳияти, иқтидори бадиий тадқиқ этилаётгани асосланади. Қиссаларда қаҳрамон сийрати, психологик ҳолатини тасвирлашда муносабат ўзгариб бораётгани, ижодкорнинг поэтик изланиши натижасида юзага келган асар маънавий, эстетик арконни янги образ, деталь билан тўлдираётгани тадқиқ этилади.

³⁶ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. -Т.:Маънавият. 2010 – Б.100.

I боб юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қисса сўзи илк бор Қуръони Карим таркибида қўлланилиб, башариятни олам ҳамда одам яралишидаги илоҳий қонуниятдан бохабар этади. Инсоннинг ибтидосидан интиҳосигача бўлган концепцияда Яратганга итоат, эътиқод, ихлос масаласи сингдирилади.

2. Халқ қиссалари поэтикасида ўхшатиш, бўрттириш, муболаға муштараклиги содда воқелик салмоғини орттиргани, сюжетни ривожлантиргани кузатилади.

3. ”Қисаси Рабғузий” асари композициясида сюжет, тугун, кульминация каби унсурлар такомиллашиб боргани кўзга ташланади. Асарда илоҳий оятлар билан бирга ривоят, ҳикоят, изоҳ, танбеҳ, латифа, савол жавоб каби бадий унсурлар қўлланилади.

4. Навоийнинг ”Тарихи ҳукамо ва анбиё” асарида поэтик мазмунни бойитган мотивлар ислом дини фалсафаси асосига қурилган. Ижодкор пайғамбарлар тарихини ёритиш, эстетик воқеликни тасвирлашда шеърлардан ҳам фойдалангани маълум бўлади.

5. Повесть ва қисса терминига доир илмий мунозаралар натижасида уларнинг бир маънони ифодалаши, қисса амалиётга кенг татбиқ этилгани, қиссанинг жанр сифатидаги такомили жараёнида инсон шахсига ёндашув ўзгариб боргани, ижтимоийлашув, тузумга мослашув кучайиб боргани кузатилади.

6. Қиссаларни ички хилларга бўлиб таснифлаш жанр табиатини аниқ ёритиш, тасвир объектини тўғри баҳолаш имконини беради. Қиссаларда инсон шахсияти, руҳий маънавий ҳолати талқинида муаллиф бадий тафаккури, эстетик қараши ойдинлашади.

7. Тарихий, биографик, сатирик, детектив, замонавий, фантастик каби қиссалар поэтикасини ташкил қилувчи композицион унсурлар характер моҳиятидаги диний-дунёвий ҳақиқатни ёритишда муҳим аҳамият касб этади.

II БОБ. XX АСР ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ҚИССА ЖАНРИНИНГ ЎРНИ ВА БАДИЙ ФУНКЦИЯСИ

2.1. Ўзбек қиссаларининг мавзу кўлами

Ҳар бир асарнинг мавзуси ижодкор тафаккур дунёси билан боғлиқ. Маълум соҳа, касб-кордаги янгиликлар ҳам кишига янги фикр айтишга имкон беради. Адабиёт тарихига назар ташланса, асрий анъана, қадриятлар талқин этилган асарлар одамзот томонидан эъзозланаётгани, унга қайта эҳтиёж туғилаётгани маълум бўлади. Бадий тафаккур ривожига таъсир этувчи мавзулар қисса мундарижасини бойитгани кузатилади.

“Ижодкор ўзини қийнаган муаммоларни бадий идрок этиш учун кенг ва қулай имкон берувчи ҳаёт материални танлайди ва тасвирлайдики, бу бадий асар мавзусидир”³⁷.

Қиссалар шаклланиши жараёнида ватан, одоб-ахлоқ, оила, муҳаббат мавзулари етакчилик қилган. Ватан абадий мавзу сирасига мансуб бўлиб, инсоният бу туйғуни тирикликнинг ҳар фаслида идеал даражада ифодалашга интилади. Бу мавзу умумадабиётнинг ҳам бош мезонига айланиб, асрлар давомида уни ёритиш усули такомиллашиб борган. Оила кишилиқ жамияти ибтидо давридан шаклланиб, ундаги ички низому тартибот ҳам мавзу кўламини кенгайтириб боради. Бу мавзулар Қуръонда пайғамбарлар қисматидаги айрилиқ, мусофирлик, элчилик, биродарлик мотивларини бирлаштириб, умумий мақсадга йўналтирган.

Халқ қиссаларида меҳнат, тарбия мавзуси кишилар фаолиятини мадҳ этиш, фазилатини бўрттириш йўсинида фаоллашиб борди. Мумтоз қиссаларда мавзуни ислом фалсафаси, аҳкомлари билан муштаракликда ёритиш тамойили ортиб борди. Мавзуни белгилаш, материални саралаш, қаҳрамон муносабатини аниқлаш масаласи ижодкорга ижтимоий ҳаётга теран нигоҳ ташлаш, таҳлил этиш масъулиятини кучайтирди.

³⁷ Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. - Т.: Akademnashr, 2010. – Б.157.

XX аср бошида колхоз мавзуси оммалашиб борди. Мавзуни ёритишда ишчилар образи, бой ҳамда деҳқон контрасти тасвирланиб, ижобий ёхуд салбий қаҳрамон тушунчаси қўллана бошланди. Жадидлар таъсирида илм ўрганиш мавзусига эҳтиёж ортди. Бунда билимсизлик оқибати ҳаётий сабоқлар сатҳида танқид остига олинди. Янги ислохот натижасида бўш ерларни ўзлаштириш масаласи кўтарилиб, қиссаларда бу жараён атрофлича тасвирлаб борилди. Ижодкорлар турмушдаги ижтимоий, маънавий, ахлоқий масалаларни ўрганиб, уларни онги призмасида пишитиб, ўқувчига таъсирли ҳаёт материалини тақдим этишга аҳамият қаратди.

Реал турмуш воқелигини ичдан ёритиш, турли жинс, ёшдаги инсонлар феъл-атворини изчил кузатиш қиссада замондошни ўйлантирган муаммоли вазиятни яратиш эҳтиёжини юзага келтиради. Қиссадаги барча персонажлар бош қаҳрамон мантиғини асослашга хизмат қилади.

Қисса мавзуларини замонавийлик ва тарихийлик аспектида кузатиш ижодкорнинг танланган воқелик, образни ёритиши, ундаги етакчи тамойилни аниқ кўрсатиши асосида юзага чиқади. Замонавий мавзуга материал ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни саралаш, таҳлил этиш асосида жамланиб боради. Долзарб муаммолар ечимини давр қаҳрамони фаолияти воситасида тақдим этишга аҳамият қаратилади.

Адабиётшунос В.Шчербина: “Тарихий мавзудаги аҳамиятга молик ҳар қандай асарда ўтмишга умумий бир қараш, яъни мозий ва ҳозирги замонга нисбатан маълум ижтимоий, фалсафий концепция бўлади. Шундай тарихий тажрибага асосланган концепция билан хоҳлаган тарихий воқеа ёки шахснинг табиати, ўзига хослигини тўғри англаб, ҳозирги замон учун хулоса чиқариш мумкин”, - дейди³⁸.

Қишлоқ хўжалиги, саноат ривож, шўро тузумидаги ҳолатлар янги ижтимоий муҳитнинг барпо бўлаётганидан дарак беради. Қиссаларда кишиларнинг ғоявий юксалиши, меҳнатда тобланиши, жамоавий шароитга мослашиши бадий гавдалантирилади.

³⁸ Социалистический реализм на современном этапе его развития. -М.: Знание,1977. – С.101.

Жамиятдаги ўзгаришу туб бурилишлар қиссалар мавзусини кенгайтириб борди. 30-йилларда босмачилар мавзуси яна долзарб бўлган. Тарихий воқеликни қайта идроклаб, уни зарур лавҳалар билан тўлдириш, мозийдаги кескин, қалтис вазиятни қаҳрамон мавқеи, тутуми муштараклигида ифодалашга диққат қаратилади. Бир ёқлама, яъни синфий кураш нуқтаи назаридан баҳоланган босмачилар қора бўёқда тасвирланади. Кейин бу мавзуга бошқача ёндашув, аниқроғи, миллий манфаат, ватан тақдири эътиборидан - анча тўғри муносабат билдирилади. Аслида юртнинг тинчи, осойишталиги, хурлиги йўлида курашганлар босмачи бўлмай, аксинча фидойи, миллатпарвар деган шарафга лойиқ шахслардир. Давр талаби боис бундай хато мулоҳазалар маълум асарлар композициясида намоён бўлган.

Тарихий ҳақиқатни юзага чиқариш, жой номларини тўғри кўрсатиш, юксалишу инқирозни реал тасвирлаш, ўтмиш ҳодисаларини саралаш, қаҳрамон динамикасини кўрсатиш, маданий муҳитни ўрганиш орқали яхлит мазмунни келтириш даркор.

Адабиётшунос А.Рашидов: “30-йиллар қиссачилиги янги социалистик шахснинг шаклланиши проблемасига алоҳида эътибор берганлиги билан характерланади”, - дея мулоҳаза билдиради³⁹.

Асосий эътибор ишчи образи мақомини кўтаришга йўналтирилиб, уни жамият фаол қисмига айлантириш мақсад қилинади. Энди унинг шаклланиши, сиёсий онгининг ўсиши, раҳнамо кўмагида тузум низомига бўйсуниб, итоат этиб, режа, вазифаларни бажариши тасвирланади. Колхоз тузилмаси, меҳнат шижоати, киши ташаббуси ишлаб чиқариш жараёнини жадаллаштиради. Ёшларни тарғиб, ташвиқ этиш, уларни ғоявий, мафкуравий ютуқлар билан қувватлантириш масаласи жиддийлашди.

Урушдан кейинги даврда партия сиёсатини оммалаштириш мақсадида яна колхоз мавзусига эътибор кучайди. Бунда фаол, виждонли комсомол, коммунист характери ибрат сифатида қисса сюжетини ташкиллаштириб борди. Мавзуни ёритишда маданий, сиёсий, иқтисодий зиддиятларга барҳам

³⁹ Рашидов А. Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири. -Т.: Фан, 1980 –Б.72.

бераётган қатлам вакиллари хусусияти ривожлантирилди. Оила, бурч, садоқат тушунчалари уруш мавзуси доирасида қолиплаб борилди. Уруш мавзуси фольклордаги қабила, элатлар орасидаги низолардан мураккаб, йирик полотнода истифода этилди. Бунда умуминсоний миқёсда жаҳолат, ҳалокат каби офатлар асар поэтикасига янги мотивларни тақдим айлади.

Уруш воқелигини сиқик тасвирлаш, меҳнат жабҳасидаги фидойиликни кўрсатиш, фожиавий манзарани гавдалантириш орқали жудолик, вайронкорлик даражасини асослаш, драматизм воситасида зиддиятни теранлаштиришга эришилади. Урушнинг инсоният тарихига, ижтимоий тараққиётга келтирган бемисл зиёни воқеалар силсиласида муқимлашиб боради.

Қиссаларни қамровига кўра миллий ва умуминсоний кўламда баҳолаш жанр хусусиятини тўлдириб боради. Миллий тафаккурни намоён этишда ижодкор анъана, қадриятни матн негизига сингдириб боради. Андиша, лафз, уят, ибо янглиғ фазилатнинг миллий характерда уйғунлашуви тасаввурни бойитади. Умуминсоний моҳиятни диний, дунёвий, маънавий, эстетик қарашлар тизимида ёритиш муайян қарашларни қатъийлаштиради. Қиссаларда инсон тийнатидаги эзгулик, мардлик, бағрикенглик туйғуларининг талқини турли миллату дин соҳибларини буюк маслак, ният доирасида бирлаштиради.

Қиссачиликда 70-йиллардан инсон руҳиятидаги мураккабликни тадқиқ этиш тамойили пайдо бўлади. Одам психологиясига миллий анъана, тарбия таъсирини сингдиришда ўзликни англашга интилиш ҳолати кучайди. Миллий кураш, кўпқари мавзуси Тоғай Мурод қиссаларида талқин этилди. Халқ руҳи, умумқайфиятига монанд тасвирни бадиий идроклаш жараёнида диний мотивлар синтези ҳам фаоллашиб борди. Рамазон, ҳайит каби муборак ой, кунлар ҳақидаги тасаввурлар асарлар моҳиятини тўлдирди.

Қиссаларда табиат мавзусига эътибор ортди. Шукур Холмирзаев, Нурали Қобул ижодида наботот ҳамда ҳайвонот оламидаги қонуният бадиий тизимга бирлаштирилди. Мавзуни ёритиш жараёнида жонли табиат

вакиллари сифати, хусусияти моддийлашиб, образ даражасига кўтаришга аҳамият берилди. Қаҳрамон инсон атроф оламнинг посбони, кўрикчиси эканини унутган дамда ҳалокатга юз тутиши сабаб оқибатини англашга интилди.

Ижодкор табиатдаги нафосатни аниқлаб, ҳар бир яратикни ҳис этиши жонли манзараларни ифодалашга туртки беради. У табиатнинг ажралмас қисми бўлиб, олам ҳодисотини тирик, жонли кадрли дея китобхонга тақдим этади. Бунда асар қаҳрамони сийратидаги поклик, бағрикенглик курраи олам қалби ила муштараклик ҳосил қилади.

80-йилларда партия мавзусига эътибор берилиб, масалани танқидий баҳолашга уриниш кузатилади. Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам кабилар бу давр манзарасини ичдан ёритишга ҳаракат қилиб, ироник муносабатга урғуни кучайтирдилар. Қаҳрамон тахаййюл оламидаги пўртаналарни таъсирли ифодалаш, ҳаёл ҳамда туш мотивини композицион сатҳга сингдириш усули ортиб борди. Инсон бажарувчи, ҳаракатланувчи ҳолатидан фикрловчи, ўзини тафтиш этувчи мақомига кўтарила бошлади. Раҳбар образида ўтмишга нигоҳ, аслига қизиқиш, юксалиш ҳамда пасайиш онларини дадил тан олиш жараёни тезлашди.

Адабиётшунос Б.Каримов: “Бадиий асардан ёзувчи табиатига хос хусусиятларни англаш, ҳис этиш ижодкор яшаган ижтимоий ва оилавий муҳитни, маънавий-руҳий, эътиқодий дунёқарашини англаш орқали юзага келади”, - дея эътироф этади⁴⁰.

Қисса мавзу доираси кенгайиб, даврдаги эътирофга молик ўзгаришларда инсоннинг мавқеи, ўрнини аниқлашга эътибор кучайди. Муаллиф ахлоқий, эстетик категорияларни ривожлантириб, жамиятнинг турли қатламидаги носозлик оқибатини шу мезонлар асосида кўрсатади.

Одил Ёкубов – кўп қисса яратган ёзувчилардан бири. Инсон меҳр топиш, оқибат кўрсатиш учун яшайди, деган тушунча ёзувчининг барча

⁴⁰ Каримов Б. Руҳият алифбоси –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016 – Б.176.

киссаларига хос. Ёзувчи ижодида “Муқаддас”, “Ларза”, “Бир фельетон қиссаси”, “Излайман”, “Биллур қандиллар” қиссалари алоҳида қимматга эга. Одил Ёқубовнинг юқорида саналган қиссаларидаги ижобий кучлар адолат манзилини излайдилар. Бу қаҳрамонлар: Опа, Латиф, Полвон (“Ларза”), Бегимкул (“Биллур қандиллар”), Ногаев (“Излайман”) феълидаги мураккабликлар ижтимоий ҳодисалар замирида таранглашади. Салтанат ва Камол, Мутал ва Равшан полвон ҳақиқат йўлида қанчадан-қанча зиддиятларга дуч келадилар. Одил Ёқубов салбий кучларнинг вазиятга кўра гоҳ юмшоқ, гоҳ меҳрибон дўст, гоҳ ширинсухан маслаҳатгўй қиёфасига киришларини тасвирлайди. Унинг ижобий қаҳрамонлари танти, бағрикенг, кинғирлик, ҳар хил “ўйинлар”ни ёқтирмайдиган кишилар. Одил Ёқубов қиссаларида яхлитлик – ҳар қандай вазиятда инсон бўлиб қолиш лозим деган концепция кишини ром этади.

Адабиётшунос А. Аббасов: “Унинг ҳар бир янги қиссаси ёзувчи ижодида янги бир изланиш, янги бир олға силжиш сифатида кўринади, ҳам китобхонни, ҳам танқидчиларнинг эътиборини жалб қилади,” – дея таъкидлайди⁴¹.

Турғун Пўлатовнинг “Ичкуёв” қиссасида Ўринбой образи орқали қалтис вазиятни теран ўрганиб, унга барҳам беришга интилган киши ҳолати ёритилади. “Ичкуёв” асарида жамиятдаги иллат уюшган жиноятчилар фаолияти, уларга зарба бериш борасидаги қарашлар илгари сурилади. Ёзувчи қора кучларга қарши кураш мотивини ривожлантириб, журналист Ўринбой характерида дадиллик, мардлик хусусиятини намоён этади.

Қиссаларда қаҳрамон қисмати, ҳаётидаги туб бурилишлар, қалтис вазиятлар изчил ёритиб борилади. Шу маънода асарларда ижтимоий муҳитдаги турли масалаларга эътибор ортади. Қиссаларда қаҳрамонни чуқур ва ёрқин, бадиий мукамал тасвирлашда унинг индивидуал хусусиятларига алоҳида эътибор берилади. Қаҳрамон ва жамият муносабати, фалсафий-ахлоқий масалалар ечими асардаги бир-бири билан узвий боғлиқ образлар

⁴¹ Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услублар ранг-баранглиги –Т.:Фан, 1983 –Б.65.

тизими воситасида амалга оширилади. Масалан, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасида Бўри полвон фитратидаги нозик туйғуларни ифодалаш учун Момоқиз, Насим образларига маълум бадий функция юклатилади. Полвонлар даврасидаги суҳбатлар, поклик ва ҳалоллик тушунчаларига ойдинлик киритилишида асардаги бошқа образлар фаолияти муҳим ҳисобланади.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида она сиймосини тўлақонли ёритишда унинг оиладаги, маҳалладаги, жамиятдаги фаолияти кўрсатилиб, кишилар билан муносабатида меҳр-муҳаббат, оқибат, ўзбек аёлига хос ҳаё-ибо, болажонлик табиати ёритиб борилишида бошқа қаҳрамонларнинг ҳам ҳиссаси катта. Бу каби образлар қисса силсиласидаги занжирни мустаҳкамлайди. Бош қаҳрамон ҳақидаги тушунча ва тасаввурларни тўлдиради, изоҳлайди. Қисса мазмун-моҳиятини англашда образлар уйғунлиги муҳим омил саналади.

Аср қиссачилигида уруш мавзуси алоҳида ёритиб борилди. Урушни ҳаққоний тасвирлаш, унинг туганмас асоратини англаштириш лозим эди. 1920-30 йиллардаги биродаркушлик жангида босмачи, яъни ерли халқни қора куч сифатида кўрсатиш, аксинча, қизил аскарларни ўрнак қилиб, идеал сифатида тасвирлашга эътибор қаратилди. Иккинчи жаҳон уруши мавзусидаги асарлар яратилиб, бунда шижоатли, мард аскарлар жасорати мадҳ этилди.

“Уруш мавзуи бу давр адабиётининг асосий етакчи мавзусига айланди. Меҳнат пафоси адабиётимизда оғир уруш йилларида ҳам аввалгидай янграшда давом этди.”⁴².

Уруш мавзу кўлами дўстлик, тинчлик, меҳнатсеварлик руҳи, манзарасини қамраб олди. Халқнинг фидокорона меҳнати, қатъияти уруш талофатини бартараф этишда муҳим омил эди. Уруш орти, Ўзбекистондаги воқеа-ҳодисалар ҳақидаги асарларда ҳам инсон қисматидаги фожеий ҳолатлар қаламга олинди. “Эр бошига иш тушса...”, “Икки эшик ораси”, “Уфк” романида урушнинг халқ, миллатни парокандаликка етаклаши ҳаётий

⁴²Рашидов А. Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири –Т.:Фан,1980 –Б.113.

лавҳаларда ёритилди. Одил Ёқубовнинг “Излайман”, Ўлмас Умарбековнинг “Уруш фарзанди” асарларида киши азобу ситамлари, ички коллизиялар кўрсатилди.

Биз бир неча асарнигина эсладик. Уруш мавзусида кўплаб қисса, роман ёзилган. Бизнингча, урушда қатнашиш бошқа-ю, уруш иштирокчилари руҳини ҳис қилиш, муҳими англаган ва ҳис қилинганларни мардона, моҳирона акс эттириш анча мураккаб. Уларда ёзувчининг қалб азоби, китобхонни безовта қиладиган дард бўлиши керак.

Биргина Афғон уруши глобал муаммога айланиб, дунё халқларини безовта қилмоқда. Бу мудҳиш ҳолат инсониятни ларзага солиб келмоқда. Ёшлар келажаги порлоқ бўлиши, миллат равнақ топиши учун, аввало, юртда тинчлик, осудалик ҳукмрон бўлиши керак. Зеро, тинч, фаровон юртда ҳар соҳада юксалиш, тараққиёт бўлади. Уруш даври ҳақиқати акс эттирилган асарларда маъшум урушнинг ғайриинсоний моҳиятини очишга, мураккаб ҳаётий зиддиятларни таҳлил этишга эътибор берилди. Афғон урушининг салбий асоратлари, қабоҳат ва разолатнинг дунё бўйлаб кенг қулоқ ёйиши адибларни яна қўлга қалам олишга чорлади. Шу маънода уруш қатнашчиси Қўчқор Норқобилнинг “Ўн саккизга кирмаган мен бор” қиссаси адиб Шуккур Холмирзаевнинг ”Ўн саккизга кирмаган ким бор?“ асарига муқояса этилса, сўроқ ёхуд таъкид оҳанги замиридаги муддао равшанлашади.

Қўчқор Норқобил моҳият эътибори билан уруш изтироби, азобли оғриқларини тасвирлар экан, умр баҳорининг қаҳратонга айланиш жараёнини ифодалайди. Инсоннинг 18 ёшдаги беғубор, маъсум ҳолати, ҳаёт завқи нашъасидан масрур бўлиб, оламга меҳру-муҳаббатга тўла нигоҳ билан боққан ёшларга зид тарзда бу даврда кўпгина азобу қийноқларни, укубатларни бошдан кечирган ўсмирлар ҳаёти ёритиб берилади. Инсон жисмини, руҳини кемираётган азоблардан халос бўлишни истаса-да, қўлидан ҳеч нарса келмайди, ночор аҳволда қолаверади. Йигитлар ўзини тафтиш этиб, ёвузликдан нафратланади, руҳи, ботини хатони тан олади, аммо зоҳирда улар ижрочи, буйруққа бўйсунувчи эканидан орланади. Образ тасвирида ички

коллизиялар ташқи ноҳақликларга зид қўйилади. Шароит, вазият оқил кишидаги фазилатни емириб, иллатни сингдириб боради. Инсонийликни бой бериш, юрт ва миллат тақдири, ҳаёт-мамот масаласи ҳар бир жумла қатидаги чексиз дард, фиғон, инсониятни - мудроқ қалбларни огоҳликка даъват этади. Қаҳрамон туш ва хуш орасида онгини кемираётган зулмат пучмоқлари, уруш хотираларини енгилга интилади. Бироқ унинг иродаси, куч-қуввати емирилиб, қабоҳат асирга айланади. Афғон уруши оила, жамият, миллатни яқсон қилади. Ҳар бир халқа ич-ичидан узилади, вайронкор кучлар мақсадига эришади. Энг ёмони, у инсониятнинг барча қатламига ўлим шаробини улашади.

Қўчқор Норқобилнинг “Дарё ортидаги йиғи”, “Қоронғу уй” қиссаларида ҳам масаланинг бошқа жиҳати қамраб олинади. Бунинг боиси шуки, уруш фожиалари муаллиф – аёвсиз жанглар иштирокчисининг қалбидан ўтади, дил азобига айланади. Қисса қаҳрамони ҳикоячи ҳар бир аскар вафотида руҳан азобланади, қаҳрамон ҳолатига дардкашлик ҳисси устун келади. Қўчқор Норқобил урушнинг фожиасини тасвирлашда зулмат оламидаги сасу фиғонни, ноҳуш ҳиду манзарани реал тақдим этишга эришади. Қора қонига беланиб, ўлиб ётган аёл, жонсиз онага тамшанаётган гўдак, орияти йўлида қурбон бўлган ёшу қарилар мотивида рутубатли маскан, марҳумлар макони бўй кўрсатади. Бу қиссалар урушга қарши фарёддир: инсон боласи бир-бирини ваҳшийларча ўлдириш учун туғилмаган деган фикр композицион сатҳни қамраб олади.

Қиссада характер мантиғини теран асослаш Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимовлар ижодида ҳам учрайди. “Севгим, севгилим”, “Баҳор қайтмайди” қиссалари ёшларнинг севимли асари бўлди. Инсонлар орасидаги ишонч туйғуси уларнинг кейинги муносабатини ҳам мустаҳкамлаб боради. Ишончсизлик боис ёш йигит-қиз орасидаги муҳаббат сўнади. Турли майда гаплар, фисқу фасоднинг киши қисматиға таъсири самимий туйғуларни емиради. Ўлмас Умарбеков оддий кўринган масаланинг илдизини ёритишда оила, жамият бўғинидаги ёшлар ҳолати, изтиробини таъсирли ифодалайди.

Ўткир Ҳошимов асари видеофильм бўлди, театр сахнасида қўйилди. Алимардон – истеъдодини маишату бойликка бой берган санъаткор бўлиб, нафси қурбонига айланади. Маънавий қадриятни ҳис этмаслик, ҳаром тушунчасини англамаслик қаҳрамонни таназзулга етаклайди. Бу ёзувчилар асарида лиризм, шоирона тасвир – услубдаги янгилик китобхонни жалб этади. Характер моҳиятини, руҳий кечинмаларини таъсирли ёритишда бу усул самара беради. Ўткир Ҳошимов “Дунёнинг ишлари” қиссасида онани характер даражасига кўтариб, унда ўзбек волидасига хос барча чизгиларни мужассам айлади. Асар танқидчиларнинг эътиборига сазовор бўлди.

Мунаққид А.Расулов: “Қиссада ўталмаган бурч, фарзанд қалбида қолган ўкинч, тўйинмаган соғинч туйғуси асосий марказ ҳисобланади, менимча. Шу асарда ёзувчи маҳорати, топқирлиги, қисса жанри табиатига киритган янгилиги, энг кичик персонаж моҳиятини ҳам бир туртки, бир имо, сал-пал ҳаракат билан очиб юборганлиги аниқ кўринади,” – дея эътироф этади⁴³.

Мунаққид асар моҳиятини ёритиш жараёнида қисса поэтикасидаги ҳар бир образнинг вазифасига ҳам эътибор қаратиш даркорлигини таъкидлайди. Кичик эпизод ҳам маълум тасаввурни тўлдиришга, образнинг янги қиррасини ёритишга туртки бериши мумкин.

Асарда характер даражасига кўтарилган она сийратидаги олижаноб фазилатлар талқини умуминсоний аҳамият касб этиши англашилади. “Дунёнинг ишлари” қиссасида аёл, она, ёр хусусияти уйғунлашиб, сийратдаги ҳаё, садоқат, меҳру оқибат туйғулари турли лавҳалар замирида аёнлашиб боради. Адиб фарзанд тарбиясидаги сабрлилик, оқилалик, фидойиликни ҳаётий мотивлар билан уқтириб боради. Оила, маҳалла жамиятда аёл ўрни, даражаси, кайфияти манзарасида ориятли, меҳрли, қаноатли ўзбек онаси гавдаланади.

Адабиётшунос А.Улуғов: “Асарда оналарнинг улуғворлигини, бағрикенглигини умумлаштириб, бадий акс эттиришга ҳаракат сезилади.

⁴³ Расулов.А. Ардоқли адиб – Т.: Шарқ, 2001 –Б.87.

Она образи орқали муҳим ва эскирмас маънавий-ахлоқий масалалар кўрсатилади. Инсоний эътиқодларга садоқат жамики яхшилик, барча эзгуликларнинг негизи деб талқин қилинади,” – дея мулоҳаза билдиради⁴⁴.

Неъмат Аминов “Ёлғончи фаришталар” ва “Суварак” асарларини эълон қилиб, бу икки қиссани “Ёлғончи фаришталар” номи остида бирлаштирди. Баширжон Зайнишев образи орқали адиб сатирик муносабати бўртиб кўринди. Бунда хушомадгўй, бетайин, думбулмижоз Зайнишев порахўрлик иллати кўпайишига туртки беради. Қиссада даврга мослашув диний қарашларга нописандлик инсоннинг ожиз, кўрқоқлик ҳолатига ишора қилади. Шамси Тўраевичнинг Зайнишев билан мулоқотида охират илмидан беҳабарлик, тузум низомига мутелик кузатилади.

“Жойингиз жаннатда бўлғай... Нима? Жаннат?! Э, йўқ, бу кетмайди, - деди ўша заҳоти бош чайқаб. Ҳим...” Рихлат айлабсиз...”Бу нима дегани?...”Ломакон” Да! ”Рўзи қиёмат...” Ҳимм. ”Дорул фано...””Бақо?! ”Удивительно...””То қиёмат”...Э, янами? Ким ёзди буни?”⁴⁵

Инсон ўз мансабу мартабасини ўйлаб асл кимлигини унутиши, қиёфаси, мақомидан айрилиш мотиви тузум таъсирини асослайди. Раҳбар отаси қабридаги битикни ўқиб, мутелигини намойиш этади. Эътиқодсизлик кишиларни хароб айлагани, тафаккурдаги бўшлиқнинг ифодаси кўп нуқта, сўроқ, ундов каби ишоравий белгилар воситасида кўрсатилади. Дунёвий мансаб мартаба илинжида яшаётган киши ҳақиқат манзарасини англашга ожизлик қилади. Русча терминлар ўзликдан йироқлашиб, бошқа муҳитга мослашган кимса дунёқарашидан хабар беради. Сароб ғояларга тобеларнинг умумлашма образи маънавий таназзул оқибатини ёритиши билан аҳамиятлидир.

Асар борасида мунаққид Н. Худойберганов : “Қаҳрамонларнинг муҳим хусусиятлари кўп ҳолларда шунчаки баён этилади, умумий йўсинда

⁴⁴ Улуғов.А. Қиссачилигимиз қирралари. -Т.: Ўқитувчи, 1991 –Б.68.

⁴⁵ Аминов Н. Ёлғончи фаришталар.–Т.:Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 – Б.170.

тавсифланади. Оқибатда қаҳрамонлар ички дунёси, маънавий-рухий оламидаги ўсиш-ўзгаришлар барча мураккабликлари, чигалликлари, зиддиятлари билан ёритилмайди”, – деб ёзган⁴⁶.

Қиссада қаҳрамонлар руҳиятидаги мутелик, овсарлик ҳолати муаллиф томонидан юқоридаги мисол шаклида кўрсатиб борилади. Зайнишев раҳбарлар олдида “лаббай” дейишга одатланиб, улар кўмагида яхши мансабга кўтарилиб боради. Адиб диалог воситасида манфаатпараст, мансабини суиистеъмол қилаётган образларни ифодалайди. Шу маънода мунаққид асарни юзаки баҳолагани аён бўлади.

Адабий жараёнда Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Галатепага қайтиш...”, Эркин Аъзамнинг “Отойининг туғилган йили”, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади”, “От кишнаган оқшом”, Хайриддин Султоннинг “Саодат соҳили”, “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” қиссалари ҳам машҳур бўлди. Бу ёзувчилар адабиётга ўз услуби, ўз қаҳрамонлари билан кириб келдилар. Улар қиссасида ўзбекнинг ўзлиги – чўрткесарлиги, ўжарлиги, қатъиятли, бағрикенглиги акс этди. Ғайбаров, Асқар, Бўри полвон, Зиёдулла кал, Адаш карвонлар руҳиятининг теран ифодаланиши қаҳрамонни баҳолаш тамойилини кучайтириб борди.

Қиссада бош қаҳрамон ҳолати, хатти- ҳаракати тўлақонли ёритилишида унинг атрофдаги кишилар билан муносабатига ҳам эътибор қаратилади. Бу вазиятда муаллиф содир бўладиган воқеликдан огоҳ этиш, муносабат билдириш, асрорга ишора бериш, бош қаҳрамон линиясига доир зарур маълумот киритиш мақсадида фойдаланади. Эпизодик қаҳрамон нутқи, ҳаракати, сюжетга бевосита ё билвосита боғланиши мумкин. У воқеа тизимида бурилиш яшаш, баъзан аввалги ҳодиса сабабини кўрсатишга хизмат қилади. Ижодкор асардаги диалоглар орқали ҳам эпизодик образнинг дунёқарашили, муддаосини аңлатиши мумкин. Демак, асардаги эпизод образларга ҳам маълум ғоявий вазифа юклатилади.

⁴⁶ Худойберганов Н. Ҳақиқат ёғдулари. -Т.: Фан, 1985 –Б.189.

Ёзувчи Шойим Бўтаев қаламига мансуб “Шўродан қолган одамлар” қиссасида Амаки, Тошмурод, Муаллим каби увоқ образлар бадиий тадқиқи воситасида инсоний муносабатлар чуқур ёритилган. Амаки ака-ука жигар орасидаги нозик риштанинг узилишига ўз ҳиссасини қўшади. Бемехр ака – Назоратчидан ёруғлик, оқибат кўрмаган ука жияни Тошмуроднинг камалишига, ёш йигитнинг умри заволи топишига сабабчи бўлса-да, виждони қийналмайди, лоқайд муносабатда бўлади. Ўз ўрнида оилавий муҳитда аҳиллик, тотувликнинг гувоҳи бўлмаган жиян Тошмурод жиноятга билиб-билмай қўл уради. Ўспирин йигит қамоқхонада жазосини олар экан, ҳаёт қадри, лаззатини ҳис қилиб, қилмишларидан афсус чекади. Уларнинг муносабатини четдан кузатган, ҳаётнинг паст-баландини уққан муаллим йигит тақдирига ачинади. Унинг бошига тушган кўрғиликларда отаси ва амакисининг айби катта эканини ҳис қилиб, куюнади. Фарзандга устун бўлиб, унга тўғри сабоқ берувчи ота эса мазкур ҳолатга бефарқ бўлиб тураверади.

Шойим Бўтаев қиссада янги талқиндаги манкурт қиёфасини яратишга муваффақ бўлади. Назоратчи қалбсиз, руҳсиз бўлгани боис инсонларга меҳр-мурувват кўрсатишдан маҳрум этилган. Мафкура қулига айланган манкурт хотини, фарзанди тақдирига ҳам лоқайд. Бундай инсон қиёфасини теранроқ ёритишда увоқ образлар функцияси аҳамиятли. Улар орқали муаллифнинг ғоявий нияти амалга ошган. Шу боис қиссалардаги увоқ образларни мукамалроқ яратишга аҳамият берилиши лозим. Адиб қиссадаги ака-укага исм беришни лойиқ кўрмайди. Инсонийликдан маҳрум кимсанинг жонсиз яратик, кўнгил мажруҳлиги далилланади.

Адабиётшунос Д.Холдоров: “Қиссанинг бирор жойида назоратчининг, на амакининг қулоғига азон айтиб қўйилган исмлари айтилмайди. Кейинги йиллар насрида исм айтмаслик анъанага ҳам айланиб қолмоқда. Шу нуқтаи назардан кейинги йиллар қиссачилигида кўзга ташланаётган исмсиз ва ташқи қиёфаси аниқ тасвирланмаётган қаҳрамонлар, сюжетнинг универсал даражада кенглиги кўзга ташланыпти”, – деган мулоҳазаси аҳамиятлидир⁴⁷.

⁴⁷ Xoldorov D. Hozirgi adabiy jarayon: o'zbek qissalari uslubi –T.:Nodirabegim, 2019 –B.45.

Адабиётшуносликда Тохир Малик, Ҳожиакбар Ислон Шайх, Назар Эшонкул, Хуршид Дўстмуҳаммад қиссалари диққатни жалб этади. Тохир Малик “Сўнгги ўқ”, “Алвидо, болалик” асари билан қисса имкониятларини намоён этди. Ҳожиакбар Ислон Шайх қиссаларида интеллектуал шахс қиёфаси кўринди. Назар Эшонкул, Хуршид Дўстмуҳаммадлар XX аср жаҳон адабиётидаги анъаналарни насрга олиб кира бошладилар. Бадиий адабиёт инсон қалбида рўй бераётган ҳаётни акс эттириши лозимлигини исботладилар. Лекин қиссачилик инсон руҳидаги, қалбидаги ўзгаришларни ўзбекона йўсинда, бетакрор миллий қиёфада кўрсата олди, дейишга ҳали фурсат бордай туюляпти.

Табиийки, биз барча яхши қиссаларни санаб бўлдик, етук ёзувчилар қиссаларини диққатдан четда қолдирмадик деган даъводан йироқмиз. Мазкур қиссалар табиатидаги ўзига ҳосликлар ҳақида яна мулоҳазалар билдирилади. Муҳими, ҳар бир асар ўз бадиияти ила китобхонни жалб этиши, унинг қалбидан жой олиши лозим.

XX аср ўзбек қиссачилиги соддаликдан мураккаблик, бадиий мукаммаллик, маънонинг теран ва серқўламлиги томон силжиб борди. XX аср бошларигача қиссанавислик асосан ҳол-хаёт тарзида тасвирланган, анбиё, дарвеш, паҳлавон, шоҳлар ҳолати акс эттирилган, эл назари тушганлар қиссаси баён қилинган бўлса, бора-бора қиссаларда реал воқеа-ҳодисалар, оддий кишилар ҳаёти акс эттириладиган бўлди. Шўро замонида повесть (қисса) жанри ўтмишнинг қора томонларини, замона зайлини, келажак умидларини тасвирлади. Бу муддат қиссачилигида мафкуравий сиёсатлашув олий мақомга кўтарилди.

Аксарият қиссаларда руҳан тетик ёшлар характери тасвирланадики, бу нурли инқилобга ишонч рамзи эди. Одил Ёкубов, Пиримкул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов, Неъмат Аминов, Шукур Холмирзаев сингари ижодкорлар асарларида янги замоннинг руҳи, қаҳрамони акс эта бошлади. Таъкидлаш жоизки, бу давр қиссаларида соцреализм принципларига риоя

килинди: қарама-қарши кучлар кураши инқилобий тараққиёт руҳида акс эттирилди.

Эркин Аъзамов, Мурод Муҳаммад Дўст, Хайриддин Султон, Тохир Малик, Тоғай Мурод, Ҳожиакбар Шайховлар қиссачиликда ўз йўл-услубларини тасдиқладилар. Ўзбек қиссачилиги ҳаётни акс эттириши, қаҳрамон танлаши, тасвир йўсинида янгиликка юз бурди. Ранг-баранглик сезилди: бир томондан фантастик асарлар, иккинчи ёқда халқ ҳаётини нозик кузатаётган қаҳрамонлар, яна бир йўсинда ҳужжатли, детектив қиссалардаги турли касбу кор эгалари тимсоли. Шу даврда соцреализмнинг якка ҳукмронлиги тугаб, эркин тасвирлаш, ҳақиқатни ёритиш тамойили ортиб борди. Тошпўлат Ғайбаров, Асқар Шодибек, Бўри полвон, Зиёдуллалар янги руҳдаги қаҳрамонлар эди. Янги услуб, янги қаҳрамонлар билан бир қаторда анъанавий йўсиндаги қиссалар, ўрганиб кетганимиз, яхши феълли қаҳрамонлар билан табиати танг кишилар аро контраст тасвирланган асарлар пайдо бўлаверди.

Сўнгги йилларда қиссачиликдаги ўсиш-ўзгаришлар ниҳоятда тезлашиб кетди. Ёзувчилар соцреализм таъқибидан деярли озод бўлдилар. Модерн адабиётини ҳам назарий, ҳам амалий ўзлаштира бошладилар. Хуршид Дўстмуҳаммад, Назар Эшонқул, Шодиқул Ҳамролар янги адабиёт руҳи, таъсирида асар ярата бошладилар. Иккинчидан, асарларда миллий руҳ кучая бошлади. Ёзувчилар қишлоққа, қишлоқликларга янгича нигоҳ билан қарайдиган бўлдилар. Қишлоқ кишилари қалбидаги армон, интилишларни таҳлил қила бошладилар. Содда, тўпори, ҳалол, меҳнаткаш қаҳрамонлар фитратига теран нигоҳ ташладилар. Ҳажвия ўзгача руҳ касб эта бошлади.

Истиқлол адабиёт солномасига янги тасвир, қаҳрамонни тақдим этди. Инсонни мураккаб мавжудот сифатида талқин этишда жаҳон анъаналарини синтез қилиш тамойили ортди. Нутқимизда тадбиркор, бозор иқтисоди мавзуси оммалашиб борди. Тарихий ҳақиқатни тиклаш, шўро тузумидаги норасоликни танқидий таҳлил этиш образ мантиғини белгилаб борди.

Бу йиллардан Набижон Боқий, Нормурод Норқобилов, Қўчқор Норқобил, Тўхтамурод Рустамов, Исажон Султонов, Улуғбек Ҳамдам қиссалари яратила бошланди. Ёзувчиларда мавзуга эътибор, ҳурмат кучайди: арзимасдай кўринган масаланинг илдизига кириш сезилди. Қаҳрамоннинг фикрлаш тарзи, маънавий эҳтиёжи, инжа туйғуси ифодасида образлилик ортиб борди.

“Танаффус” – қиссасида Тўхтамурод Рустамов ҳам кичик масала, муаммодан катта ижтимоий моҳият топади. Болалик даврининг бир палласида тўғрилиқ ва эгрилик, билим ва билимсизлик, мардлик ҳамда ожизлик каби контраст кўникмалар муқояса этилади. “Танаффус”да нафас ростлаш, аниқ мақсадни белгилаш, хатони тан олиш, ютуқни асраш, масъулиятни ошириш, ҳақ йўлга дадил интилиш жараёни янглиғ талқин этилади. Бу асарда мактаб ички муҳити, билим масаласи, маънавият муаммоси дарс ҳамда танаффус жараёнида қолиплаб борилади. Ровийдаги дангаллик, шартакилик, устомонлик болалар дунёсини ёритишда, оилавий муносабатни шарҳлашда кузатилади. Асар композициясида фольклор элементи туш лавҳасини акс эттиришда қўлланади:

“Мана охирги туши: қоп-қора зулмат эмиш, бу қоп-қора зулмат қаърини ёриб, қиличу қалқон кўтарган бир паҳлавон, яъни Темурнинг ўзи кетаётган эмиш. Бир пайт ердан чиқибдими, осмондан тушибдими, баҳайбат аждар пайдо бўлибди қаршисида. Оғзидан ўт пуркаб кулар эмиш, денг, ҳалиги аждар, яна тилини чиқариб масхаралар эмиш шундайин паҳлавонни”⁴⁸.

Зулматни забт этган паҳлавон эртақ, достон, афсонадаги жасур алпни ёдга солади. Унга рақиб аждар ҳолатида муболағавий пафос кучаяди. Кулиш, мазах қилишда ифода ўзгаради, боиси кўркув, ҳадик ҳиссининг ўрнига зид ҳолатга ўтилади. Ғайритабиийлик негизда паҳлавон матонатини пичинг қилиш оҳанги етакчилик қилади. Асарда инверсия усулидан фойдаланиб, поэтик мазмунга ўзгариш киритилгани аён бўлади. Муаллиф бола руҳияти

⁴⁸ Рустамов Т. Ғаройиб мактуб. -Т.: Шарқ, 1995 – Б.29.

манзараларини турли давра, шароитда ёритгани, унинг адолат мезони ҳақидаги тасаввурини ҳаётий тажрибалари тизимида ифодаллагани маълум бўлади.

Нормурод Норқобилов содда, тўпори, қайсар қишлоқ, тоғ кишилари муаммоларини қаламга олади. Қизик, Нормурод Норқобилов тасвирлаган қишлоқ Абдулла Қодирий, Абдулла Қаҳҳор, Одил Ёқубов нигоҳидаги манзилга ўхшамайди. Унинг асарларидаги бефайз маскан, сувсизликдан қуриб бораётган дарахт, кимсасиз тепалик, болалар тўп сураётган майдондаги чанг-тўзон кишининг эътиборини тортади. Муаллиф кишиларни тоифалаб, аксаран бекорчи, ғийбатчи, низо, ароқ ичишдан ҳазар қилмайдиганлардан нафратланади. Ўз масканига меҳр бериб, уни обод этгувчиларни эъзозлайди. Ёзувчи “Оқбўйин” қиссида итнинг “кузатишларини” – жўжаларини эргаштириб юрган она товукни, аллақандай мудроқ кишиларни, пашша талаб ётган итчалокни тасвирлайди. “Увлаётган ит” қиссида эса итмижоз Тоғани, унинг ароқхўр ўртоғини, етимча Толмасни ишонарли тасвирлайди. Муҳими Қоровой ит қишлоқ кишиларига банди бўлишни зинҳор истамайди. У эркак интилади. Нормурод Норқобилов ҳайвонларни тасвирлашда улар феълидаги хусусиятлар – вафо, итоатни аниқ кўрсатишга интилади.

Адиб қиссаларида воқеа-ҳодиса, ҳатти-ҳаракатларни микроскоп остида кузатаётгандай бўлади. Митти чумоли, асалари қабилаар тинимсиз меҳнати, ички интизомигача эътибор берилишида табиатдаги муайян тартибот борасида тасаввур ҳосил қилинади. Адиб шу лавҳада ҳам мазмун кашф этиб, фидойилик, меҳнаткашлик бобидаги қарашларни тўлдиради. Айтмоқчимизки, қисса яратиш маданияти ошиб, маҳорат назокатлашиб бормоқда.

Адабиётшунос И.Ёқубов: “Бугунги насримизда ҳам маънавий-руҳий, шаклий-услубий изланишлар кўпроқ кузатилаётган экан, диний-исломий ақидалар, тасаввуф фалсафаси ва эстетикаси, ижтимоий-ахлоқий ёндашув, шарқона миллий руҳнинг янгича ифода шакллари билан қўшиливи поэтик

иждо имкониятларини янада кенгайтириши шубҳасиздир”, - дея эътироф этади⁴⁹.

Қиссачилигимизда масала кўтариш, ижтимоий ҳодисаларни акс эттириш, мафкуралашган инсонни тасвирлашдан кўра, ҳаётни гўзаллик қоидаларига риоя қилган ҳолда тасвирлаш, одамнинг феъл-атворини борича акс эттириш тамойили кучаймоқда. Ёзувчилар шахс фожиаси, ондаги кемтиклик билан бир қаторда олижаноб фазилатни улуғлаш, атроф - олам нафосатини тараннум этиш масаласига ҳам эътибор қаратмоқдалар.

Ижтимоий муносабатни қаҳрамон нигоҳи билан баҳолаш, муаммоли вазиятга тўғри ёндашувни белгилаш, маданий анъаналарни давом эттириш бобида янги ғояларни татбиқ этиш муҳим омил саналади. Характер индивидуал қиёфасини яратишда унинг ахлоқий, фалсафий қарашларини, тафаккур дунёсини теран ёритиш мақсадга мувофиқ.

Адабиётимиздаги сифат ўзгаришлар қисса жанрига мансуб асарларда ҳам кўзга ташланади. Қисса ҳаётдаги янгиланишларни дарҳол акс эттиришга аҳамият беради. Қаҳрамон фитратини мукаммал ёритиш, турли синовларда тобланишини асослаш масъулиятни орттиради. Китобхон эътиборига ҳавола этилаётган қиссалар ғоявий, фалсафий моҳияти турлича. Даврдаги ҳолату вазиятни акс эттиришда тасвирни ахлоқий маърифий масалаларга йўналтиришга аҳамият ортмоқда.

Қиссачиликда адабий анъанага садоқат тарзида ўзлик, ғурур рамзи кураш мотивини ривожлантириш кузатилмоқда. Тоғай Мурод Бўри образи, Нормурод Норқобилов Эрназар тимсоли орқали умуминсоний идеални тарғиб этишга аҳамият қаратдилар. Улар қисматида эзгуликка бошлаш, ҳаромдан ҳазарланиш қадрият даражасига кўтарилади. Нормурод Норқобилонинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида ҳам ор, номус каби олий туйғулар оила маънавияти доирасида идрокланади. Муаллиф икки дўст: Эрназар ва Ғайбулла тимсолида туғилган юртга вафо, садоқат тушунчасини

⁴⁹ Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. -Т.: Фан ва технология, 2006 – Б.6.

англантишга аҳамият қаратади. Отанинг оиладаги тутуми фарзандлар тарбиясида равшанлашади.

Авлод дунёқараши орасидаги тафовут икки босқичда: ҳалол ҳамда ҳаромни тушуниш бобида кузатилади. Полвон ота нафс, кибр, фирибдан ҳазар қилади, айни дамда имон, ор-номусни қадрлайди. Қисса таркибидаги асосий маъно нуқтаси адолат мезонини ҳис эттириш, Эрназарнинг ноқобил ўғил Ўсарни тўғрилиқ, ҳалолликка бошлаши мотивида теранлашади. Бунда характернинг яна бир қирраси мағрур отанинг фарзанд тарбиясидаги бурчдорлиги асосланади. Тоғ, ўрмон, қоя ҳудуди инсон изтироби гувоҳи, сокин кузатувчиси, кишини ибратга ундовчи маскан. Адиб рамзийликка ишора бериб, полвоннинг руҳиятидаги оғриқни қоя йиғисига менгзайди. Табиат киши туйғуларига параллел берилиб, сийратдаги безовталиқ, пўртанани туйишга имкон беради. Падарга осий зурриётнинг харсанг тош воситасида жазоланиши ҳаромга исён шаклида қабул қилинади. Қиссада ноёб неъмат миллий ўзлик, номусни асраш жараёни тасвирланади.

Инсон сийратидаги мутаносибликнинг бузилиши маънавий дунёсидаги сокинлик, хотиржамликка раҳна солиб, ғазаб, нафрат туйғуларини парваришлайди. Оламдаги мувозанат ила одамдаги мезонлар мувофиқлиги ёхуд айролиги муқаддас тушунчалар талқинида реаллашади. Ўзгулик, адолат ҳисси, салмоғи инсону жонзотни бефарқ қолдирмайди. Кабир борлиқнинг сағир улуши маълум низомлар доирасида ҳаракатланади. Шу боис қабоҳат, такаббурлик жазога йўналтириб, бандани хору забун айлайди.

“Ҳар бир халқнинг ўзига хос урф-одатларини, руҳиятини, фикрлаш, яшаш тарзини акслантириши табиийдирки, бу адабиётнинг миллийлигини вужудга келтиради”⁵⁰.

Айни шу миллий тарбияга авлодлар томонидан риоя этилиши элат, қавм, оила шаънини асрашда, маънавий иқлимни барқарор сақлашда муҳим саналади. Ота мақоми фақат оила доирасида эмас, балки қишлоқ, жамият

⁵⁰ Умутов Х. Адабиёт назарияси –Т.: Шарқ, 2002 –Б.111.

кўзгусида ҳам устун, таянч, ибрат тимсоли бўлиб, характер динамикасида ғурур, орият туйғуси теранлашиб боради.

Бадий адабиётда собиқ мафкура посбонларининг фожиаси ёритилган асарлар яратилиб, инсоннинг ўзлигини бой бериш жараёни янги ракурсда тақдим қилинади.

“Омонат, таги пуч ғояларга алданган шахс умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида кескинлиги-ю фожиаси билан кўрсатувчи абсурд асарлар, абсурд қаҳрамонлар ҳам яратилмоқда”⁵¹.

Жумладан, “Шўродан қолган одамлар”, “Момо ер қўшиғи” каби қиссаларда ўзликни бой берган инсонлар қисмати изчил ёритилган. Назоратчи образида касбига содиқ, бироқ оталик масъулиятини унутган манқуртни яққол тасаввур этамиз. Орзикулов тимсолида ўзбеклигидан орланган, мансаб дардига мубтало, жонзотларни азоблаб роҳатланган нокас фожиасини ёдга оламиз. Ҳар иккисининг саробга айланган умри, ҳиссиз, бемехр қиёфаси китобхон нафратини кўзғайди.

Қиссаларда жамият, замонга мослашув, ижтимоий сиёсий ҳолатни чуқур идрок этишга чорлайди. Турғунликнинг биқик муҳитида бошқарувчанликка интилган кимсалар билан уларнинг атрофидаги жабрланганлар қисмати параллел тасвирланади. Асарда образни турли ракурсдан ёритиш инсон сийратини теранроқ тафтиш этиш имконини орттиради. Образ моҳиятида жамиятга хос характерли хусусиятни жамлаш, мутеликка кўникувчанлик ҳолати устуворлик қилади. Асосан, ретроспектив сюжет воқеанинг ўтмиш ҳозир тарзида берилишини таъминлайди. Хатони англаш, ундан қайтишга интилиш ҳолати ўзга образлар таъсири остида амалга оширилади. Қиссаларда макон алмашади, давр ўзгаради. Давр тақозоси билан қиёфа ўзгариши, тусланиши муайян қаҳрамонлар орқали очиб борилади. Ўйиқодсизлиги боис ҳаёти хаосга айланган осий банданинг умр фалсафаси ўтмиш (қизиқиш), ҳозир (мослашиш), келажак (тафтиш

⁵¹ Каримов Н. ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихи. -Т.:Ўқитувчи, 1999 –Б.65.

қилиш) тарзида намоён бўлади. Йўлсизликдан қутулиш учун тавба қилиш, тозариш лозимлигини уқиш вақти, даражаси турли аспектда намоён бўлади. Қиссаларда инсонни ўзини тафтиш этишига сабаб бўлувчи омилни белгилаш, имонсизлик фожиасини англатиш устуворлик қилади.

Шодикул Ҳамронинг “Қақнус қанотидаги умр” қиссасида мумтоз анъана давомийлиги кузатилади. Муаллиф исм қўйиш масъулияти, унинг фарзанд келажагига таъсири масаласини ёритишга урғу беради. Бежиз ҳадиси шарифларда ота-онанинг фарзандига муносиб исм танлашда бурчдорлиги таъкидланмаган. Матн таркибига қорайимлар ҳақидаги қисса киритилиб, унда ўтмиш авлод исмни улуғлаши, ҳақиқий исм вояга етиб, турли синовга бардошли инсонга насиб этиши, нолойиқлар эса қабиладан бадарға қилиниши уқтирилган эди. Тиланчи образи ҳам отага исм ўз руҳи ҳамда юки билан яралишини таъкидлаб, уни танлашда эътиборли бўлишни эслатиб, маълум вақт сюжет чизигидан четлашади. Ниҳоят Муайяд (қувватланган, мадад берилган) дея гўдакни чақиришади. Бироқ оз ўтмай болада ғайритабиий ҳолатлар кузатилади. Гўдакнинг мунгли нигоҳи, безовталаниши, дунёдан не истаётганини англамай хархаша қилиши мотивида драматизм ортади. Тиланчи образи гўдакнинг дардини волидага англатиб:

“Болага кўп азоб берибсизлар,- деди у,- Унинг оҳу ноласи етти осмонни тутиб кетган. Ҳозир кўзига на нон, на сув кўринади. У туғилганида кесилган киндиги борку, шуни излаяпти. Шуни топиб беринглар”⁵².

Қиссада ғайритабиий сийратли Тиланчи, Муайяд дардманд шахслар, улар умр моҳиятини, яшаш синоатини ўзгача англайди, фиғон чекади, йўл ахтаришга интилади. Бола кесилган киндиги безовта қилгани боис ерга, қон томган масканга талпинади. Зиёли ота англолмаган ҳақиқатни ўқимаган, аммо уққан донишманд Тиланчи (дарвеш) тушунади. Ота гўдакни ўзи туғилган қишлоқ-масканга олиб бориб, норасида фитратига сокинлик,

⁵² Ҳамроев Ш. Қақнус қанотидаги умр. -Т.: Ўзбекистон, 2016 –Б.40.

хотиржамлик бахш этишига ишонади. Қиссада она ватан, туғилган юртга меҳр, садоқат мантиқан далилланади. Мумтоз адабиётдаги Қакнус куш образига мурожаат этилиб, ўз дарди куйида ўртанган жонзотнинг мажоз инсонга кўчиши, шиддатли ҳаётнинг оний лаҳзасини акс эттиришга эътибор берилади. Қисса бошланишида баёнчилик кузатилади. Онанинг Яратганга илтижо пайтида гўдагидан айрилса, ўжарлик билан тақдирини қарғаб ўтишини айтиши хато, зеро инсон бу ҳолатда тавозеда бўлиши мақсадга мувофиқ.

Ҳаётни қамраб олиш кўлами, қаҳрамон тадрижини ёритиш, бадий воқеликнинг турфалиги ижод жараёнини яхлит ҳодисага айлантиради. Ижодкор яратган асар китобхонни таъсирлантириши, маънавий эҳтиёжини қондириши керак.

Ҳар бир ижодкор адабиётга янги мавзу, қаҳрамон олиб киришга интилади. Ҳаётни кенг қамраб олиш, давр зиддиятини чуқурроқ ёритиш, инсон ботинига нигоҳ ташлашда сўз санъаткори руҳшуносга айланади. Зеро, қаҳрамоннинг эстетик олами орқали дунёқараши, психологиясидаги сирли қатламлар аёнлашади.

Адабиётшунос Б.Каримов: “Ёзувчи - санъаткор шахс. У сўзларнинг маъно жилваланишларини яхшироқ фарқлайди; рангдор, жарангдор сўзларни бошқаларга нисбатан аниқроқ кўради, ҳис этади”, - дея таъкидлайди⁵³.

Мурод Муҳаммад Дўст ўзбек адабиётига янги тасвир, оҳанг олиб кирган ижодкорлардан. У қишлоқ манзарасини табиий, содда, меҳнаткаш, тўпори кишиларини жонли, ҳаққоний тасвирлашга муваффақ бўлди. Адибнинг “Галатепага қайтиш” қиссасида зиёли қатламининг мураккаб, чигал турмуш тарзи билан параллел саводсиз, аммо одамийликни асрай олган инсонлар ҳаёти қаламга олинган. Асар композицияси ўн бешта кичик бобдан иборат. Сюжет ретроспектив шаклда бўлиб, воқеа ўтмиш бугун тарзида алмашиб берилади. Аза тасвиридан бошланган асар аввало Раим оқсоқол

⁵³ Каримов Б. Руҳият алифбоси –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016 – Б.58.

вафотига, қолаверса, матн тағқатламидаги шахс, жамият фожиасига нозик ишора қилади. Бош қаҳрамон Ғайбаров совуққон одамови сийратли бўлиб, отаси маъракасида бегонадай қатнашади. Олим ака ўқимаган содда укалари билан қовушмай муомала қилади. Тасвирда қаҳрамоннинг ўй хаёли доим етакчилик қилади. У аза асносида отаси, қариндош, маҳалладошлари билан муносабатни таҳлил қилади. Раим оқсоқол халқпарвар, ғурури баланд, сирини бой бермайдиган шахс экани таъзияга келганлар баҳосидан англашилади.

Қисса композициясида ўрни билан оқсоқол хаёлот оламига ракурс уюштирилиши унинг маънавий қиёфасини тўлдириб боради. Адиб қаҳрамон онг остидаги нозик тебранишни шу тарзда тақдим этар экан, оқсоқол тафаккуридаги ўзгаришлар, эътиқоддаги зиддият, тақдир сабоқларини изчил таҳлил қилади. Ижодкор онг оқими ҳаракатини тартиб, бетартибликлари билан тизимлаштирганда, маъновий яхлитликка риоя этади. Кўринадикки, оқсоқол сийрати ўтмиш - ҳозир тарзда тасвирлаб борилади. Зеро, Раим хатти ҳаракатини тафтиш қила оладиган ориятли раҳбар бўлган. Оилавий муносабат Анзиратни талоқ қўйиши сабаби очиқ айтилмайди, бироқ аёл садоқати, муҳаббати, бошқа турмуш қилмай оқсоқол кейинги хотин, фарзандлари билан самимий алоқада бўлиши китобхонни таъсирлантиради. Шу ўринда асар, қаҳрамон моҳиятини ичдан нурлантирувчи ровий функцияси жонланади: “Йиғла Анзират, майли, сен йиғлагин, сенга ярашади. Дунё байт ул жафо, ғамгусор йўқ, дилларимиз гунг ва бешарҳ қолади”⁵⁴. Аёлга мурожаат йиғи кўнгил бўшатишга чорлабгина қолмай, яккадан умумга ўтишга сабаб бўлади. Қиссадаги беором, беҳаловат кимсаларга ишора этиб, бевафо дунёда сўқир қалб билан ўтаётгани таъкидланади. Бу структурадаги етакчи фалсафий асосдир.

Адабиётшунос А.Расулов: “Ижод жараёнида ёзувчи билан бирга ўлиб тирадиган, воқеа, тимсол, сюжет чизиғи, композицион баланд

⁵⁴ Дўст М. М. Галатепага қайтиш. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 – Б. 20.

пастликларни қалб робитаси билан мустаҳкам боғлаб боровчи куч-ровий. Қисқаси, ровий асар жони, асаб толалари, беш ҳисга вазифа улашувчи таянч нуқта”, - дея таърифлайди⁵⁵.

Раим авлоди пуч ғоялар соясида ҳаёт кечиргани боис кексалик палласида эътиқоди сустигидан хавотирланади, бот-бот ўлимни ўйлаб охират синоатини уқишга киришади. Мулла Соат, мулла Чори, Наим амаки баҳсида пичинг кесатиқ етакчилик қилади. Улар саёз илми, тор дунёқараши мазах этилади. Тирикчилик учун эгаллаган диний илми сохталик ва адолат муқоясаси, онгдаги кемтиклик ҳолати кўп марта турли шароитда таъкидланади.

Мурод Муҳаммад Дўст қаҳрамонга исм танлаш масаласига жиддий қарайди. Тошпўлат: тош ва пўлат икки қаттиқ жисм бирикуви инсонни бемехр, такаббурлигига ишора қилади. У отасидан доим моддий ва маънавий мадад кўрди, бироқ катта ўғил бўлиб падари олдидаги бурчини унутди. Ҳатто маъракага кечикиб, маросим ишига бефарқ бўлди, иниларига бош бўлиб уюштириш ўрнига бегонадай четда турди.

Адиб характер мантиғини ёритишда Мурод амаки (беозор девона) образидан фойдаланади. Шу ўринда адабиётшунос Узоқ Жўрақуловнинг образ моҳияти борасидаги мулоҳазаси эътиборга молик: “Маълумки, халқимиз орасида девона дейилганда ақли паст, тентак назарда тутилмайди. Аксинча, Ҳаққа яқинлиги боис Унинг эркатоийга айланган авлиё зотлар тушунилади. Фақат улар жамият ичра ўзларини ҳақир ва телба қилиб кўрсатадилар”⁵⁶.

Адабиёт аҳлига таниш Қовоқ девона (“Ўткан кунлар”), Зокир гов (“Меҳробдан чаён”), Ибодин соқов (“Отамдан қолган далалар”)лар ақли расо айтолмаган ҳақиқатни дангал фош қилгани маълум. Улар тийнатидаги сирлилик, кароматгўйлик, мардлик халқни қалтис дамда

⁵⁵ Расулов А. Услуб-истеъдод портрети. -Т.: Янги аср авлоди, 2013 –Б.103.

⁵⁶ Жўрақулов У. “Ўткан кунлар”да девона образи талқини. Абдулла Қодирий хотирасига оид конференция материаллари. -Т.: 2019 –Б.46.

руҳлантирган. ”Мавлоннинг отаси ўлди, - деди Мурод амаки. - Сенинг ҳам отанг ўлдими? - деб сўради Мурод амаки. Ғайбаров индамади, секин хўрсинди”⁵⁷.

Кичик эпизод икки тоифа инсон муносабатини тиниқлаштиради. Девонасифат Муродгина фарзанд тийнатидаги оғриқли нуқтани тўғри топади. Падари вафотига лоқайд ака, асл фарзанд укалар (Мавлон, Зокир, Аҳмад) саъй-ҳаракати девона нутқи орқали баҳоланади. Ғайбаровнинг галатепаликлардан йироқлашгани ақраболик муносабатига лоқайдлиги опаси, укалари, кексалар билан бўлган диалогларда аниқ кўрсатилади. Қаҳрамоннинг олимлик фаолияти орқали шўро тузуми даврида динга муносабат равшан тасвирланади. Диншунос Ғайбаровнинг ислом тарихини замонга мослаб тарғиб қилиши, Яратган, фариштани хурофий куч санаши, пайғамбарларни мазах қилиши семинар тасвирида кузатилади. Лавҳада аҳли илмнинг ноқислиги, журъатсизлиги пичинг воситасида таъкидланади. Ҳайкал Ғаниевич, Сотволдиев, Бадалов каби олимларнинг исми жисмига монандлиги саъй-ҳаракатида маълум бўлади. Булар тузум назоратидаги мансабдор зиёлининг умумлашма образи. Улар мутеликка кўниккан, мансабу амални илмдан устун билган қурбонлар. Зиёлилар бугунги кун билан яшайди, маърифатнинг асл моҳиятини унутган кимсалар.

Тошпўлат атрофида Самаддай уддабурон, худбин, илмни забт этувчи фан докторликка даъвогар дўсти, хаёли измига асир Шоир, Абдували соқол кабилар ҳаракатланади. Хусусан, Самад Ғайбаров билан мусофирлик укубатини бирга тортган эса-да, иш, оила масаласида устомонлик қилади. Бу тоифа кишилар мақсадли режа асосида ҳаётини изга солади. Самад Маъсумага уйи, илми, обрўли қариндоши боис уйланади. Ҳайкал Ғаниевич раҳнамолигида докторлик даражасига эришади. Унинг олғирлиги, айёрлиги мансабдорлар доирасига киришида қўл келади.

⁵⁷ Дўст М.М. Галатепага қайтиш. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1983.— Б.51.

Ғайбаров Шоир тутумига кўпинча ҳайрон қолади. Негаки Шоир ҳавойи, ўз маслаги йўқ, гоҳ альпинист, гоҳ рассом, гоҳ сайёҳликни орзу қилган умрини зое ўтказаётган кимса. Мустақил фикри бўлмагани боис ўз ўрни, кадрини англамайди, ҳатто оилавий масъулиятни ҳис қилмайди. Улар орасида Қобил ажралиб туради. Соғлом йигитнинг фалокат боис ногирон бўлиб қолиши, сабр, чидам билан қийинчиликни енгиши ибрат қилиб кўрсатилади. Оилавий муносабатга путур етгани Ғайбаровнинг ногаҳон фаҳш устидан чиқишида аён бўлади. Мазлума ва Қобил жуфтлигида ҳалол-ҳаром контрасти мавжудлиги хиёнат тасвирида яққол кўринади. Аслида матнга “Тановар” қўшиғининг сингдириб юборилиши Қобил руҳиятидаги безовталикни ҳис этишга йўналтирилади. Эркак кўнгил ноласи маҳзун оҳангда таралиши, инсоний тубанликнинг рамзий ифодаси экани англашилади. Самаднинг расмий хотини Маъсума (беғубор) ҳалоллик тимсоли бўлса, ўйнаши Мазлума (зулмкор) ҳаром тушунча англантиши маълум бўлади. Ғайбаров сийратида хоин, тубан кимсадан нафратланиш ҳисси кучли. Олим ҳаётида Замира исмли археолог қизнинг пайдо бўлиши воқеа ривожини ўзгартиради, ниҳоят оила қуришга ният туғилади.

Қиссада воқеа алмашиб Галатепа ҳаёлотига ўрин берилади. Оқсоқол таъзиясига келган кишилар ўй ташвиши лавҳалари жамланиб яхлит тасвир тақдим этилади. Адиб давр манзарасини турли нигоҳда таҳлил этади. Қиссада тузум қобиғига ўранган шахс фожиаси изчил талқин қилинади. Оқсоқол Раим эътиқоди, колхоз ишлари мафкурага бўйсундирилган эди, вақти келиб Ғайбаров ота изидан бориб, зиёли қиёфасида тузум ишларини давом эттиради. Ота умри поёнида гуноҳу савобни, охиратни ўйлаб ташвишланади. Ундаги имон қалбни безовта қилади. Ўғил диншунос бўлгани билан моҳиятан ислом аҳкомлари мағзини уқмаган, асл фожа илдизи шунда. Унда сурат бору сийрат йўқ. Ака ҳатто укаларига бегона, одамийликни унутиб қўйган. Хотиралар қаърига нигоҳ ташланса, ота ўғил муносабатида кўпроқ моддий манфаат кўзлангани, олимликка эришиб одамийлик унутилгани маълум бўлади.

Ёзувчи инсоннинг мураккаб, чигал қисмати, шууридаги ғалаёнларни психологик таҳлил асносида ёритиб берган. Адиб “Ғалатепа қиссалари” асарида яна кадрдон қишлоққа чорлайди. Асосий сюжет чизиги шу маконда ташкиллаштирилади. “Мустафо” қиссасида аввал жой, табиат манзараси берилиб, қаҳрамон билан илк танишув боғда уюштириб борилади. Мақсад-содда, меҳнаткаш етмиш ёшли қаҳрамон фаолияти шу макон билан боғлиқлигига ишора бериш. Мустафо мулойим, кечиримли, бировга қарам бўлишдан орланадиган инсон. Унинг беозорлигидан кўпчилик фойдаланади. Қассобнинг кўрс, порахўрлиги чоғни ранжитсада индамайди. Болта қассоб исмида тубан кимса хунари, феъл атворига урғу берилади. Ҳалимлик ва жоҳиллик тушунчаси образлар талқинида реал муқояса этилади. Назар Махсум ишёқмас, такаббур кекса бўлиб маслаҳат беришни ёқтиради, Мустафо унинг феълини билсада гапини эътирозсиз тинглайди, озор беришни истамайди. Мустафонинг ақидаси меҳнати орқали ҳалол яшаш, нафс сиртмоғига банди бўлмаслик. Унга отасидан бойлик-тақинчоқ қолганда гўнгтепанинг тагига кўмиб қўяди. Қирқ йилдан бери тақинчоқ ер остида, икки донаси зарурат боис сотилган. Қаҳрамон бойликка боғланмай беминнат нон топишни, ўз кучи эвазига рўзғор тебратишни афзал кўради.

Ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг “Ададсиз азоб” қиссасида Норқўзи полвон қўшниси Нодирга бойлигини мерос қолдираётди: “Аммо зинҳор унга асир бўла кўрма. Ҳаловатимни ўғирлади у мени. Ташлаб ташлаёлмадим, бор қилиб ҳузурини кўролмадим”,⁵⁸ - дея уқтиради. Икки қиссадаги бош қаҳрамонлар ҳаётида ассоциатив лавҳа кузатилади. Нодир омонатни ўзигада раво кўрмайди, фарзандларига ҳам билдирмайди, нафс асирга айланмайди. У ич-ичидан бойлик, давлатнинг ҳисоби оғир эканини уққан шахс эди. Мустафо ҳам қаноатлилиги боис шайтонга бўйсунмай, отаси меросига кўз тикмайди. Гўнгтепа (ифлос жой)га бойлик (сара, тоза)ни кўмишида кўздан ва кўнгилдан йироқликни ўйлайди. Ер, тупроқни парваришлаб, ундан ризқини терар экан, ҳаловатда умргузаронлик қилади. Мустафо фарзандлари ўғил

⁵⁸Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. -Т.: Шарқ, 2005. –Б.173.

қизини ўйлаганда Раим оқсоқол билан боғлиқ хотира жонланади, диалог орқали ёшликдаги дўстлик палласи ёритилади.

Адиб “Галатепага қайтиш” қиссасидаги асосий қаҳрамонлар фаолиятини ёрқин ифодалаш, авлод муштараклигини асослаш, бир асардан иккинчи асарга ўтишда тарихийлик, мантикийлик, давомийликка риоя этишни мақсад қилади. Мавжуд жараён ёзувчининг услубий ўзига хослигини намоён этади. Муаллиф характер уйғунлиги, кейинги тасвир орқали таниш образлар қисматига нигоҳ ташлаш, тизимлилиikka риоя этишга муваффақ бўлади. Асар таркибидаги маъно нуқталарини илғаган китобхон Оқсоқол, Мустафонинг она заминга садоқатини, ҳамқишлоқларига оқибатини ҳис қилади. Раисда ғурур, ўзлик устун бўлса, Мустафода ҳалимлик, ҳалоллик етакчилик қилади.

Мустафо уруш боис ўғлидан айрилади, қизини хатоси сабаб кечирмайди. Фақат жияни Усмоналини яқин билиб бағрига олади. У аста Усмонали сийратидаги аламзадалик, эркалик, дангасалик иллати йўқолишига кўмак беради. Ичкилик, қимор сабаб қаҳрамонга моддий зиён етказган жиян хатосини англаб борар экан, нафс қутқусидан озод бўлишни истаётгани кузатилади. Ёигитнинг қилмишидан уялиб боғга кириб меҳнат қилишида чол кампир хурсанд бўлади. Мустафо беозор бўлгани билан баъзи масалага жиддий қарайди. Оилали қизининг беҳаёлигини кечиролмайди: “Э, менинг ундай қизим йўқ. Зотимда биттаям беномус бўлмаган, лекин шу келиб белимни синдирди”⁵⁹.

Отадаги кучли орият ибрат қилиб кўрсатилади. Одамга ишониш борасида кампирга ўғит беради. Усмоналига пулни хавотирланиб бераётган Гулсарага: “Имонинг қолмабди, кампир. Худодан қўрқ, бандадан шарм қил! Сенам одам деганга мундай ишонгинда, ахир!”⁶⁰ - дейди. Мустафо бетобланиб ётиб қолганда хеш ақрабо ҳолидан хабар олиб рози ризолик сўрашади. Чол Усмоналига пул, мерос ҳақида гапирганда йигит ҳеч нарса

⁵⁹ Дўст М.М. Галатепа қиссалари. -Т.: Ёш гвардия, 1985. –Б.50.

⁶⁰ Дўст М.М. Галатепа қиссалари. -Т.: Ёш гвардия, 1985 – Б.52.

керакмаслигини, каззоб эмаслигини иккисига беминнат карадини, фарзандлик қилишини амалда намоён этади. Хасис отадан меҳр кўрмаган йигит Мустафога яхши муносабатда бўлиб, оғир дамда корига ярайди. Мустафо тузалиб яна кундалик ташвишлар билан яшар экан, одамларга фойдаси тегаётганидан хушнуд бўлади. Адиб имонли, меҳнаткаш, танти тийнатли кишининг умумлашма образини яратар экан, жамиятда буларнинг кўпайишини истади.

Ёзувчи “Истеъфо” қиссасида раҳбар ходим ҳаёти ва фаолиятини теран тасвирлайди. Асар оила муҳитига нигоҳдан бошланади. Бинафшахон ҳақидаги тасаввур рўзғорга безътибор, бироқ ўзига оро беришга кунт қилишида кўринади. Аёл нозиктабиат, эркалиги қисқа диалогда аён бўлади. Эри Саид Замонович Эломонов хотинга анча эркинлик бергани воқеа ривожига аён бўлади. 30 йилдан буён раҳбарлик лавозимида ишлаётган эркак тенг ҳуқуқли аёли ҳузурида қадрсиз, пичинг, кесатикқа кўникиб қолган. Бу зиддият илдизига эътибор берилиб, тўпори галатепалик чўпон йигитнинг ёшлигига разм солинади. Эломонов лаббўйгўй раҳбарлиги боис мансаб пиллапоясидан тез кўтарилади. Шамси Тўраевич, Остонов (куда) каби ишончли тўралар билан дўстлашади. Хушвақт Давлатов ҳомийлигида юқори лавозим эгаллаган эди. Саид 30 ёшида шоира Бинафшахон билан танишган. Ёшлар замонавий, динга ишонмайдиган янги жамият вакиллариининг умумлашма кўриниши. Мазкур асарда ҳам галатепалик қаҳрамонлар учрайди.

Ёзувчи ҳар бир қисса орқали ўқувчига таниш характернинг номаълум қиррасини ёритиш, хронотопдаги муштарак жиҳатни равшанлаштиришни мақсад айлайди. Эломоновга раис Раим Ғайбаров маслаҳат бераркан, бургут эмас чумчуқлигини, асли кўнгли бўшлигини тўғри пайқагани маълум бўлади. Оқсоқол Ғайбаровнинг ҳақ гапи Саидга малол келиб уни жеркиши суҳбатга нукта қўяди. Ўзар оқсоқол бошқа маслаҳат қилмайди, ҳатто ўғиллар ҳам ота йўриғига юради. Эломоновга аввал Ғайбаров чин гап айтган бўлса, кейингисини тракторчи йигит тўлдиради. У раҳбар ҳузурига дадил кириб, муовини Қўшшаев кирдикорини фош этади. Замон қалтислиги, кишилар

тусланиши, раҳбарлар лоқайдлиги воқеа ривожда фош этиб борилади. Облоқул Бозорович каби прокурор Қўшшаев макр ҳийласига безътибор Эломоновга танбех беради, хушёрликка чорлайди. Ёмони муовиннинг раҳбари номидан пора олиши, тубанлик авжига чиқиши қаҳрамонни синдириб қўяди.

Прокурор Саидга: “... Ўртоқ Бакиров, Эломонов ҳалол одаму лекин бўшанглиги ёмон, деб тўғри айтган экан. Қўшшаев сизни маймун қилиб ўйнатибдику?! Ландавурсиз, жўра, ўша райижрокўмда тинчгина ишлаб юрганингиз маъқул эди”⁶¹ - дея айтаркан, қаҳрамон фитратидаги ожиз нуқтани таъкидлайди. Асар моҳиятидан Қўшшаевнинг Бинафшахон (асл исми Санобар) билан курсдошлиги, аёли илтимосига кўра ишга олингани кузатилади. Ноҳақлик сабаб қуйи мансабга тушган қаҳрамон руҳий исканжада қолади. Аввало эр-хотинлик муносабати таранглашади. Маддоҳлар тақаллуфи тўхтади. Синов дамда Эломонов ички монологи дил изтиробини ифодалашга йўналтирилади: “Раим Ғайбаров ҳақ чикди-биронинг ақли ақлик қилмайди, оқу қорани ўзинг ажратиб ололмасанг қийин”⁶².

Эломонов мансаби пасайгач, она қишлоғи Галатепани эслайдиган одат чиқаради. Шундай дамда уни Ибодулла Махсум (“Мустафо” қиссасида Мустафонинг қўшниси) йўқлаб келади. Суҳбат давомида Ибодулла: “Ғайбаровдай одамларга ўн йил аза тутсаям озлик қилади. Бу ёқда Мустафоям қазо қилди” - дея ёдга олиши орқали қиссалардаги маълум қаҳрамонлар биографиясини тўлдиришга туртки беради. Махсум билан хайрлашган Эломонов ўйга толади: “Замон минг олға кетгани билан, барибир, хешлик қолади, маскандошлик қолади, дунё бир кунлик эмас, ота юртини билмаган одам наслу насабнинг қадрини билармиди!”⁶³.

⁶¹ Ўша асар –Б.106.

⁶² Ўша асар. –Б.115.

⁶³ Ўша асар –Б.132.

Мазкур салмоқли фикр қиссалар структурасидаги асос, таянч нуқта. Гайбаров, Мустафо, Эломоновлар галатепанинг чин ўғлонлари. Ҳаёт синоатини мардона енгган инсонлар туғилган юртидан айро яшолмаслигини чуқур ҳис этади. Киндик қон томган масканда инсон илк бор отаси, онаси, яқинлари тафти, меҳрини ҳис этади. Бу макон жисму жонга ҳаловат бахш этади, улғайиб манзил ўзгарганда ҳам ота юрт оҳанрабодек ўзига чорлаб туради.

Ҳайдовчи ёнида Бинафшахоннинг эри билан баҳслашиши ғурурни топтайди. Мазкур лавҳа такаббур, ўткир хотин портретини тўлдиради. Қизиғи, аёл исмида ёзувчининг пичинги сезилади. Бинафша нозик, нафис ифори, илк баҳор гули. У қалбга эпкинлик, сурур бахш этади. Бироқ исми жисмига номувофиқ хотин эри юрагини парчалаб ташлайди. Эломонов ўғлига китоб ахтариб, Тошпўлат Гайбаров билан учрашар экан, муаллиф таниш қаҳрамоннинг Замирага уйланиб, фарзандли бўлганини шу сабаб маълум қилади. Эломонов мансаб пиллапоясидан тушар экан, воқеа ҳолатларни таҳлил этиб боради. Инсон онги қатламида ҳаётидаги ёрқин дамлар тасмадай жонланиб ўтади. Мурод Муҳаммад Дўст бадийий характер яратишда тафаккур ҳаракати, жараёнини реал тақдим этишга муваффақ бўлади. У ҳиссий, ақлий қатламни онг оқими замирида шарҳлашга эътиборни кучайтиради. Адиб ижтимоий муносабат, воқеа, ҳодисани ахлоқий фалсафий қарашлар билан бойитиб боради.

Адабиётшунос У.Норматов: ”Қисса асосини қаҳрамонларнинг маънавияти, оилавий интим ҳаёти, муҳаббати, эрки, масъулияти масалалари ташкил этади; шахс эрки ва бурчи проблемасини ёзувчи асарнинг пафоси даражасига кўтаради, эрк ҳақида жиддий баҳс кўзгайди,”-дея мулоҳаза юритади⁶⁴.

Асарда инсон ҳурлиги, озодлиги қалтис вазият, шароитда, баъзан мансаб, амал доирасида аслини сақлаши, қиёфасини намоён этишида кузатилади. Ижтимоий, сиёсий муҳитда ҳақиқатни айтиш, адолатни тарғиб

⁶⁴ Норматов У. Етуклик. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 –Б.207.

килиш маънавий жасорат саналади. Носирлар мавзуни ёритишда характер дунёқарашидаги одилонга ҳукми инобатга олиб, асар ички мантиғига мувофиқ воқеликни ривожлантириб боради.

Жаҳон адабиётида муҳаббат доим тараннум этилган. Инсоният аввало Яратганга, насли, табиатга меҳр берган. Одамнинг Аллоҳга муҳаббати ишқи илоҳий бўлса, инсонга кўчирилган шакли мажозий дея саналган. Азалий ва абадий мавзу ҳар бир даврда янгиланиб, бойитиб келинган. Зеро, турли миллат ижодкорлари ўз эътиқоди, дунёқарашига монанд ранг, оҳанг, шукуҳ бахш этган.

Машҳур Лайли ва Мажнун қиссаси араб халқи ҳаёти, маданияти маҳсули бўлиб, бошқа адабиёт муҳибларига кучли таъсир кўрсатган. Низомий Ганжавий қиссани бойитиб, тўлдириб “Хамса”си таркибига дoston шаклида киритган. Анъана Хусрав Деҳлавий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Фузулий томонидан давом эттирилиб, маъновий ва ифодавий тағқатламлилиқ, сержилолиқ, буёқдорлиқ касб этган. Асар моҳиятига кўра, мажозий ишқ синоатини уддалаган ошиқ илоҳий муҳаббат тилсимини уқишга киришади. Сўз соҳирлари инсоннинг дунёвийлигида илоҳий ишқ мавжудлиги, ўзлиқни англаш Яратганга интилиш – яшаш формуласини исботлашга муваффақ бўладилар. Ошиқнинг дардмандлиги, риёзат чекиши, жафога бардошлилиги, сирлилиги характер мантиғига асосан ёритиб борилади. Бадиий сўзнинг маъно миқёсларидан унумли фойдаланиш дostonда ишқни мукаммал таърифлашга, моҳиятни теран англаштишга имкон берган. Муҳаббат тарихидан таъсирланган Фозил Йўлдош ўғли “Лайли ва Мажнун” дostonини яратган. Кўринадикки, асрлар давомида ижодий жараён такомиллашиб борган.

XXI асрга келиб, жадал ривожланиш ва тараққиёт даврида инсоний қадр-қиммат, меҳр-оқибат тансиқлашиб қолмоқда. Жаҳолат, хурофот одамзотни қаърига тортмоқда. Инсоний муносабат кескинлашиб залолатга томон кетмоқда. Бундай вазиятда адабиёт ишончли маънавий озуқа бўлади. Дунё машваратида инсон ҳайрон, забун бўлмасдан ўзлигини асраши муҳим

саналади. Оний ва омонат умрни мазмунан бойитишда муҳаббат таянч нукта ҳисобланади.

Адиб Шомирза Турдимовнинг “Мезон” қиссасида ҳассос кўнгил, рух ва қалб эркинлиги мозийга нигоҳ тарзида бадиий гавдалантирилади. Ҳар лавҳа, тасвирда таркибу тизимдаги мукамаллик англашилади. Асар 18 кичик бобдан иборат. Уларга Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Баҳоуддин Нақшбандий, Алишер Навоий ҳикматлари ҳамда халқ кўшиқ, маталидан эпиграф танланади. Сарлавҳа ва эпиграф синтези масала моҳиятини яққол ифодалайди. Биринчи бобга шайх Атторнинг “Даҳраро тўймоқ ва ўлмоқдир бисе, Сиррини англаб етолмас бир касе” байти эпиграф қилиб белгиланади. Дунёни тириклик гашти дея билган одам не мақсадда яралганини уқмай, вафот этади. Бу тоифа кишилар илоҳий маърифатдан бебаҳра ноқасдирлар. Кейинги бобга ”Тингла найким, не ҳикоят айлағай, Айролиқлардан шикоят айлағай” (Ҳазрати Румий) ўғити белгиланади. Маҳзун куй садоси дарвешлар маслагини тинглашга чорлайди. Шу нуқтадан муаллиф илоҳий саодатга ноил шахслар тийнатишни ёритиб боради. Қиссанинг бундай ташкилланиши диний ва дунёвий қарашларни бир нуқтада жамлаш, фалсафий ҳикматни идроклашга туртки беради.

”Мезон” қиссаси поэтикасида сув, олов моҳияти ўзгача зухурланади. Сувнинг мажозий талқинида микродан макрога қадар асар поэтикасига сингдириб борилади. Палладаги тош, баргга, иккинчи палладаги сув муқояса этилгани билан эътиборни тортади. Енгил ва оғир жисм контраст ҳолатни бўрттиради. Тарозининг икки палласи метафорик тасвирни қабарик тарзда ифодалаган. Кўриниши, вазифаси юзасидан боғлиқ бўлмаган деталлар бир лавҳага жамланар экан, мувозанат тушунчаси борасидаги эстетик қарашлар янгилаётгани кузатилади. Асардаги воқеа, жараёнларнинг метафора, муболағалар асносида ифодаланиши моҳиятни зийрак нигоҳ-ла идрок этишни талаб этади.

Тириклик унсури – сув, олов, тупроқ, ҳавонинг киритилиши рамзийлик, ишоравийликни орттирган. Сув метафорик образи поклик, нурафшонлик

белгиси саналиб, асарда маълум функция бажаради. Қисса бошида дарё бўйидаги сирли ҳолат тасвирланади. Палладан сувнинг оқиши, шаршара лавҳаси, косадаги сув, охирида Мажнуннинг қайиқда сузиши – бари ички тартиботни мукаммаллаштирган. Бобга “Сувратдан сийрат келади” эпитафи кўйилиб, ақл, тафаккур кўзи билан кўриш, зохирий ва ботиний ҳолатни фарқлашга ишора берилади. Мажнун рухий ҳолатини, изтиробини асослаши, косадаги сувда Лайли сиймосига ошиқлигини изҳор этиши одамлар мазахиға сабаб бўлади. Аслида соф туйғулар сиртда куртакланиши, қалб нигоҳиға севиш чин ошиқ қисмати экани, бунинг эса сўқирларға ётлиги уқтирилади. Мазкур усул мумтоз адабиётда кўп қўлланилган. Яъни, қаҳрамон ойнаи жаҳоннамо ёхуд тушида ёри висолини кўрган. Шу нуқтадан воқеа тадрижи жадаллашган. Олов унсури борасидаги мулоҳаза Иброҳим (а.с.) оловнинг ичига кириши лавҳасидан бошланади. Пайғамбарлар тарихидан маълумки, мушриклар Иброҳим алайҳиссаломни жазолаш мақсадида ўтда ёндирмоқчи бўладилар, бироқ Яратганнинг қудрати ила оташ чаманга айланади. “Мезон” қиссасида Мажнун оловнинг ҳар бир ёлидан Лайли жилвасини кузатади, сўнг чўғ устида бемалол ухлайди. Ишқ ўтида йигит ҳузурланади-ю, аҳли ожиз ноқислик қилади. Кулнинг гулға айланиши, эзгуликнинг ёвузликни забт этиши бадииятни оширган. Асарда олов орқали шайтон найрангига ишора қилинади. У ҳар дамда Мажнунга тажовуз этишға шай туради. Тупроқ унсури моҳияти аниқ, лўнда ифодаланади: Буюрди, бўйсунди, мўмин бўлди. Маълумки, одам яралиши жараёнида ҳам сабоқ мужассам.

Муаллиф қисса композициясида муқаддас Қуръондаги илоҳиёт мўъжизасига мурожаат қилади. Асрий анъаналар замонавий насрда давом эттирилиб, айни инсоният яралишидаги муддао, ошиқлик саодати ҳикмати бадиий ниятни ойдинлаштиради. Бунда Жаброил, Микоил, Исрофил, Азроил фармон ижросига масъул этиладилар. Фақат Азроилгина олинган омонатни вақти келиб қайтаришға ваъда бериб, тупроқдан сиқим келтиради. Осмон, тоғ такаббурлиги боис улкан бахтдан бебаҳра қолади. Тупроқ ҳоқисорлиги сабаб Яратган марҳаматига сазовор бўлади. Бу инсоннинг ибтидоси- туғилиши ва

интиҳоси ўлимига ишорадир. Қиссада Мажнуннинг кулол ҳузурида кўза ясаши, лойнинг кўзага эврилиш ҳолати- насл асли ва қисматига урғу тарзида киритилади. Тупроқ зарраси инсоннинг яралиши, ҳужайрасининг шаклу шамойилидир. Мажнун ҳар бирида тажалли кўради. Лайли тимсоли талқинида илоҳий ва мажозий ишқ параллел келади. Туйғу қувватлари- кўриш ва ҳис қилиш функцияси муқояса этилади. Шайтон васвасасини англаш: рақс тушаётган Лайлидан тониш - асл ишқ сари ошиқиш таъсирли ифодаланади. Кўзанинг оловга айланиб ғойиб бўлиши синовда зафар қозонишдир.

Шаршара шукуҳи, салобати ошиқ, озод руҳ тафтига ишора беради. Дарвешларнинг шаршара атрофида жамланишида ҳикмат аёнлашади. Дарвешнинг эркин, ҳур қалби кенгликни, бепояликни маънавий жавҳарига сингдиради. Бундай кишилар туйғу қуввати фақат илоҳий ҳукм маънисини идрок этади. Фоний дунёни тафаккур қудрати ила баҳолаш, зоҳирий ҳамда ботиний ҳолатни муқояса этиш имконини яратади.

Қиссадаги олти дарвеш образи алоҳида аҳамиятга эга. Улар тафаккур соҳиблари бўлиб, воқеалар силсиласида қаҳрамоннинг руҳиятидаги эврилишни сокин кузатадилар. Тақдир битигини англаган дарвешлар Мажнунга раҳнамолик қиладилар. Одамлар мазаҳига, калтабинлигига парво қилмайдиган йигит сабрига ҳамфикр бўладилар. Зеро, дарвешлар фақат Яратганни улуғлаб, дунё лаззатидан воз кечган сабрли шахслардир. Улар Яратган висолини олий мақом деб ҳисоблайдилар. Дарвешлар туйғуси фалсафий тафаккур билан йўғрилган. Қаҳрамон руҳи мутлақ илоҳиётнинг бир бўлаги бўлиб, асл вужуд билан бирлашиш учун тўсиқ таҳликалардан халос бўлмоғи лозим.

Қиссада ғор тасвирида асосий найрангбозлик уюштирилади. Лайли куй рақс воситасида йигитни тирилтиради. Мажнун ўзига келиб сохта ва асл ишқни фарқлашга муяссар бўлади. У “ботинда ҳам биргасан, зоҳирда ҳам биргасан”, - дея ошиқлик моҳиятини аниқ тушуниб этади ва ғордан шерни етаклаб чиқади. Мазкур лавҳадан икки маъно уқиш мумкин: шерни

бўйсундириш нафсни енгиш ва ҳазрат Алишер Навоийга ёзувчининг эҳтироми ифодаси.

Асар поэтикасида бадий воситалар, оригинал тасвирлар мавжуд. От ва ит вафо тимсоли, улар баъзан ноҳақликдан норизо бўлганда, Мажнун барҳам бериб жонзотлар кўнгил истагини бажо келтиради: отга пичан, итга иликни улашади. Бу ҳолат ҳар ким ўз насибасини ейиши суйган нарсасига ишора тарзида талқин этилади. Мажнун табиат кўйнида ором топиб, жонзотлар билан тиллашади. Одамлар хўрлаган дамда табиат мурувват кўрсатади.

Ўхшатиш, метафоралар матн бадииятини оширган: бир паллага тош, барг, иккинчи паллага сув қуйилади. Сув оқиб кетади енгил, тош, барг палласи оғир. Контраст тасвир ўлчов тушунчасига диққатни чорлайди. Ярми оқ, ярми қизил олма палласи икки отликқа насиб этади. Улар кўзаси ҳам рамзий: бири оқ белбоғли, иккинчиси қизил дуррачали. Иккита ярим охирида яна бутун ҳолатга қайтади, яъни бирлашади. Адиб ақл ва руҳнинг бутунлик ҳосил қилишини шундай асослайди.

Қисса таркибидаги бу фикр залвори оғир. Мажнун Лайли борасида бундай жавоб беради: “Ўтда кўрдим, сувда кўрдим, ерда кўрдим, кўкда кўрдим, ёмғирнинг томчисида, аёзнинг қамчисида, тун билан кун жангида, шафақнинг рангида , лаҳзанинг ҳаддида, ҳар зарранинг чангида кўрдим!”⁶⁵

Тушунча тилсимини ечсак, Мажнуннинг илоҳий хислатини теран англаймиз. У Ҳақни таниш, идрок этиш сафарини мақсад айлаб ниятига эришади. Ғариб, хокисор йигит маконма-макон юриб ишқ бозори ғавғоларидан омон чиқади. Шу боис унинг хатти -ҳаракати дунёвий мантиқ ва меъёрга сиғмайди.

“Мезон” қиссаси тузилиши ва таркибига кўра мустаҳкам. Бош қаҳрамон тадрижи аниқ ёритилган. Унинг маънавий- ахлоқий қарашлари асосланган, характер мантиғига риоя этилган. Дарвеш, отлиқлар тимсолида илоҳий ишқ асроридан воқиф ориф сиймоси намоён бўлади. Ота, она, хизматкор ва бошқалар дунё ташвиши бандилари тарзида тақдим қилинади.

⁶⁵ Турдимов Ш. Мезон. // Шарқ юлдузи. 2011.№ 6 –Б. 40.

Алломалар ҳикмати серқатламлиги билан ажралиб туради. Асардаги “Чун рух ила рух топди пайванд”(Алишер Навоий) ҳикмати қаҳрамоннинг асл ишк маънисини англаб, унга етишганига ишора қилади. Баҳоуддин Нақшбандийнинг “...Не матоҳманки, ҳеч харидорим йўқ” ҳикмати Мажнуннинг ўз-ўзини тафтиш этиши, қалбига бўйсуниси, нафс лашкарини енгиш жараёнини ёритишга хизмат этади.

Асарнинг сўнгги бобида “Аллоҳнинг дўстлари худо эмаслар, Ва локин худодан жудо эмаслар “ги нақли Мажнуннинг салафлари дарвешлар билан ҳаммаслак эканига диққатни жалб этиш, дарёда қайиқда сузиб кетаётган қаҳрамон сафари нурли ва бардавомлигига ҳамоҳанг танланган.

Аҳли дард ишқини турли ракурса ёритиш мумкин. Абдумутал Абдуллаевнинг “Ҳазрати Аттор” қиссасида улуғ шайх маънавий қобилияти, салоҳиятининг асосий омиллари талқин этилади. Асарда диалогик нутқ шакли етакчилик қилади. Муаллиф олим ижодхонасига сафдошу шогирдлар нигоҳила сайр этади. Қисса таркибини уқиш, матн ости қатламни ўзлаштириш Фаридиддин Аттор яшаган давр, ижодий муҳит, орифу олимлар маънавияти борасидаги тасаввурни тўлдиради.

Асарда Нишопур тасвирига алоҳида урғу берилиб, аҳолиси, маиший турмушига тўхталинади. Сайёҳ шайх она заминида ҳаловат топади, шу нуқтада ватан туйғуси нозик таҳлил қилиниб, фасллар алмашинуви, дарахт ҳолати, адир, ҳужра тасвиригача эътибор берилади. Шайх асарларида инсон тарбиясига доир аҳкомлар турли ривоят, нақллар орқали тарғиб қилинган. Устоз мурид суҳбати мазмунли, мантиқчилиги қуйидаги лавҳада кўринади:

”Нафс қурғур қанча ноз неъматни ютиб юборади-ю, асло тўйдим демайди. Қанийди ақл ҳам шу бедаво нафсдан ўртак олса, сира тўйдим демаса...Ақлнинг беағи ҳам шу-да. Ақл тўйганини билур, аммо нафс ҳеч қачон. Нафс шайтоннинг улфати, унда шиддат бору жилов йўқ. Инсоният

яратилибдики, уч унсур унга офат ташийди. Бири шайтон, иккинчиси нафс, учинчиси жоҳиллик”⁶⁶.

Нафсу ақл мезони, зарарли офатлар соғиштирилиб, инсон мақомига нисбат беришда метафорик усул етакчилик қилади. Асрлар давомида одамзотга таҳлика солаётган уч унсур қиёматга қадар ҳамроҳ эканлиги, фақат имон нури, яъни Яратган марҳамати ила бу иллатдан халос бўлиш мумкинлиги аёнлашади. Қиссада “Уштурнома”, “Илоҳийнома”, “Мантикут-тайр”, “Мусибатнома” каби асарларнинг маъно- мундарижасига ибратли ҳикоят асосида мурожаат этилади. Ит билан сўфийнинг баҳсида сохта ҳамда холис ибодат тушунчаси муқояса этилади. Адолат талабида пири муршидга арз қилинганда, томонлар жавоби тингланади. Ит: “Худо йўлида юрган одамларга итлар ҳам зиён етказмайдилар. Аммо сездимки, унинг тўни сўфиёна бўлгани билан, ўзи риё аҳлидан экан. Тўни саломатлик фақирлик нишонаси, лекин ботини вайрон унинг. Агар жазо бермоқчи бўлсанг, ҳозир бергил, ҳақиқатан ҳам жазони қиёматга қолдирма: унинг эғнидаги дарвешлар-мардлар тўнини ечиб ол”, - деган талабни қўяди⁶⁷.

Мазкур лавҳада хокисорлик ҳамда риё таққосланади. Дарвеш ахлоқий сулуки мағзини англашга туртки берилади. Инсон ботинини тушуниш мураккаб, бироқ забунсиз ит туйғу қувватила ҳақни ботилдан зумда ажратиб беради. Ҳикоят “Илоҳийнома” таркибининг нечоғли мукамаллигига ишора қилади. Искандарнинг гадо билан суҳбатида боқийлигу фанийлик тушунчаси теран талқин этилади. Шоҳнинг ҳузурига келган гадо қўлида икки бош суяги бўлади. Гадо: “Мозордан ўтаётганимда очик гўрларда шу икки суякка кўзим тушди, аммо уларнинг қай бири шоҳники-ю, қай бири гадоники эканлигини ажратолмадим. Модомики, ўлганда бу икки мато бир экан, тириклигидаги низоларга не ҳожат, деган иштибоҳ мени қийнайди,”-дея фикр билдиради. Мулоҳазадан завқланган шоҳ унга ҳукмдорликни таклиф этганда, гадо тўрт шартни бажарсагина рози бўлишини айтади. Гадо дейди: “Менга ўлими йўқ

⁶⁶ Абдуллаев А. Ҳазрати Аттор.// Шарқ юлдузи. 2011.№ 6 –Б. 57-58.

⁶⁷ Абдуллаев А. Ҳазрати Аттор. //Шарқ юлдузи. 2011.№ 6 –Б. 59.

хаёт бергин; қарилиги йўқ абадий ёшлик инъом этгин; туганмас бойлик сўрайман; ғам андуҳсиз кечадиган умр ваъда қил!”⁶⁸.

Фикр салмоғига қунт қилинса, инсон Яратган инъоми, мададисиз ҳеч вақо эмаслигини уқиб олади. Донишманд гадо ўғити нақадар чуқурлигини туйган одам умрни зое ўтказмаслиги, зиёну заҳматдан йироқ бўлишини тушуниб етади. Ҳазрати Аттор ҳикмат хазинаси аста очилиб бораверади. Инсон ожизлиги, нотавонлигидан ташвишланган пир тафаккури, ҳаётий тажрибасига суяниб шогирдларга ўғит беради. Вужудини жоҳиллик, зулмкорлик туйғуси банд этганларга ҳикмат қор қилмаслигидан афсусланади.

Қиссада валийлик мартабаси, синоату шижоат мулоқот асосида бойитиб борилади. Дунё ва охират тушунчаси лўнда таърифланади. Дунёни тарк айламоқ учун нафсни жиловлаш, кўнгилни пок авайлаш уқтириб борилади.

Авлиёуллоҳ дунё неъматидан воз кечиб, ҳақ йўлида ибодат қилар экан, руҳ ҳаловатига эришади. Вужуд қийноғи дил хотиржамлигига воситалиги қаҳрамон фаолиятида кўзга ташланади. Шайх Атторнинг ғорга бориши тасвирида виқорли тоғ, доривор гиёҳ, азим дарахт берилар экан, табиат жозибасидан таъсирланиш, ҳар бир яратикдан ҳикмат излаш ҳолати кузатилади.

Маълумки, Қуръондаги қиссаларда ғор маскани илоҳий ҳаловатни бахш этади. Замонавий қиссалар поэтикасида пайғамбарлар тутуми, маслагининг сингдирилиши, имон, эътиқоднинг ҳидоятга ноил этиши талқин қилинади. “Мезон” ва “Ҳазрати Аттор” қиссаларида ҳам ошиқ Мажнун, шайх Атторлар ғорга кириб, дунё фитнасидан йироқлашади, фитрати ҳузур топади. Бу маскан танҳоликда илтижо, ибодат қилиш, руҳни поклаб дунё найрангидан халос бўлишга имкон беради. Шу манзилда шайх беихтиёр Ҳиро ғори, пайғамбаримизга Яратган томонидан илк бора ваҳий нозил бўлган кезлар, инсониятни саодатга чорлагувчи оятларнинг дилга

⁶⁸ Ўша асар. –Б.62.

мухрланишини шошқатор ёш билан хотирлайди. Бу ерда у ўзини хур ва эркин сезар, асосий машғулоти ибодату риёзат эди.

Муаллиф Аҳли дарвешнинг жамоага, хусусан, фақирларга муносабатини қисқа, ихчам ҳикоятда кўрсатиб ўтади. Шайх Шиблийни кўришни орзу қилган новвой синовдан ўтолмай пушаймон бўлади. Ҳоли забун дарвешга нон бермасдан қувган новвой йўриғи инсонни ташқи қиёфаси, мартабасига кўра иззат қилувчи нодонни эслатади. Ёзувчи қиссада Ҳазрати Атторнинг набийларга юксак эҳтиромини ичдан ёритиб боради. Жумладан, Одам Ато ва Момо Ҳаво зурриётининг қисмати, шайтон васвасасига учган оломоннинг залолатга ботиши, ғаддор кимсаларнинг эзгуликни яксон этиши жумбоғи аҳли орифни безовталаётгани тағқатламда англашилади. Шаръий ҳукм, ғайб синови масаласи Юсуф алайҳиссалом билан боғлиқ нақлда лўнда шарҳланади. Диний манбаларга кўра, Юсуф пайғамбарга мислсиз хусн берилган. Синалувчи банда Зулайҳо таклифини рад этиб, нафсини тияди. Шунга ҳамоҳанг нақлда аёл ҳаёси, илоҳий ҳукмдан кўркуви бундай талқин қилинади: ”Утбат чиндан ҳам зинокор кимса эди. Навбатдаги аёлга киши кўйди. Аёл менинг қаеримга ошиқ бўлибди, деб сўради. Жавоб келдики, қаро кўзлари юрагини ўйнатиб юборибди. Парда ичидаги аёл ҳеч иккиланмай кўзини ўйиб тобоққа кўйибди”⁶⁹.

Ушбу ўғит эркагу аёлга тааллуқли бўлиб, зино, ҳаромдан сақланишга даъват этилади. Солиҳ, мўмин инсоннинг Яратган олдидаги ибоси, ҳаёси тубанлик, залолатдан авайлаши далилланади.

Қиссада табаррук зот вафоти, шаҳидлик мақомига эришиши образли ифодаланади. Мўғул босқинчи асири (шайх Аттор)га ўқталган қилич эриб, аскарнинг жонсиз танаси отдан қулайди. Шу дамда ҳазрати Аттор ҳам кофир кўлида шаҳидлик саодатига эришиб, Яратган даргоҳига рихлат қилган эди. Асар сўнгида Алишер Навоийнинг: ”Ҳазрати Аттор ўт ичида туғилиб, илоҳий ишқни ёниб қуйлаш шавқидан олов чиқариб, атрофга аланга таратадиган ва ўзи ҳам шу чўғга кўшилиб ёниб кетадиган афсонавий қақнус

⁶⁹ Ўша асар. –Б.84.

кушига монанд умргузаронлик қилди...” – деган эътирофи келтирилади. Умрини илму маърифатга бахшида айлаган шайх қиссаси китобхонга сабоқ бўлади.

“Мезон” билан “Ҳазрати Аттор” қиссалари яралишида Қуръоний қиссаларнинг ўрни муҳим. Аввало, инсон яралиши, шайтон найранги, ғор тасвири, Одам (а.с), Иброҳим(а.с), Юсуф (а.с), Муҳаммад (а.с) қисматининг ёдга олинishi қалб эркинлиги, маънавий салоҳият, чин эътиқод каби ноёб фазилатларни талқин этишга имкон берган. Асрлар ўтса ҳам, бу ҳақиқат носирларга қаҳрамонларининг фалсафий аҳкоми, мушоҳадаси, орифлик мартабасини ёритиш, асар ҳиссий ва тасвирий самарадорлигини орттиришда сабоқ бўлган. “Мезон” ва “Ҳазрати Аттор” қиссаларидаги чуқур психологик таҳлил, турли тасвирий воситалар таркибий яхлитликни таъминлаган. Мазкур асарларда ассоциативлик кузатилиб, бош қаҳрамонлар яшаш маслаги, илоҳий ҳикматга садоқати бадиий тизимни мустаҳкамлаган. Улар тафаккур оламини эстетик идрок этиш, яралиш сабабиятини теран англашга имкон беради.

Қиссалар орасида бадиий жиҳатдан саёзлари ҳам мавжуд бўлиб, уларда муаллифларнинг жанр талабини, сўз кудратини англамагани кўринади. Гўзалоӣ Солиҳ қизининг “Сиз ўшами?” қиссаси муҳаббат мавзусида. Сарлавҳа беихтиёр “Ўткан кунлар” асаридаги машҳур иборани ёдга солади. Унда мазкур бирикма салмоғи, кўлами асрорни уқишга, образ моҳиятини уқишга ундайди. Афсуски, қиссада “Кимсиз, ўзингиз кимсиз” ёки “Исмингизни билсам бўладими?” сўровига “Ўзингизни исмингизни билсам бўладими?” тарзидаги курук, такрор жумла, динамик ҳолат сустиги сюжет ҳаракатини юзага чиқармайди. Қизнинг дугоналарини йигит билан таништириши, уларнинг ҳазиллари бачкана тус олади. Йигит билан қиз баҳсида тарбиядаги ноқислик кузатилади. Асар композицияси етарли ишланмаган, образ масаласи ёритилмаган. Устоз ижодкорлар сўзга масъуллиги боис улар яратган пухта, мукамал матнлар ҳозиргача

мутахассислар эътиборида. Шу сабаб муаллиф китобхон олдидаги бурчини ёддан чиқармаслиги даркор.

Адабий жараёнда қиссалар яратилар экан, уларда тафаккур қилувчи қаҳрамон моҳиятини изчил ёритиш, ҳаётидаги мураккабликни таъсирли ифодалаш, воқеани тўлиқ қамраб олиш, қалб диалектикасини кўрсатиш мақсад қилинади.

“Ёзувчи нафақат умуминсоний эҳтиёжга дардларини айтиб, юрагини бўшатиш эҳтиёжига дахлдор, балки у ана шу эҳтиёжни анча-мунча кенгайтиради ҳам, негаки, у алоҳида бир устунликка эга ўзининг ижоди билан ўзини теран изтироблардан, кишини қийнайдиган ўй-фикрлардан халос этади”, - дейди Ян Парандовский⁷⁰.

Қисса яратиш жараёнида ҳаёт материалини пишитиш, образ мантиғини асослаш, психологик таҳлилни теранлаштириш, драматик вазиятни таранглаштириш поэтик мазмунни тўлдиради. Муаммонинг ечимини кўрсатиш борасида фикрий изчиллик, тасвирийликка риоя этилиши мақсадга мувофиқ саналади.

Ижодкор одам моҳиятини англатишда таъсирли, ишончли, ибратли мотивларни келтириши, қаҳрамоннинг борлиқ ҳодисаларига муносабатини холис тасвирлаши, мустақил фикрларини теран акс эттириши даркор.

Фаслда ўрганилган масалага кўра, қиссаларда умуминсоний ғояларни ёритишда инсонпарварлик руҳини кучайтириш, ижтимоий адолат тасвирини кенгайтириш, маънавий, ахлоқий қадриятларни талқин этиш тамойили ортиб боради. Қиссалар мавзу мундарижасида ватан, оила, муҳаббат, ахлоқ масалалари етакчилик қилади. Шунингдек, жамиятдаги ўзгаришга мувофиқ колхоз, меҳнат, уруш, партия каби мавзулар ёритилгани ҳам кузатилади. Истиқлол йилларида ислом ва шарқ маънавияти асосида ватан, муҳаббат мавзусига янги ракурсда мурожаат этилгани аёнлашади.

⁷⁰ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. -Т.: Маънавият, 2010 –Б. 249.

2.2. Қиссада инсон ва давр тасвири

Ижодкор миллатнинг урф-одату анъаналарини талқин этиш орқали китобхонда ўзбек кишиси ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилади. Инсон ҳаётини барча мураккабликлари ила тасвирлаш осон эмас. Унинг руҳиятини, саъй-ҳаракатини аниқ ифодалашда, асослашда ёзувчи зарур ибора, сўзни қўллаши лозим. Қиссалар поэтикасида мисралар маъно қўламдорлиги, фикрлар мантикий изчиллиги, ифода қисқа ва лўндалиги, жумла жарангдорлиги эътиборни тортади. Адиб киши туйғулари, эмоцияларини ҳис қилдиришга, бунда унга мувофиқ оҳангни ҳам танлашга эришади.

Қиссаларда инсон туйғулари, тушлари, қувончу заҳматлари, кечинмаларини ифодалашда зарур сўз, иборани қўллаш, ҳодисанинг бирор лаҳзасини муҳрлаш бадииятни оширади. Муаллиф воқеликни жонли, таъсирли ифодалашда ҳар бир лавҳа, ҳолатни пухта ўрганиб, фикрини тизимли ифодалашга эътибор қаратади. Адиб қаҳрамон интилиши, орзу армонлари, ҳаётининг асл моҳияти борасидаги эстетик, фалсафий қарашларини матн негизига сингдириб боради.

Бадиий асар инсон руҳиятига таъсир этувчи санъат ҳосиласи. Сўз оҳанги, маънолар асрори турфа ҳолат, вазиятни теран ифодалашга йўналтирилади. Қаҳрамон сурати-ю сийратини ёритиш, ундаги эврилишни етказиш ижодкордан нозик дид, юксак салоҳиятни талаб этади. Ҳозирги глобаллашув жараёнида инсон қисмати мураккаблашиб бормоқда. Ахборот-коммуникация таъсиридаги кишилар дунёқараши кун сайин ўзгариб бормоқда. Бадиий насрда ҳам мажозий образлар, фанлар интеграцияси, санъатлараро уйғунлик, мифологик лавҳалар, макро ва микро олам борасидаги ҳосилалар ортмоқда. Одамзотнинг наботот ҳамда ҳайвонот дунёси билан яхлитлигига доир диний, дунёвий таълимотлар асосида бадиият намуналари яратилмоқда.

Ижодкор олам ва одамни бадиий идрок этиш салоҳиятига монанд аниқ воқеликни тасвирлашга, баъзан фантазия маҳсулини ҳам далиллашга интилади. Кузатишларимиз натижасида носирлар маиший ҳаёт тасвиридан

тортиб, табиат синоати, фан-техника ютуғи, спорт турлари, аср вабосига доир мавзуларда баҳс юритгани аён бўлади. Асарларда миллий ўзлик, қиёфага эга шахс, саробга, сояга айланган кимсалар тақдири ҳам талқин қилинади. Қаҳрамон тахайюл дунёсидаги эврилишлар рамзлар орқали турфа ўйларни ҳосил қилади.

Инсоният илму маърифат ёғдусида шарифлик матлабига ноил бўлади. Бу хайрли хизмат устоз зиммасига буюк масъулиятни юклайди. Унинг ақлу заковати боис одамлар шуурига дунёвий ҳамда диний таълимот сингиб боради. Шу боис юксак салоҳиятли табаррук сиймоларга мудом эҳтиром кўрсатилган. Ҳазрат Навоий устозлик мақомини бундай лутф айлаган:

Ҳақ йўлида ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,

Айламак бўлмас адо онинг ҳақин юз ганж ила.

Кишининг зиммасида муаллим ҳақи залвори оғир. Йиллар мобайнида таълим, тарбия ўргатган инсоннинг ҳалол, машаққатли меҳнатини қадрлаган илму толиб уни умри давомида унутмайди. Эзгу мақсад йўлида заҳмат, риёзат чеккан зиёлилар доим жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшганлар. Ҳозирги қиссаларда ҳам ўқитувчи, устоз образи муайян функцияни бажаради. Улар маслаҳи, тажрибаси, соф виждони адиблар томонидан теран ёритилган.

Чингиз Айтматовнинг “Биринчи муаллим” ҳамда Лукмон Бўрихоннинг “Сирли муаллим” қиссалари моҳиятига нигоҳ ташланса, муштарак жиҳатлар аёнлашади. “Биринчи муаллим” қиссасида Дуйшэн исмли йигит овулдаги болаларга жонини фидо айлаб таҳсил беради. Илму маърифатдан мосуво оналарни тўғри ташвиқ этиб, мактаб биносини ёлғиз тиклаб, илм асроридан болаларга беғараз сабоқ беради. Фидойи Дуйшэн ўз ҳисобидан ўқув қуроллари, дарс жиҳозлари олиб, пухта илм олишга имкон яратади. Сабру шижоат ила болаларга янги дунё таълимотини намоён этиб, оламдаги моддий ҳамда маънавий сарҳадга, тафаккур кенгликларига сайр уюштиради. Илк бора товушу ҳарфнинг салмоғи, қудратини англаётган мурғак қалбга муаззам зиё таралади. Боланинг турмуш шароитидан воқиф устоз мактабда унинг ҳузур, ҳаловатни, билим қувватини идрок этишига эътибор қаратади. Устоз

Ўз фарзанди янглиғ болаларга ғамхўрлик кўрсатишида образнинг мантиғи ойдинлашади. У инсонни кадрлагани, эъозлагани боис барча машаққатга собир бўлади. Қиш қаҳратонида сув кечиб болаларни йўлнинг қуруқ ерига ўтказиши, совуқ синфхонани иситиб, дарсларни астойдил ўтиши, муҳими ўқувчилар иродасини мустаҳкамлашга эришиши образнинг асл муддаосини белгилайди. Ўн беш ёш сағир Олтинойни золим эркак жаҳолатидан қутқарган муаллим оғир тан жан жароҳатига қарамай ёвузликка барҳам беради. Муҳими қариндошдан кўрилмаган оқибат, адолат устоз томонидан рўёбга чиқади.

Қиссада кишилар ўртасидаги саводсизлик, жаҳолатга қарши маърифат масаласи контраст берилади. Одам тирикликни, яралишдан мурод нелигини англамас экан, ҳақиқат манзилига етолмайди. Асардаги образлар орасида қоқоқ, бебурд, лоқайд кимсалар қисматига нигоҳ ташланса, уларнинг бемантиқ турмуш тарзи кўланкага ўхшайди. Ўз фарзанди келажагига бефарқ ота-оналар муаллимга миннатдорлик ўрнига дашном берадилар. Кишилар ақли ноқислиги сабаб ҳақни ботилдан ажрата олмайди. Асарда муаллимнинг олижаноб, фидойи феъл-атвори бошқа қаҳрамонлар эътирофидан тиниқлашиб боради. У қуршаб олган муҳитдан айро тушмай, балки зиё нури ила қўнғилга мунавварлик таратмоққа интилади.

Чингиз Айтматов ижодида рамзийлик, ифодавийлик матн бадииятини тўйинтириб боради. Қаҳрамон ҳаёти ҳамда тасаввурини маънавий илинж ила озиқлантирган тераклар образи поэтик мазмунни истифода этади. Устоз Дуйшэн шогирди Олтиной билан тепаликка терак новдасини ўтқазишида теран томир, узилмас ришта чин саодат сурурини равшан айлайди. Йиллар сурони теракка салобат бағишлаб, кишида ишонч, қатъият, матонат туйғусини турғунлаштиради.

“Кўча-куйда нима кўп-дарахт кўп, лекин бу тераклар ўзи бошқа бир олам, қандайдир хосиятли, тили бордай. Гоҳ соҳилга келиб урилган эрка тўлқиндай эшитилар- эшитилмас гувиллашиб қўяди, гоҳ жим ўйланиб қолиб, соғина, соғина юраги қон бўлгандай, алланималарни эслаб хўрсиниб,

юлқинган шамол булут ҳайдаб, ёмғир ҳайдаб, бутуқларини эгиб юборганда, тераклар бир-биридан мадад олиб: синдириб бўпсан, дегандай баттар ўжарлик қилиб, зарда билан тўлғаниб қўйишади. Тўрт томони очик баланд тепада туришганидан, булар доимо шамол ўқиға тўғри келиб ҳавонинг ҳар бир ўйинига жавоб қайтариб туришган”⁷¹.

Адиб инсон сийратидаги пўртаналарни наботот тилсими қобиғида пардалайди. Адл терак олисдан ҳайбату савлати, турли ҳодисотга дадил исёни ила улуғворлик касб этади. Икки терак ҳазин садоси мозий ҳақиқатини шамол парвози-ла ўзга маконларга элтади, хаста қалб ноласи тириклик ҳолотидан куй басталайди. Рамзлар қисса ички хужайраларидан ташқи воқеа манзарасига ишора янглиғ бўртиб кўринади, сўзлар замон руҳи, маънавий - ижтимоӣ иқлимни сифатлаши билан моҳиятни тиниқлаштиради.

Асарда муаллиф қалб призмасида сайқал топган тасвирлар, шукуҳли лаҳзалар маънавий, эстетик аҳкомларни пайвандлаб боради. Фасллар алмашинуви одам умри саҳифаларини варақлаб ўтади. Қиш қаҳрини баҳор насими хотира пучмоғига улоқтиради. Оддий, ҳалол, фидойи муаллим урушда қатнашгач, анча вақтдан сўнг овулга, она заминга қайтиб, почта бўлимида фаолиятини давом эттиради. Ундан илк сабоқ олган ёшлар улғайиб, турли соҳаларда ютуқларга эришади. Аслида улар устозга ташаккур билдириб, заҳматкаш одамни эъзозлаши даркор. Академик Олтиной устозни зилол чашмага менгзаб, ундан баҳраманд кўнгил зиёға йўғрилишини кашф этади. Муаллим ўзгалар манфаати учун жонини фидо этиб, камтарона турмуш кечирса-да, унинг олижаноблиги ишонч, беминнат яхшилиги адолат ҳикматидан воқиф қилади. Ёзувчи муаллим образини адабий қаҳрамонлар сафида байроқдор сиймо тарзида бадиий гавдалантиради.

“Бадиий образ- ижодкор шуури, эстетик идеали, дунёқараши, мақсади ва ғояси орқали синтезлашган воқеликнинг инсон руҳиятининг муҳим қирраларини муайян нарса, туйғу ва кечинмалар тимсолида алоҳида

⁷¹ Айтматов Ч. Танланган асарлар. -Т.:Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 –Б.43.

бетакрорликда умумлаштирилган, эстетик қимматга молик инъикосидан иборат”⁷².

Луқмон Бўрихоннинг “Сирли муаллим” қиссасида мактаб жамоасига ироник муносабат билдирилади. Қишлоқ ҳудуди таълим масканларидаги жараён босқичма- босқич фош этилади. Муаллим дунёқараши, касбига масъулият масаласи муаллиф ҳаётини кузатишлари асносида ривожлантирилади. Қиссага Абдулла Ориповнинг *”Муаллим ҳақида сўзим ушбудар, Муаллим камолот ичра кўзгудир”* мисраси эпиграф қилиб танланган. Адиб шарафли касб эгалари ҳаётини кўзгуда акс эттириш борасида мозаика усулини қўллайди. Турли иқроор мактублари асар поэтикасини тўйинтириб боради. Улардаги манзаралар жамланиб, яхлит тасаввурни рўёбга чиқаради. Воқеалар ривожда инсон табиатидаги фазилату иллатлар аста- секин фош бўлади. Кундалик турмушга янги ҳолат, вазиятнинг кириб бориши қаҳрамонларни ўзини тафтиш этишга мажбур қилади.

Адиб устоз образига чизгилар тортишда ноодатий лавҳаларни матн поэтикасига сингдириб юборади. Асарда фидойи ёш йигитнинг сирли ташрифи эртак, афсонадаги мужда келтирувчи эзгулик кучларини ёдга солиши сюжет воқеаларини жонлантиради. Инсон ғайритабиий воқеа ҳодисадан таъсирланиб, калава учини ахтаради. Ёш муаллим аслида илм маҳзанини уққан, асл мақсадини рўёбга чиқариши дангаса, масъулиятсиз кимсаларга хуш келмайди. Қиссада муаллиф пичинги ўткирлашади, унинг замирида аччиқ ҳақиқат бўй кўрсатади.

Маълумки, асар қаҳрамонларига танланган исм ҳам муайян поэтик мазмунга эга. Носир бадийий образларга ном беришда мавқеи, феъл-атвориға монанд жиҳатларни саралашга аҳамият қаратади. Маориф мудир Эркабоев, мактаб раҳбари Қалқонов жамоадаги муҳитни фош қилмасликка, муаммони имкони даражасида ҳал этишга, буйруқни вақтида ижро айлашга мослашган образлар. Уларнинг “лаббайгўй”лик тутуми бир қанча эпизодда асослаб кўрсатилади. Домла Хуррамович ҳар кимдан шубҳаланиб, юқори идорада

⁷² Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. -Т.: 2004 –Б.22.

хукукини рўқач қиладиган, фақат ўз манфаатини кўзлаб, ўзгалар ютуғидан аччиқланадиган тоифа. Норхол, Боймурод каби муовинлар ҳам фаол ташкилотчи, аммо дарсга масъулият бобида суст. Бу жамоага чин маънода Нажот Ғайбулла зарур эди. Нажот устозу шогирд қисматиға лоқайд бўлмагани боис муаммони тез ҳамда самарали ҳал этади.

“Унинг афт-ангорида, уст-бошида, иш фаолиятида алланечук бегоналик бор эди. Ана шу бегоналик бизни ҳуркитиб турарди”⁷³.

Муаллиф қаҳрамони бадий портрети воситасида китобхон қизиқишига жавоб беради. Унинг суратидан тийнатиға қадар ўзгалиги одатий меъёр, кўникмага номувофиқ эди. Боиси, йигитни бегона монанд қабул қилган педагоглар унга мослашиб, лоқайдлик, бепарволик исканжасидан халос бўлишни хоҳламасди. Зулмат ичра таралган ёғду маънисини уқишга ожиз кишилар ҳақиқатга тик боқолмайди. Ғайб ўзаги ҳам маърифат олаmidан биқик муҳитга ташриф буюрган инсоннинг муддаосига муносиб белгиланган. Ижтимоий ҳаётда мўъжизанинг содир бўлиши асталик билан қабул қилинади. Энди жамоа илмий доирадан йироқлигини, фарзандлар келажагига раҳна солаётганини тушуниб етишга мажбурлиги англашилади. Носир кулги, юмор асносида персонажлар ҳаракатига аниқлик киритади. Дарсликларнинг директор хонасида сақланиши, жиҳозланган география хонасининг зарур ташрифлар учун қулфланиши лавҳалари фирибгарлик ҳолатини равшан кўрсатади. Қиссада Нажот образи муаллим имконияти, изланиши, масъулияти каби мезонларга муносиблиги борасидаги қарашлар тасвирланади. Жамиятдаги янгиланишлар инсон шуурига таъсир қиладди, шу маънода илму маърифат жараёнидаги сусткашлик оқибатида барча азият чекади.

Бадий асарда муаллим сиймоси марказий қатламдаги воқеалар ривожига салмоқли таъсир кўрсатади. Баъзан қаҳрамон қисматидаги бурилиш палласида устоз ўгити етакчи омилга айланади. Шойим

⁷³ Бўрихон Л.Титраётган тоғ. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018 –Б. 234.

Бўтаевнинг ”Шўродан қолган одамлар” қиссасида эпизодик лавҳа зиёли қиёфасига чизги тортади. Ўспиринлар ўғирлик сабаб судда жавобгарликка тортилганда ўқитувчи улар хатоси, айбини кечиришни сўраб бундай нутқ ирод айлайди: “Бу болаларнинг гуноҳларидан ўтишларингизни сўрайман. Уларнинг ўзлариям бу қилғиликни иккинчи қилмаймиз, деб ўйланиб ўтиришипти”⁷⁴.

Бу оққўнгил ўқитувчи, ўқувчилар юзинчи маротаба бўлсин-да , бирон гуноҳ иш қилсалар иккинчи қилманглар, деб кечиб юбораверарди, бундай авфларнинг адоғи кўринмасди, - дея ровий қаҳрамон маънавий қиёфасини тўлдириб боради. Аслида кечиримлилик боис ёшларга имкон бериш тилагини барчанинг ҳузурида қайғуриб айтаётган инсон уларнинг маҳбусликдан сўнг қалби тошга айланишидан хавотирда эди. Устоз ҳалокат ёқасидаги йигитларга мадад қўлини чўзаркан, атрофдагилар истехзосига сабаб бўлади. Зиёли толиблари тақдирига лоқайд қарай олмасди. Бедор қалб билан инсонни ҳимоя этишга киришган муаллим изза бўлса-да, вужудини ўртаётган ғалаённи юзага чиқаришдан оранмайди. Аксинча бемехр, нотавон амаки ёшлар хатосини кечиришни хоҳламайди.

Муаллиф инсон феълидаги ноқисликни воқеалар ривожига шарҳлаб боради. Муаллим мушкул вазиятда эътиқодига қарши боролмай, мудом азоб чекаётган, айбини тушунган болалар ҳолатини идрок этишга қодирлигини намоён этади. Ўзгалар ташвишидан, ёшлар бахтсизлигидан безовта қалб адашганларга, қалби басирларга эзгулик йўлини кўрсатишга интилса-да, бари зое кетади.

Инсон борки, кўнглида муқаддас туйғу, олий интилиш мавжуд. Ҳаётга мазмун бағишлаш, умрни хайрли ишларга сафарбар айланиш чин фароғат саналади. Ижодкорлар муаллим, устоз образлари воситасида одамзотга маърифат ҳидоятини улашувчи шахсларни талқин этишни шараф ҳисоблайдилар.

⁷⁴ Бўтаев Ш. Ҳаёт. -Т.: Шарқ. 2000 –Б.355.

“Санъаткор ўзини ҳаяжонлантирган ғоя ва образларини ифодалаш истагини уларнинг ҳаётийлигига, эстетик аҳамиятига, китобхонни ишонтиришга бўлган интилишидан ажратиб қарамайди, барча баён усуллари, лирик иборалари, драматик конфликт йўналиши китобхонни қизиқтиришини ҳам назарда тутди”, - дейди адабиётшунос М.Храпченко⁷⁵.

Истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммад “Ёлғиз” қиссасининг илк жумласи Қодирий сўз хазинасидан бадий ўзлашади.

-Отқа қоққан тақадек, сувдан чиққан бақадек, бир мирилик чақадек - маъориф шўросига сало-о-ом!⁷⁶

Қофиядош сўзлар жаранги, оҳанги сажъни юзага келтирган бўлса, маориф шўроси ибораси замиридаги асрор кишини сергаклантиради. Ўтган аср бошида таълим соҳасидаги ислохотлар миллат зиёлилари тақдирида чуқур из қолдиргани барчага аён. Фидойи жадидлар мероси, фаолиятига доир илмий тадқиқотлар ҳануз яратилмоқда. Қиссада носир Абдулла Қодирий характерини ёритишга интилади. У биографик методдан ўринли фойдаланиб шахс фитратидаги тебранишларни оҳиста тасвирлайди. Хронотоп бозор, мачит, наشريёт, боғ, қамоқхона тарзида шаклланган. Асарда фольклор билан синкретиклик жонли манзарани пайдо қилади. Салом замиридаги киноявий оҳанг маънони бўрттиради.

-Кўрунган ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўш калла, оқу қора ҳам малла-Туркистон уламоларига сало-о-ом!⁷⁷

Муаллиф сажъ воситасида маълум ҳолат, тасвирни образли ифодалашга эришган. Оқ, қора, малла рангларда нодон дин вакили, қора ишчи, амалдор рус кишисига ишора билан бирга миллатнинг турли вакилларига чизги тортилади. Абди-Абдулла жонли суҳбатлар, тўю-томошаларни кузатиб, халқнинг умумий ҳолатини аңлатишга уринади. Қаландар нутқидаги

⁷⁵ Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. -М.:Советский писатель,1970 – С 108.

⁷⁶ Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз// Шарқ юлдузи №5, 2018 –Б.8.

⁷⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз //Шарқ юлдузи №5, 2018 –Б.9.

чечанлик, киноявийлик Қовоқ девона, Зокир говларнинг маслагини ёдга солади. Мазкур образлар халқ кулги маданиятини ҳис этиб, турмушдаги иллатларни кулги билан ниқоблаб, фоже ҳолатга назик ишора беради.

Хуршид Дўстмуҳаммад жаҳон адабиётидаги тажрибаларни ўзбек насрига сингдираётган адиб. У мазкур қиссада Абдулла ҳамда Ростгўй амаки образини параллел тасвирлаб, икки образ уйғунлигидан ёзувчи феноменини талқин этади. Бу характер ҳақиқат, маърифат, жасорат соҳиби ўлароқ миллий манфаатни ҳимоя қилади. Мунаввар қори, Бехбудий, Фитрат, Таваллолар сиймоси бадиий гавдаланар экан, улар орқали илму маърифат дарғаларининг фидойилиги, жонбозлиги асослаб кўрсатилади. Тошқин, Ғози Юнус мулоқотида матбуотга доир масалалар тилга олинади. Боғ тасвирида қаҳрамон ақлий ва жисмоний меҳнати аро мувозанатига ишора қилинади. Исоқ домла (Калвак) билан суҳбатда ижодкорнинг асарларига прототип бўлган кимса ҳақида тушунча берилади.

25 февраль 1926 йил “Муштум” журналидаги “Йиғинди гаплар” мақоласида масъул раҳбарларни обрўсизлантириб, тадбирларни танқид қилган Абдулла Қодирий ҳаётидаги фожели кунлар асар асосий мотиви бўлиб, воқеалар таранглашганда зўриқтирмаслик учун Исоқ домла саргузаштлари алмашиб келаверади. 8 мартдан 27 июлга қадар ҳибсда турли қамоқхонада сақланган Абдулла гоҳ Юсуфбек ҳожи, гоҳ Отабек билан дардлашар экан, бадиий психологизм бўртиб кўринади. Инсон руҳий яқинлиги, дунёқарашдаги уйғунлик асар ичра асар яралганда яққол кузатилади. Қаҳрамоннинг ҳаёлот оламида, ҳур фикрларида Юсуфбек ҳожи нигоҳи устунлик қилади. Қиссада муаллиф, унинг қаҳрамонлари маслаги бир нуқтада туташади, руҳиятдаги тебранишлар, пўртаналар параллел чизилади.

Белский, Агидуллин каби мафкура жаллодлари ботинида разолат, қабоҳат ҳукм суради. Улар умумлашма образ бўлиб, миллатчи моддаси шиори остида бегуноҳ зиёлиларни озодликдан маҳрум этади. Ғози, Санжар, Мирмуҳсин, Зиёлар кўркув, жон талвасасида Абдуллани айбдор деб кўрсатма берадилар. Фитна, ноҳақликка нисбатан ирода, сабр контраст берилади.

Ёлғиз Абдулла эътиқоди, маслагига содиқ қолиб, миллат равнақи учун фидокорона яшайди. Мусичанинг ноласида рамзийлик етакчи, Абдулла ҳам куш мисоли дардига малҳам излайди, эркинликни орзу қилади. Асардаги мақолу маталлар, халқона иборалар, сажъ бадииятни таъминлаган.

Баҳодир Қобулнинг “Ой йўли” қиссаси сарлавҳасидаги ой ёруғлик, нурафшонликка, қолаверса умрга ҳам ишора беради. Халқда ойнинг ўн беши ёруғ, ўн беши қоронғу деган мақол машҳур. Йўл хронотопи ҳам тириклик синоати, турли макон борасидаги тасаввурни тўлдиради. Инсон ер(йўл)ва само(ой) ўртасида яшайди. Қиссадаги жой номлари этимологиясидан тарих, археология, фалсафа каби фанлар синтези ортиб боради. Халқ афсона, миф, эртакларидаги дев, парилар тимсоли ўзгача пафос ҳосил қилади. Санъат, маданият тараққиёти-ю таназзули муайян солнома асосида англаб борилади. Македонский юриши, Чингизхон босқини, Амир Темури жасоратида халқ матонати-ю қаноати муқояса этилади.

Йиллар давомида Оқпошшо, шўро тузуми ҳақида кўп бадиий асарлар ёзилди. Ўткир Ҳошимов, Шукур Холмиров, Мурод Муҳаммад Дўст, Тоғай Мурод, Эркин Ўзам, Шойим Бўтаев кабилар тузум ва шахс орасидаги зиддиятларни кўрсатишга муваффақ бўлдилар. Мазкур қиссада ҳам муаллиф қабристонни бузиш, диний маросимларни йўқотиш жараёнини ёритар экан, ўзлигидан маҳрум этилаётган халқнинг ночор ҳолатидан надомат чекади. “Ҳаромнинг дарёси тошган, отдан эшак ўзган, пайтава саллаликка ўтган” таърифи замиридаги аччиқ пичинг давр манзарасини англашга имкон яратади. Мазкур фикрлар билан ” Ёлғиз” қиссасидаги ” Кўрунган ер оқ салла, оқ бўлса ҳам бўш калла” киноясида ассоциативлик кузатилади. Илму маърифатнинг сусайиши, кадрсизланиши сароб, пуч ғоялар урчишига замин ҳозирлайди. Тасвирланаётган ҳолат орасидаги алоқа занжири сўз ортидаги яширин маънога ишора беради. Киши табиатидаги Инсон - арабча унутувчи экани эслатилади. Бу таъриф мураккаб хилқат фитратини тўлиқ англаш душворлигига далолатдир. Асарда тентак Мардон кўп ҳақиқату асрорларни халққа уқтириб боради. Аслида бу образ қаландар, дарвешлар сулуқини

давом эттиради. “Ёлғиз” қиссасидаги қаландар ва Мардон образи ассоляциясида ҳам дадиллик, тавакаллик, самимийлик хусусияти бўртиб кўринади. Қиссадаги қаҳрамонлар учлиги: Элмурод (халқи умидининг рўёби), Давлатмурод (мол-давлат асири), Илмис (Иблис) ҳаракатида рамзийлик яширин. Киши имонига нафс қутқуси хавф солганда, Иблис найранги баланд келади. Икки дўст йўли айро тушади. Бу лавҳада ҳам йўл тақдир, тафтиш, тазарру маъносида қўллангани, адиб унинг бир қанча маъно қатламини очаётгани асосланади. Ойдаё ёруғ йўл мажозий маъно касб этиб, унинг замирида ҳалоллик, ҳаловат, бахту саодат каби фазилат ардоқланади.

Қиссадаги ибора ва ҳикматлар элни бирдамлик, аҳилликка чорлаб, уларни миллат манфаати хизматига йўналтиради. Хотираси синган, сўнган одам ҳаётдаги ҳодисотга лоқайд нигоҳ билан боқади, тириклик мазмуни йўқолгани боис ҳеч нарсага қизиқиш уйғонмайди. Инсонни эркин фикрловчи, мустақил шахс мақомида кўришни истаган муаллиф ўзликни асрашни уқтиради. Адиб инсонга ҳамроҳ гўзал сўз “Ла илоҳа иллоллоҳ”лигини эътироф этади. Илоҳий ҳадисда калимаи тавҳид калимасининг савоби буюклиги, кишининг сўнгги лутфи “Ла илоҳа иллоллоҳ” бўлса охираи саодатига эришиши айтилади.

Нормурод Норқобиловнинг “Кураш” қиссасида миллий ўзлик масаласи етакчилик қилади. Адиб аввал ҳам ҳикоя, қиссаларда полвонлар образини яратган. У қаҳрамонлар халқ орасида, катта давраларда кураш тушиб обрў эътибор топиб, мардлик тимсолига айланган. Эрназар полвон (“Қоялар ҳам йиғлайди”) характер чизгисини оқсоқол, ота, дўст линияси ташкил этган. Бу қаҳрамон ҳаётда, яъни даврада курашиб, тобланиб, ғурурини сақлаган. Айни дамда эътиқодида собит қолиб, ички адолат мезонига таяниб, ҳаромдан қайтмаган ўғлини жазолаган. Яъни ботину зоҳирдаги кураш тасвири алмашиб, бир-бирини тўлдиради.

Мазкур қиссада ёндашув ўзгаради. Қаҳрамон ҳаракатидан кўра ҳолати(ички олами)ни баҳолашга аҳамият берилади. Нормўмин гунг ва Абдурахмон полвоннинг-катта авлоднинг пана жойда беллашуви ёш

Хуррамга сабоқ бўлади. Қисса ретроспектив сюжет асосига қурилади. Устоз шогирдлик мақомига эришиш усули асталик билан сингдирилади. Чўпон Хуррам отасининг кураш санъатини эгаллаганини халққа очиқ намоиш этмайди. Полвон Румий ҳазратларининг олий фалсафаси нафсни енгиш, ўз-ўзини тафтиш этишни уддалаган эди. У ёлғиз, одамови, инжиқ бўлиб дашту кирларни қадрлайди. Назар бахши дoston куйлаб, Карим чол сибизга чалиб халқ меҳрини қозонади.

Халқ удумларининг давомчилари элнинг бирлигини иштайди. Салабекнинг такаббурилигига Хуррамнинг камтарлиги контраст қўйилади. Хуррам ҳеч қачон майдага майда, зўрга зўр бўлишга тиришмасликни иштайди. Салабекни сабрли, оғир бўлишга ўргатган Хуррам отасидай устоз мақомига кўтарилади. Асар сарлавҳасидаги рамзийлик замирида ўзини ўзи енгиш, аслини асраш қалбга таскин бериши, майдондаги курашдан якка (ички) тафтиш кишига душворлиги уқиб борилади.

Қиссадаги оҳанг лирик кайфият туғдиради. Қаҳрамон танҳоликда сибизга чалиб, изтироб чекиб, ўз хатоларини англаб боради. Муаллиф ботиндаги курашни ифодалаш орқали кишидаги орият, ишонч, қатъият хислатини тарғиб этади. Асарда талаба қиз билан боғлиқ воқеа мавҳум туюлади, уни ривожлантириш зарур. Зеро, эпизодик образ вазифасини аниқ белгилаш воқеа-ҳодисани, қаҳрамонни тўлиқ тасвирлаш имконини беради.

Исажон Султоннинг “Ҳазрати Хизр изидан” қиссаси ҳам эътиборга молик. Асардаги асосий мотив Қуръондаги “Каҳф” сурасидаги илоҳий ваҳий замирида ривожлантирилган. Унда 65 оятдан 82 оятга қадар Мусо(а.с)нинг Хизр билан ибратли сайри келтирилади. Қуръондаги жаҳонгашта барҳаёт валий образи замонавий қиссада имон ҳаловати, рўёдан зиёни ажратиш мақсадида киритилади. Ислom дини моҳиятини хато талқин этаётган “зиёли” фожиаси ибтидосида юзакилик, лоқайдлик илллати кўринади. Ҳақиқат манзилини англaтиш мақсадида пайғамбарлар саёҳати - марказга нигоҳ қаратилади. Асарда мозий бугун манзараси илоҳий синов ҳолатини хотирлаш, асосий муддаога тайёрлаш усулида ташкилланади. Инсон олим бўлиб,

тириклик муддаосини англамагани боис куфрдан халос бўлолмайди, яъни илмига ўзи амал қилмайди. Инсондаги ожизлик, қўрқув уни ҳалокатга етаклайди. Шу маънода муаллиф Хизр ҳикмати замирида ҳақиқатга ишора айлайди. Уч ҳолатдан таажжубланган Мусо пайғамбарга унинг асрори билдирилади. Қишлоқдаги кемани тешишдан мақсад аҳолини золим подшо зўравонлигидан сақлаб, қашшоқларнинг ўзида мулкни қолдириш экани; ёш болани ўлдиришдан мурод унинг куфри боис мўмин ота-онага зиён етмаслиги; эски деворни тиклаш орқали маълум муддатгача сағир ҳақи хазинани яширишга эришилгани аёнлашади. Хизр образи вақту маконлар силсиласида кишилар учун илоҳий ҳикмат, сабр, қаноат тимсоли бўлиб қолади.

Қиссада адиб ретроспектив сюжет асосида ўтмиш-ҳозир-келажак ҳодисотини бир ҳалқада бирлаштиради. Инсон асрлар давомида турли имтиҳонга рўбарў келиб, саодат ё ҳалокатга ноил бўлган. Асарда микро оламдан макро дунёгача содир бўлаётган тилсимлар қамраб олинади. Кўкдаги қушлар, денгиздаги балиқлар, ўрмондаги тулки, айиқлар ҳаётидаги тартиботда сайёрадаги асрорга ишора этилади. Ота, ака, сингил образларида авлод эътиқоди, қадрияти масаласи қамраб олинади. Инсониятни аросату жаҳолатдан соф ихлос халос айлаши пурмаъно сатрлар қатига сингдирилади. Асардаги диалогу монолог инсон руҳиятидаги ҳолатларни таъсирли ифодалайди.

Муаллиф мозий ҳақиқати, илоҳий ҳикматидан йироқ кимсаларнинг баҳсу мунозарасидаги мантиқсизликни келтирибгина қолмай, уларнинг ҳалокатини ҳам акс эттиради. Тарихда имону эътиқод руҳий ҳаловатга бошлагани, авлиё, зоҳид, қаландарлар ислом аҳкомини уқиб эзгуликка рағбат бергани маълум. Адиб воқеликни ўтмиш бугун тизимида реаллаштириб, мустақил фикр, мулоҳазаларнинг ўзаро таъсирини инсон ўйлари, кечинмалари, сабоқлари негизида изоҳлаб боради.

Халқ оғзаки ижоди намуналарида имон, эътиқод, меҳру оқибат юксак кадрланади. Турли жанрларнинг ғоявий – эстетик салмоқдорлиги, ибтидоий

тушунча ва қарашларнинг давомийлиги ҳаёт моҳиятини умумлаштириб, яхлит ҳолда акс эттиришга сабаб бўлган. Мақол, матал, тез айтиш ахлоқий-фалсафий қарашлар ҳосиласи бўлиб, эртак, афсона таркибида учраши трансформация- биридан бошқасига ўтиши асар бадииятини, маъно кўламини бойитишда муҳим ҳисобланади. Афсона, миф – табиату коинот тилсимини теран англаш, реал ва нореал ҳодисотни уқиш воситаси, инсон ва замин маънисини ўзида жамлаган ҳаётий ва ҳаёлий уйдирма йиғиндиси. Мифология моҳиятига кўра, ибтидоий инсон ғайритабиий кучларнинг устидан ҳукмронлик ўрнатиб, элининг маънавий мададкорига айланган. Маълум бўладики, “кишилар яхшилик бахт саодат, қуёш нури ва иссиқликни ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйиб, бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифларни яратганлар. Кўпчилик мифологик образлар икки ўлка ва улар ўртасидаги кураш фонида гавдаланади”⁷⁸.

Асрлар оша боқий анъаналар давом этаверган. Эпик манзаранинг бадиий тасвири кенгайиб, янги ғоя, талқинлар адабиётда такомиллашиб борган. Жумладан, қисса халқ тили, маданияти кўзгуси сифатида ривожланиб, соддаликдан мураккаблик, салмоқдорлик, ҳиссий ва тасвирий самарадорлик сари силжиб борди.

“Жанр адабиёт ривожига ҳар бир босқичда ва шу жанрга мансуб ўзига хос асарда қайта туғилиб янгиланади. Жанр бугунги кун билан яшайди, аммо ибтидосини, ўтмишини эсида тутди. У адабиёт ривожига жараёнида ижодий хотиранинг вакилидир. Шу боис жанр адабиёт тараққиётидаги яхлитлик ва узвийликни таъминлашга қодир”,⁷⁹- деб ёзади М.Бахтин.

Қисса жанрида воқеликни теран таҳлил этиш, инсон руҳиятининг тубсиз ва қоронғу пучмоғига назар ташлаш, яшаш моҳиятини англатишга эътибор кучайди. Жанр табиатини кузатар эканмиз, унда образлар кўп

⁷⁸ Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. -Т.: Ўқитувчи, 1976 –Б.42.

⁷⁹ Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского. -М.: Советский писатель,1979. - С.122.

кирралиги, конфликт ўткирлиги, психологик таҳлил чуқурлиги, бадий – тасвирий воситанинг хилма-хиллиги, мавзу ранг-баранглиги кўзга ташланади.

Қисса таркибини уқиш, матн ости қатламни ўзлаштириш асл моҳиятни тушуниш имконини беради. Адабиётшунос Ю.Лотман: “Бадий матнни ўзида ғоят муҳим маълумотни мужассам этишга қодир алоҳида ташкилланган механизм сифатида кўриб чиқиш мумкин”⁸⁰, -дея фикр билдирган.

Тоғай Муроднинг «Ойдинда юрган одамлар» қиссасида ровий (ҳикоячи) ва персонаж ҳолатидаги уйғунликда қандайдир жозиба мавжуд. Ровий воқеликни баён қилар экан, аввал бўзбола, сағир, сўнг отамиз, онамиз, охири бобомиз, момомиз дея мурожаат қилади. Ровий бир жойда турибди-ю, персонажлар улғайиб, умрини ўтаяпти. Муҳими, асар руҳида адибнинг қаҳрамонларига ҳиссий муносабати яққол сезилиб туради. Қоплон ва Оймомонинг бахтли онлари халқ удум, анъаналари (тўй, келин салом, ҳайит) орқали ёритилади, фарзанд илинжидаги сабъ-ҳаракати (фолчи, шифокорга бориш, авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, рўза, лайлатул-қадрда астойдил умид қилиш)да маҳзун оҳанг қаҳрамонлар руҳиятини изчил ифодалайди.

Қиссада Қуръондаги икки мотив кўзга ташланади. Адиб композицион сатҳни ташкиллаштиришда Одам (а.с) яралиши, Хизр(а.с) ҳожатбарорлигини воқеалар занжирига бириктириб боради. Қоплон ва Хизр диалогиди икки кўнгилнинг эзгу ниятда Яратганга илтижоси бериларкан, драматик пафос етакчилиқ қилади. “Ҳазрати Хизр изидан”(И.Султон) асарида ҳам Хизр образи етакчилиги кузатилган эди. Бу қиссаларда Хизр образига икки мақсад: хусусий (фарзанд кўриш умиди) ва умумий(жамоага тўғри, ҳақ йўлни англатиш)да мурожаат этилгани аёнлашади.

Қаҳрамон тийнатидаги шукр, сабр белгиси муборак рамазон ойи, лайлатул қадр кечасига эҳтиромида намоён бўлар экан, ёзувчи бу ҳикматни ҳам сингдиришга эришади. Қаҳрамондаги имон, диёнат, дунёқараши сабъ-ҳаракати орқали ёритиб борилади. Қоплон аёлига меҳр ришталари ила шу

⁸⁰ Лотман Ю.М. Структура художественного текста. -М.:Искусство, 1970 – С.360.

кадар мустаҳкам боғланадики, уларни ҳеч ким ажрата олмайди, аёли ёлғиз суянчиғи, таянчи, дарддошига айланади. Сайрак адир – бу ошуфта қалб эгалари, меҳр-муҳаббат рамзи бўлмиш покиза жуфтнинг энг яхши қароргоҳи бўлади. Аёли ўлимидан сўнг Қоплон адирга борганда, у ерда болаларнинг «Бобом, момом» дея қайғуришларини эшитиб қолиб, беҳад қувонади. Зеро, улар энди изсиз, ном-нишонсиз кетмайди. Уларни эсловчи, хотирловчи болалар бор, кадрдон ер, адирларнинг эгаси бор, ҳаёт давомчилари бор.

Қоплон бобо сўнгги қадамларини боса-боса, ойдиндаги сўнгги сўзларини айтиб, армонсиз кетаётганини сездиради. Айни дамдаги ҳолат «сўнгги қадами» - унинг адирларни, ҳаётни тарк этишига ишора қилади. Мазкур қисса – инсонга қасида, юрак-юракдан силқиб чиққан мусиқа. Ҳазин наво инсон ички кечинмаларини, қалб туғёнларини ёритиб, ўқувчини ҳам дардни туйишга, ҳис қилишга мажбур қилади.

Асарлар таркибига эътибор берилса, халқ тарихи маданияти билан боғлиқ воқеалар давомийлиги, миллий менталитетга хос анъананинг узлуклиги яққол кўзга ташланади. Ўзбек адабиёти умумжаҳон адабиётининг ажралмас қисми бўлиб, қадимийлиги, бойлиги, мумтозлиги жиҳатидан бошқа халқлар адабиётидан қолишмайди. Миллий ва умумбашарий қадрият талқини барчани яқдиллик, бирдамликка даъват этади.

Зеро, ... халқ тили бойликларидан, ифода тасвир имкониятларидан ўринли фойдаланиш орқали тил бадииятини юзага келтириш ижодкор маҳоратининг бош мезони ҳисобланиши билан бирга умуман, адабиётнинг бадиийлигини белгиловчи мезон бўлиб хизмат қилади.⁸¹

Поэтика бадиий асар тилини талқин этишдан бошланади. Тил ҳар бир халқнинг мангу қадрияти. Тилда миллат тамаддуни намоён бўлади. Ижодкорлар сўзни ардоқлаш, улуғлаш мақсадида мудом изланадилар. Туркий халқ кўҳна тарих хазинасининг жавҳари. Халқ бой тили, маданияти бадиий матн меҳварида зухурланади. Сўз соҳирлари доим миллати тили, санъатини асарлари воситасида кенг тарғиб қилдилар. Тарихий тараққиёт,

⁸¹Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. -Т.: 2004. –Б.120.

тил, дунёқараш борасидаги маънавий, эстетик қарашлар маданият таомилини белгилайди.

Бадий адабиёт одамзот, ҳайвонот, наботот дунёсини уйғунликда талқин этади. Улар узвийлиги олам моҳиятини теран англаш, дунё меҳварини ҳис этиш саодатини насиб айлайди. Инсоният хилқат асрорини уқишга иштиёқманд. Борлиқдаги тўрт унсур: сув, ҳаво, тупроқ, ўт каби неъматлар тириклик мазмунини ифодалайди. Улар ўртасидаги биологик алоқаларга путур етса, курраи замин мувозанати бузилади. Табиатнинг асил ҳолати ўзгарса, одамзотнинг жисмоний ҳамда руҳий қуввати сустлашади. Шу боис аҳли донишлар тафаккур қудрати ила микро оламдан макро оламгача зеҳн солганлар. Халқ эътиқоди билан боғлиқ анъаналарни келажак авлодга етказишга эътиборли бўлганлар.

Ўзбек халқи тарихи, маданиятида эзгулик, адолат, жўмардлик мудом қадрланган. Кишилар тасаввурига маънавий озуқа берадиган ҳикмату эртаклар, афсона-ю халқ қиссалари замирида ахлоқий, эстетик идеаллар истифода қилинган. Қадриятларни эъзозлаб келадиган авлодлар дунёқарашда муштарак жиҳатлар талайгина. Қаҳрамон баҳодирлар она тупроқ, ватанини ҳимоя этар экан, миллат шаъни, орияти шарафланади.

Бадий асар жавҳарига сингдирилган ғоялар китобхон тахаййюл қудратини мустаҳкамлаган. Поклик, нурафшонлик рамзи сув фольклор мотивида кўп учрайди. Туркий халқлар мақолу маталида сувнинг тиниқ, шаффофлиги кўнгилни поклаши, ҳузур, ҳаловат насиб этиши уқтирилади. Сувни эъзозлаш, уни исроф этмаслик борасида ҳикматлар мавжуд. Замонавий қиссаларда ҳам тириклик неъматлари ишоравий мазмунни кучайтириб боради.

Қирғиз ёзувчиси Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” қиссасида бола нигоҳи-ла Иссиқкўл манзараси жонланади. Бу макон хусусида беғубор тасаввурлар поэтик ифодага кўчади. Иссиқкўл суви барака, саховат рамзи бўлиб, ундаги балиқ турлари, ҳаёт тарзи тасвирида реллик билан ҳаёлот қоришиқлиги кўзга ташланади. Бола айнан балиқ бўлиб, Иссиқкўл бағрида

ҳаловат топишга ошиқади. Унинг қалб изтироби онгли одамлар томонидан англомайди, покиза туйғуларга дунё торлик қилади. Кўлнинг жозиблиги, муаззамлиги мурғак виждонига таскин беради. Иссиқкўл бағрида жонзоту наботот тинч тотув ҳаёт кечиради, исёнкор инсон эса ҳар нарсада ўз манфаатини кўзлайди. Бола кўлда орзулар рўёбини ҳис этади, кемада унинг меҳрибон кишиси келишига мурод боғлайди. Атрофдаги зулмату жаҳолатга нисбатан кўлнинг тиник, сокинлиги, бағрикенглиги контраст қўйилади.

Сув киши вужудини ғуборлардан ҳалос айлаб, руҳиятига мусаффоликни сингдиради. Сув аҳли инсонга бемисл ризқ, ҳаловат, ҳузур бахш этади. Уммону дарё, кўлу булоқлар бари тирикликни, ҳаётни насиб этади. Самодан ёмғиру қорнинг ёғиши курраи заминни жонлантиради, тўйинтиради. Шу маънода сувга талпинган кўнгил оройиш топади.

Она тупроқдан унган турфа зироат ҳаёт давомийлигини таъминлайди. Ерни меҳр билан парвариш этиш фольклорнинг меҳнат қўшиқлари мундарижасини тўлдиради. ”Кўш ҳайда”, ”Майда” янглиғ қўшиқлар туркий фольклор намуналарини бойитган. Боиси туркийлар қадимдан деҳқончилик, чорвачилик билан ризқини топган. Катта тажрибага эга авлоду аجدодимиз тупроқни пок асрашга интилан, уни ”она тупроқ” дея эъзозлаган. Кўринадики, ватан туйғуси ифодасида ҳам замин, тупроқ шарафланган. Чингиз Айтматовнинг ”Сомон йўли” қиссасида қаҳрамон аёл қадрдон ер билан ҳасратлашади.

Тўлғаной: ”Ер, жон ато этган Ер, бизни кўтариб юрган Ер, сен бизга бахт бермасанг, нега Ер бўлиб аталгансан, биз нечун дунёга келганмиз! Биз сенинг болаларингмиз, Ер, тилакдош бўлгин, орзу-ниятимизга етказгин!” - дейди⁸².

Маълумки, Аллоҳ таоло одамни тупроқдан яратишни ихтиёр этган. Хокисор ердан олий мавжудот бино бўлган. Унга набототу ҳайвонот неъматидан баҳрамандлик насиб бўлган. Инсон ер, тупроқ мисоли ҳалим бўлиб, шарафли мақомни ёддан чиқармаслиги даркор. Ер устида тириклик

⁸² Айтматов Ч. Танланган асарлар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 –Б.102.

сурурини ҳис этиб, фоний дунё найрангидан ҳоли бўлгани дуруст. Қиссадаги диалогу монолог инсон ҳамда табиатнинг яхлитлигини англатишга йўналтирилади. Ер устида турли тоифага мансуб кишилар тириклик гаштини суради. Улар ўй-хаёли, саъй-ҳаракати доим она замин томонидан ҳис этилади. Инсон молу давлатга ружу қўйиб ҳаловатдан айрилишини ўйламайди. Тинч тотув ҳаётни кадрламай, мудом нафс исканжасига қоришиб боради. Ер юзидай кенг макон ҳам инсонга торлик қилиб, мудом жаҳолатга чулғанади.

Мазкур қиссада аёл уруш боис турмуш ўртоғи, ўғилларидан айрилиб, ёлғизланиб қолади. У мушкул дамда Ер билан дардлашади, кўнглига таскин излайди. Бир қавму жон бўлган одам яқин қариндош, қўшнидан кўра тупроқ билан тиллашади. Табиат инсонга доим таянч, ундан меҳрини аямайди. Айрилиққа бардошли аёл руҳиятидаги тебранишларга ҳамоҳанг ер кечинмадошлиги ишончли тасвирланади. Диалоглар орқали туркий тилнинг ифода кўлами равшанлашиб боради. Лексик қатламдаги маънодош, бўёқдор сўзлар, теран иборалар матн бадииятини оширади. Муаллифнинг архаизмдан унумли фойдалангани, поэтик нутқ ақоидига риоя этгани мутолаа жараёнида ангилашилади. Адиб поэтик воқелик моҳиятини аёл ҳамда ер образининг мулоқоти асносида ёритади.

Табиат қўйнида мусаффо ҳаводан баҳраманд бўлиб, уни ифлосланишдан, зарарли нарсалардан асраш киши виждонига ҳавола. Саришталик киши фитратига софлик, ойдинлик бахш этади. Экомаданийтнинг юксалтириш мақсадида доим хайрли ишлар амалга оширилади. Шу маънода асрлар давомида атроф-олам муҳофазасига айрича эътибор қаратилган. Бадиий асарда қаҳрамон наботот ўт, ўлану дарахтлар билан муомалага киришар экан, мажозий тасвирлар сермаъноликни орттираверади.

Улуғбек Ҳамдамнинг “Ёлғизлик” қиссасида йигит туйғуларига параллел дарахт ҳолати тақдим этилади. Ғайб олами асрорига асир қаҳрамон нурли йўлга интилиб яшайди. Дарахтнинг шовуллаши, мунгли ноласи йигит вужудидаги пўртаналарга уйғун ифодаланади. Фарзанди, дилбандидан айрилган киши ўз қобиғига ўралиб, раҳмоний нажотга умидланади. Ожиз

қахрамон дарбадар кезиб, ҳақиқат манзилига сафар қилади. Ҳар бир дарахтдаги япроқлар инсон умри саҳифаларига монанд идрок этилади. Табиат мўъжизасини теран кузатиб, оддий япроқнинг ҳам ҳиссиётдан бегона эмаслигини тафаккур этасиз. Қахрамон вужудидиги хаосдан чекиниш тилсимини ахтаради. Япроқлардан айрилган дарахтнинг маънос садоси айрилиқ мотивини тиниқлаштиради. Қахрамоннинг фарзандидан жудолик ҳолати дарахтнинг япроғидан айрилиғига параллел тасвирланади.

Биографик унсур-ижодкор руҳиятидаги пўртаналар қиссадаги мотивларни реаллаштирган. Ботиний иқдор онларида муаллиф асл нияти ойдинлашиб боради. Бу қахрамон “Мувозанат”, “Исён ва итоат” даги бош образ маслаги, изтиробига яқин дардманд киши:

“Мен битта эмас, мингтаман, миллионтаман! Бутун азобим шундан. Умрим борки, бирлашмоқ, сочилиб ётган қисмларимни тўпламоқ ишқида ёнаман”⁸³.

Инсон ҳануз кашф этилмаган тилсим салтанати янглиғ олиму иждоқорга ўрганиш объекти бўлиб қолаётир. Ҳар бир киши ўзича олам, зоҳиран уни кузатиб, муайян фикр билдириш осон, аммо ботинан мураккаб мавжудотни англаш душвор. Битта вужудда бахту бахтсизлик, эзгулигу ёвузлик, сабру ношукурлик каби фазилату иллатлар йиллар сатҳида алмашиб бораверади. Ҳар инсон фитратида каттами, кичикми нуқсон бор. У ўзгарувчан, унутувчан, мослашувчанлиги боис мувозанат муқим сақланмайди. Кабир сайёранинг сағир вакили яна ўз жисмида мини зарра, парчага бўлиниб боради. Дард, армон туйғуси унинг руҳиятига синиқлик, умидсизликни сингдириб боради. Инсонга буюрилган вазифа ҳатто азим тоғга душворлик қилган. Бардош, сабр, қаноатга эришиш асносида ҳаловатни кашф этиш мумкин. Тириклик йўли сарҳадларида киши яралишдаги муддаони англаши, яхлит жисмдаги минг бир жонни имон измига йўналтириши лозим.

⁸³Ҳамдам У.Узоқдаги Дилнура. –Т: Академнашр, 2010 –Б.14.

Қахрамон ўзликни англаш йўлида баъзан исён қилади-ю, яна тавба қилиб Аллоҳга истиғфор айтади. Айни коллизия образ мантиғини, аслиятга талпинган руҳий дарбадарни тушунишга чорлайди. Дарахт якка ҳолда воқеликнинг гувоҳига айланиб, сабр тимсолида аён бўлади. У инсон армонига ҳамдард бўлиб, йиллар давомида турли қисмат соҳибларига сассиз тасалли беради. Адиб покланиш жараёнини ўзидан, сийратидан бошлашни тўғри санаб, бу мураккаб вазиятни бадиий ифодалашга жазм этади.

Бадиий адабиётда сўз маънодорлиги, ифодавийлиги матн моҳиятини уқиш жараёнида намоён бўлади. Ижодкор асар яратар экан, сўз тириклиги, табиийлиги, салмоқдорлигига эътибор беради. Битта мавзуга турли нигоҳ, тафаккур билан ёндашиш, уни янги оҳанг, ранг, тасвир билан бойитиш мумкин. Бадиий ижодда ишқи илоҳий-вужуди Мутлаққа, Аллоҳга бўлган муҳаббат доим улуғланган. Яратганга нола, илтижо, муножот этиш олий шараф саналган.

Муножотнинг бадиий салмоғи шундаки, руҳий покланув кишига ҳаловат,сокинлик бахш этади. Алишер Навоий “Муножот” насрий асарида Ҳақ висолига эришиш, илоҳий етукликни ҳис қилишда тавба йўлидан бориш, танҳо, ёлғизликда Яратганга илтижо этишликни саодат ҳисоблаган. Чин ошиқ доим тавозе, ибодатда бўлиб, Аллоҳнинг барча сифатини англаганда ҳузур топиши аёнлашади. Муаллиф асмой ҳуснани бирма-бир зикр айлаб, Яратган марҳаматидан умидланиб, истиғфор айтади. Ижодкор сирларни маҳфий сақлаган, набототу жамоодотдан одамзотни мукаррам қилган, дардга малҳам берган, жазолашга шошмаган, яхшиликка ажр белгилаган Аллоҳнинг жалиллиги, раҳимлигини эътироф айлайди. Олий тафаккурий ва тахайюлий оламни теран англаган шоир асарида жами яратилганлар илоҳий ҳақиқатга интилишини фалсафий ифодалаган. Алишер Навоий ижодида Аллоҳга ошиқлик, ҳалимлик, орифлик неъмат ҳидоятга йўллаши кенг талқин этилган. Адабиётшунос олима Д.Юсупова таърифлаганидек, ” Зотан, Алишер Навоий асарлари замирига яширинган бир хусусият бор. Бу барча замон ва

маконларда инсониятнинг маънавий, руҳоний эҳтиёжларини қондира олиш хусусиятидир”⁸⁴.

Мавзунинг янги кирраси Исажон Султоннинг “Муножот” қиссасида кўзга ташланади. Асар қаҳрамони Ғариб ғайритабиий ҳолатда туғилади. Бундай сирлилик, мажозийлик асар поэтикасини бойитган. Ғариб яралиши сабабини теран англаган, Яратувчи манзилдан вақтинча узоқлашган ошиқ образи. Унинг она қорнида йиғлаши, дардга мубталолиги, табиат билан ҳасратлашиши ҳайрат даражасини оширади. Диний, дунёвий ҳикматни уққан, қалб кўзи очиқ йигит мантиқан таҳлил қилиш қобилиятига эга. Ғарибни ҳазрат Навоий, Машраб маслаги руҳан қувватлантиради. Зеро, маънавий пирлар умр моҳиятини ишқи илоҳийда кашф қилганлар. Қаҳрамон Фарҳоду Мажнун каби ишқ диёрида маҳзун кезади, ниҳон сирларни уқишга ошиқади.

Дардманд ҳолатини борлиқдаги дарахту буталар, ҳашороту кушлар ҳис этиб, бағрига чорлашдан ҳузурланади. Йигит ҳаётда кўп ноҳақликка дучор бўлганидан қалби озорланади. Ғариб нигоҳи ила наботот, жамоdot мавҳумоти баҳоланади. Мураббий табиат бағрикенглигини англаган йигит ундан таскин топади. Асарда чумоли зўриқиши, қўнғиз учиши, ниначи сайри, ари ғинғиллаши микроскоп остида кузатилгандек тиниқ берилади. Микроолам майда тасвирида устунлик қилса, ҳайвон чизгисида макроолам етакчилик қилади. Муҳими, сағиру кабир ифодасида мутаносиблик сақланади.

Ғариб табиат қўйнида ҳаловат топиб, ундан эъзоз, шафқат кўради. Асар қаҳрамони сув, бута, шамол каби неъматларда илоҳий мўъжизани ҳис этади. Унинг таъбирича: табиат тирик, фано ҳамда бақо тилсимидан огоҳ. Сув умрга ишора, фоний дунё шиддати оқар сувга менгзалади. (Бу сув эмас, дунёдан ўтиб кетган одамларнинг умри). Шамолнинг бунёдкорлик ёхуд вайронкорлик ҳодисотларини юзага чиқариши эслатилади. Шамол қисмат,

⁸⁴ Юсупова, Д. “Ҳазойинул маоний: шаклий етуклик ва мазмуний изчиллик уйғунлиги. Алишер Навоий ва ХХI аср. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. 2016. -Б.124.

хайр ва хавфдан огоҳ этувчи, ажр ё жазо келтирувчи экани айтилади. (У хабар етказувчи, ризқ яратувчи, гоҳ бузувчи).

Қиссада зоҳиднинг пок эътиқоди, садоқати комил инсон сиймосини зийнатлайди. Бута воситасида адолатпеша, мард зоҳид тимсолига ишора этилади. Покликни кадрлаган зоҳид умри манзаралари турли ракурсда тақдим этилади. Аҳли дард ҳирсни жиловлаб, ибодатга берилган, курраи заминга зиён етказишдан тийилган, ҳақиқат йўлида ўлимга тик борган. Илоҳий ишқ моҳиятини теран англаган авлиё, зоҳидлар мунаввар қалби билан камолотга ноил бўлганлар.

Қиссада ислом ва шарқ фалсафаси уйғунлиги яққол сезилади. Бир ибора, қиёс орқали тарихий ҳақиқатга ишора берилади. Оловда куйдирилган (Иброҳим пайғамбар), хочга михланган (Исо пайғамбар), дорга осилган (Машраб), териси тириклай шилинган (Насимий)лар қисмати талқин этилади. Булар илоҳий лутф, иноят, ризога интилган аҳли мукаррамдир. Муаллиф шайтон макри, найрангига бўйсунган ақли ноқислар кирдикорини фош этиб, ожизу сўқирлардан нафратланади.

Айни муножот Қуръондаги дардманд ошиқлар йўлини давом эттираётган Ғариб илтижоларини англатиб боради. Йигит оламнинг зарраси бўлиб, ишқ туғёнини идрок айлаганди. Руҳий парвоз завқи Ғарибга тез юқади, у илоҳий дардни туйиб, ёлғизликни ихтиёр айлайди. Қаҳрамоннинг “Муножот” номли суратида кўнгил кўзгу янглиғ аксланади. Сурат нолавор кўшиқ мисоли жафокаш Машраб ва Ғариб орасидаги пиру устозлик риштасидан огоҳ этади. Ғариб Машрабга дилдош, маслакдош тутиниб, ўғитига амал қилади. Машрабнинг қаландарлик, дарвешлик сифати йигит тийнатида ҳам намоён бўлади. “Ўттим” радифли ғазал асар ғоясини уқишда таянч марказ ҳисобланади. У нафақат қаландар салафи, балки туйғу, ҳолат ўткинчилиги, фақат ҳақиқий ишқ абадийлигини таъкидлашга эътиборни чорлайди. Нафс кофирини енгган инсонгина музаффар қозонади. Бевафо дунёга этак силтаган, нафсга чўғ найзаси ўқталган, ошиқ қалбга ўт қалаган инсон ҳар лаҳза огоҳ яшашга интилган.

Машрабнинг Яратганга ишқи мислсиз, фақат буюк ва қудратли Илоҳ жамолига мушарраф бўлса бас. Мунаввар нигоҳдан баҳрамандлик ошиқни олам фитнасидан омон сақлаган. Унинг ижодида ёр васлига ташналик, вафо ва садоқат, сабр ва қаноат тараннум этилган. Рухий парвоз завқи Ғарибга тез юқади, маънавий устознинг дардмандларга хайрихоҳлигидан таскин топади. Қаҳрамон шоир асари мутолаасида илоҳий дард, руҳ кийноғидан таъсирланиб йиғлайди.

Ғариб тушлари таъбирини англаш жараёнида яна танҳоликка мубтало бўлади. Туш физиологик ҳодиса бўлиб, бадий асарда поэтик мушоҳада ҳосиласи саналади. Тушнинг функциясига эътибор берилса, қаҳрамон тақдиридаги муҳим бурилиш, ҳодисотга ишора қилади. Ғариб ниҳоят нуроний зот суратини чизишга жазм этади. Тушдаги қора кўланка, зулмат қаъридан нур таратаётган сиймо жилваси тиниклашиб боради. Тунда яна туш кўрган йигит иблис найрангидан хавотирланади. Боиси, шайтон кўнгилни забт этиб, нафси уйғотиб, жаҳолат ботқоғига ғарқ қилишдан ҳузурланади. Йигит хуш ҳамда туш оралиғида тафаккур юритиб, моҳиятни уқишга интилар, само ва зулмат аро одамзотга таянч нуқта ахтарарди. Олий руҳ боқийлигини диний ва дунёвий илм тасдиқланаётганидан кўнгил тўларди. Бироқ уни узлуксиз тараққиёт давомида умуминсоний қадрият йўқолиб бораётгани ташвишлантиради. Шу боис кўпроқ ёлғизлик мотиви муҳрланган суратларни туссиз ранг билан безайди.

“Инсон нақадар ёлғиз! Чексизлик олдида у йўқ, ҳеч нарсага арзимаيد. Аммо йўқлик ичидаги ҳаёт бир неча ўн йиллик умр нақадар лазиз, фароғатли, завқбахш?”⁸⁵.

Асар поэтикасидаги маъновий қатлам якка, фардлик ҳолатини мантиқ нуқтаи назаридан асослайди. Фоний дунёда одам мисли зарра эса-да, оз муддат ёнмоқни, умр лаззатидан баҳра олмоқни истайди. Қисса таркибида Машраб, зоҳид, авлиё каби бадий образларнинг сулуки шарҳлаб борилади. Қаландарона йўлни афзал билганлар баъзан узлатга чекиниб, илоҳий

⁸⁵ Султон И. Боқий дарбадар –Т.: Шарқ., 2011 –Б.110.

маърифатга берилганлар. Улар ҳикмат ва билим орқали жаҳолатни забт этганлар. Ғариб ҳам ноёб сурашни танҳоликда вужуди қийналиб яратади. У табиатдаги қора ранг мисолида тун, шарпани чоғиштириб боради. Шарпанинг қора қуюнга айланиб, кунботарда ғойиб бўлиши, самода ой ёғду таратиши контрастни кучайтиради. Зеро, шайтоний хуруждан ҳолилик руҳиятга эпкинлик олиб киради.

Қиссада қаҳрамонни ҳар томонлама инкишоф этиш, тафаккур ҳаракати жараёнини бадиий гавдалантиришга эътибор берилади. Ички монолог асосида Ғариб тафаккурининг янги қирралари ёритиб борилади. Бир ҳолатдан иккинчи ҳолатга ўтилиши, қалб драматизмининг кучайиши тасвири жонлантиради. Асарда муножот куйи сокин таралиб туради. Буни англаган, вужуди билан тинглаган инсон ҳақ ва ботилни ажратишга аҳамият беради. Қиссада руҳий ҳаловат соҳибларининг туғма табиий хислати ифодаланиб, турли синоатни забт этиб, Ҳақ висолига ошиқиши талқин этилади.

Қадимда туркий қавмлар оловдан таом пишириш, яшаш масканини иситиш усулини кашф этганлар. Ўрмон, тоғ ҳудудидаги ов жараёнида оловдан унумли фойдаланилиб, ҳайвонда қўрқув ҳиссини пайдо қилишга эришилган. Қабила бўлиб яшаган аجدодларимизга оташ кўп ҳунарларни ривожлантиришга туртки берган. Темирчилик касбини эгаллаган кишилар унинг ёрдамида рўзгор буюмларини яшашни йўлга қўйганлар. Олов совуқ иқлимда инсоннинг зарур эҳтиёжига айланган. Тоғни маскан айлаган инсонлар ғорларда туз, сув, гугурт қолдиришни одат айлаганлар. Бу туркий халқлар эртагидаги мотивда учрайди. Қаҳрамонлар сафари давомида сув, оловга эҳтиёж сезгани боис ёнида сув, чакмоқ тош сақлаган. Уларга турли макону вазиятда бу нарсалар ҳамроҳ бўлиб, тўсиқларни енгиб, муродига етишишда восита экани тарихдан аён. Олов ёрдамида таом тайёрлаш, турар жойни иситиш жараёни юзага келади. Темирчи оташни тоблаб, босқонни ишга солиб, меҳнат қуроли яратади. Табиат неъматидан ўринли фойдаланиш кишилар турмуш тарзига фаровонлик олиб келади.

Замонавий қиссаларда руҳий ҳаловат, маънавий салоҳият, чин эътиқод каби нодир фазилатлар талқин этилган. Киши камолотга эришиш мақсадида мудом авлодлар ўғитига эҳтиёж сезади. Асрлар давомида турли синовдан ўтган фалсафий, эстетик қарашлар инсониятнинг умрига мазмун бағишлайди.

Туркий элатлар қадимдан бир тану жон бўлиб яшашга интиланган. Кўхна ёдгорликдан замонавий асарларгача инсоннинг тили, дини, удумини соф ҳолда асраш тарғиб этилади. Ҳар бир ижодкор бадиий тилни поэтиканинг негизи эканини теран англаб, сўздан заргарона фойдаланади. Тилнинг бойлиги ифода имконияти, шева хусусияти, лексик, фонетик жиҳатдан мукамаллиги билан белгиланади. Ҳар бир тилнинг нуфузи миллий ғурур билан боғлиқ. Туркий халқлар маданиятини маънавий бойлик билан тўйинтириб бориш даркор. Туркий халқлар доим умуминсоний фазилати билан дунё аҳлига ибрат бўладилар. Улардаги одоб, ахлоқ аҳкомлари, эстетик категориялар азалий қадриятлар давом этишига туртки бўлади. Шу боис туркий халқлар ўртасидаги тарихий, адабий алоқалар мустаҳкамланиб бораверади.

Ҳозирги глобаллашув жараёни кишилардан тезкорлик, зийракликни талаб этади. Ахборот технологиялари тараққиётга кучли таъсирини кўрсатмоқда. Муайян муддатда қабул этиладиган хабар оз сонияда дунёнинг бошқа ҳудудига узатилмоқда. Фаол, уддабурон одамлар иқтисод, сиёсат, маданият соҳасида янги ғояларни тадбиқ этмоқда. Интеллектуал шахслар ҳам илму фан тақомилига муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Кўринадики, ахборот асри инсониятни тафаккур қудратида унумли фойдаланишга чорламоқда. Дунё ҳамжамиятида фаровон турмуш тарзини мустаҳкамлаш борасида халқаро муносабатлар доим қувватланган. Шу ўринда кишиларнинг маънавияти, маданияти масаласи барча халқларда долзарб аҳамият касб этган. Боиси, тараққиёт маърифатсиз рўёбга ошмайди. Инсониятни саодатга етаклаган Муҳаммад алайҳиссаломга ҳам Икра (ўқи) илоҳий муждаси келган. Илмнинг ибтидоси мутолаадан бошланади.

Асрлар давомида одамзот борлиқ моҳиятини китоб воситасида англаб борган. Турли соҳага оид назарий билимлар китобларда жамланиб, илму урфонни кенг истифода этган. Киши руҳиятига, тафаккурига маънавий озук саналмиш бадий адабиёт барча касб соҳибларини санъат бўстонида жамлайди. Фитрат адабиётни санъатнинг асосий тури ҳисоблайди. Ҳақиқатан, сўз санъати китобхонни оҳангдорлиги, бўёқдорлиги, таъсирчанлиги ила ром айлайди. Абдулла Қодирий эътирофича, сўз қўллашда андиша лозим. Яъни сўзни беҳуда исроф этишдан ҳамда этика, эстетикага зид ҳолатларни тасвирлашдан эҳтиёт бўлиш даркор. Ижод аҳли ўз миллий қадриятларини асари меҳварига сингдириб боради. Зеро, миллатнинг бой тарихи, санъату маданияти унинг дунё тамаддунидаги мақомини ошириб боради.

Адиблар ижод жараёнида доим китобхон зийрак нигоҳини ёдда тутмоғи даркор. Негаки, санъаткор ҳам, китобхон ҳам асарнинг маркази, моҳиятини бир хил кўрсин. Муаллиф англаймоқчи бўлган нарсани ўқувчи кашф этиб, тушуниб борса, мақсадга эришилади. Бадий ижод жараёнида қисса поэтикасида салмоқли ўзгаришлар рўй берган, у такомиллашиб ранг-баранг тус олган.

“Қисса жанри бутунлай ўзгарувчан, қоришиқдир. Қисса билан ҳикоя, қисса билан роман ўртасидаги чегаралар мудом янгиланиб боради”⁸⁶.

Жанрнинг гибридлашуви ҳамда услубий ранг-барангликнинг ортиб бориши асар поэтикасини бойитмоқда. Асарнинг бадий-эстетик қиммати тингловчи кузатувчининг иштирокчига айланишига туртки беради. Санъаткор қаҳрамонини тадрижийлик асосида бадий гавдалантирар экан, хур, озод шахс концепциясини сингдиришга интилади. Синчков ўқувчи муаллиф фалсафий мулоҳазасини, психологик талқинини уқиб олади. Қиссалардаги турли поэтик образлар, метафорик тасвирлар бадий ифода синтезини мустаҳкамлайди. Китобхон руҳий-эстетик оламини бойитувчи миллий тасвирий воситалар эзгу мақсадга йўналтирилади. Халқ ижодини,

⁸⁶ Головкин М. Поэтика русской повести. - Саратов.:1992. – С.6.

маънавий хазинасини сабот билан ўзлаштириш янгича тафаккур шаклланишига замин яратади.

Ўзбек адабиётида қисса жанри тақомили янги тасвир, воқеани тақдим этади. Ҳозирги ўзбек насрида қиссанинг тутган ўрни, аҳамиятини тадқиқ этишда композициядаги ноанъанавий тимсолларнинг эстетик омили аниқланади. Ўзбек қиссалари поэтикасидаги бадиий тафаккур, ижодий уйғунлик, умуминсоний қадриятга муштараклик ҳолатини ўрганиш, муаллиф адабий-эстетик қарашини ёритишда муҳим саналади.

Инсон қисматини бадиий талқин этишда поэтик ифода турфалиги муаллиф концепциясини аниқ ёритади. Ҳаёт ҳамда ҳаёл қоришиқлигидаги воқелик сирлилиқ, ғайритабиийлик сатҳини кенгайтиради. Баъзан макону замони мавҳум сарҳадлар миқёси мажозий усулда уюштирилади. Бунда табиатдаги ранглар мутаносиблиги, оҳанглар жаранги, ўсимликлар ифори манзарани тиниқлаштиради. Асар бадииятини таъминлашда маъно сержило, серқатламлилиги поэтик яхлитликни юзага келтиради.

“Поэтика адабиётшуносликнинг энг қадимий қоидалари, бадиий асарлар тили ва ифода тизими ҳақидаги фандир”⁸⁷.

Ҳақиқатан поэтика бадиий асар ифода тизимини истифода этиб, образ теранлиги, шакл ҳамда мазмун уйғунлиги, сўз сиқик, лўндалигини аниқлайди. Композицион унсурлар муаллиф бадиий ниятини рўёбга чиқаришда муҳим саналади. Образлар моҳиятини англатишда рамзийлик, ифодавийлик кўлами ортиб боради. “Ўтмишдан эртаклар”, “Болалик”, “Шум бола” қиссалари руҳида вақт тушунчаси маълум мезонда талқин этилади. Асосан, болалик хотиралари орқали макон, замонга дискурс уюштирилади. Фарғона водийси топонимлари, иқлими, ижтимоий муҳити Абдулла Қаҳҳор хотира пучмоғида жонланади. Адиб тафаккур призмасида сайқалланган ҳаётий лавҳалар турли қисматлар кесимида бадиийлашади. Ҳар бир мустақил ҳикоя тизимида кишилар вужудидаги фазилату иллатлар ойдинлашиб боради. Ота, она,

⁸⁷ Литературный энциклопедический словарь. - М.: Советская энциклопедия, 1987. – С. 295.

фарзанд учлиги бир муҳитдаги турфа ёш, касб, насабдаги қаҳрамонлар маънавий қиёфасини кузатувчи мақомида берилади.

Ёзувчи композицияни ташкил этишда кульминацион нуқталарни ноҳақ вафот этган Бабар, Савринисолар образида бирлаштиради. Ғафур Ғулом, Ойбек асарларидаги воқеалар асосан Тошкент хронотопида ташкилланади. Бозор, масжид, чойхона, боғ, дарё каби маконлар пейзажида ранглар тиниқлашиб, қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларга монандлашади. Асардаги юмористик мотивлар баъзан киноявий оҳанг билан синтезлашиб кетади. Болалар қалбидаги покиза туйғуларга катталарнинг ҳиссиз ҳолати контраст берилади.

“Санъаткорнинг индивидуал тақдири унинг ижодини талқин этишда калит вазифасини ўтайди”⁸⁸.

Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор қиссаларидаги биографик компонентлар улар яшаган муҳитга хос тамойилларни ёрқинлаштиради. Болалик даври қолипида хотиралар қатидаги ҳақиқат манзаралари муҳрланиб боради. Адиблар психологиясидаги мураккаб вазиятлар асар қаҳрамони тийнатидаги пўртаналар силсиласида равшанлашади. Ҳар бир деталь, предмет номи тарихий шароит, ҳаётӣ воқеа борасидаги саҳифаларни марказга жамлайди.

“Қадрим”, “Эрк”, “Муқаддас”, “Баҳор қайтмайди” асарлар матнида драматизм унсурларининг сингдирилиши ифода йўсинини кенгайтиради. Ёшлар тақдиридаги бурилиш онлари диалогу монологлар меҳварида реаллашади. Бадий образ фитратидаги ҳурлик, озодлик туйғуларини англаш жараёни коллизиялар кесимида юзага чиқади. Инсоннинг шарифлик мақомига эришишдаги синов онлари сюжет воқеаларини таранглаштиради. Ошиқ- маъшуқа- рақиб учлиги тизимида адолат, бурч, жасорат тушунчалари умумлаштирилади. Адиблар жамиятдаги қусуру ноҳақликни шарҳлашда турли соҳа, касбга доир лавҳаларни матн негизига сингдирадилар. Бу усул қаҳрамон тафаккуридаги ўзгаришларга монанд параллел тақдим этилади.

⁸⁸ Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки. – М.: Советский писатель, 1981. – С. 56.

Матн таркибида баъзи лирик парчалар руҳият тебранишини таъсирли баён айлайди. Эпик полотнода лиризм, драматизмга доир тасвирлар синтези бадиий тизимни мукаммаллаштиради.

Жанр тақомилида мавзулар кўлами ортгани, образлар тизими ўзгаргани маълум бўлади. Жамиятдаги муаммолар қаҳрамонлар дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг фалсафий, эстетик қарашларини янгилаётгани аёнлашади. Глобаллашув асносида инсон тахаййул оламидаги тебранишлар бадиият намуналарида аксланиб, метафорик моҳият касб этади. Поэтик ифода йўсинида рамз, тимсоллар салмоғи воқеани таъсирли ифодалашга йўналтирилади. Ранглар муайян нарса, ҳодисага ишора бериб, серқатлам маънони юзага келтиради. Қаҳрамонларга исм танлаш улар сийратидаги нуқсон ёхуд фазилат табиатидан келиб чиқади. Қиссалар поэтикасидаги ўзгаришлар янги талқинларга имкон яратади.

Фольклор адабиётининг таъсири асосида майдонга келган асарларнинг қиёсий усулда ўрганилиши образлар тизими, сюжет ва композиция қурилишидаги янгиликларни илмий-назарий асосда тадқиқ қилишга имкон беради. Асарларда рамз ва тимсолларнинг муқояса этилиши поэтик тасвир ҳамда усулларнинг вазифасига ойдинлик киритади. Тараққиёт жараёнидаги янгиланишни ижодкор тафаккури идрок айлайди. Муайян асарлар поэтикасида сатирик пафос етакчилиги қаҳрамон ҳамда давр муносабатидаги зиддиятга ишора беради. Қиссанавислар маҳорати-ю ҳаётга муносабатини баҳолаш, бадиий матн негизидаги фалсафий умумлашма, концептуал теранликни аниқлашга туртки беради.

Қиссалар поэтикаси метафорик образ ва тасвирлар билан янгиланаётгани бадиий ижод гармониясини намоён этади. Санъаткор поэтик маҳорати миллий, маънавий қадриятлар талқинида қадрланади. Муаллиф ҳаёт фалсафасининг умумбашарий асосини инсон ва дунё концепциясига жамлайди.

Қиссалар тараққиёти давомида жанрий хусусиятлар тақомиллашиб боради. Халқ донишмандлиги латифа, эртакларда теранлашиб, шаклланиш

асносида сатира, юморга бой ҳолат, вазиятлар ижтимоий, психологик муносабатларни акс эттиради. Инсон ёхуд жонзот образидаги кулги эффекти сўз ўйини, қочиримларни ривожлантиради. Монолог, диалогдаги лутфу, ишоралар бўёқдорликни орттиради. Соф кулги киши кайфиятидаги самимият ифодаси тарзида юзага келади. Сатира ижодкор зехни, зийраклиги ифодаси экан, унинг синчков нигоҳи муҳитдаги носозликни донишлик билан фош айлашга йўналтирилади. Воқеликни ғоявий, ҳиссий тарзда тақдим этиш ҳақиқатни, чин мақсадни англатишда қулайлик яратади.

Халқ оғзаки ижодида афанди образи билан боғлиқ мотив бой, амалдор, дин пешволари уйғунлигида ташкил этилади. Бунда содда, қув қаҳрамоннинг топқирлиги фирибгар, айёр кимсалар найрангига контраст берилади. Замонавий қиссада айрим қаҳрамонлар қилмиши миллий урф-одатлар теграсида ташкилланади. Улар характери афанди образи билан ассоциатив хусусиятга эга. Қаҳрамонларнинг думбул табиати, беғубор қилиғи ахлоқ меъёрига монанд бўлиб, қалтис вазиятдан чиқишда, қобикдан халос бўлишда заруратга айланади.

Қиссалар таркибида кўпинча тентаклар нутқидаги кулги, юмор, нозик қочирим маъновий қатламни тўлдириб боради. “Шум бола” қиссасида адиб тентак образи моҳиятини ёритишда кўплаб эркак ва аёл персонажлар мулоқотини ривожлантиради. Улар феъли, тутуми, қилиқларини муқояса этиб, ижтимоий муҳит билан конфликтини жонли лавҳалар кесимида акс эттиради. Ишсизлик, қашшоқлик, маънавий таназзулнинг киши қисматида таъсири мазкур образлар воситасида кўрсатилади. Ҳолат, вазият тақазоси билан ночор аҳволга мубтало бўлганлар жаргон, вульгар сўзлар билан нутқини безаган. Муаллиф бўзчининг касодга учраши, бахмал тўқувчининг дўкони ёниши, темирчининг синиши каби турли фожеалар руҳий хасталикни келтириб чиқарганини эслатади. Тентакларнинг ўз даврасида эмин-эркин суҳбатлашиб, тортишиб, дардлашиб таскин топиши кузатилади. Адиб бу образлар орқали муҳитдаги носозлик, ноҳақликни дадил фош этади.

Мурод (“Галатепага қайтиш”), Шайх (“Дунёнинг ишлари”)лар одамохунлиги, табиийлиги бош қаҳрамон сийратига аниқлик киритибгина қолмай, муносабатларни муқояса этишга имкон яратади. Бу образлар сохталик, сунъийликдан холи бўлиб, ижтимоий кайфиятни табиий кўрсатишга хизмат қилади. Улар кулги эффектини юзага келтириб, атрофдагилар мазахиға сазовор бўлиши, ҳаётга оддий, маъсум қараши билан фарқланади. Мурод амаки, Шайхлар муаллиф бадиий ниятини аниқ, таъсирли ифодалашда, дард ҳиссини туйдиришда муҳим саналади. Икки образ фитрати сиёсий, иқтисодий манфаатдан йироқлигида, турли фиску фасоддан холилигида равшанлашади.

Асар композициясидаги юмор қатламини ривожлантирган кишилар меҳр-оқибат тимсоли экани оқсоқол, она вафотидаги изтиробидида кузатилади. Улар тийнатидаги беғубор туйғулар ҳиссиз бағритошлар ҳолатига зид келтирилиб, теран образлиликка эришилади. Тентакдаги чин инсонийлик фожеий ҳолатда ойдинлашиб боради. Қаҳрамонлар феъл-атвори, дунёқараши индивидуал белгисини намоён этиб, уларнинг ижтимоий шароитда иродасини асраганини ифодалайди.

“Жанр кўлами материалга, мақсадга, кутилаётган ўқиш жараёнига мувофиқ бўлмоғи даркор. Худди сўз бирикмаси, гап синтактик бирлик, сўз лексик бирлик бўлгани каби жанрлар композицион грамматиканинг ўзига хос шакл бирлиги. Улар матн негизидаги мазмунга мувофиқ бўлиши керак”⁸⁹.

Танланган жанр муаллиф кўзлаган мақсад, ғояни ёрқин ифодалаш керак. Ижодкор қиссада қаҳрамон умрининг маълум босқичи орқали унинг дунёқараши, тахайюл оламидаги тебранишларни муҳрлаб боради. Қисса сюжети асосан бош образ теварагида ташкилланиб, сабаб, натижаларни асослаб беради. Муаллиф англатмоқчи бўлган нарсани китобхон тушуниб борса, мақсадга эришилади.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида боланинг саргузаштлари юмор орқали қолиплаб борилади. Боланинг етимлиги комик вазиятлар

⁸⁹ Феллер М. Структура произведения. – М.: Книга, 1981. – С.83.

теграсида ёритилгани боис ачиниш ҳиссидан маслакдошлик туйғуси баланд туради. Ҳатто марҳумни кафанлаш воқеаси ҳам фожеликдан комикликка йўналтирилиб, саводсизлик, фирибгарлик иллати фош этилади. Бой, домла, савдогарлар билан боғлиқ диалоглар образ динамикасини ривожлантириб, ғоявий, бадиий салмоқдорликни ошириб боради. Асарда кузатувчи мақомидаги бола турли тоифа, касбдаги асрорларни ўрганишга эмас, улардаги кусурларни англашга интилади. Унинг ҳаётга мослашиш жараёни мураккаб кечса-да, сийратидаги уддабуронлик тубанликдан сақлайди. Муаллиф ижтимоий қатламнинг икки қутбини ғоявий, эстетик жиҳатдан муқояса этади. Қаҳрамон микро оламдан макрога дунёга нигоҳ ташлаб, моддий ҳамда маънавий қадриятларнинг баҳосини тушунишга интилиб боради.

Мазкур қисса композициясида эртак мотивидаги баён усули алмашиб келади. Боланинг бозор борасидаги таассуротида арабу аҷам диёрлари муболаға оҳангини баландлатади. Эртакдаги таърифу тавсифлар замонавий манзараларга синтезлашиб боради. Асар иқлимида ҳазил, мутойибалар эпизодик образлар борасидаги тасаввурни тўлдиришга қаратилади.

“Сатира ўз объектида айрим нуқсонлар, тузатса бўладиган камчиликларни эмас, балки бутунлай танқид ва инкор этиладиган моҳиятнинг жамият ва унинг тараққиёти учун жиддий зарар келтирадиган, ижтимоий хавфли иллатларни кўради”-дея таърифланади⁹⁰.

Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Истеъфо” қиссасидаги Эломоновнинг “Ёлғончи фаришталар” асаридаги Зайнишев образи билан ассоциативлиги ёндошувда кузатилади. Бир даврга мансуб қаҳрамонлар руҳиятидаги муштараклик турли лавҳаларни бир меҳварга бирлаштиради. Уларнинг ўз табиатидан бегоналашуви фожеанинг ибтидосидан дарак беради. Эломонов ҳам Шамси Тўраевич (икки қиссада айна образ исми мавжуд) раҳнамолигида эркин парвоз қилади. Унинг уддабуронлиги раҳбарларга маъқул келади. Ижтимоий, психологик омиллар лоқайд инсонларнинг парокандаликка

⁹⁰ Қуронов Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. - Т.: Akademnashr, 2010 –Б. 272.

етаклашини асослайди. Мустақил фикрлашга ожиз раҳбар бажарувчи мақомида ҳаракатланади. Собиқ тузумда ижро этувчиларнинг Зайнишев, Эломонов позициясида бўлиши одатий эди. Улар эркин бошқарув қобилиятидан маҳрум кимсалар бўлиб, жамиятдаги ҳодисаларга масъулиятни ҳис этмайдилар.

Туғилган юрт келажагига бефарқлик, беписандлик оммани инқирозга бошлайди. Эломонов ижтимоий онгидаги тобелик йўқолиб бориши шахсини, аслини ёдга олишга имкон туғдиради. Зайнишев ҳам тубанликда жонзотдан пастлигини тан олди. Бу образлар нобоп шароитга мослашиб, ўз манфаатини кўзлагани боис майдалашиб боради. Катта марраларга интилган кимсалар маънавий инқироzi уларни аросатда қолдиради. Инсонни маҳв айлаган мансабнинг ўткинчилигини тушунмаган қаҳрамонлар қисмати киноявий ракурсда акс эттирилади. Зайнишевнинг ахлоқан бузуқлиги оила, жамиятга номувофиқлигини тасдиқлайди. Эломоновдаги қўрқув, эҳтиёткорлик бундай шармсизликдан сақлайди. Зевархон бепарво уй бекаси бўлса, Бинафшахон такаббур санъаткор образида гавдаланади. Аёллар дунёқарашидаги тафовут улар мавқеи, тарбияси теграсида равшанлашади. “Истеъфо” қиссасидаги диалогда сув париси, нўхотвой ёдга олиниб, эртак мотиви хусусида қисқа лавҳалар киритилади. Бу асар матнида ўхшатиш, киноялар нисбатан кўп учрайди. Адиблар ўша даврнинг реал манзарасини сатирик образлар моҳиятига сингдириб борадилар.

Вақт синовидан дадил ўтишда ўзликни асраш муҳим саналади. Турли зиддиятларга қарши туриш учун метин ирода зарур. Маълум асарларда сатирик пафос қаҳрамон сийратига чизгилар тортади. Майда, кичик одамларнинг катта ташвиши киноявий муносабатни бўрттиради. Қиссада трагиклик ва комиклик каби контраст ҳолатларнинг кетма-кет берилиши ҳаёт зиддиятга бойлигидан далолат беради.

Вақт, макон хусусидаги тушунчалар одамзот томонидан идрок этилар экан, зийраклик, зукколик хислатига содиқлик саодат манзилига бошлайди. Қаҳрамон ва жамият муносабати, фалсафий, ахлоқий масалаларда мавжуд

“мен”ни асраш шарифлик даражасига эриштиради. Қиссалар такомилида жанрлар синтезлашуви юмор, сатиранинг қаҳрамон тийнатиини ёритишдаги ўрнини мустаҳкамлаб бораётгани кузатилади.

Исажон Султоннинг “Онаизорим” қиссасида оила маънавияти яхлит полотнода тасвирланади. Болаликдан одоб-ахлоқ аҳкомларини сингдириш, набототу ҳайвонотга оқибатни уқтириш асар лейтмотивини белгилайди. Хусусан, оилада, ота-она ўртасидаги меҳр садоқат, бурч каби фазилатлар ҳаётий лавҳаларда тақдим этилади. Қиссада асрлар мобайнида ўзбек оиласида риоя этилаётган кўҳна анъаналар босқичма-босқич акс эттирилади. Асарда миллий, маданий анъаналар негизига қурилган мотивлар сюжетни жонлантириб, воқеаларни таъсирли ёритади. Фарзандни болаликдан орасталик, саранжомликка ўргатиш борасида зарур ўғит берилади :

“Меҳнатдан қочма, муомалангни ширин қил, жилмайиб гаплаш. Ярим соат кам ухласанг ухлабсан, уйқуга ётишингдан аввал ҳаммаёқ чиннидай саранжом бўлсин. Ҳар қилган тўғри ишинг ота-онангга раҳмат олиб келади, сал нотўғри иш қилсанг, маломат олиб келасан. Иложи бориचा кам гапир, бир нима сўрашсагина жавоб бер, чеҳрангни оч”⁹¹.

Мазкур лавҳада оқила, фаросатли она маъсума қизига келинлик бурч, вазифаларини эслатар экан, бу ақоидлар мустаҳкам оила пойдеворига асослигини идрок этасиз. Ибратомуз лавҳалар ёш қизларни турмушга, оилага масъулият нигоҳи-ла боқишга туртки бўлади.

Мусича, қалдирғоч, қарқуноқ, зағча, қизилиштон, калхат янглиғ қушлар оиласи, полапонини вояга етказиш машаққати эркин ифодаланади. Қушлар турмуш тарзи қаҳрамон ҳаётига параллел чизилар экан, фалсафий, мажозий мазмун мувофиқлашади. Олма, беҳи дарахтлари вақт мезонига ойдинлик киритади. Уларнинг новдаликдан кексаликкача даври инсон умри саҳифасига монанд қамраб олинади. Олам моҳиятини англаш қаҳрамоннинг мураккаб руҳий кечинмалари негизда кечади. Инсон ибтидосидан интиҳога қадар фоний дунё деган маконда синовдан ўтади. Халқ донишмандлигининг

⁹¹ Султон И. Боғи Эрам. -Т.: Шарқ, 2015 –Б.50.

турли лавҳаларда акс этиши азалий кадрийатлар барҳаётлигини далиллайди. Инсон хотирасида беғубор болалик, ёшлик дамларининг тиниқ манзараси серқатламликни истифода этади. Ота маконга меҳр у ердаги ўсимлигу ҳайвонотни эъзозлаш, яратувчанлик иштиёқини сўндирмасликда кўринади.

Қиссада борлиқ ҳодисоти одам қисмати билан муштаракликда намоён бўлади. Раъно болаликдан ариқча билан сирлашади, зилол сув билан мулоқот қаҳрамон оиласи ҳақидаги тасаввурни тўлдириб боради. Умрининг оқар сувга менгзалиши қизнинг вояга етиш жараёни билан параллел тавсифланади. Ҳар бир диалог қаҳрамон ботиний оламидаги ўзгаришларни аниқлаштиради. Мулоқот воқеа ҳодисаларни қабарик ҳолда тасаввур этишга сабаб бўлади. Киши ҳаёти фасллар: болалик (баҳор), ўсмирлик (ёз), ўрта ёш (куз), кексалик (қиш) қа менгзалади. Бу фалсафа Алишер Навоийнинг “Ҳазойин-ул маоний” девони моҳиятини истифода этган. Раънонинг беғубор болалиги баҳор янглиғ ҳайрату завққа бурканган. Ўсмирлик онларида турли воқеа ҳолатларни бошидан кечирар экан, ариқча билан сирлашиш, муайян тилсимларни англашга интилиш кучаяди. Йиллар давомида осойишта турмуш тарзига интилган қаҳрамон меҳрибон ота-онадан айрилганда ҳам изтиробини сувга англатади. Киши умрининг барча фаслида зилол, тиниқ сув унга фақат хотиржамлик, сокинликни раво кўради. Қаҳрамон атрофдаги ҳодисотлар асрорини кузатади, ариқча фаний дунё ташвишдан халос, эркин қалбга сурур бахш этади.

“... ижод жараёнида воқелик санъаткор онги-ю қалбидан ўтказилиб, моделга айлантирилган бўлса, ўқиш жараёнида ўша модель воситасида ижодий жараён тикланади- бадий воқелик қайтадан яратилади”⁹².

Қисса такомили жараёнида инсон образидаги хусусий муаммолар ўзгариб бораётгани, маънавий қарашлар моддий ўлчовга алмашаётгани, муҳитдан норозилик кайфияти пичинг орқали ифодаланаётгани кўринади. Қаҳрамонни руҳиятини холис ёритиш, унинг ҳаёт тарзини борича тасвирлаш, воқеалар оқимини кескинлиги билан ифодалашга диққат қаратилади.

⁹² Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. -Т.: Шарқ, 2004 –Б.59.

Фаслда ўрганилган муаммо натижасида асарда муаллиф қаҳрамонлар нутқи воситасида мақолу ибораларни қўллаб, воқеликни таъсирли ифодашга эътибор қаратаётгани, ҳар бир образга хос чизгилар унинг нутқида жонланиб бораётгани, инсоннинг муҳитга мослашув жараёнида табиатидаги фазилату иллатлар кўзга ташланаётгани аниқланади. Қиссада ҳаётдаги янгиликларнинг инсон руҳиятига таъсири кўрсатилиб, кишиларнинг сароб ғоялар исканжасида қиёфасидан айрилиши далилланади.

II боб юзасидан қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Қиссаларда маданий муҳит, ижтимоий шароитдаги ўзгаришлар муайян мавзуларни шакллантиради. Колхоз, меҳнат, саноат, партия мавзулари синфийлик нуқтаи назаридан ёритилгани кузатилади.
2. Истиқлол йилларида турли мавзуларга эркин, холис ёндашиш тамойили ортиб, қаҳрамон мураккаблигини атрофлича тақдим этишга эътибор кучаяди.
3. Қиссаларда алоҳида шахс фожиаси сабабиятини тузум иллоти негизда аниқлаш, ижтимоий, маиший муаммо илдизини кўрсатишда монолог, диалогнинг ўрни борлиги аёнлашади.
4. Бадиий образ психологик ҳолатини аниқлашда ахлоқий, фалсафий масалалар ечимини ахтариш, киноя, пичинг воситасида давр ё қаҳрамон таназулига ишора берилишига эришилади.
5. Тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима уйғунлигида мозий манзарасини таъсирли, ёрқин акс эттиришга муваффақ бўлинади. Қаҳрамон ҳаётининг бир босқичи ё динамикасини маърифий, маданий сатҳга бириктириб, шахс маслаги борасидаги тасаввур тўлдирилади.
6. Қиссаларда миллий ўзлик, ғурур, ҳалоллик тушунчаларини ислом ақидаси, шарқ фалсафаси муштараклигида талқин этиш тамойили ортгани кузатилади.
7. Қиссалар поэтикасидаги воқелик тасвирида кескинлик, шиддат, контраст етакчилик қилаётгани маълум бўлади.

III БОБ. МИЛЛИЙ ҚИССАЛАРДА ПОЭТИК ИФОДА

3.1. Қисса жанрида инсон ва табиат муносабати

Бадий адабиётда воқеалар содир бўладиган вақт, маконни белгилаш поэтик мазмунни тўлдириб боради. Инсоният яратилган вақт(ибтидо)дан ҳаёти сўнгги дами(интиҳо)гача маълум ҳудудни тасвирлашда муайян ақоидга риоя этилади. Қуръони Каримда чексиз ҳудудлар, бемисл вақт мезони борасидаги илоҳий ҳукмлар пайғамбарга эслатилган. Тириклик манзилидан огоҳ одамзот марҳумлик диёрини тўлиқ тасаввур этишга ожиз. Шу боис ҳаёлот кенглигида мавжуд макону саналар ҳануз инсониятга ниҳон бўлмоқда. Асрлар давомида шаҳарлар пайдо бўлиш баробарида вайрон бўлганини ҳам унутмаслик даркор. Улар номи тарихий шароитга кўра ўзгаргани, миллату элатлар маданияти таъсирида тараққий этгани аёнлашади.

Адабиётшунос Б.Каримов: “Бадий асар ичкарасида воқеалар юз берадиган, қаҳрамонлар ўзаро тўқнашадиган, учрашадиган адабий макон ва замон чинакам санъаткорлар ижодида поэтик қатор, имманент тизим ҳолатига келган бўлади. Бу ижодкорнинг истеъдоди, санъаткорлиги, фаҳм-фаросати, услуби, воқеликни “юрғизиш” манерасига ҳам дахлдор масала, албатта,” - дея мулоҳаза билдиради⁹³.

Фольклор, мумтоз асарлар поэтикасида баъзан вақт меъёрида муболағавий ёндашув устунлиги кузатилади. Мўъжизавий макон, тилсимли салтанат макон борасидаги тасаввурни сирлилик пардаси, теграсига жамлайди. Бадий макон ҳамда замон тасвири ижодкор ғоясини ёритишда муҳим саналади.

Тарихий қиссаларда воқелик сарой, карвонсарой, қабила, саҳро, мадраса, така, зиндон, тоғ қаби маконларда уюштирилади. Вақт ҳисоби аксаран кун қисмлари, намоз пайти билан белгиланади. Сафар, сайр асносида ўзга юрт иқлими, ижтимоий шароити тасвири бош ё эпизод образ зиммасига юклатилади. Қаҳрамон руҳиятига монанд табиатдаги ҳодисаларнинг

⁹³ Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. - Т.: Akademnashr, 2014 –Б.165.

берилиши, ёлғизлик лавҳасининг наботот (дарахт, бута) ё жонзот (от, ит)лар муштараклигида афсонавий, илоҳий шаклда намоён бўлиши англашилади.

Замонавий қиссаларда ҳам анъаналар давомийлиги кузатилиб, тасвирда янги қаҳрамон, унинг эстетик, этик қарашлари борлиқ синоати билан уйғун келтирилган. “Галатепага қайтиш” қиссасида мустақил эпизодлар макон ва вақт мундарижасини фалсафий қарашлар воситасида шакллантиради. Мурод Муҳаммад Дўст қиссаларида Галатепа макони воқелик бош маркази саналиб, мазкур асарда ретроспектив сюжет усули қўлланади. Туғилган макон, ота юртга меҳр риштасининг узилиши қадрият унутилишига сабаб бўлади. Асарда қаҳрамон болалик хотиралари билан боғлиқ маскан тарбиявий, ахлоқий арконнинг мустаҳкам риштаси экани турли ракурсда намоён бўлади. Авлод тарбиясида падар, устоз ўғити, муҳитнинг олим келажагига таъсири азал ҳамда абад тушунчалари доирасида қолипланади.

Оқсоқол Ғайбаров оила, маҳалла, қишлоқ кичикдан катта даргоҳга қадар фарзандлик, оталик, мўйсафидлик мақомини босиб ўтади. У асл мақсад муддаони теран англаган, ички интизомни ҳудуддаги кишилар турмушига тадбиқ этишга муваффақ бўлган. Масканни обод қилиш, асраш, эъзозлаш ёшларга ўқтирилса ҳам натижа кутилгандай самара бермайди. Отанинг бош фарзанди шаҳарга кетиб, манзил ўзгариб, у ердаги шароитга мослашиб, ўғитни унутади. Олимлик мақомига эришган ўғилнинг одамийлик қиёфаси тундлашади. Муаллиф инсон тақдирига ижтимоий муҳит таъсирини турли даврадаги кишилар фаолияти, дунёқараши ўлчовида муқояса этиб, ўзликни унутмаслик, болаликдаги киндик қон томган заминни ёдда тутишни таъкидлайди.

“Алвидо... болалик”, “Шўродан қолган одамлар” қиссасида башарият этик, эстетик тафаккурига зид ҳолатлар қамраб олинади. Маълумки, болалик палласи баҳорга менгзалиб, яшаш завқи, ҳайрат кўлами ниш уради. Ота, она меҳридан маҳрумлик пок қалбни парчалайди. Тоҳир Малик сағир болалар кўнглидаги мусаффолик, кўкламнинг аёз забтига рўбарўлигини образли ифодалайди. Ҳалоллик ҳамда ҳаром тушунчаси норасида гўдаклар азоб,

укубатида шакллантирилади. Асарда қамок макони инсон тутқунлиги, ожизлигини уқтириш, жиноят ва жазо салмоғини англатиш мақсадида киритилган.

“Тиканли сим, темир панжаралар, баланд деворлар ортидан мўралаган тонгги қуёш кўнгилга озод ҳаётдаги каби илиқликни бера олармикан? Ҳар лаҳза, соат, кун...уларни исканжага олади, улар ўйламай босилган қадамларини лаънатлаб яшашади”⁹⁴.

Тутқунлик мотивини тасвирлашда муқояса усули етакчилик қилади. Қуёш нури кўнгилдаги заха, мўртликка малҳам бўлолмаслиги, сим, панжара, девор тўсиғини маҳв этолмаслиги матн қатламидан тушунилади. Астрономик вақт ўлчови тадрижланиб, зулмат, тушқунлик ҳолатини қамраб олади. Эркинликнинг қадрини англаётган жиноятчи ўз қилмиши, тутумидан афсусланиб, лаънат айтиши тазарруга имкон беради. Қиссада Қамариддин учун ҳибсхона кўникма, Салим, Асрорга қўрқув туйғусини беради. Ўсмирлик вақтининг хато тақсимотига катталар лоқайдлиги, бемехрлиги ҳам сабаб бўлади. Муаллиф ёшлар оиласидаги парокандалик жараёнини диалогу монологлар негизида аёнлаштиришга эътибор беради. Уй маконидан айрилиш қадрини англамаслик ўзга манфий қутбга йўналтиради. Мурувват, оқибатдан бенасиб болалар қаҳр, ғазаб оғушида вояга етади. Муаллиф эзгуликни ёвузлик забт этиш жараёнини ички низо, исёнлар қуршовида ташкиллаштиради. Муҳаббатни ниқоб айлаган нафс қурбонлари ўз фарзандлари нафрати, интиқомидан холи бўлолмайди. Асар пафоси образлар тазарруси, виждон изтиробиди бўртиб кўринади.

Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссасида Назоратчи образи ёлғиз боласининг бахтсизлигида бош айбдор саналади. Оталик бурчи, фарзандлик вазифаси борасидаги меъёрнинг бузилиши тақдир ўйинини авжлантиради. Қиссадаги ретроспектив сюжет воқеаларни босқичма-босқич ёритиб боради. Сўқир қалб умр ҳикматини англамагани боис қўни-қўшни,

⁹⁴Малик Т. Алвидо... болалик. - Т.: Ёш гвардия, 1989 –Б. 5-6.

кариндош-уруғчилик аҳкомларини узиб, кишилар нафратига ноил бўлади. Ота наздида қамоқхона ҳаётининг мазмуни, касбидан мамнун кимса у ерда таскин топади. Тутқун ўғилнинг ота назоратида бўлиши шу масканда уюштирилади. Бир жойга икки хил ёндашув воқеалар ривожига англаб борилади. Назоратчидан бошқа қишлоқ аҳли, маҳкумлар бу макондан кўрқади. Инсон феълидаги ғайриодатийлик отадаги совуққонлик, бемехрлик мотивида англашилади. Тошмурод дўстлари билан асирликда ҳурлик саодатини қўмсаб, вужуддаги нафс қутқусига зарба беришга аҳд қилади. Қабристон, марҳумлар диёри онадан айрилиқ лаҳзаси ота ҳамда ўғилнинг бегоналашув ҳолатига барҳам берилишига туртки бўлади. Вақт, замон кишилар муносабатини ўзгартириши, ўлим, тутқунлик аввалги хатоларни сарҳисоб қилиш, узилган риштани мустаҳкамлаш жараёнини тезлатиши мумкин.

Қиссалар поэтикасида инсоният бадиий тафаккуридаги анъаналарнинг ўзгариш жараёни ижтимоий, маданий қатламда вужудга келаётгани аёнлашади. Ёзувчи инсон қисматини ёритишда ҳодисот рўй берадиган макон, замонга хос хусусиятни назарда тутиши керак. Асар таркибидаги маъновий сатҳни англантишда инсондаги руҳий, эстетик ўзгаришларни босқичма-босқич тасвирлаб боради.

Таркибдаги маънолар жамланмаси киши қалбидаги ёвузлик, қабохат уруғининг бўртишида ботиний ожизликка эътиборни тортади. Инсон миллий ҳаёт тарзини ўзгартириб, ўзи ва борлиққа зиён етказди. У бирлик, аҳиллик риштасини узиб, ахлоқий анъанага барҳам беради. Асл мақсад муддаони идрок этмаган киши маънавий зиддият қобиғидан чиқолмайди. Шу боис эътиқод, ишонч, қаноатнинг эзгуликка бошлашини ёдда тутмоқ муҳим.

Бадиий асар киши маънавиятини бойитиб, унинг миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар борасидаги тасаввурларини тўлдириб боради. Ҳар бир даврнинг ижтимоий, маданий сатҳдаги янгиликлари адабиётда тажассумини топади. Ҳозирги адабий жараён бадиият намуналари поэтикасидаги ўзгаришларни баҳолаб, объектив ва субъектив омилларни

шарҳлаб боради. Ижодкор мазмуннинг салмоғи, умумлашманинг кенглигига эътибор қаратиб, сўз қудратини туйдиришга интилади. Бадий воқеликни жонли яратиш ҳаётни теран ўрганиш, олам ҳақиқатини ҳис этишдан бошланади. Адабий жараён қиммати янги асарлар яратилгани билан белгиланади. Бадий асарнинг фалсафий- эстетик моҳияти, тарихий, маданий катламдаги ўрни ўзлаштириш асносида муҳим аҳамият касб этади. Ижод намунасини қабул қилиш рух, онгга сингдириш қисмнинг мазмунини бутун таркибида тасаввур этишни тақозо қилади. Бадий матн мазмуни китобхон тафаккурида кенгайиб, сирли сарҳадларга йўл очади.

Ҳозирги адабий жараёнда эпик асарларнинг мавзу кўлами, композицияси ҳам янгиланиб бормоқда. Қиссалар халқ тили, маданияти кўзгуси тарзида такомиллашиб, соддаликдан мураккаблик, салмоқдорлик, ҳиссий ва таъсирий кўламдорликка ноил бўлган. Турли йиллардаги қиссалар поэтикасига нигоҳ ташланса, ижтимоий турмушнинг долзарб масалалари, қаҳрамон фаолиятининг муайян босқичи, сабаб натижа ҳолатлари қамраб олингани кўзга ташланади.

Абдулла Қодирий, Ғафур Ғулом, Абдулла Қаҳҳор, Пиримқул Қодиров, Одил Ёқубов, Ўткир Ҳошимов каби адиблар асарида инсон бахти меҳнат самараси, изланувчанлик теграсида акс эттирилган. Фидокор ёшларнинг келажакка умиди, ўтмишдаги қолоқликка танқидий муносабати асар сюжети ривожлантириб борган. Қиссаларда инсон ижтимоий муҳитнинг барча иқлимида жонбозлик кўрсатишга, сиёсий мавқеини сақлашга интилаётгани тарғиб этилган. Уларда ахлоқий, эстетик категориялар етакчи мавқеи эгаллаган. Носирлар жамиятдаги муайян воқеликни содда, батафсил ёритиб, бунёдкор давр кишиси образини тадқиқ этишга сазовор бўлган. Янги ижтимоий технологик жабҳадаги изланувчан ёшлар фидокорлиги идеаллашиб борган. Тасвирда анъанавий баён усули етакчилиги, лиризм ҳамда драматизмнинг эпик полотнога уйғунлиги бадииятни бойитиб турган.

Тоғай Мурод, Мурод Муҳаммад Дўст, Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммадлар қаламига мансуб қиссаларда қаҳрамон сийратидаги

тизгинсиз эврилишларга урғу берилгани кўринади. Баъзан инсон хиссиётининг ҳеч қандай чекловсиз тақдим этилиши, оний таассуротлар йиғиндисининг тасвирланиши қабул имконини мураккаблаштиради. Анъанавий ривоя техникасига ўзгаришлар таъсири ортиб, реалликдан ҳаёлотга кўчиш ҳолати мутлақлашади. Асар поэтикасига афсона, эртак йўсинидаги лавҳаларнинг сингдирилиши, ғаройиб, сирли макондаги воқеалар тасаввурдаги бадий моделни тўлдириб боради. Тоғай Мурод қиссаларида Қиммат образи ёвузлик, Хизр эса эзгулик тарзида намоён бўлади. Бўри полвон, Зиёдулла кал, Қоплон характерида фольклор қаҳрамонларидаги жўмардлик, тантилик, элпарварлик хислатлари синтезлашиб боради.

Қиссаларда образни чуқур ва ёрқин, мукаммал тасвирлашда унинг индивидуал хусусиятлари ҳам қамраб олинади. Эркин Аъзам ” Шоирнинг тўйи” асарида оташқалб шоир образидаги психологик трагизм сабабига эътибор беради. Бадий образ мантиғини асослашда ижодкор воқеа, ҳолатни аниқ мақсадга йўналтиради.

Ҳақ йўлида собит соҳиби қалам турли синоатда тобланиб, оламнинг қалбини, одамзотнинг мўъжазлигини англаб боради. Унинг асарлари қатламида бедор юраги, теран нигоҳи товланиб туради. Ўзлаштириш асносида санъаткор адабий, эстетик позицияси, шахсияти тиниқлашиб боради.

Эркин Аъзам, Хуршид Дўстмуҳаммад насрида пичинг, кесатиқ яққол кўзга ташланади. Қаҳрамонлар нутқидаги қочиримлар иллатларни фош этишга қаратилади. Адиблар жамиятнинг турли қатлами вакиллари дунёқарашидаги ўзгаришларни муқояса этади. Инсон тийнатидаги бунёдкорлик, интилувчанлик ёшлар образида тажассум топади. Хуршид Дўстмуҳаммад “Куза” қиссасида кузатувчи, синалувчи, кузатилувчи дея гуруҳларни уч босқичга таснифлайди. Дўст, ҳамкасб, она мақомидаги қаҳрамонлар теграсидаги воқеалар алмашиб келишида тафаккурдаги тафовутлар аёнлашади. Ҳар бир инсон умр саҳнасида ўз ролини ижро этади. Адиб қаҳрамони яшаш мазмунини виждонини тафтиш этишда, ҳақиқатни тан

олишда кўради. Киши ҳамият, қимматни авайлаши, фонийлик ҳамда боқийлик оламида кузатилувчи эканини ёдида тутиши борасидаги фалсафий мушоҳадалар илгари сурилади. Қиссаларда табиат ва инсон мувозанатидаги кемтиклик фожиага бошлаши асосланади. Дарахт, япроқ она ҳамда фарзанд меҳрига менгзалишида мантиқ теранлашади. Кексаликдаги ожиз ҳолат дарахт мисолида кўрсатилади. Йиллар давомида мевадан ризқланган одам уни кесишга жазм этар экан, яхшиликнинг тез унутилишига ишора берилади. Тўкилаётган япроқлар саси дарду армонлар ноласига уйғун садоланади. Курраи заминдаги яратиклар одамга хизмат қилгани ҳолда у томонидан барбод этилиши умумбашарий аҳамият касб этади.

Мавзуга янгича ёндашув ижодкорни масала негизига нигоҳ ташлашга ундайди. Воқеалар ривожини асосида оламлар аро боғлиқлик бўртиб кўринади. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссаларида ҳиссий, ақлий босқичдаги қаҳрамон воқеалар силсиласида нарсалар ҳикматини уқиб боради. Нигоҳ, паноҳ, куза...лар негизига инсон образининг йўллар ва йиллар сарасида янги моҳият касб этиши англаб борилади.

Эркин Аъзам "Отойининг туғилган йили" асарида Асқарнинг дадил фикрлари бўғиқ муҳит, доирага мос бўлмаси-да, адолат манзили борасидаги ақидага ойдинлик киритади. Қаҳрамон нутқидаги заҳархандалик диалогу монологларда конкретлашади. Машраб маслагига содиқ ўсмир феълидаги ҳақпарастлик шоир фитратининг кўзгуси янглиғ тасаввур пайдо қилади. Бадиий образ тийнатидаги озод фикрлар мозий ҳамда келажакаро зиё қатламини мустаҳкамлаб боради. Ёш талаба вужудидаги кенглик, донишлик замондошлари лоқайдлигидан сезилмагани боис, кўнгил боболар ўғитидан малҳам излайди. Илму толиблик асл моҳиятни англаш машаққатини ҳис этишда билинади.

Таълим соҳасидаги баъзи иллатлар талаба томонидан фош этилиши воқеаларни таранглаштиради. Унинг бой тафаккури, мустақил фикрлари кулфат келтирса- да, ортга чекинмайди. Қиссада санъат, тарих, фалсафа уйғунлиги турли қатлам, доиралардаги суҳбатда ойдинлашиб боради. Бир

замону макондаги кишилар дунёқарашидаги тафовут баҳсу мунозараларни жонлантиради, киноявий муносабат иллат илдизи сари етаклайди. Асарда инсон қисматидаги кичик (фоний) имтиҳон осонлиги, бироқ катта(боқий) ҳаёт синови мураккаблиги шоир чин фалсафаси меҳварида тажассумланади.

“Эркин Аъзам қиссачилигига хос етакчи хусусият унинг бу жанрдаги барча асарларида пичинг, киноя руҳи устуворлигидадир. Ижодкор ножўя ҳаёт йўсини, тириклик ва тирикчилик тарзи устидан кулгиси, унинг аянч жойларини кўрсатгиси, шу билан жамиятни соғломлаштиргиси келади”⁹⁵.

Қиссаларда ижтимоий муҳитдаги кишилар дунёни идрок этишига кўра ажралиб туради. Ҳалол ҳамда ҳаром муқоясаси муайян образлар ҳаракатида реаллашиб боради. Ёшлар бир муҳитга мансуб бўлса ҳам ахлоқ меъёрларига зид ишдан орланмайди. Оила доирасидан ташқаридаги воқеалар орият, номус арконини узади. Ижодкор соддаликдан мураккабликка ишора бериб, кичик кулфатнинг улкан асоратини намоён этади. Кўнгил тубидаги армонлар руҳият таҳлили жараёнида бўй кўрсатади. Асарларда йўл хронотопи кенг ва тор маънода тушунилади. Улар асар композициясида бадий ҳодисалар кўламини бойитиб боради. Инсон ботиний ҳамда зоҳирий оламидаги ўзгаришлар, фольклор ва мумтоз адабий қаҳрамонлар маслагидаги муштарак тамойиллар ягона йўлда бирлашиши мантиқни тасдиқлайди. Макону замон ўртасидаги тафовутга қарамай қаҳрамонлар интеллект, тафаккури аро яқинлик мустаҳкамланиб боради.

Қисса жанри такомилли жараёнида табиат манзарасига кўп мурожаат этилиши, қаҳрамон билан боғлиқ мотивда уни авайлаш ё вайрон қилиш ҳолати ёритилгани аён бўлади. Бунда инсон ботинидаги эзгулик фазилати ё ёвузлик илллати муқояса этилади.

Ижодий жараёнда жанр ғоявий мавзуй кўлами янада бойитилиб, қаҳрамон ахлоқий, маънавий қарашлари ўзгариб бормоқда. Ёзувчи бадий образ яратишда тафаккур ҳаракати, жараёнини реал тақдим этишга интиломоқда. Авлод алмашинуви натижасида оммавий маданиятнинг миллий

⁹⁵ Йўлдош.Қ. Сўз ёлқини –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018 –Б.313.

кадриятга таҳдиди ортмоқда. Хаос пайдо бўлмаслиги учун инсонларни санъат, маърифат меҳварига жамлаш, руҳиятига эзгулик ёғдусини сингдириш жоиз. Қиссаларда миллий ўзликни англаш, маънавий кадриятни эъзозлаш , юксалтиришга интилган адабий қаҳрамонларни яратиш тамойили кучаймоқда.

Тириклик унсури ўт, сув, ҳаво, тупроқни эъзозлаш аجدодлар эътиқоди, оламни билиш, идрок этишга интилишининг реал тасвири. Шаффоф сув шифобахш ўт-ўлан, тоза ҳаво, унумдор тупроқ -сахий набототнинг одамзотга ноёб инъоми. Сув ва тупроқ нафақат туркий, балки дунё халқлари мифологиясида универсал рамз ҳисобланади. Унинг ризқ-рўз, насиба, ҳалоллик, поклик тимсоли экани халқ қўшиқ, афсоналарида талқин қилинган (мавсум – маросим қўшиқлари, сафарга отланган қаҳрамонга сув, нон ҳамроҳлиги, бир ҳовуч ватан тупроғи – бари халқнинг эътиқоди, маслағи намунаси).

Бу уйғунлик вобасталик уч ҳилқат: одамзот, наботот, ҳайвонотнинг азалдан ягона мақсад йўлида яхлитлик касб этганини кўрсатади. Бошқарувчи одамзот борлиқнинг тирик эканини доим ҳис қилмоғи лозим: ҳайвон, қурт-қумурсқа бари ҳаракатда. Она замин бағрига яратикларни сиғдираверади, яратилганлар ўз навбатида алмашилиб тураверади (ҳаёт ва ўлим). Яшаш, хайрли умр кечириш олий мақсад саналади. Инсон набототу жамодатга ҳабиб тутиниб, уни ардоқламоғи даркор. Ота-боболаримиз бу ахлоқий ақидани дастуруламал этганлар.

Нурали Қобулнинг “Тубсиз осмон” асарида бола фитратидаги меҳру мурувват катталар феълидаги оқибатсизликка контраст берилади. Муаллиф садоқат тушунчасини ҳаётий коллизиялар замирига сингдириб боради. Аввало оила муҳитида тўғрисўзлик, ҳалолликни асраш бобидаги ўғит фарзанд қисмати таъсир этади. Айни вақтда ҳаромдан қўрқмайдиганлар тоифаси умуммулкидан манфаат кўради. Ижтимоий муаммо марказида жонзот қўзиларга зулм ёхуд шафқат муносабати таранглашади. Ижодкор бола нигоҳи, пок туйғуларини ит ва қўзиларни парваришлаши, уларни ҳиссиз

кимсалардан ҳимоялашида ёрқинлаштиради. Бўйноқ урғочи, бола, етим кўзи уйғунлигида ишонч, ҳаловат, табиат билан ҳаммаслақлик тарғиб этилади. Чорвадор ота ҳалол, тинч яшашига ҳамроҳ бўлган Бўйноқ кексайгач, эътибордан қолади. Ит йиллар давомида кўрсатган оқибати эвазига тўқайга болалари билан ташлаб кетилади.

Адолат мезони ноҳақлик юзага келганда ўзгаради. Ҳатто вафодор ит наслини авайлаш учун ўз хўжаси чорвасининг ўғирланишига кўникади. Муаллиф инсон ҳамда табиат орасидаги драматик вазиятда болани икки кутб аросатида тасвирлайди. Бола отаси ё жабрланган жонзотини танлаши, йўлсизлик, чорасизликдан қутулиши керак. Бу ҳолатда у ёлғизликни истаб, фақат осмон билан сирлашади, яъни заминий муаммоларга ечим ахтаришда самодан мужда кутади. Бола ўз муҳитидан жонзотларга қилинаётган зулм боис йироқлашиб боради. Унинг мусаффо туйғуларини яқинларидан тортиб бегонагача ҳис этишдан маҳрум эди. Асардаги кульминацион нуқта отанинг тўқайда итга мўлжалланган ўқи фарзандига тегиши билан таранглашади. Бола Норбўта ва ит Бўйноқ орасидаги садоқат, ишонч риштаси жаҳолату зулмдан баланд қўйилади. Чорвадор отанинг итга қилган ноҳақ ҳукми фарзанди қотилига айланиши билан якунланади. Табиат билан уйғунликдан роҳатланган бола эса софлиги, поклиги боис чиркин муҳитни тарк этади. Мазкур лавҳа Чингиз Айтматовнинг "Қиёмат" романидаги мерган ота қисматини ёдга солади. Ҳар икки асарда ҳам оталар хатосининг қурбони ўз фарзанди бўлиб, бир умрлик виждон азобига рўбарў айл�йди. Бўйноқ ит ва Акбара бўри урғочи насли учун ҳар қанча азобга бардошли, айнаи дамда инсоннинг ёвузлигини ўзига ҳис қилдиришга қодир жонзот образини талқин этади. Табиатга йўлланган зулм айланиб жоҳилни ўз домига тортади. Катталар гуноҳининг бадалини уларнинг фарзанди тўлайди. Бу фожеий қисмат инсонга борлиқдаги набототу жонзотга ёвузликдан насиб бўлгани англашилади. Инсон табиатдан кўп манфаат кўради, тириклик гашти, сурури, маъниси у билан муштаракликда бутун бўлади. Бироқ вақт синовида инсон

ўзи фойдаланаётган табиатга яна зулм қилишдан орланмайди. Бу контраст асрлар давомида жиддий муаммога айланмоқда.

Ибтидоий тушунча ва эътиқод тотемистик дунёқарашни шакллантирган. От култи садоқат, вафо, ишонч рамзи бўлиб кишилар томонидан эъзозланган. Туркий халқнинг кенг тарқалган “Гўрўғли” туркум достонида миллий ғурур, ўзлик талқин қилиниб, отнинг инсонга садоқати турли ракурсда ёритилади. Асарда отнинг насли, қатъияти мураккаб коллизия, тушкунлик тасвирида аёнлашади. Зийрак Гўрўғли отининг руҳий ҳолатини юракдан ҳис қилиб, сирдоши билан сардорлик камолотига муяссар бўлади.

“Алпомиш” эпосида баҳодир ўғлон Бойчибори билан барча синовни мардона енгади. Инсон-жонзот яқдиллигида бўрттириш, хаёлотга берилиш, нореал тасвир орқали реал манзарани тақдим этишга муваффақ бўлингани кузатилади. Достондаги кураш тушиш, пойгада ютиш, ёй тортиш, тангани уриш поэтик мотиви фалсафий-таълимий аҳамиятга эга. Ёр (Барчин), оила (Бойбўри-Бойсари), уруғ (Қўнғирот) шаъни, номуси-яккадан умумга тааллуқлиги, бирдамлик қисму бутунга боғлиқлиги асарнинг ғоявий-эстетик негизидан англашилади. Алпомиш ва Бойчибор жуфтлиги эзгулик ва қабоҳат курашининг марказида бўлиб, ўзаро ишонч-садоқат боис омон қолади. Бойчибор қадрдони Алпомишни тутқунликдан қутқаради (инсон зиндонбанд айлади, жонзот эса эркинликка етаклади), ҳайвон сийратидаги оқибат қалби сўқирларга ибрат бўлади.

Тоғай Муроднинг “От кишнаган оқшом” қиссасида асосий мақсад – оламу одам яхлитлигини намоён этиш. Унинг қаҳрамони табиат билан ҳамнафас бир бутунликда яшайди. Айниқса, отни парваришлаши, тиллашиши, от қалбини тинглаши нафис оҳангда садоланади.

Зиёдулла тийнатидаги одамийлик, тантилиқ диққатга сазовор. Қаҳрамон одамлардан кўра жонзотга кўпроқ талпинади, унга қалбини бағишлайди, отини дoston қилиб куйлайди. От ҳам ўз навбатида хўжасини оғир дамларда фалокат, ўлимдан қутқариб қолади, кўпкариларда чавандозни

эхтиёт қилиб авайлайди. Улардаги қалб муштараклиги бир-бирини англаш, хис қилиш имконини беради. Асар охирида бўзболалар Зиёдуллани ўлдиришларига бир баҳя қолганда яна яраланган Тарлони ёрдамга келади. Инсоннинг ваҳшийлиги, жоҳиллигига жонзот вафоси, жасорати қарши кўйилиб, тасвирдаги зиддият намоён бўлади. Қоронғи кечада қаҳрамоннинг оти билан дардлашиши, ҳасратлашиши ўзгача нур, жилва таратади.

Бу нур қалб тафтида туғилиб, сайқал топган: “Бўлди, мен энди уларни акам демайман. Менинг акам сенсан, Тарлон. Ука деса дегулик, мендайин уканг бор, ака деса дегулик, сендайин акам бор, нима ғамим бор, Тарлон...”

Аё Тарлон, сен менинг қиёматлик биродаримсан, қиёматлик биродарим...”⁹⁶.

Қаҳрамон отини туғишган жигари деб билади, бундан ҳам кўнгли тўлмай «қиёматлик биродарим» дея уни энг яқин, қадрдони эканлигини эътироф этади. Муаллиф қадрият, олижанобликни инсон ва табиат ҳамоҳанглигида акс эттиради.

Зиёдулла кал характерида чўпон, чавандоз, бахши образи жамланган. Кал лақаби “ўзим кал-кўнглим нозик” нақлига монанд танланиб, қаҳрамоннинг аразгўйлигига ишора қилинган. Зиёдулла афандинамо шахс-беғараз, содда, дўлвори, кал катта эса устамон, ҳийлакор, ўз манфаатини кўзлайдиган худбин кимса. Унинг ҳолати халқ оғзаки ижодидаги кал образига эскиз тарзида яратилади. Чавандоз отни асраб садоқат кўради. Кал катта жонзот наслини қуритгани боис хорликка мубтало бўлади.

Зиёдулла таҳсинга сазовор бўлса, кал катта нафрат уйғотади. Қиссада от сурати ва сийрати синчи нигоҳи-ла баҳоланади. Инсон ва жонзот руҳиятидаги узвийлик, ҳамдardлик садоқат, оқибатнинг рамзи саналади. Тарлон от образида туйғу ифодасига урғу берилиши: кўпкаридаги кўтаринкилик, қир адирда кишнаши, бияга кўнгил кўйиши, охир-оқибат инсонга борлигини бағишлашида теран ифода, мантиқий изчил тасвир,

⁹⁶ Мурод Т. От кишнаган оқшом. -Т.: Шарқ, 1994 – Б.217.

фалсафий-эстетик қараш устунлик қилади. Қиссада одамзот ва жамодот уйғунлиги параллел тарзда талқин этилади.

Чингиз Айтматовнинг “Алвидо, Гулсари” қиссасида Танабой ва саман йўрға Гулсари қисмати ёритиб борилади. Кексалик ва ёшлик-умр фасллари муқояса этилади. Ёлғизлик ҳолати – кекса чол ва қари от руҳияти, унсиз, сўзсиз бир-бирини тинглаши, англаши ижодий фантазия маҳсули. Тахайюл олами ассоциацияси, воқеа алмашинуви, ўтмишга ретроспектив ёндашув маъно қатламини конкретлаштиради. Танабой чорвадор, ўлан айтади, қир адир тоғ-ватанини севади. Адиб ижтимоий – эстетик қадрият моҳиятини қаҳрамон фитрати тадқиқи орқали асослаб боради. Қисса марказида эрксиз инсон ва жонзот ҳолати параллел берилади. Гулсари тутқунликда ёвуз инсон томонидан таҳқирланади, Танабойнинг меҳнаткаш, фидойилиги раҳбарлар томонидан қадрланмайди. Улар иккиси айнан одамлар томонидан азоб кўргани боис умр йўлида бир-бирига таянч бўлиб, турли синовни енгиб ўтади.

Ёзувчи туш мотивидан унумли фойдаланади. Мазкур мотивнинг фольклорда кўп учраши маълум. Унда халқнинг эътиқодий қараши мужассамлашади. Туш асли физиологик жараён, бадиий асарда у поэтик мушоҳада ҳосиласи бўлиб, бирор воқеа-ҳодисадан огоҳ этиш, тақдирдан башорат бериш функциясини бажаради. Қиссада Танабой Гулсари билан боғлиқ беҳосият туш кўради: қизил ранг, қон ҳалокатдан дарак беради. Воқеликнинг реал ҳаётга монандлиги сюжет тадрижида кузатилади.

“Она туя ҳақида”ги қадимий кўшиқ-гўё Гулсарига аталган, унда от ҳолати, руҳияти, қисмати жамулжам. Бу кўшиқ метафорик маъно касб этиб, ижодкорнинг воқелик ва образ моҳиятини бошқа бир нарса орқали очишга, ёритишга интилганида кўринади. Она туя Танабой, бўталоғи Гулсарини йўқотади, ахтиради, кутади, етишади... ниҳоят айрилади. Айни шу лавҳани яхлит полотнода бериш учун кўшиққа ишора қилинади. Танабой: “Сен ўзинг билан бирга менинг энг эзгу хотираларимни олиб кетяпсан, Гулсари. Аммо мен тирик эканман, сен ўлмайсан, чунки сени эслаб юраман, Гулсари.

Туёқларингнинг дупури мен учун севимли кўшиқ бўлиб қолди, Гулсари”,⁹⁷ – деб видолашади.

Инсон ва жонзот синовдан бирма-бир ўтиб, умри поёнида учрашади. От собиқ, содиқ хўжайини кўлида жон таслим қилади. Қор, изғирин, тоғ йўли барча ҳолат маҳзун, ғамгин оҳангда садоланади. Йўл хронотопи рамзий маънога эга. Асрлар гувоҳи бўлмиш маскан ибтидодан интиҳога қадар тириклар қавмини сокин кузатиб, ошқору ниҳон ҳолатларга ишора беради. Инсон ва жонзот ҳаёти йўлини қай тарзда ўтагани, синоатли дам сабоғи, фонийлик ва боқийлик тушунчаси фалсафий маъно касб этади. Гулсари ёвузлик, қабоҳатни енгган иродали, сабрли жонзот тимсоли. Танабой шу ёруғликка, садоқатга интилган, ундан куч олган шахс. Қаҳрамон дардкашини тирик дея тасаввур этмоқ илинжида от дупури кўшиқ янглиғ қалбида абадий янграшини таъкидлайди. Ёзувчи халқ ижоди, маънавий хазинасига ижодий сайқал бериб, миллий, умуминсоний қадрият даражасини оширган.

Садоқатли жонзот- Бойчибор, Гулсари, Тарлон эпик образлари эзгу куч тимсоли. Халқ нигоҳи, талқинида пок, баракали, садоқатли, сабрли жонзотни миллат фарзандлари асраб авайлаган. Демак, шакл ўзгаргану, маъно-моҳият бойитиб, тўлдириб борилган.

Маълумки, туркий халқда қадимдан от, бўри ҳайвонига кучли ишонч бўлган. Ибтидоий инсоннинг бирор ҳайвон ё нарсага, табиат ҳодисалари қудратига эътиқоди тотемизмни юзага келтирган. Тотемлар билан боғлиқ афсона, эртақда от ва бўри култи етакчи ўрин эгаллаган. Буни ҳимоя қилувчи, турли бало- офатдан асровчи жонзот дея қадрлаганлар.

Ёзувчи Нормурад Норқобиловнинг “Овул оралаган бўри” қиссасида арлони бўри Чўнгалла ҳамда Салом мерган билан боғлиқ воқеалар тасвирида мажозийлик етакчи. Қиссада Чўнгалла урғочиси Оқёл (ранг ифодасида умид, ёруғликка ишора берилган) ни ахтариб, инсонга қарши бош кўтаради. Бўри овулни шунчаки ораламайди, ундаги ғурур, садоқат, вафо оддий инсон, шу маскандаги яшовчиларга муқояса этилса, тафовут билинади.

⁹⁷ Айтматов Ч. Танланган асарлар. -Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 –Б.398.

Жонзот образ даражасига кўтарилишида унинг туйғулари, таваккали, айрилиқдаги чексиз изтироби, надомати қамраб олинади. Инсон моддий манфаатлар гирдобига ғарқ бўлиб, кадрсизланиб бораётган вақтда ҳайвон муҳаббати ибрат тарзида намоён бўлади.

Адиб жондор психологиясини ичдан ёритади: елга қараб об-ҳавони сезиши, ис олиши, инсон феълини тез уқиб олиши табиий жонлантирилади. Бўрининг феъл-атвори, саъй-ҳаракати Салом мерганнинг ўз кадрини англаб етишига туртки беради. У кузатиш, таққослаш асносида ҳаётига нигоҳ ташлайди: ботинига қулоқ тутди. Қиссада бўри ҳаёти - урғочиси билан бахтли онлари, тўдадаги олишувлар кино тасмасидай тақдим қилинади. Онгсиз, забонсиз жондорнинг садоқати, вафоси инсоний туйғудан устун кўйилади. Бу ҳолат қиссада шарҳлаб, далиллаб кўрсатилади.

Таркибдаги асос нуқта: юракнинг айрилиққа дош беролмай ёрилиши, кўз ёши ёввойи жонзот ботинидаги асл муҳаббатнинг ёрқин мисоли. Инсонга ўрнак, ибрат бўлган жондорни Салом мерган эъзозлаб кўмади. Асарда бўри образи етакчилик қилади, жондор тасвирида умумлашмадан индивидуал хосликкача аниқликка эришилади. Чўнгкалланинг инсон каби психологик жараённи бошидан кечириши, тириклик, айрилиқни ҳис қилиши ғоявий бадиий ниятнинг пухталигини таъминлайди.

Шукур Холмирзаевнинг “Юр, тоғларга кетамиз” қиссасида Нурали (бола) ҳамда Қорабой (ит ва бўри наслининг маҳсули) қисмати бадиий гавдалантирилади. Воқеалар тоғ бағри, чўлда ривожланиб боради. Таркибдаги асосий фикр: гўдак жонзотнинг тўғри тарбияси- ит феълини ўзлаштириб садоқат кўрсатиши ёхуд бўри уруғига тортиб ёввойилик қилиши болага боғлиқлиги асослаб кўрсатилади. Ота, ўқитувчи панд-насиҳатига риоя этилиши, икки мурғакни бир-бирига меҳр бериши образли ифодаланади. Қорабой инсон парваришига жавобан қишлоққа оралаган бўриларга қарши чиқиб, бирини ўлдиради. Адиб туш мотиви орқали нохуш ҳодисага ишора қилади. Нуралининг тушида увлашни эшитиб, итини тушкун ҳолатда кўриши реал ҳаётда Қорабойнинг қаттиқ жароҳатланиши билан якунланади. Қодир

подачи золимлиги боис Қорабой шаҳар ҳайвонот боғига – эркинликдан тутқунликка тушиб қолади. Нуралининг севикли жонзотини қафасда учратиш мотивида пафос кучаяди: “У менинг қўлларимни ялади. Шунда йиғлаётганимни, бетларимдан ёш томчилари оқиб тушаётганини сездим... ишонасизми дўстим, Қорабойнинг ҳам менга тикилган кўзларидан милтираб ёш оқаётганди”⁹⁸.

Қўлни ялаш, кўз ёши-бадий деталь руҳий манзарани жонлантиради. Ботиндаги соғинч ҳисси, айрилиқ паймонаси зоҳирга балқиб чиққани деталь орқали далилланади. Ҳайвондаги ички сезги, қафасда туриб одамлар орасидан болани ажратиб унга талпиниши, боқий меҳр риштасидан дарак беради.

Бола ва жонзот бир бирини тушуниб ардоқлаб яшайди. Қисса табиатида контраст – меҳр ва қабоҳат зид қўйилади. Қодир подачи ҳамда Қорабой феъли муқояса этилиб, ёввойи жонзотнинг оқибат, яхшилиқни унутмаслиги, подачининг инсон қиёфасидаги маҳлуқлиги – бунёдкор ва вайронкор кучлар тўқнашуви аниқ ифодаланади. Нурали жонзотга меҳр бериб садоқатга ноил бўлади. Боладаги поклик туйғуси жонзотга тўғридан-тўғри таъсир этиб, ўртада вафо риштаси муқимлашгани бадий лавҳада намоён бўлади.

Юқоридаги қиссаларда бўри тотеми борасида муайян тушунча берилган эди. Бўриларда жуфтига садоқат шараф даражасига кўтарилган “Қиёмат” романи жаҳон китобхонига манзур бўлаётгани маълум. Бу мавзуни мустаҳкамлаш мақсадида Нормурод Норқобилов “Эна бўри” асарини эълон қилди.

Эна-она образи инсонга суюкли, қадрли экани равшан, бўри сўзи билан бирга қўлланишида инсон ҳамда жонзот бирлигига ишора берилади. Илк жумлада инсон ва жонзот учрашувидаги самимиятни ҳис этамиз. Дашт, қирлар мусаввир нигоҳи ила табиий чизилади. Сарагул она қалбида табиатга

⁹⁸ Холмирзаев Ш. Йўллар, йўлдошлар. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984 –Б.118.

меҳр бўлакча, у Бойбиччахон бўрига ҳам мурувватли эди. Шу боис жондор оч қолса ҳам ўз худудидаги чорвага тегмайди. Бола сийратидаги кизиқувчанлик, мактанчоклик бўри болалари томон етаклайди. Илк бора милтиқ билан сафарга отланган болакай ниятига етолмаса-да, бўридаги кучли сезги ҳавода темир исини тез илғайди. Оз вақтдан сўнг Бердикул заранг таёк билан тоққа отланади. Бу икки деталь ҳам жонзотдаги сезги қувватини намоён этишда асқотади. Урғочи бўри она аёлни кадрлар, унинг меҳрибонлигини туярди.

Тоғда жонзот болаларига инсон фарзанди томонидан хавф туғилган дамда сюжет таранглашади. Бўри ҳимояланиш мақсадида қаҳрли нигоҳи ила болани кўрқитади. Бердикулнинг кучли кўрқувдан жар тепасидаги дарахт шохига илиниши ўлимига сабаб бўлиши мумкин эди. Шунда йўлдаги заранг таёқдан аёл исини олган бўри боланинг Сарагул ўғли эканини англаб, қаттиқ увлашга тушади, энди қаҳр чекиниб, меҳр устунлик қилади. Ўтовдаги аёл хавотирли увлашни тинглаб бўрига ёрдамга ошиқади. Инсону жонзот безовта қалби бир-бирига талпиниб мададкор бўлмоқчи. Сарагул бўрини ўйлаган аснода, урғочи аёл боласига кўмак мақсадида увлаётгани аён бўлади.

Энди сарлавҳадаги эна ва бўри жуфтлиги меҳр, садоқат рамзини ифодалайди десак хато бўлмас, яъни одамзоту ҳайвонот яхлитлиги, руҳиятдаги яқинлик тасаввурни тиниқлаштиради. Она ҳилқати, меҳру оқибати, жонфидолиги инсону жонзотга бирдек хослиги қонунияти тасдиғини топади. Бундай ҳолат эзгулик, бағрикенгликни тарғиб этади.

Қиссалар поэтикасида бола образи алоҳида вазифа бажаради. Улар самимийлиги, меҳрибонлиги, ишонувчанлиги билан бошқа образлардан ажралиб туради. Ижодкорлар болаларни бош ё эпизод ҳолатда тасвирласа-да, улар тийнатидаги поклик, мусаффолик бошқа қаҳрамонларга ҳам ўз хатосини англаш, маънавиятини бойитишга сабаб бўлади. Шукур Холмирзаев, Нормурод Норқобилов, Тоғай Мурод, Нурали Қобул, Исажон Султон қиссаларида болалар табиат ҳимоячиси, жонзот ҳамроҳи янглиғ талқин

этилади. Улар инсониятнинг беғубор вакили бўлиб, меҳру муруввати билан оламдаги бошқа яратикларга эзгулик келтиради.

Кузатишимиз натижасида қиссаларда инсон туйғуларининг табиат ходисаларига параллел ё контраст келтирилиши воситасида борлиқдаги яратиклар аро қатъий мувозанатни идрок айланиш имкони юзага келаётгани маълум бўлади. Адиблар айна шу мувозанатни меъёрлаштириш, оқилонани ҳамда одилонани йўл тутиш мақсадида онгли инсонга табиат билан ҳамнафас, бир бутунлигини ёдда сақлашни сингдириб бораётгани аёнлашади. Ижодкорлар жонзот образини ҳар томонлама тасвирлашга эътибор бериб, улар туйғу кечинмаси, қондошлик вафосини инсонга ибрат қилиб кўрсатаётгани ойдинлашади.

3.2. Қиссаларнинг структур, семиотик хусусияти

Оламу одам муносабати мураккаб тилсим, уни уқиш закийликни тақазо этади. Курраи заминда микро қатламдан макро дунёгача маълум мувозанатга бўйсундирилган. Уларнинг сифати, белги, хусусияти доим синоатга ишора беради. Санъаткор сўз қудрати ила тирикликнинг маъно моҳиятини баҳолаб боради. Бу борада аниқлик, тифизлик, теранлик каби тамойилларга риоя этиш мақсадга мувофиқ. Шу маънода, ижодкор борлиғи, истеъдодининг инъикоси асарида тажассум топади, десак муболаға бўлмас.

Адабий жараёнда тасаввур ва тафаккур тарзининг янгиланиши қиссалар поэтикасида ҳам кўзга ташланади. Қисса ифода усулида семиотика имконияти, бадий тасвир воситалари поэтик мазмунни тўлдириб боради. Ҳақиқий бадий асар мукамал таркибга эга бўлиб, маъно нуқталари серқатламлиги ниҳон мазмун миқёсини кенгайтиради. Ижодкор туйғу, ҳолат ифодачиси сўзнинг функциясини асар жавҳарига сингдиради. “Структурализм мақсади адабий матннинг семиологияси-маънолар йўналиши, кўпқатламлигини англашдир”⁹⁹.

Семиотика жумладаги сўз мазмуни, шакли, оҳанги борасидаги тасаввурларни яхлит тизимга келтиради. Структура бадий матндаги қисмлараро алоқа, мослашувни намоён этади. У матндаги барча элементларни ўрганиб, маъно йўналиши, кўпқатламлигини таъминлашга, ботиний қувватни мустаҳкамлашга имкон яратади. Структура бадий матннинг эстетик манбаи саналиб, семиологик марказнинг аниқ, тиниқлиги унинг теранлигига ишорадир.

Таркибдаги илк семиотик марказ сарлавҳа бўлиб, унда муаллиф ғояси, концепцияси жо бўлади. Сарлавҳа илк таассурот, муаллиф ҳамда китобхоннинг руҳий мулоқоти дебочаси. Санъаткорлар борлиғи, истеъдоди, ижодий ниятини баҳолаш шу лаҳзадан бошланади.

⁹⁹ Расулов А. Бадиийлик - безавол янгилик. - Т.: Шарқ, 2007 –Б. 29.

“Сарлавҳа асар предмети топилишида муҳим очкич, калит.У асар тури ва аниқланадиган структура билан узвий боғлиқ”¹⁰⁰.

Қиссалар сарлавҳасини кузатганда табиат унсурлари билан боғлиқ номлар кузатилади. “Баҳор қайтмайди”, “Ёзнинг ёлғиз ёдгори” каби асарларга фасллар билан боғлиқ сарлавҳа белгиланади. Алишер Навоий киши умрини фаслларга менгзаб, яхлит бадиий полотнода бунинг ҳикматини англатгани маълум. Мазкур қиссалар таркиби ҳам рамзий маъно замирида қаҳрамон қисматиға урғу берилгани, турли синоатлар имкону сабабдан баҳс юритганини асослайди. Инсон умридаги муҳим лавҳа, ўзгариш, бурилиш маълум вақтда содир бўлиб, хосияти, оқибати билан бадиий ниятни ойдинлаштириши мумкин.

“Юр, тоғларға кетамиз”, “Қоялар ҳам йиғлайди”, “Саодат соҳили” каби қиссалар маскан номи билан қувватланади. Макон тасвири эстетик завқ берибгина қолмай, шу маскан билан боғлиқ асосий воқеа, калитга ишора беради. Тоғ виқори, қоя салобати, соҳил ҳаловати теграсига бош қаҳрамон истаги, орзуси, армони мувофиқлашиб бориши кутилади. Бу номлар курраи заминдаги яратиклар моҳиятини уқишга, яширин мантиқий тизимни кашф этишга ундайди.

“Жайхун устида булутлар”, “Юлдузлар мангу ёнади”, “Ойдинда юрган одамлар” сарлавҳаси бадиий тафаккурда само жисмлари манзарасини жонлантиради. Булут, юлдуз, ой каби метафорик ифода сирлилик, ғайри оддийлик ҳиссини пайдо қилади. Масалан, ойдин – ёруғлик, нурафшонлик белгиси. Одамларнинг ойга боғлиқлиги, у билан бирлигида синоат мавжуд. Муаллиф ойнинг ёғдусида тасвирлаётган кишилар сийрати, табиати, поклиги, эзгулиги боис юксакликка кўтараётгандир. Инсон заминий макондан юксакка эврилишида тасаввур қудрати намоён бўлади. Қиссаларда оламдаги тартиботу низомга бўйсундирилганлар қисматидаги мўъжаз тилсимлар зухурланиб боради.

¹⁰⁰ Феллер М. Структура произведения. - М.: Книга, 1981 – С.87.

“Сарлавҳа муаллиф томонидан шунчаки танланмайди, уни вазият, мақсад, шароит, эмоция (ҳиссиёт) ё мушоҳадага йўналган фикрлаш доираси тақозо этади”¹⁰¹.

Сарлавҳа асардаги асосий маъно қатламига ишора бериб, муаллиф билан китобхоннинг ички мулоқотини жадаллаштиради. Унда борлиқдаги наботот, ҳайвонот, осмондаги жисмлар номи келтирилиб, тасвирийлик, ифодавийлик даражасини орттиради.

“Овул оралаган бўри”, “От кишнаган оқшом”, “Эна бўри”, “Увлаётган ит” каби асарларда ҳайвон номлари акс эттирилади. Булар образ шаклида тақдим этилиб, вафо, садоқати инсоний фазилатга параллел ё контраст берилади. Қиссалар поэтикасида турли ҳудуд, иқлим, шароит кесимида онгли ҳамда онгсиз мавжудотлар ҳаёт тарзи намоён бўлади. Ҳайвонлар тасвирида мифологик элементлар, тотемистик қарашлар қоришиб боради. Кишилиқ оламидаги қонуниятлар силсиласида жонзотлар ўрни, вазифаси ҳам тушуниб борилади.

Энди муайян қиссаларда илк жумла масаласига аҳамият қаратамиз.

“Саодат соҳили” асарида “Уста Биноқул, қани туринг, шом тушмай, хув довонга етиб олайлик!” дея берилади¹⁰².

Биринчи жумлада вақт (шом) ҳамда макон (довон) тасвири аниқ келтирилиб, сафар, йўл тадориғи мотивидан воқиф этилади. Воқеани ривожлантиришда шом оралиқ дам-кечга ишорани англатаётгани, кенгрок қараганда умрга менгзаш, зарур ишни битиришга ошиқиш англашилади. Довон мақсадга эришишдаги аниқ мўлжал, у ирода, сабр янглиғ қабул қилиниб, олис манзил машаққатини, психологик омилини белгилайди.

“Қуёш қаердадир тоғ ортидан, қаердадир чўл адоғидан, қаердадир асрий музлар орасидан бош кўтаради” дея бошланади.”¹⁰³

¹⁰¹ Феллер М. Структура произведения. – М.: Книга, 1981 – С. 90.

¹⁰² Султонов Х. Бир оқшом эртаги. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 –Б.159.

¹⁰³ Малик Т. Алвидо...болалик. - Т.: Ёш гвардия, 1989 –Б.3.

Жумлада шамснинг курраи заминнинг турли масканига нур таратиши образли ифодаланади. Қаердадир гумон олмоши уч ҳудуд: тоғ, чўл, музлик сатҳидаги тадрижланишга эътиборни тортади. Маълумки, қуёш ёруғлик, иссиқлик манбаи бўлиб, унинг тафтидан баҳрамандлик ҳаммага бир хил насиб этмайди. Бадиий асарда қуёш бахт, шодлик улашиш, руҳиятга эпкинлик бағишлаш маъносида қўлланар экан, бу неъматга сазоворлик ёхуд маҳрумлик борасида мушоҳада юритишга тўғри келади.

“Отойининг туғилган йили” қиссаси “Машрабнинг оти нега Машраб? Она қорнида йиғлагани учунми?” жумлалари сўроқ оҳангида берилиб, тарихий шахс номи ёдга олингани билан аҳамиятли”¹⁰⁴.

Мурғак вужуднинг волида жисмидаги йиғисида қандай ҳикмат мужассамлигини билиш душвор. Машраб исми ёдга олинишида шоир сийратидаги ҳақиқатпарастик, маърифатга ошуфталиқ хислатлари назарда тутилади. Бу ғайришуурий, ноодатий фитратли гўдақ қисмати китобхонни ўйга толдиради.

“Ўн саккизга кирмаган мен бор” қиссаси “Кун бўйи осмоннинг зардаси босилмади” сатри билан бошланади¹⁰⁵.

Тасвирдаги само ҳолатида хавотир ҳисси етакчилик қилади. Зарда булут, момақалди роқ каби табиий ҳодисотга урғу бериб, тасвир замирига зулмат тушунчасини бириктиради. Киши фитратидаги зарда осмонга нисбат берилишида маълум ишора сезилиб, бўлажак воқеа оқибатидан огоҳ этади.

Илк жумла мулоқотнинг ибтидоси, қаҳрамон ҳамда китобхоннинг ғайбона учрашуви, композицион сатҳнинг муҳим белгиси. Кейинги ҳолату вазият, диалогу монолог деб очаси. Мавзу, муаммолар борасидаги илк таассурот, бу кейинги босқичга кўтарилиш, фаолликни жадаллаштириш жараёни.

“Бадиий асарда илк жумла ягона сўз ёки бир нечта гап билан ифодаланиши мумкин. Бу ёзувчининг бадиий услуби билан боғлиқ бўлиб,

¹⁰⁴ Аъзам Э. Кечикаётган одам – Т.: Шарқ, 2002 –Б.6.

¹⁰⁵ Норқобил Қ. Кулиб тур, азизим –Т.: Шарқ, 2004 –Б.90.

аксарият асарларда биринчи жумлани мухтасар тасвирлашга уриниш сезилади”¹⁰⁶.

Қиссада эпиграф поэтик мазмунни умумлаштириш, бадий ниятни уқишда муҳим саналади. Муаллиф ёритаётган масалага доир зарур кўчирма (шеър, ҳикмат, мақол, ҳадис каби)ни киритиб, ғоявий, ҳиссий салмоқдорликни оширади. У асосий маънони ўзида жо айлагани, қаҳрамон ҳолатини асослаши, фикрни тасдиқлаши билан эътиборни тортади.

“Ёлғончи фаришталар” қиссасидаги эпиграф қуйидагича:

Коинот гултожи инсондир азал,
Ундадир энг олий тафаккур, амал.
У ҳатто тубанлик ичра ҳам танҳо,
Ё фалак, ижодинг бунча мукамал¹⁰⁷

(А.Орипов)

Неъмат Аминов асарида моддият ҳамда маънавият тушунчасига монанд шеър икки қутбни изоҳлайди. Оламдаги даражаланиш нуқтаи назаридан одам тафаккури ила юксалиб боради. Афсуски, нафс қуткусига ошнолик кишини забуни хор айлаб, таназзулга рўбарў қилади. Кўринадики, мезонни асраш мураккаб, душвор, бунга эришиш сабру қаноатни талаб этади. Коинот, фалакнинг кичик зарраси, бўлаги инсон фитрати мураккаб бўлиб, ундаги эзгулик ҳамда ёвузлик, олижаноблик ва тубанлик аро зиддият барҳам топмаган. Адиб ожиз инсоннинг аъмоли борасидаги мушоҳадасини шу мисралар билан тўлдириб боради.

“Ёлғизлик” қиссасидаги шеър шаклидаги эпиграф муаллиф ниятини тиниқлаштиради:

Парча-парча бўлдим қайдасан?
Юрагимда жарлик қайдасан,
Қулаб тушмоқдаман, қайдасан?

¹⁰⁶ Ҳамроев К. Ҳикояда илк жумла поэтикаси.//Шарқ юлдузи. 2019 №11 –Б.133.

¹⁰⁷ Аминов Н. Ёлғончи фаришталар – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –Б.3.

Ёлғизлигим зўрлик, қайдасан,
Парча-парча бўлдим, қайдасан?¹⁰⁸

Улуғбек Ҳамдам киши тийнатидаги руҳий пўртаналарни образли тасвирлаб, ботиндаги ғалаённи бўрттириб боради. Қаҳрамон ички олами, юраги тубидаги армонга малҳам излаб бўзлайди. Вужуд сокин кўринса ҳам руҳиятдаги безовталиқ “парча” сўзини таъкидлаш, дард даражасини сездириш орқали билдирилади. Бутуннинг бўлакка ажралиши, қайғу, алам, армоннинг ҳислар оқимини юзага келтириши маъно нуқталарини туташтиради. Танҳоликдаги дардманд мужда илинжида ўзга макон, масканга парвоз истайди. Адиб онг остидаги тушуниксиз ҳолат, кайфиятни таҳлил этиб, интилиш, майлларини жиловлашга киришади.

Ҳаёт мураккаб, ҳар ким уни ўз мақсад, муддаосига кўра англашга ноил бўлади. Турмушдаги синоатни бардош ила енгилда донишлиқ, закийлик билан муносабатда бўлиш муҳим. “Қайдасан” сўзи инсон туйғу, изтиробини ҳис эттириши, тўғри қарор машаққатини англатиши билан диққатни жалб қилади. Адибнинг қаҳрамон руҳиятидаги безовталиқ, йўлсизликни саволлар доирасига бириктириш усули самарасини беради. Ёлғизликка мубтало киши кўнглидаги дардни туйишда сўзлар замиридаги маъно қатламинини синчиклаб кузатишни тақозо этади.

“Баҳор қайтмайди” қиссасига Абдулла Ориповнинг “Кетмоқдаман” шеъри киритилган. Бу Алимардон томонидан айтилар экан, самимийлик, софликдан йироқлашиб, тубанликка яқинлашган қаҳрамон вазиятини тиниқлаштиради.

Яхши қол, эй дилбарим, дилда кадар кетмоқдаман,
Ишқ аро энди ҳолим зеру забар, кетмоқдаман,
На ишончу, на қувончу, на кўнгулдан очма гап,
Барчасидан ушбу кун йўқдир самар, кетмоқдаман¹⁰⁹.

¹⁰⁸ Ҳамдам.У.Узоқдаги Дилнура –Т.:Академнашр, 2010 –Б.10.

¹⁰⁹ Ҳошимов Ў.Сайланма –Т.:Шарқ.1993 –Б.240

Образ мантиғига монанд сатрлар руҳий ҳолат даражасини аста баландлаб боради. Ақл йўриғига бўйсунмай, ҳою, ҳавас, шону шуҳрат асирига айланган эркак нафс сиртмоғига бўйин эгади. Йўл мотиви ўзликдан айрилиш, майл, истак қурбони бўлиш, барчасидан воз кечиш нуқтаи назаридан белгиланади. Қаҳрамон коллизиялар қуршовида ўзга манзилни ихтиёр айласа ҳам ишқ, вафо бобидаги забунлигини тан олади. “Кетмоқ” сўзи замирида худбинлик, такаббурлик иллатидан ҳақиқат манзилига интилишга ишора берилади.

Юқоридаги қиссалар таркибида шеърӣ парча келтирилиши муаллиф бадий ниятини теранлаштириш, образ мантиғини асослаш, воқеликни фалсафӣ, эстетик жиҳатдан тўйинтиришга имкон беради. Насрий матн поэтикасида мумтоз ё замонавий шеърӣ лавҳалар руҳият манзараси, туйғулар оқимини жонли, таъсирли етказиб, ифодавийлик, тасвирийлик, оҳангдорликни таъминлайди. Кузатишлар натижасида Абдулла Қодирий (“Обид кетмон”) асарида замонасоз шеър вазият талаби, Ойбек (“Болалик”) қиссасида Машраб, Фузулий, Муқимий, Тавалло шеърлари эҳтиром мақсадида киритилгани маълум бўлади. Ғафур Ғулом (“Шум бола”), Тоғай Мурод (“Ойдинда юрган одамлар”), Мурод Муҳаммад Дўст (“Галатепага қайтиш”) асарларида халқ қўшиқлари, Абдулла Қаҳҳор (“Ўтмишдан эртаклар”), Ўткир Ҳошимов (“Баҳор қайтмайди”), Неймат Аминов (“Ёлғончи фаришталар”), Набижон Боқӣ (“Қатлнома”)лар замондош шоир шеърларидан ғоявий, фалсафӣ мазмунни мустаҳкамлашда фойдаланганлар.

Хайриддин Султон (“Саодат соҳили”), Эркин Ўзам (“Отойининг туғилган йили”), Исажон Султон (“Муножот”), Шомирза Турдимов (“Мезон”) қиссаларида Ҳофиз, Румий, Навоӣ, Бобур, Машраб шеърлари диний, маърифӣ қатламни бойитади. Улуғбек Ҳамдам “Ёлғизлик” қиссасида шоирлик қобилиятини ҳам ёрқин намоён этади. Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Мен - сенсиз, сен - менсиз” қисса поэтикасида мозаика усулидаги шеърлар жамланмаси лирик пафосни қуюқлаштиради. Мактуб (нома)лар замиридаги Мен ва Сен тилсимининг асоси Чўлпон ва Пушкин изҳори ишқидан

озикланади. Бу образлар тийнатидаги ошиқликни китобхонга англатиш мақсадида Ҳувайдо, Эркин Воҳидов, Усмон Азим, Муҳаммад Юсуф, Фарида Афрӯз, Абдували Қутбиддин, Зебо Мирзо кабилар шеъри ҳамда Александр Фет (рус), Бахтиёр Ваҳобзода(озар) байти уйғунлаштирилади. Муаллиф муҳаббат, ишқ қиссасини синкретик йўналишда ташкиллаштириб, туйғу, кечинмани образли ифодалашга, сўзнинг метонимик, метафорик сифатини англатишга, бадий самарадорликни оширишга муваффақ бўлади. Ижодкорлар мавзуга ёндашиш, жанр хусусиятини бойитиш, инсон ботинини таъсирли акс эттиришда бундай поэтик усулдан ўринли фойдаланадилар. Муҳими, қиссалар структурасида шеърлар турли мазмун қирраларини очиб, бадий образ руҳиятини теран ёритиб, яхлит матннинг узвий қисмига айланиб, асарнинг эстетик қимматини бойитишга хизмат қилади.

Адабиётшунос Б.Каримов: “Ёзувчининг бадий-эстетик идеали, бадий-эстетик тафаккури матнда объективлашган ҳарф, сўз, ибора, гаплардаги-поэтик нутқдаги тафаккурга нисбатан кенгдир. Бадий асар матнига яхлит организм сифатида қараш ва герменевтик доирани (бутуннинг қисмларга ажраши ва қисмлардан бутуннинг юзага келишини) ҳис этиш энг тўғри ва холис адабий - илмий тафаккурга хос хусусиятдир”, - дея эътироф этади¹¹⁰.

Қисса жанри инсон сийрати-ю суратини турли ракурсада қамраб олади. Қаҳрамон тадрижини ёритишда фитратидаги фазилату нуқсонни марказга бирлаштириб боради. Унинг этик, эстетик олами ботиндаги сирли тебраниш, бетизгин туйғуларини қабартириб кўрсатади.

Асардаги майда боб, қисмлар аро узвийликни англаш матн моҳиятига кириб боришга туртки беради. Структурада маъно-мазмун товланиши, қат-қатлиги, ҳар замонда янги қатлами намоён бўлиши муҳимдир. Таркиб (структура) – тирик ҳодиса. Унда ботиний эстетик қувват мавжуд. Мана шу

¹¹⁰ Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2014 –Б.45.

қувват ташқи эстетик куч – китобхон билан учрашгач, асар таркибидаги ҳаёт ўзини намоён эта бошлайди.

“Структура бу моҳиятдир, предметнинг инъикосидир. Йўналтирилган, манфаатли инъикосдир. Структурал фаолиятдаги одам воқеликни олиб, қисмлаб чиқади, сўнгра қисмларни қайта бирлаштириб, мазмунидаги фикрларни ёзади”¹¹¹.

Ўзбек адабиёти тарихида кўп ўзгаришлар содир бўлди. Бадиий ижодда воқеликнинг ахлоқий, фалсафий ўлчамлар воситасида ёритилиши янгича талқинга замин яратди. Қисса жанрида оламу одамни поэтик идрок этишдаги теранлик чуқурлашди. Инсон образининг бадиий, функционал хусусиятини ифодалашда дунёқараш, эътиқоднинг ўрни мустаҳкамланиб борди.

Ижодкор сўз воситасида ҳаёт қонуниятини бадиий акс эттириб, умумбашарий муаммоларни диний, маърифий қадриятлар сатҳига бириктиради. Қисса поэтикасида замон ҳамда макон воқелигини қиёсий ёритиш, бадиий образ психологиясидаги илоҳий, дунёвий қарашларни асослаш, руҳиятдаги покланиш жараёнини англантишга интилиш кучайди. Қисса жанри композициясида образлар кўп қирралиги, конфликт ўткирлиги, тасвирда рамзийлик ортиши, ботиний мазмуннинг теранлашиши кўзга ташланади. Дунёдаги ҳодисотларни инсон тақдири билан узвийликда тасвирлаш, тарихий ҳақиқатни бадиий гавдалантириш, фожеий ҳолатларни қиёсий аспектда таҳлил этиш тамойили ортади.

Ўзбек қиссаларига жаҳон тажрибаларининг ижобий таъсири миф, афсоналарнинг матн остига сингдирилиши, тасаввурий ҳамда тахайюлий мушоҳаданинг кенгайиши, мажозий тасвирларнинг қўлланишида идрок қилинади. Қисса жанри тарих ва маданият, фалсафа ва эстетика соҳасидаги янгиликни воқелик сатҳида жонлантириб, бадиий образ ва давр муносабатида реал вазиятни тақдим этишга интилади.

Қиссалар поэтикасида инсон моҳиятини рамзий ишоравий аспектда тасвирлаш, илоҳий ҳикмат асносида олам яратиклари аро муштарақликни

¹¹¹ Барт Р. Семиотика. Поэтика. - М.: Наука, 1989 – С.256.

асослаш, туйғуларни параллел ё контраст муносабатда тизимлаш, бадий, эстетик қувватни мустаҳкамлаш кузатилади. Қиссадаги бош қаҳрамон индивидуал хусусиятини белгилаш, унинг табиат тилсимини ички сезги билан уқиш, бевосита ё билвосита алоқадорлик ҳолатини ҳаққоний гавдалантириш мақсадга мувофиқ.

Қаҳрамоннинг наботот, ҳайвонот билан муштараклиги заминий, самовий манзиллар кесимида ёрқин ифодаланади. Унинг хатти-ҳаракати, олам ҳодисаларини англаб, маънавий қиёфасини намоён этиши, характер табиати, фалсафий позицияси, эстетик идеали истифода этилади. Ижодкор бадий ниятини етказишда характернинг маънавий, ахлоқий қадриятни тарғиб этиши маънони кучайтиради. Оламдаги мураккаблик, сирлилиқ инсоннинг руҳий, фалсафий мушоҳадакорлик, донишмандлик хислатини намоён этиб, ишончли тасвирни юзага келтиради.

“Адабий матннинг серқатламлиги деганда идеал ва борлиқ аро зиддият, айни вақтда мутаносиблик назарда тутилади. Бадийлик табиати мавҳум истакларни эмас, мавжуд ҳаётнинг ичидан келтириб чиқарилган идеал тасвирни тақозо этади”¹¹².

Ижодкорнинг вақт ҳисобида маълум ой, кунни назарда тутиши композицияни ташкиллаштиришда акс этади. Ҳар бир воқеанинг содир бўлиш сабабини ёритиш жараёнида астрономик вақт, маскан инobatга олинади. Бу усул фалсафий, эстетик мушоҳадани, асар структурасини теранлаштиради. Санъаткор тафаккур ва тахайюл оламининг бойлиги қаҳрамон сажиясини, руҳиятидаги тебранишни таъсирли ифодалашга имкон беради.

“Ҳар қандай асл бадий насрда шундай нозик, кўз илғамас воситалар мавжудки, улар нутқни мукамал тарзда ҳис қилиш имконини беради”¹¹³.

Асар структурасида воқеалар содир бўладиган макон кенг маънода йўлни қамраб олади. У орқали маъно кўлами теранлашиб боради. Йўл

¹¹² Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. - Т.: Фан, 2006 –Б.100.

¹¹³ Кожин В. Основы теории литературы. - М.: Знание, 1962 – С.26.

қаҳрамон ҳаракатини ривожлантиришда муҳим, тахайюлдаги истак, майллар рўёбида ҳам унга мурожаат сезилади. Муаллиф мақсадини англатувчи асосий маъно нукталари уйғунлигида йўл тасвири халқа янглиғ муносабатларни мустаҳкамлаб боради. Қиссалар поэтикасида йўл хронотопи диний, дунёвий тасаввурларни сингдириши, инсон ибтидосидан интиҳосига қадар мавжуд тариху маданиятга ишора этувчи ҳодисадир. Баъзан матнда инсон шахсини акс эттириш мақсадида умр йўли дея аниқлик киритилиб, муаллиф ихтиёрига кўра маълум ёшдаги асосий воқеа ёритилиши ҳам мумкин. Қаҳрамон туғилганидан вафотига қадар образ динамикасини тасвирлаш истагида йўл тушунчаси кенгайиб боради.

Адабиётшунос Ҳ. Болтабоев: ”Структурал поэтикада модел тушунчаси бор. Модел ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги тахайюли, тасаввури, у катта ҳаёт моҳиятини кичик парчада кўради, кўрсатади. Ёзувчи талқинидаги ҳаётнинг бир парчаси бизга катта ҳаёт ҳақида тасаввур беради, уни англантишга хизмат қилади,”-дейди¹¹⁴.

Инсон қисматида болалик, ўсмирлик, ўрта ёш, кексалик ҳам ўз физиологик хусусияти, мақсади билан фарқланиб туради. Беғуборлик, қизиқувчанлик Қоровой (Ғ. Ғулом), Мусо (Ойбек), Абдулла (А.Қаҳҳор) сийратига чизги тортади. Ундан шўхлик, дадиллик палласига ўтиш йўли хавфли бўлиб, эҳтиёткорликни тақазо этади. Буни шартли айрилиқ, синоатли дамлар эканини эътироф этиб, йўлдан адашмаслик ҳақ, ноҳақни идроклашга интилиш дейилади. Маълум қиссалардаги Асқарбек (Э.Аъзам), Қамариддин (Т.Малик), Тошмурод (Ш.Бўтаев)ларда жамият низоми, қонуниятидан норизолик ҳолати фарқланади. Асқарбек таълим тизимидаги иллатга қарши йўл ахтарса, Қамариддин, Тошмуродлар жиноят йўлига бошлаган омилни англашга ҳаракат қилади. Мотивлар моҳиятида мослашув ё инкорлашув позицияси устуворлик қилади. Асарлар поэтикасида қаҳрамон психологиясига кириб бориш, характер қиррасини ёрқин ифодалашда аниқ деталлаштирилган фактлар тақазо қилинади. Қаҳрамон ботиндаги муаммога

¹¹⁴Болтабоев Ҳ. Теранлик. Адабиётимиз фаҳри. -Т.: Ўзбекистон, 2007 –Б.212.

ечим топишда унинг зоҳиридаги таҳлика, қўрқувни маҳв этиш, тўғри хулоса чиқариш муҳим саналади. Поэтик мазмунни ўрта ёшдаги аниқ тўхтам, ишонч туйғуси билан тўлдириш, индивидуал фикр, қиёфага эгалик ташкил этади. Кексалик йўли абадият манзилини доим хотирада сақлаш, хотиржам тажрибага таяниб яшаш, йиллар сарҳисобини унутмаслик, тазарруга шошилиш мотиви билан асосланади. Йўл умумий ва хусусий жихатдан фарқланади. Инсоният тарихи, тамаддуни мега тасвир, алоҳида одам мини тушунчани изоҳлайди. Киши зоҳиридаги йўл, тутум, маслак, қарорни ҳис қилмоғи, англамоғи асар таъсир қувватини мустаҳкамлайди. Қисмлар жамланиб бутунни ҳосил қилар экан, йўл хронотопи бақодан фанога қадар идрок этиладиган адабий тушунча бўлиб қолаверади.

Адабиётшунос М.Қўшжонов: “Шундай қилиб, бадиий асардаги ҳар бир қисм, ҳар бир боб ва ҳар бир картина муайян бадиий мақсадга-марказга эга бўлади ва ёзувчи ўз эътиборини ана шу марказда тутиб туради. Бироқ бу марказ ўз хусусиятлари билан эстетик қимматга эга бўлмаса, характерлар руҳий дунёси билан бевосита боғлиқ бўлмаса, бадиий кучга эга бўлмайди”, - дейди¹¹⁵.

Қиссаларда миллий ҳамда умумбашарий қадриятларни тарғиб қилишда замон билан муштараклик етакчилик қилади. Ижодкор муайян даврга хос тамойилни белгилашга, қаҳрамони фитратини турли аспектда ёритишга, мавжуд маданий, эстетик канонлар асосида воқеликни тасвирлашга ҳаракат қилади. Қиссада тарихий шахслар ҳаёти ва фаолияти замон нафаси, манзараси уйғунлигида бадиий тадқиқ этилади. Бунда шароит, ҳукму фармонлар ижтимоий, сиёсий тузум тараққиётини намоён этади. Замондаги қалтис вазиятлар инсон тақдири фонида кузатилиб, унга итоат ё исён даражаси фарқланиб туради. Аҳли уламо Беруний (Миркарим Осим), Ибн Сино (Миркарим Осим)лар даври илми маърифат тараққий этганлиги билан эътирофга молик. Қисса қаҳрамонлари ҳоким адолатига ҳам, тазйиқига ҳам

¹¹⁵ Қўшжонов М. Танланган асарлар. - Т.: Шарқ, 2018 –Б.409.

дучор бўлганда ўзлигини асраш, маслагини эъзозлашни уҳдалаган. Аср , йил, ойлар замондаги юксалиш ё таназзулни кўрсатиш, англантишга хизмат қилади.

Жанр тараққиёти натижасида матн структур, семантик қатламида ўзгаришлар вужудга келиб, сиқиклик, теранлик, тасвирийлик, муסיқийлик , ифодавийлик оммалашаётгани аёнлашади. Шахс тафаккурига диний, ахлоқий, фалсафий аҳкомнинг таъсири фикрлаш тарзи, ҳаётий аъмолида укиб борилади.

Ўзбек қиссачилиги ривожда дунё адабиётининг таъсири катта. Жаҳон адабиёти тажрибаларининг миллий адабиёт вакиллари томонидан ижодий ўзлаштирилиши янгича услуб, янгича талқинда асар ёзилиши, сифат ўзгаришларига сабаб бўлади. Адабий алоқалар ва бой миллий анъаналарнинг қиссачилик тараққиётига таъсири таҳлилларда асосланади.

“Матннинг пишиқ-пухталиги, аввало, санъаткор истеъдодига, айтмоқчи бўлган гапининг ҳаққонийлигига, сўзларга юклатилган маънонинг салмоғига, маромнинг товланиши, тусланишига боғлиқ”¹¹⁶.

Қиссачиликда янгиланаётган услубий, шаклий йўналишлар бадий идрок маҳсулидир. Ижодда субъективликнинг устуворлиги, воқеликнинг ёзувчи тасаввуридаги бадий моделини яратиш, қаҳрамон ботинини теран таҳлил қилиш жараёни қиссаларга ижобий таъсир этмоқда. Жаҳон анъаналарини ўзлаштираётган ёзувчилар қиссаларидаги тасвир усули, рамзий тимсоллар талқини, қаҳрамон ички дунёсининг тизгинсиз эврилишлари, сўз ва оҳанг товланишлари, шарқона миллий рух ифодаси тадқиқ этилади.

Қиссада мазмуннинг теранлиги, ҳаётий материалнинг салмоғи, сюжетнинг сертармоқлиги, характер мантиғи, образларнинг воқеадаги иштироки жанр хусусиятини белгилаб боради. Қиссачилик соддаликдан мураккаблик, бадий мукаммаллик, маъновий кўламдорликка интилади.

Ҳар лавҳа, тасвирда инсоний фазилат, қадр қиммат уйғунлиги яшовчанлик (онтологик) хусусиятини мустаҳкамлайди. Онтология ўзига хос мезон асосида бадий бойликнинг тириклиги сабабини исботлаб беради.

¹¹⁶ Расулов А. Бадийлик - безавол янгилик. -Т.: Шарқ , 2007 – Б.44.

Яъни, унинг ички қатлами илмий-бадий нуктаи назардан баҳоланганда таркибу тизимдаги мукамаллик, теранлик, мантиқийлик уқиб борилади. Асар руҳига сингиб, имо-ишора, сўз оҳанг, тасвирнинг поэтик функцияси белгиланади.

Семиотик таҳлил айнан жумладаги товуш, сўз, тиниш белгилари, пауза, талаффуз меъёрларини белгилашда синчковликни тақозо этади. Шунда ўқувчининг асарни нозик ҳис қилиб, ундаги баланд-паст нуқталарни туйғу қуввати воситасида илғаб олиши осон бўлади. Ёзувчи сарлавҳа орқали асарда ёритиладиган мавзу, ифодаланадиган ўй-ҳиссларини, қарашларини ўқувчига маълум қилишга интилади, айти шу фурсатдан улар орасидаги муштараклик бошланади.

Ҳозирги адабий жараён ҳаётни реалистик тасвирлаш йўлидаги хусусият, тамойилларни кузатади. Адабий жараённи илмийлик асосида баҳолаш матн бадииятини теран ўзлаштиришни талаб этади. У ҳозирги кун ҳикоя, қисса, романларини ғоявийлик ҳамда замонавийлик принципи асосида баҳолаб боради. Янги давр адабий жараёндаги ахлоқий, эстетик, фалсафий мезонларни қамраб олмоқда. Маданий, тарихий қадриятлар асар меҳваридаги таянч нуқталар саналиб, умуминсоний фазилатларни бирлаштириб туради. Ҳар бир ижодкор аввало миллий тили, анъанасини намоён этишга ошиқади. У миллатнинг маънавий ва интеллектуал салоҳиятини, кишиларнинг руҳий маданиятини бойитишга, адабиёт бўстонида китобхонни чорлашга муваффақ бўлади.

Хуршид Дўстмуҳаммад “Ёлғиз” қиссаси асрорини англаш онларида якка, фард сўзлари хотиримизда жонланади. Ёлғизлик ҳолати ўз ақида, маслаҳи истагидаги шахс ёки нарсани шууримизда пайдо қилади. Йўл ҳамда йўлсизлик аро изланаётган, ҳақ ё ботилга қарши курашаётган, ўй, хаёллари билан бандлик даражаси яқкаликка дахлдор сиймо. Муаллиф ифода йўсинида, бадий тафаккурида тобланган воқеликлар матнни ўзлаштириш жараёнида реаллашиб боради. Қиссада макон ва замон кенглигидаги ёлғиз

шахсининг изтиробу фиғони ҳаётий ҳамда ҳаёлий кечинмалари силсиласида зуҳурланиб туради.

Адиб Жулкунбой эътиқоди, соф виждони билан боғлиқ лавҳаларни фалсафий, мажозий мазмун билан уйғунлаштиришга сазовор бўлади. Асарда Абдулла ҳамда Ростғўй амаки образини параллел тасвирлаб, улар муштараклигидан ёзувчи феноменини талқин этади. Структурадаги муҳим маъно нуктаси Ростғўй эртаги замиридаги аччиқ ҳақиқатда жамланади. Абдулла тийнатидаги закийлик, донишлик қалтис вазиятда ҳам инсонийлик шарафини забун этмасликда яққол кўринади. Маҳбуслик, тутқунлик дилбар шахс эркига соя ташламайди, ундаги метин ирода, матонат ижтимоий муҳит гирдобидан омон сақлайди. Адиб руҳий ҳаловат, чин ҳақиқатга интилан инсоннинг ҳодисага онгли ёндашувини тўғри белгилайди. Абдулла ниқобланган дўсту сохта биродардан ноҳақлик кўради, аммо ўзи ҳеч кимга зиён етказмайди. Унинг фитратидаги тўғрисўзлик, фидойилик кулфат келтирса-да, маслагига содиқ қолади:

“Тушунган одам тушунганлиги туфайли тушунмаганлар орасида тушуниксиздир, ёлғиздир... Фикрда, фикрчанликда ёлғиз эди, Абдулла. Ўша ёлғизлик мана энди буткул ўзгача тўнда унинг бошига ёпилганди!...”¹¹⁷

Илмий манбаларда герменевтика термини тушунтираман маъносини англатади. Иқтидор, истеъдод, заковат муштараклигидан моҳият шаффофлашади. Матнда “тушун”, “фикр”, “ёлғиз” сўзлари ўзаклари такрорида маъно қатъийлашиб, шахсга хос ишонч, сабот кўлами мутлақлашади. Кўп нуқталар ҳолат давомийлиги, вазият мураккаблиги, мулоҳаза залворини, ундов белгиси тасдиқни ифодалашга хизмат қилади.

Одамлар ичра фардликка мубтало шахсининг пок эътиқоди, соф кўнгли, юксак салоҳияти мезони тушунмаганларга ноаён, мавҳум туюлаверади. Боиси мувозанатни асраш, эл, миллат ҳурлиги учун донишмандлик мақомига етишиш душвор. Ҳақпараст бошига зулмат тўни ташланса-да, бир қатим нур қаҳрамон тийнатига умид бахш этади. Жумладаги ёлғиз сўзи замирида

¹¹⁷ Дўстмуҳаммад Х. Ёлғиз. // Шарқ юлдузи. 2018. № 6 – Б.61-62.

таъкид, тасдиққа ишора бериб, аҳдига содиқ образ концепциясини бадий асослашга замин яратади.

Носир ҳақиқат манзараларини баъзан тахайюл манзилига кўчириб, руҳий эврилишни символик ҳолатда пардалаб боради. Абдулла ижодкорнинг қаҳрамони Юсуфбек ҳожи билан ҳаёлий мулоқоти икки кўнгилни бир сулукка бирлаштиради. Шахс руҳий яқинлиги, дунёқарашдаги яхлитлик асар ичра асар яралганда яққол кузатилади. Ботиндаги безовталик, руҳиятдаги тебранишлар маъно кўламини тажассум топтиради. Бу адолат манзили ижодкор идеалининг, эстетик позициясининг асосини белгилайди. Хуршид Дўстмуҳаммад бадий образнинг руҳий – маънавий дунёсини миллий, маданий сарҳадлар қамровида ёритиб боради. Муаллиф эркин шахс концепциясини ёлғизлик мотивига қолиплаб кўрсатишга интилади.

Эрнест Хемингуэйнинг ”Чол ва денгиз” асарида ишонч, ирода, жасорат каби азалий ҳамда абадий истилоҳ психологик омиллар негизида шарҳлаб борилади. Сарлавҳада макро - денгиз чексиз ҳудуд билан микро - чол ожиз инсонни параллел тақдим этилиши маъно қатламини нурлантириб боради. Қисса моҳиятида инсон хурлиги, эркинлигига таҳдид солган зарбалар уни парчалаш, синдиришга ожизлиги образли ифодаланади. Денгиздаги сокинлигу жўшқинлик, пўртаналар, мавжланган тўлқинлар улуғворлиги боис одамзотни ҳайратлантирган. Қисса қаҳрамони сийратидаги ирода, матонат жамланиб, зулму ноҳақликни забт этади. Чолни оламнинг митти зарра, қатра, томчисига менгзасак, ундаги ички қувват бари мушкулотга барҳам бераётганидан ҳайратланамиз. Шу маънода денгиз ва инсон аро уйғунлик (тиник сув ғубордан поклайди) қатъий тартиботга сомеъ макондаги ҳаловат сурурини ҳис эттиради. Кундалик ҳаёт симфониясини тинглашга қодир одам мудом мушкулотдан кўрқмайди. У денгизга сайр қилиб кенглик, шаффофликдан таскин топади. Кишининг қудратли денгиз қўйнида ўзини эркин тутиши матонатидан далолат беради. Кекса чол умри давомида денгиз билан тиллашади, дардлашади. Улар нафақат моддият эҳтиёжидан, балки руҳан муштарак бўлиб бирлашган эди. Денгиз хронотопи қаҳрамоннинг

сўнгги манзил йўлидаги сирдоши мақомида қабул қилинади. Баъзан инсон атрофидаги кишилардан кўра борлиққа қалбини очишни маъқул кўради. Табиатдаги синоат, ҳароратни бедор қалб ҳис этиб, уни сақлаш, авайлашга интилади. Танҳо кишининг сабру иродаси денгиздаги йиртқич балиқ билан тўқнашувида синалади.

Инсон ўзининг куч қудрати, диққатини жамлаши, ишончини йўқотмасликка эришиши музаффарлик гарови эканини англайди. Киши бир ишга астойдил киришса, катта марраларни забт қилишга қодирлигини кашф қилади. Ҳаёт зарбаларига дадил қаршилиқ кўрсатишда одам чекинмаслиги, меҳнат заҳматидан ҳайиқмаслиги тарғиб қилинади. Денгиз символик моҳият касб этиб, қаҳрамон сийратига ишонч, мардлик туйғуларини жо қилади. Асарда турфа ранглар, мунгли оҳанглар инсон ҳамда денгиз образини тиниқ ифодалашга йўналтирилади.

Адабиётшунос М.Бахтин: “Муаллифнинг муайян қаҳрамон образини яратиш учун изланиши, интилиши, маълум даражада, унинг ўзи билан кураши ҳамдир. Чунки у ижод жараёнида фақат ўз қаҳрамонининг ҳолатини тасаввур қилади, ичидан ҳис этади ва унинг образида инсонга муносабатини ифодалашга интилади”, - дея эътироф этади¹¹⁸.

Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссасида ёндашув ўзгариб, фожиавий ибтидо оила бўсағасидан бошланади. Уруш қатнашчиси, жабрдийда, кузатувчи, манфаатчи ҳаётий маслаги ўзаро фарқланади. Муаллиф асар поэтикасини ривоят билан тўйинтириб, қадимги авлод тинч юрт орзусида турли ҳудудни саросар кезганини эслатиб, ҳаловат, хотиржамлик туйғусини идеал даражасига кўтаради. Асар структурасида айти шу ривоят муаллиф бадиий ниятининг маркази саналади. Асрлар давомида турли миллату дин вакиллари тинчлик неъматини орзусида ягона маслакка интилгани маълум. Инсоният уруш боис ёвузлик қобиғига асир бўлиб, аслиятидан йироқлашиб боради. Ривоят матнидаги турли мотивларнинг

¹¹⁸ Бахтин М. Эстетика словесного творчества. -М.: Искусство, 1979 – С.9.

ривожланишида, мозий билан бугун манзарасининг мувофиқлашишида таянч нуқта саналади.

Уруш ортидаги қишлоқ аҳли орасида диёнат, оқибатнинг йўқолиши болани онадан, аёлни эрдан, кексани фарзанддан айиради. Оила аркони парчаланиб, хиёнат, фитна қасосга йўл очади. Нормат, Маллабой линияси ”Ўткан кунлар”даги Отабек ва уста Алим учрашуви, диалогини ёдга солади. Қаҳрамонлар ассоциациясида вазият, муҳит бошқа, аммо ёр, аёлдан айрилиқ қисмати ўхшаш. Отабек, Алим нисбатан тинч шароитда яшаса, Нормат, Маллабой урушда қатнашиб, аёлидан айрилади. Анзират фарзанди соғлиғи сабабиятидан гуноҳга ботиб, хиёнатга кўнади. Маллабой ҳисобчига теккан аёлини кечирмагани хотиннинг ўлими билан ниҳояланади. Қаҳрамон зоҳиран бегона, бироқ ботинан дарддош инсон ҳикоясидан ўз келажагига ишорани уқади. Манфаатчи, худбин раис кузатувчи Бийди момо, ўзга аёллар ғийбат, пичингига нишон бўлади. Жабрдийда болалар вафо, меҳр, оқибатдан мосуво бўлади, авлод, инсон насли уруш боис таназзулга юз тутаети. Урушнинг ортидаги ҳолат, шароитда ҳам унинг кўланкаси, совуқ нафаси кишилар орасига нифок, зулм уруғини қадаётгани маълум бўлади. Инсон тинчини уруш вайрон этади, пок қалб эгаси қурол олиб, ўз насли одамзотнинг қотилига айланади, соф туйғуларни жирканч иллат поймол қилади.

Чингиз Айтматовнинг “Сомон йўли” қиссаси композицияси диалог усулига қурилган. Диалог масала моҳиятига кириш, уч замон сатҳида киши қилмишини таҳлил этишга имкон яратади. Мозийдан сабоқ укмаган ғофил келажакни ярата олмаслиги, ҳою ҳавас гирдобидан халос бўлолмаслиги ҳаётий малака, тажриба қамровида далиллаб борилади. Табиат Ер инсон Тўлғаной билан мулоқотида асрий муаммо борасидаги қарашлар теранлашади. Ер кузатувчи мақомида одам саъй-ҳаракатини, кабиру сағир хатоларини таҳлил қилади:

“Эй, одамлар дунёнинг тўрт бурчагида яшаган одамлар, сизга нима керак-Ерми? Мана мен-Ерман, мен барча одам боласига етаман, менга

талашишларингнинг кераги йўқ, менга иноқлик керак. Мен тугамайман, мен хасис эмасман, мен конман, мен ҳаммаларингизга баравар етаман”¹¹⁹.

Мазкур мурожаат жами одамзотга тааллуқли бўлиб, она Ер гўё фарзандлари (аслида инсон тупроқдан яралган), вужудининг парчаларини ҳалокатдан огоҳ этиб, уларни аҳиллик, бирдамлик, яқдилликка чорлайди. Безовталиқ, хавотирлик ҳиссини сезмаган кишилар аслидан бегоналашиб, узоқлашиб тубанлик сари йўналади. Сахий Ер имтиҳон, синов дунёда ер, мулк талашаётган басир, гунг Одамлар умрини зое ўтказаётганидан ташвишланиб, барига мурувват кўрсатиши, неъмат етказишини эслатаверади.

Ер, тупроқ бағрикенглиги боис бани одамга тотувлик, аҳилликни раво кўради, унда ризқ унади, жонзоту одам озикланади. Бироқ унутувчи инсон мезонни, яралиш муддаосини англамай кибрга берилиб, нафсига эрк беради. Аёл тингловчи бари ҳақиқатни, инсон феълидаги қусур, нуқсонни тан олади. Ақлу идрокнинг хоҳиш, истак томонидан маҳф этилиши нифоққа имкон туғдиради. Асосий масала уруш (ички, ташқи, катта, кичик)нинг урчишида нафси аммора сабаблиги англашилади. Инсон бепоён ер устида яралганидан бери талашиб, тортишиб, қон тўкади, бироқ кўзи фақат тупроқ билан тўйинишини фаҳмламайди. Асарда урушнинг инсон ҳамда табиатга таъсири замирида ҳақиқат аёнлашади. Аслида онгли яратик жаҳолат оловини ёқиб, оқибат унинг тафтида куйиб тамом бўлади, табиат эса сокин кузатиб қолаверади. Одамнинг заминий орзулари, ўткинчи ҳою ҳаваси жиловлансагина, уруш содир бўлмайди.

Қиссадаги Алиман келин билан “Уруш одамлари” асаридаги Анзират образида ўхшашлик кўзга ташланади. Алиман хиёнатга қўл уриб, хатосини кеч тушуниб, ўзига ўлимни раво кўради. Анзират эса Нормат эри томонидан ўлдирилади. Ҳар икки воқеада норасида болалар етим қолади. Одам дунёни ўзига бўйсундириш хаёлида гуноҳлар оғушида ғарқ бўлади.

Назар Эшонқулнинг “Уруш одамлари” қиссасида зулм, жаҳолатнинг инсоният таназзулига таъсири далилланади. Уруш офати асрлар давомида

¹¹⁹ Айтматов Ч. Танланган асарлар. - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978 –Б.140.

инсон наслини тириклик ҳузуридан мосуво айламоқда. Урушда ҳеч ким ғолиб бўлмайди, миллату элат ҳалокатга юз тутаети. У киши қалбидаги эзгу фазилатни ёвуз иллатга ўзгартиришга эришади. Обод масканлар харобаларга айланиб, ер юзида вайроналар кўпаети. Инсон бу фожеалардан тўғри хулоса чиқаришга ҳануз ожиз.

Асарда семиотик маъно фожиа, зулматга йўғрилган лавҳада бўртиб кўринади. Нормат ва Анзират аянчли ҳолати оила, жамиятни ҳам сергакликка ундайди. Жаҳолат боис икки ёрти бир бутунликка эришмади. Фарзанд соғлиғи аёл номусидан муҳимлиги уни умрбод тавқи лаънатга маҳкум айлаети. Эр хотиннинг алоҳида танҳолик жазосига ноил бўлиш мотиви қалб изтироби, таваллосини акс эттиради. Муаллиф яккадан умумга қадар урушдан хасталанган, озорланган аҳли одамзотни ўзликдан маҳрум бўлмасликка тарғиб этади.

“Уруш – ер юзидаги ҳамма эзгу нарсани қуритади, сизларни ер юзидан супуриб ташлайди. Қаерда қон оқса, ўша ерда хиёнат кўп содир бўлади, бахт у ердан юз ўтиради, одамлар яшаш илмини эмас, бир-бирини ўлдириш илмини ўргана бошлайдилар, сув ўрнига қон ичадиган маҳлуққа айланадилар”¹²⁰.

Асардаги бош семиотик марказ саналган мазкур фикрлар аҳли одамни тафаккур юритишга чорлайди. Уруш сабаб бари эзгулик маҳв этилиб, кишилар ҳаёти, тириклигига ҳукм ўқилади. Инсон вужудидаги қон ҳаракатланиши физиологик жараён бўлиб, унинг тўкилиши, оқиши танани ҳолсизлантириб, ўлимга яқинлаштиради. Кишилар орасидаги нифок, уруш боис қон тўкиш авжига чиқаети, ўлим ҳолати кўпаети, кўнгилдаги тоза, соф туйғулар ўрнига совуққон, лоқайд иллатлар муқимлашиб боради. Зулм қилиш маҳсус илм мавқеига кўтарилиб, йиллар силсиласида инсонни ўзи яратган уруш домига ғарқ этади. Натижада одам ёвуз маҳлуқ ёрлиғини олганини англамай яшайверади.

¹²⁰ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди – Т.: Шарқ, 2008 –Б.16.

Нафс куткуси киши кўнглига ғулғула уруғини экади. Эзгуликдан бебаҳра ақли ноқислар инсониятни қон денгизида ғарқ қилади. Бахт моҳиятига умумбашарий чизги берилиб, ундан мосуволик марҳумлик диёрига йўл очиши таъкидланади. Ор, номус каби ноёб туйғулар завол топиши, сағир болаларнинг мунгли нигоҳи, қотиллик тамғаси маъно нуқталарини жамлаб боради. Ҳаёт ҳақиқатини умумбашарий муаммолар камровида тақдим этган муаллиф руҳиятдаги безовталиқни мажозий бўёқда акслантиради. Оламнинг сокин куйини ёвузлик симфониясига ғарқ этган уруш қаҳрамонни, инсониятни хавфли йўлда ўз дарду армони қобиғида якка қолдирди. Тўғри, осуда ҳаёт умидидаги киши яна табиатдан мужда кутади. Уни табиатдаги уйғониш жараёни баҳор умидлантирса, сукунатдаги қиш ҳолати сергаклантиради. Одамзот бошига келаётган офатлар қиш янглиғ қалбни музлатса, баҳор сабоси вужудга малҳам бўлиши рамзларнинг бадий кўламини орттиради.

Асарлар сарлавҳаси китобхонда адиблар фалсафий, эстетик қараши, ижодий принципи борасида тасаввур пайдо қилади. Санъаткор изланишлар жараёнида сарлавҳадан тортиб сўнгги жумлагача пишитиб боришга аҳамият қаратади. У инсон руҳий, ижтимоий майлларини инобатга олиб, киши вужудидиги ниҳон оламни кашф этишга интилади.

Чўлпоннинг ижодида ҳам ёлғизлик мотиви поэтик мазмун салмоғини оширгани маълум:

Ёлғиз менми кўклам чоғи йиғлаган?

Ёлғиз менми ҳар умидда алданган?

Ёлғиз менми кўкрагимни тиглаган?

*Ёлғиз менми севинч билан бўлмаган?*¹²¹

Муаллиф танҳолик ҳолатини кўкламдан завқланиб, шодланмаган мен сиймосида баён этади. Баҳор киши умрининг ибтидоси, афсус бу дамда бахтдан мосуво вужудни кўз ёшлари ювиб юпанч беради. Орзулари саробга айланган дардманд яна танҳоликка мубтало. Озорланган кўнгил армони доим

¹²¹ Чўлпон. Асарлар. 1-жилд –Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1994 –Б.42.

севинч онлари рўёбида илҳақ яшайди. Ёлғизликка маҳкум инсон изтиробларига малҳам ахтаради. Умри турли зиддиятларга тўла шоир аслида ўз ботинига нигоҳ ташлаб, барча машаққатга танҳоликда бардош бераётганини фош айлайди. Ҳақиқатан у доим ўз маслағи, виждони амрига монанд ҳаёт кечириб, адабиётга садоқат, меҳр билан хизмат қилди.

“Структурализм инсон характери́ни илдиз-илдизи билан ёритиб берадиган йўналиш сифатида диққатга моликдир”¹²².

Қиссалар семиотик-структур тизими бадиий образларни замону макон билан бутунликда тасвирлашга қаратилади. Адиблар қаҳрамон характери́нинг асосий хоссаларини кўрсатишда семиотик нуқталарни асар руҳига сингдириб боради. Калом мағзини англаган китобхон бадиий асар мутолаасидан эстетик завқ олаверади.

Инсон қисматини бадиий талқин этишда поэтик ифода турфалиги муаллиф концепциясини аниқ ёритади. Ҳаёт ҳамда ҳаёл қоришиқлигидаги воқеликлар сирлилик, ғайритабиийлик сатҳини кенгайтиради. Баъзан макону замони мавҳум сарҳадлар миқёси мажозий усулда уюштирилади. Бунда табиатдаги ранглар мутаносиблиги, оҳанглар жаранги, ўсимликлар ифори манзарани тиниқлаштиради. Асар бадииятини таъминлашда маъно сержило, серқатламлилиги поэтик яхлитликни юзага келтиради.

Ижод жараёнида реал ҳамда нореал замон ўлчовлари воқеликни тимсоллар тилида уқишга чорлайди. Эркин Аъзам “Шоирнинг тўйи” асарида қаламкаш, зиёли, мансабдорлар доирасидаги чиркин муҳитни тасвирлашга интилади. Пичинг, киноя усулида етакчи лейтмотив бўртиб кўринади. Шоир кўнгли умумбашарий қадриятни ўзида жо айлайди, ҳайрат олами ила кенг сарҳадни забт этади. Ҳақ йўлда собит қаламкаш фожиаси собиқ тузум фониди мужассамланади.

Муаллиф метафорик образлар орқали бадиий ниятини амалга оширади. Ҳар бир исм муайян функция бажариб, серқатлам хусусияти воқеалар ривожиди маълум бўлади. Инсон зоҳиран тўғри кўриниши, бироқ ботиндаги

¹²² Расулов А. Бадиийлик - безавол янгилик – Т.: Шарқ., 2007 –Б.43.

эгрилик чин ҳамда сохта маслак соҳиблари муқоясасида рўёбга ошади. Мафкурахоним, Маъшуқахоним, Жиянбека тоифасидаги маҳдудлар исмида пичинг оҳанги яққол сезилади. Хусусан, ўз миллати ҳамда динидан орланган Мафкура ўзагида нишон аниқ берилади. Раҳбарликка эришиш истагида номусу диёнатни қурбон айлаган аёл қобидан чиқолмайди, адолат манзилини тасаввур этолмайди. Бу образлар ижодкор ҳақидаги ёлғон фитналари ила оммани чалғитишга интилади. Оташқалб исмида муаллиф идеали бўй кўрсатади.

Асар марказида икки қутб вакиллариининг мурасасиз беллашуви етакчилик қилади. Аслият ва сунъийликнинг инсон ҳилқатидаги талъати мушоҳадага чорлайди. Оқсоқол, Ажойиб домлалар манфаати йўлида ҳар қандай тубанликдан чекинмайди. Ҳақ ва ботил муқоясасида заҳарханда киноя устунлиги, ироник пафос юқорилиги кузатилади. Кошона ҳам қафас мисоли намоён бўлиб, у ердаги такаббур, риёкор кимсалар маскан ҳашаматидай таассурот қолдиради. Юқорига интилган маккорлар бу йўлда турли разолатдан бош тортмайди. Салобатли тузумнинг биқик ҳавосидан тўйинган басир қалблар ожизлигини ҳис этмайди. Гарчи шоир ноҳақлик қурбони бўлса ҳам, пок кўнгли ила олий мақомга эришиб, халқ юрагида абадий яшайди.

Адиб миллатнинг фидойилари образини талқин этишда шоир қисматини мифологик тасвир меҳварида тақдим этади. Рухлар оламидаги эркинлик тириклик дунёсидаги тутқунликдан буюк саналиб, икки қатлам синоати қисмат теграсида уюштирилади. Бундай ёндашув замон, макон кўламини чекламасдан, кишининг фонийлик ҳамда боқийлик ҳолатига мажоз усулида нигоҳ ташлашга замин яратади. Қиссада қиёфасидан ажралган, исми сифатидан яралган, фирибдан ҳузурланган, пок туйғуни топтаган, истеъдодни ҳўрлаган миллат хоинларининг кирдикорлари фош этилади.

Жанр тақомилида мавзулар кўлами ортгани, образлар тизими ўзгаргани маълум бўлади. Жамиятдаги муаммолар қаҳрамонлар дунёқарашига таъсир этиб, уларнинг фалсафий, эстетик қарашларини янгилаётгани аёнлашади.

Глобаллашув асносида инсон тахайюл оламидаги тебранишлар бадиият намуналарида аксланиб, метафорик моҳият касб этади.

Поэтик ифода йўсинида рамз, тимсоллар салмоғи воқеани таъсирли ифодалашга йўналтирилади. Ранглар муайян нарса, ҳодисага ишора бериб, серкатлам маънони юзага келтиради. Қаҳрамонларга исм танлаш улар сийратидаги нуқсон ёхуд фазилат табиатидан келиб чиқади. Қиссалар поэтикасидаги ўзгаришлар янги талқинларга имкон яратади.

Қисса композициясида ғаройиб ҳодисанинг содир бўлиш жараёни фалсафий психологик мушоҳадани кенгайтиради. Инсон идеалларига монанд мифологик унсурлар ички алоқадорликни мустаҳкамлайди. Чингиз Айтматовнинг ”Оқ кема” асарида бола Она буғу тимсолида йўлбошчини тасаввур қилади. Асар структурасидаги ривоят заминида ҳайвонот меҳру оқибати, бағрикенглиги асосланади. Қавмлар жаҳолати боис сағир қолган гўдакка жонзот муруввати контраст берилади. Инсон ўз наслини маҳв этиш билан сарсон бўлган дамда жонзот унга яшаш имконини яратиб беради. Афсуски, болалар улғайиб, насллари кўпайиб, ҳирсга берилиб, яхшиликни унутишга мойиллашади. Она буғу образи билан бола туйғуларидаги уйғунлик меҳр, шафқат ҳисларининг вобасталигида кузатилади. Асрларда тафовут бўлса ҳам, эзгуликни асраш, тарғиб этишда сарҳад бўлмаслиги, оламда мурувват қадрланиши маъновий қатламни равшанлаштиради. Оқ ранги поклик, шаффофликка умидлантирса, кема саодат манзилига бошлайди. Бола хаёллар оламида ўз эрки, орзусини нозик ҳис қилади.

Нормурод Норқобиловнинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида полвон ғурури, бардоши қоя образига уйғун берилиб, композицияда ички боғланиш мавжудлиги аёнлашади. Инсон орзулари рўёбини фарзандлари камолида кўришдан ҳузурланади. Оталик мақомидаги шахс оила, жамиятда даражасини сақлаши, аввало, маълум арконлар муқимлигида қатъийлашади. Қоя ва ота орасидаги уйғунликда дард туйғуси идрок этилади. Табиатдаги низомга амал қилмаслик ҳалокатга йўл бергандек, инсон ахлоқий мезонидаги кемтиклик парокандаликка етаклайди. Йиғи, кўз ёши рамзийлик ифодасида

инсондаги қалб изтироби қоя тимсолига кўчади. Ботиндаги тугён зоҳирда ўзини намоён этиб, таъсир эффеқтини оширади.

Хайриддин Султоновнинг “Саодат соҳили” қиссасида шахс изтироби, кўнгил армони бепоён соҳил тимсолига ҳамоҳанглиги билан эътиборни тортади. Ҳаётда моддий бойлик, юксак мартабадан соғинч туйғуси устунлик қилиб, армон ҳиссини юзага келтиради. Она юрт тупроғи, иқлими, боболар руҳи шуурда хотира саҳифаларига абадий муҳрланади. Соҳил ушалмас орзу мисол қаҳрамоннинг руҳини безовта этаверади. Қаҳрамон улкан салтанат асосчиси бўлса ҳам кўнгил водийсида танҳоликка мубтало эди. Қалбдаги нихон асрордан ҳеч кимни воқиф этишга интилмаган шахс миллатдоши зиёратида фикрини ўзгартиради. Кўйкий шоҳ дардини туйишга қодир бўлгани боис унга мойиллик билдирилади. Шоҳнинг умри поёнидаги эътирофи, инжа орзуси адиб бадий ниятининг ҳосиласидир. Қаҳрамон ирода қуввати, руҳият манзаралари йиллар сатҳида маъно касб этиб боради. Ватан ҳар бир киши учун муқаддас, қадрли маконлиги сатрлар замирида идрокланади.

Адабиётшунос Д.Қуронов: “Баски, конкрет асар структурасини - бутунликнинг ташкилланиши, уни ташкил этаётган унсурларнинг ўзаро алоқалари, уларнинг қай йўсин бутун ҳосил қилишини ёрқин тасаввур этмасдан туриб унинг мазмун-моҳиятини англаш маҳол. Зеро, структура мазмуннинг мантиқий ташкилланишидирки, ўша мантиқни ўзлаштирмасдан туриб бадий асардан мазмун жиоларини илғаш душвордир”, - дея мулоҳаза билдиради¹²³.

Фаслда ўрганилган муаммога кўра, қиссадаги мантиқий изчиллик, маъно серқатламлигини англашда тафаккур имконидан фойдаланилиб, муаллиф мақсади, бадий ниятини ёритишда матндаги белги, ишораларга маълум маънони яширгани кузатилади. Ўзлаштириш асносида китобхон ҳамда муаллиф мулоқоти жонланиб, қиссадаги воқеликни тасвирлаш

¹²³ Қуронов Д. Адабиётшуносликка кириш. - Т.: Ҳаёт, 2002 –Б.78.

жараёнида кичик лавҳа ё ривоят марказга тизимлашиши, ижтимоий ҳаётдаги жараёни таъсирли ифодалашга хизмат қилиши аёнлашади.

III боб юзасидан қуйидаги хулосага келинди:

1. Бадиий асардаги воқеалар содир бўладиган замон ва макон воқелик тасвирига монанд ўзгариб туради. Инсоннинг ўз ибтидосига интилиши маконий тасаввур кўламини кенгайтириб, илоҳий ахборот билан тўйинтирилади.

2. Қиссаларда вақт ўлчови кун, ой, йил, асрлар қамровида юзага чиқиши, қаҳрамон ҳаёли, хотираси қоришиқлигида воқелик қайта идрок этилади.. Қисса поэтикасида кун қисмга тақсимланиб, аксаран намоз вақти билан белгиланиши, баъзан бу усул рамзийликка ишора бериши кузатилади.

3. Қиссалар поэтикасида сарлавҳа, илк жумла, эпиграфлар асосий маъно моҳиятни ёритишга, структурал яхлитликни юзага чиқаришга хизмат қилади.

4. Ҳозирги қиссаларда қиёфасиз, эътиқодсиз кимсалар инсоний фазилатдан маҳрумлиги киноя, пичинг воситасида ёритилгани кўзга ташланади.

5. Қаҳрамон руҳияти таҳлилида семиотик белгилар (кўп нуқта, сўроқ, ундов)дан фойдаланилиши ҳиссий таъсирчанликни оширишга йўналтирилади.

6. Асар таркибидаги шеърӣ парчалар муаллиф бадиий ниятини теран ифодалаш, инсон руҳиятидаги дардни ҳис эттиришда самарали усул ҳисобланади.

7. Бадиий матнда қисмларнинг жойлаштирилиши, ички меъёр ва мувофиқлик бош маънони аниқ тасвирлашда муҳим саналади.

IV БОБ. ЎЗБЕК ҚИССАЛАРИ ТАДРИЖИ

4.1. Модернистик қиссада бадий образ талқини

Анъанавий қиссада бадий образ фаолияти, хатти-ҳаракати, жамият билан муносабати ёритилиб, китобхон маънавий қарашларига монанд мотивлар тасвирлаб борилган. Жаҳон адабиётида инсоннинг ўз турмуш тарзидан бегоналашуви, ўрнатилган қатъий низомга эътирози, ҳаётидаги хаосга мувофиқлашуви маълум кўникма, ақоидни парчалай бошлади. Одам ҳаёлот олаmidан таскин, паноҳ излаб, ўзини биқик, танҳоликка ҳукм айлаётганини сезмади. У ҳар нарсадан норизолик кайфиятига таслим бўлиб, тушкунликка рўбару бўлди. Киши онгидаги эврилишни ,ботиндаги исённи таъсирли ифодалаш бобида янги образлар пайдо бўлди. Қисса поэтикасида символик мотивлар, абсурд қаҳрамонлар, ноаниқ маконлар бўй кўрсатди.

Ўзбек адабиётида ёвуз кучлар иблис, фолбинлар орқали талқин этилиб, фирибгарлик, сеҳргарлик лавҳалари билан қолипланади. Дунёдаги ахборот хуружи, оммавий маданиятнинг таъсири киши тафаккурида аксланиши матн қатига сингдирилади. Диний ҳамда дунёвий аҳкомлар тизимининг емирилиши, қадрият топталиши оқибатида жаҳолат тазйиқи бўртиб кўринади.

Адабиётшунос Б.Каримов: “Ўзбек адабиётидаги “модернизм” ноанъанавий ифода услубида, воқеликни янгича бадий талқин этишда, шунингдек, шаклий ўзгаришларда кўзга ташланади”, - дея баҳолайди¹²⁴.

Инсон илоҳий ҳикматдан йироқлашиб, олий маслакдан воз кечиб, таъқиқланган, лаънатланган яратикқа интилар экан, йўлсизликка мубтало бўлганини кеч англайди. Бу ҳалқа янглиғ унинг наслини ҳам домига тортади. Ижодкор одамзотнинг коинотдаги олий насабидан маҳрумиятини ифодалашда маконий ҳудудни чекламайди. Муаллиф воқеа ривожда раҳмоний ҳамда шайтоний кучлар ўртасидаги азалий, абадий зиддиятни таранглаштириб боради.

¹²⁴ Каримов Б. Руҳият алифбоси. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016. –Б.7.

Назар Эшонкулнинг ”Қора китоб” ва Шодикул Ҳамронинг ”Қора кун” қиссаларида ранг, нарса, вақт тушунчаларида символик элементлар теранлашади. Фольклор, мумтоз асарларда қора ранги улуғ, буюкка нисбат тарзида қўлланган. Қисса поэтикасида унинг акс хоссасига урғу берилади. Китоб инсониятга илму маърифат асрорини етказишда зиё манбаи саналган, аммо қиссада унинг моҳияти ўзгарган. “Қора китоб” асари бошланишида Одам Ато ҳамда Момо Ҳаввони илк гуноҳга бошлаган Иблис контрасти келтирилади. Модерн асар композициясида ҳам Қуръон қиссалари сюжетидаги мотив матн таркибига сингдириб борилади. Яратганга ошиқ инсон рақиби шайтон боис жаннатдан қувилади. Бу ўғрилиқ иллати ибтидоси кейинги наслга ҳам мерос бўлиб, Чўққисоқол фитнасига замин ҳозирлайди.

Қиссада илоҳий сюжет замонавий ҳалокатдан огоҳликка чорласа-да, сўқир қаҳрамон маънисини англашга ожизлик қилади. Ҳар бир ишни меҳрибон Аллоҳ номи билан бошламай, шайтон даргоҳидан нажот истаган нокас оиласига ўзга тутум, фалсафа раҳна сола бошлайди. Иблис найранги, макри боис фарзандлар тарбиясида хаос юзага келади. Ота ва бола нифоқи бегоналашув жараёнини тезлатади. Муаллиф бир манзил, масканда яшаётган болалар фитратида худбинлик, такаббурлик уруғининг ниш уришида иблис маккорлиги ҳамда ота лоқайдлигини мувофиқлайди. Шу ўринда ғайритабиий чақалоқнинг волида умрига зомин бўлиши мотиви беозор, беғубор гўдак борасидаги тасаввурни пучга чиқаради. Яъни, илк зулм нашидаси аёлни ўлимга, қизчани яшашга, қабоҳатни янада урчитишга ҳукм айлайди.

Инсон ҳиссиёт дунёсига мусиқанинг таъсири борасидаги таълимотни жоҳил ўғил ўз дунёқарашига монандлайди. Санъат турлари барча миллату элатга эстетик завқ бағишлаб, руҳиятга жўшқинлик ёхуд сокинлик бахш айлагани олиму ихлосмандлар томонидан эътироф этилган. Бироқ қиссада курраи заминдаги шовқинот, ҳайқирот тизимлашиб, ёвузлик симфониясини юзага келтиради. Бу киши сийратига ожизлик туйғуларини сингдириб, ҳаловатдан маҳрум этишга хизмат қилади. Рассомликка даъвогар ўғил эса кўркүв суратида бўрининг киши жисмини забт этишидан лаззатланади.

Мазкур қиссадаги чақалоқ қиз образи беғубор гўдак борасидаги тасаввурни пучга чиқаради. Туғилишидан онага азобу кўрқув (уйқусиз, доимий оч гўдак) келтирган, фитратига худбинлик иллоти сингган, падару волида ҳаловатини ўғирлаган образ эътиборни тортади. Адиб иблис найрангининг наслга таъсирини ишоралар билан англатади. Ниҳоят, ожиз онанинг чақалоқ жабридан вафот этиши хархашага барҳам беради. ”Муножот” (И.Султон) қиссасидаги гўдак Ғариб тийнатида беғуборлик, мусаффолик кузатилиб, ёлғиз онасига меҳрибонлиги аён бўлади. Бола улғайган сайин имон ҳаловатини туйиб, Яратганга ихлосини намоён этади. Қуръоний қиссаларда Исмоил (а.с), Мусо (а.с), Исо(а.с)лар туғилишидан онаси, оиласи, қавмига эзгулик, хотиржамлик олиб келган. Муҳаммад(а.с) эса аҳли инсонга саодату ҳаловат келтирган. Яратганга ошиқ бу гўдаклар пок қалби, солиҳ амали билан инсониятни ҳидоятга бошлаган. Асрлар ўтиб, қиссаларда чақалоқ образи икки хил талқин этилганининг гувоҳи бўламиз. Ғариб тимсолида пайғамбарлар низомига риоя этувчи кўнгли тоза бола намоён бўлади. ”Қора китоб” асаридаги исмсиз чақалоқ қалбсиз, қиёфасиз тарзда ботил йўлда собит бўлади.

Қиссада маъсумиятдан бебаҳра қаттол қиз ҳолати кульминацияни намоён этади. Иблиси лаъиндан ҳомиладор қизнинг ўз отаси томонидан ўлдирилиши маҳкумлик ва ҳурлик тушунчаларини муқояса этишга туртки беради. Тасвирда мифологик ёндашув устунлик қилса ҳам, замирида ботилдан ҳақни ажратиш, гирдобдан ҳалос бўлишга уриниш кучайиб боради. Бу ҳалокатни остонадан киритган ота ниҳоят гуноҳи юкини англашга интилгани, зурриётидаги гумроҳликка чек қўйишга киришгани идрокланади.

Асардаги образлар фаолиятидан кўра ўй, фикрлари устунлик қилади. Монологик нутқ шакли қаҳрамонни ўғри, даъваткор, қотил қиёфасида гавдалантиради. Ижрочи мақомидаги фаол нотиқ аввал кузатувчи (фарзандлари, талаба, дўстларига нигоҳ солувчи) даражасига, сўнг жиноятчи (болаларининг Чўққи соқолга бўйсунити) ҳолатига эврилади. Асарда табиатдаги манзаралар туссиз, ҳидлар ёқимсиз тарзда тақдим этилади. Чўққи

соқол харобасидаги бефайз, рутубатли тасвир кўланка янглиғ макону масканга соя солади. Муаллиф нурли, ёрқин лавҳалар ўрнига воқеага уйғун бўёғу бадбўй ҳидларни киритишга аҳамият қаратади.

Қаҳрамонлар исми борасида мазкур позиция сақланиб, ўзлик, кифадан маҳрумларни номлашга ботинилмайди. Бир Чўққи соқол билан кифояланишида унинг тизгини, тўрига маҳкум сояга айланган даҳрийга ишорани тушунамиз. Инсон деган онгли мавжудотнинг жаҳолатга юз буриши қисмларни марказга бирлаштирганда ойдинлашади. Имону куфр контрасти самовий тафаккур синоатини теран ҳис этишга чорлайди. Юксак чўққи орзусидаги майда ўз ҳолати, имконини идрок айлаши, кибрдан хокисорликни афзал билиши саробий кўланкадан муҳофазалайди. Асрий таъна дашномдан ҳақ йўлни фарқлай билиш чин саодатдир.

Адабиётшунос У. Жўрақулов: “Жамият кишисининг кўз ўнгида хаосга айланган дунё, инсоннинг топталган кадр-қиммати маълум кишиларда умуман ҳаётнинг бўлиши шу деган қарашни қатъийлаштирган эди. Аммо ақл юргизиб қаралса, ваҳшийлар тўдасига кириб қолган Одам боласи инсон бўлиб қолиши учун ўзининг инсонийлигидан эмас, балки шу ваҳший тўдадан “бегоналашуви” лозим эмасми?! Ачинарли жиҳати шуки, модернизм жамият ва инсоний қадриятлардан “бегоналашган”, ўз ҳаётига нафрат билан қарайдиган инсон образини идеаллаштиради”, - дея мулоҳаза билдиради¹²⁵.

Ваҳшийликнинг ибтидоси иблис найранги, макридан бино бўлади. Яралиш ондаги интиқом охиратга қадар давом этади. Инсон руҳан поклиги, сабрли, шукрли, итоатлилигини унутган чоғда шайтон васвасасига имкон туғилади. Модернистик образ ўзлигидан маҳрум бўлиб, манфий кутб - иблис измидаги ғофил, лоқайд кимсалар фожиасини умумлаштиради.

Асар таркибий қисмлари сўз қувватини ҳис этишга ундайди. Адиблар сарлавҳа воситасида ғояни етказишга, моҳиятга ишора беришга интилади. “Қора китоб”, “Қора кун” янглиғ сарлавҳаларда қора сўзи замирида нохушлик, хавотир ҳисси пайдо бўлади. Асар структурасидаги маъновий

¹²⁵ Жўрақулов У. Худудсиз жилва. - Т.: Фан, 2006. –Б.26.

катлам сири, жозиби уқиш асносида мутлақлашади. “Қора кун” асарида оқсоқол, сартарош, жувозкаш, сомсапаз, тоға, фолбин, жинни қиз образлари билан боғлиқ лавҳалар босқичма-босқич мантиқни асослаб боради. Адиб қаҳрамонларга исм бермайди, касби ё насабига кўра номлаш амалга оширилади. Хронотоп аниқ белгиланмай, маскан борасидаги маълумотлар персонажлар нутқида тўлдирилади. Асар таркибида бадий компонентларнинг органик бирикиши эстетик қувватнинг намоён бўлишини таъминлайди.

Асар композицияси тугундан бошланади. Масжид ҳовлисида тобут йўқолиши воқеани таранглаштириб, унга турли лавҳалар бирикиб қисмдан бутун яралганда бадий ният теранлашади. Қиссада умр йўлида адашганлар қисмати турли ракурсдан баҳоланади. Жувозкашнинг зиғирга пахта ёғи аралаштириб, ноҳақликка кўникиши, сомсапазнинг ҳаром гўштдан таом тайёрлаб завқланиши, тоғанинг тентак жиянига зўравонликдан орланмаслиги, болаларнинг марҳумлар танасини ўйнаб шумланиши ҳолатлари иллат, қабоҳатни очиқ намоён этади. Муаззин, сартарош, уста, икки мусофир виждонидан айрилмагани сабаб биқик муҳитга шаффоф иқлим беришга интилувчилар тоифаси саналади.

Муаллиф поэтик марказни равшан ифодалайди: “Ўлатдан, тошқиндан, очликдан ва яна алламбалолардан бутун-бутун қишлоқлар тамоман қирилиб кетганини эшитганман, аммо тобутини йўқотиб қўйган элни эшитмаганман. Худо фақат ўз назаридан қолган бандаларининг бошига шундай дарду балони солади. Ҳаммамиз бўғзимизгача гуноҳи азимга ботиб кетганмиз, шунинг касри уриб, бу кўргиликка йўлиқиб ўтирибмиз”¹²⁶.

Инсоният тарихидан маълумки, гуноҳи азим бадали оғир бўлган. Муқаддас Қуръон, диний манбаларда одамзотнинг имону адолатдан мосуво бўлиши оқибатлари аниқ ёритилган. Инсон насли ўлат, тошқин кўринмаган, кутилмаган балога мубтало бўлиб, гуноҳи бадалини ўтаган. Тобут кўриниб турган аниқ нарса, буни йўқотиш даражаси хато, куфрнинг салмоғини

¹²⁶ Ҳамроев Ш. Қакнус қанотидаги умр – Т.:Ўзбекистон, 2016 –Б.91.

орттиради. Ўлат, очликдан қазо бўлган ҳам тобутда қабристонга олиб борилади. Қишлоқ аҳли тирикликнинг охири зарурати уловни йўқотиши бўғзигача гуноҳга, куфр ботқоғига ғарқ бўлаётганини далиллайди. Раҳмоний адолатдан маҳрум кишилар энди шайтоний разолатга рўбарў келади. Онгли яратик тафаккур қобилятидан холи бўлиб, сўқир қалби ила ойдин йўлни ажратолмайди.

Муаллиф ёшу кекса табиатидаги қусурларни фактлар билан асослайди. Тирикликни абадий тасаввур этган ғофиллар охират тадоригини унутади. Ҳар бирининг кичик (микро) нуқсони каттариб макрони ҳосил қилиши аёнлашади. Тобут улов мисол марҳумлар диёрига элтишга восита саналади. Бир деталь орқали маъновий сатҳ такомиллашади, киши гуноҳи серобидан Яратган раҳматидан узоқлашади. Ҳар ишнинг ҳисобини унутган аҳли қишлоқ ўзга маконга кўчишга чоғланади, бироқ одам қисматида қутула олмайди. Қаҳрамонлар манзилини эмас, аксинча ботинини тафтиш айлаб, хатосини тушуниши даркор. Қиссада оломонлик ҳолати фожеалар силсиласида бўртиб кўринади.

Сўз остидаги маъно қатламини ўзлаштириб бориш асл моҳиятни тушунишга имкон беради. Жаҳон адабиёти намуналарида ҳам олий хилқат таназзули изчил асосланган. Габриэль Гарсиа Маркеснинг “Тўкилаётган япроқлар” қиссасида бесамар ўтган умр япроққа менгзалади. Ҳиссиз, масъулиятсиз шифокор Макондо халқи назаридан қолиб, ёлғизликка мубтало бўлади. Адиб шифокор характериға хос чизгиларни полковник, Аделаида, қизи, Меме, бола образлари нутқи воситасида теранлаштиради. Дардманд, касал ҳолиға лоқайд кимса тасвирида бўёқ қуюқлашиб, совуқ нигоҳи, заҳарханда фикрлари сюжетни таранглаштиради.

Аҳли инсон дардига малҳам бўлгувчи ҳакиму табиблар доим эл эъзозида бўлган. Қиссада халқ қаҳриға учраган нокас шифокор жасади хор бўлади. Ҳеч ким уни сўнгги манзилға кузатишни хоҳламайди. Асосий маъно нуқтаси аҳолининг дафн маросимидан бош тортиши лавҳасида жамланади. Чириган жисм, вужуднинг парчаланиши мажозий қатламни қабартиради,

киши танаси, қалби ёвузлик исканжасига ўралади. Ўзини осган шифокорни тобутга солиш, марҳумлар диёрига элтиш кекса полковник зиммасига тушади. Инсоннинг манқуртлик даражаси лаънату қарғишдан бино бўлади. Дунёда тубанлик, жаҳолат жазосиз қолмагай. Муаллиф одабийлик шарифига номуносиб кимсалар ҳатто она заминга бегоналигини шундай далиллайди. Асар композициясида беморлар руҳияти, оналару болалар изтироби ҳолату вазиятни бойитиб боради.

Бу асарлар маънавий таназзул, қалбдаги бўшлиқни шарҳлаб, жаҳолату залолатдан огоҳликка чорлайди. Вақт кишиларни турли синоатдан саралаб ўтказади, бунда фақат ҳақ йўлни танлаганлар боқий ҳамда фоний олам саодатига ноил бўлади. Ўзбек қиссаси “Қора кун” билан жаҳон намунаси “Тўкилаётган япроқлар” асаридаги ассоциатив образлилик моҳиятни теранлаштиради. Икки қисса орасидаги муштараклик тобут деталида уйғунлашади. Бирида гуноҳкор қавм сўнгги уловдан маҳрум бўлса, иккинчисида осий шифокорни тобутга солиб, кузатишдан аҳоли ҳазарланади. Ассоциатив тафаккур негизида шаклланган тасвирлар киши ҳалокатини янги қиёфада тақдим этади. Рамзий, мажозий тимсоллар разолат, манфурлик борасидаги фалсафий умумлашмани мукаммаллаштиради.

Хусусан, Назар Эшонқул ноодатий гўдак(чақалоқ)лар она билан меҳр риштасини узганини ёритиши, Шодиқул Ҳамро киндик қон маънисини англашга интилган бола изтиробини сездириши ёндашув жараёнини тезлатади. Глобаллашув оқимиға ғарқ бўлаётган инсон тийнатидаги ўзгаришлар баъзан ибтидо шаклида пайдо бўлади.

“Биз фарзандларимиз яшайдиган иморатлар пойдеворини фосиқлик ва хиёнат ғиштидан бунёд қилганмиз ва энди бу иморатда туғилажак ҳар бир гўдак йиллар ва ойлар ўтиб, фосиқлик, хиёнат, жаҳолат уруғини урчитадиган авлодлар бўлиб етишади”¹²⁷.

Одамзот ўзга жонзотлардан олий руҳи билан ажралиб туради, у ер юзида тўғрилиқ, ҳалоллик мезонини асрай олиши ила қадрланиб боради. Умр

¹²⁷ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди – Т.:Шарқ, 2008 –Б.195.

аталмиш синов майдони пойдевори меҳр, адолатдан мосуво тикланса, бари ниятлар саробга айланади. Иморат умр, ҳаёт маъносида қўлланиб, вақт силсиласида гўдакликдан кексаликка қадар фосиқлик, хиёнат юки наслга бадбахтликни муҳрлашини таъкидлайди. Инсоннинг илк хатоси авлодни парокандаликка, қабоҳатга етаклайди. Қиссаларда одамзот яралиши тарихи ёдга олиниб, ўғирлик боис гуноҳкорнинг йиллар мобайнида янада тубанлашиб, хароблашаётгани воқеалар силсиласида англашиб борилади.

Болалик фаслида ёвузликка ошно қалблар оила муҳитидан озиқланиши маъно нуқталарини бирлаштирганда тўғри англашилади. Назар Эшонкул ва Шодикул Ҳамро қиссаларида қаҳрамон сийратидаги парокандалик сабаби турли иллат чашмасидан тўйинганида маълум бўлади. Улардаги нотабиийлик кўникмаларга монанд бўлмай, аксинча исёну ғалаён қобиғига ўралгани билан фарқланади. Инсон аталмиш олий мавжудот авлоди таназзулга юз бураётгани улар зурриёти нуқсонидан кўзга ташланади. Асарда шом ҳамда тун тасвирида рамзийлик теранлашади. Йил, ой, кунлар бесамар ўтаётган вақт тушунчасини, куннинг маълум қисмлари киши қисматидаги нотинч ҳолатларни ҳис эттиришга йўналтирилади. Беговта руҳ изтироби таҳлика, хавотир туйғусини уйғотади. Ёвузликка ошно болалар бош чаноқларни ёқиб ҳузурланиш ондаги руҳ талвасаси, сасини тириклар тинглашга ожиз. Болаликдан марҳумлар руҳини беговта қилишдан қайтмайдиган авлод вояга етгач, тирикларни яксон айлаб, ер юзида жоҳиллар салтанатини барпо этади. Беғуборлик ҳиссининг ёвузлик иллатига алмашиши куфру исёнга замин ҳозирлайди. Разолат олами қишлоқ хронотопи билан пардаланиб, у ердаги фожеалар ибтидоси шом вақтига тўғри келади. Адиб кишиларни биқик маскан, зулматдан огоҳ этиб, бутунлай залолатга ботишдан сергак бўлишга ундайди.

Дунё ибтидосидан интиҳосига қадар одам имону эътиқодига иблис тажовуз этади. Ҳаёт пойдеворини эгриликдан тиклаган ноқис оиласини ботилликка ғарқ қилади. Ёвузликдан лаззатланган бола, шайтон ҳукмидаги фарзанд тимсоллари ахлоқий, маънавий ақоидлардан холилиги муқаррар.

Одатда курраи замин нафосатига ошиқлик болалар пок қалбини зийнатлаган. Вақтнинг шиддатли оқимида инсон сурати-ю тийнати ўзгариб, ниқоблари, сохта қиёфаси фош этилмоқда. Тасвирда онг остидаги, руҳиятдаги тебранишлар ифодаланиб, сароб ниятлар ҳосиласи вужудни қамраётгани аксланмоқда. Икки хил тасаввур бахт, ҳаёт мазмунини муқояса айлашда содир бўлмоқда.

Мавзуга ёндашиш тамойили ўзгариб, киши ақлини шоширган ғайритабiiй қаҳрамон маънавият аҳкомларига контраст келмоқда. Адиблар тасаввур, тахайюл маҳсули бўлган образ моҳиятини шарҳлашда сўзнинг маъно кўламига эътибор қаратади. “Қўрқув мусиқаси, исён сурати” номли санъат намуналари замиридаги сохта, сароб илинж персонаж моҳиятини шарҳлаб туради. Зўравон, такаббур, ёвуз манфурларнинг ҳаётга муносабати қора бўёқлар, мунгли оҳангда талқин этилади. Қиссаларда бадiiй образлар вақт синовига дош беролмай, ожизлик, тубанлик гирдобига мубтало бўлаётгани аёнлашади. Уларнинг иблисона макру ҳийласи қиёфасизлик, оломонликка етаклаётгани кузатилади. Ҳиссий ва фикрий маҳдудликнинг синтези инсон метафорик образини шу тарзда тақдим этади.

Хосе Ортега и Гассет: ”Инсон қалбида муаммо бор, у кўтаринки, фожеий. Инсон нимаики қилмасин, унинг ҳамма хатти-ҳаракати шу муаммо билан белгиланади. Уларнинг ҳаммаси шу муаммони ҳал қилиш йўлида кўйилган қадамлардир. Бу муаммо шу қадар улканки, бир катта муҳорабада уни бартараф қилишнинг иложи йўқ, “бўлиб ташлаб, ҳукмронлик қил” деган маталга амал қилиб, одам муаммони бўлак-бўлақларга ажратади-да, аста-секин, қисм-бақисм ҳал қилади”, - дейди¹²⁸.

Инсоният яралганидан ҳозирга қадар уни муаммолар тарк этгани йўқ. Бош масала яралиш муддаоси, мақсадини унутмаслик ҳамда синов дунёнинг интиҳосидаги ҳисоб онларидан огоҳ бўлишга чорлайди. Асрлар давомида одам ижтимоий турмушдаги тилсим ечимини топишга интилади. Ҳар қандай вазиятда ҳам масалани ақлу идрок билан ҳал этиш, виждон ҳукмига

¹²⁸ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. - Т.: Маънавият, 2010 –Б.306.

бўйсунуш мақсадга мувофиқ саналади. Модерн қиссаларда кичик муаммога безътиборлик катта хатоларга пойдевор бўлаётгани композицион сатҳдан англашилаверади. Инсон қиёфасининг нурсизланиб, хиралашиши уни саробга етаклайди. Бу ҳолат онгли мавжудотни кадр, эътибордан мосуво айлаб, жирканч маҳлуқлар доирасига маҳкум айлайди.

“Қора кун” қиссасида кун кенг ва тор маънода тушунилади. Вақт мезонида кун кулфат, нохушликка ишора билан бирга охират кундаги ҳалокатга менгзалади. Боиси кичик каттариб, яхлитлашиб, якунга жамланади. Ҳар лаҳза соатнинг, риояту исённинг ҳисоби қилинади. Асар тугуни тобут йўқолиши мотиви билан мутлақлашади. Деталь функциясига эътибор қаратилса, тирик инсонни умри поёнида марҳумлик диёрига элтувчи улов тушунилади. Бу қиссада ҳам рамзий метафорик қатлам аста аёнлашиб боради. Асарда ҳатто иблис ижрочиси фолбин ҳалокат юкидан хавотирланади. Авлод силсиласида ёвузликнинг урчиши қиссалар моҳиятидан англашилади. Қишлоқ хронотопи лаънатланган маконга айланишида образлар ҳар бир ҳаракатига нигоҳ ташланади. Масжиддай пок маскандан тобутнинг ўғирланиши (бу асарда ҳам ўғирлик мотиви) сабабини кейинги воқеалар шарҳлаб боради. Мой савдосидаги маккорлик, ҳаром гўштли таомнинг сотилиши, тентак қизнинг тоға томонидан зўрланиши маъновий сатҳни аниқлаштиради. Катталар образига чизги тортилиб, эътибор болалар ўйинига қаратилади. Қушлар наслини нобуд этишдан роҳатланган ўсмирлар янада тубанлашиб, марҳумлар чириган жисмидан эрмак ахтариб лаззатланади. Кичик авлод ҳам залолатга ғарқ бўлишида қишлоқ аҳолиси борасидаги тасаввур равшанлашади.

Маънавий тубанлик ёш танламаслиги, муҳитдаги чиркин иллатларнинг урчиши барчани ғарқ этиши асосланади. Янги тобутнинг синиши, гўрковнинг тупроқ остида қолиши мотивида ҳам бўёқ қуюқлашиб, ҳазин оҳанг таралади. Гуноҳга ботган қавм фожиасида макону буюмни эмас, балки ўзини ўзгартириш, тозарттиришга чорлаш мақсад этилади. Муаллиф томонидан турли касбу ёшдаги образларга ном берилмайди, уларнинг

иллатлари фoш этилиши асносида инсон зотига нoлoйиклиги тушуниб бoрилади.

Мoдeрн асарда хронотoпни аниқ кўрсатмаслик, маконий, замoний ўлчoвда сирлилик, мавхумликка риoя этиш кузатилади. Ноoдатий ҳoлатлар, тасoдифий хулoсалар, магик кучлар композицион қатламни мустаҳкамлайди. Бадиий oбраз даражасида ёвуз кучлар фаoллашуви, инсон рухий дунёсидаги тизгинсиз ҳoлатнинг ифoдаланиши, табиатга зуғумнинг oртиши тамоийли намоён бўлади.

Назар Эшонкулнинг “Тун панжаралари” асарида қаҳрамон ёлғизлик ҳoлати туссиз ранглар, ҳазин oҳанг муштараклигида ёритиб бeрилади. Киши табиатнинг ички тартиботидан ҳайратланади. Тун қўйнидаги oдам ҳаёлларига эрк бeришга интилса ҳам, зoҳирдаги зулматга бўйин эгади. Ҳаётда маъно ахтараётган кимса савoллари исканжасида айланиб, йўлсизликдан азият чекади. У қалбидаги исён алангасини шайтон ҳомийлигида кучайтириб бoради. Туш, хотира, тун, ҳаёл қoришиқлигида ёлғиз кимса фoжиаси қатъийлашиб бoради. Асар композициясидаги диалог нафақат кишилар муносабати, балки жин, иблислар мулоқoтини ҳам ташкиллаштиради. Инсон ёруғ кун, oламдан кўра зулмат, қoронғуликка интилар экан, шайтанат дунёсидаги фитналарга рўбарў бўлади. Бу oламдаги қонуниятлар фақат oжиз инсонни залoлатга етаклашга қаратилган эди. Умидсизлик, тушкунлик кишини исёнга етаклайди, шу ҳoлатда у инoн ихтиёрини ўзга ҳийлақoр, риёқoр кучга топширганини сезмай қoлади.

Ян Парандовский: “Ўзи тўғрисида бошқаларга гапириб бeрмoқ – бу ўз қoбиғидан ташқарига чиқиш демақдир, бу – қисқа фурсатга бўлса-да, oёғига чирмашган турмуш занжирларини узмoқ, изтиробли ёлғизлик балосидан ҳалoс бўлмoқ ва ниҳоят, бошқалар билан ўзимизнинг ҳайратомузлигимизни баҳам кўрмoқдир. Ҳа, биз туғилгандан то вафoтимизга қадар ўзимизнинг туйғуларимиз, фикрларимиз, тушларимиз, изтиробларимиз, қувончларимиз,

хавотирларимиз, орзу-умидларимиз бағрида ёлғиз бўламиз”, - дея мулоҳаза билдиради¹²⁹.

Асар поэтикасида монологик ҳамда диалогик нутқ шакли кўзга ташланади. Қаҳрамон кўнглидаги имоннинг сусайиши иблисга имкон беради. Айни шу ҳис қилинаётган ҳолатлар монолог воситасида истифода этилади. У ёлғизлигини ниҳон айлашга уринса ҳам, монологи замиридан бу ҳақиқат ойдинлашиб боради. Дўст, ҳамроҳи билан диалогда мулоқот қатнашчиларининг тушкун кайфияти муқояса этилади.

Қисса композициясида “Тун эртаклари” номли туш ҳақидаги ҳикоялар эътиборни тортади. Туш қаҳрамон ҳаёлотининг ҳудудсиз манзилига сайр қилдириб, вақт тушунчасини забт этади. Айни эркинлик ҳолатни очик, равшан ифодалаш, ички талотўмни таъсирли етказишга йўналтирилади. Бунда аҳамиятсиз, маъносиз вазиятлар ҳам алмашиб келаверади, бироқ замирида яна ёвузлик нафаси сезилади. Киши феълидаги ишонувчанлик бобидаги ҳикояда ҳақиқатга зид ҳолатга оломоннинг бўйсунishi, мустақил фикрлаш кўникмасининг шаклланмаганини далиллайди. Туш ва ҳуш тафовути орқали рўё ва ҳақиқат, нафосат ва жаҳолат контраст қўйилади. Гул гўзаллик, нафосат улашади, уни узган тутқунликка маҳкум бўлади. Бунда маҳбуснинг бир дона гул сабаб ўлимга рўбарў келиши ғайритабиий вазиятни юзага келтиради. Адиб қаҳрамони эркинликдан тутқунликка юз буриб, сўнгсиз оғриқни ҳис қилади. Инсон худбинлашиб, лоқайдлик иллатига йўлиқади. Харобадаги қаҳрамоннинг умидсизлик, тушкунлик кайфияти фаолиятсизлигини ифодалаб боради.

“Тун менинг хилват бошпанам. Балки ёлғиз манзилим ҳам шу ердир. Мен фақат тун қўйнидагина, мана шу кичкина қоронғу бурчагимдагина ўзимни эркин ҳис этаман, кўнглимдаги ўйларни, сирларни унга айтаман”¹³⁰.

Асарда тун оғушида қаҳрамон ботинидаги жараёнлар аста ёритиб борилади. Булар ёлғизликдаги киши изтироби, исёнини, вужудидаги

¹²⁹ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида – Т.: Маънавият, 2010 –Б. 246.

¹³⁰ Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди – Т.: Шарк, 2008 –Б.181.

парокандаликни ошкор этади. Адиб қаҳрамоннинг тундаги диалоги воситасида асосий муаммога диққатни тортади. Шайтон азалдан кишини васвасага солиши, уни нафси қулига айлантиришга интилиши билан маълум. Қаҳрамоннинг шайтон сардори билан мулоқотида асл ният ойдинлашади.

“Мен кўпдан бери сиз билан танишиш истагида юрардим. Ахир билишим керак-да, ким экан тун билан биз шайтонларни безовта қиладиган, ҳа, дарвоқе, тун – бизга қарашли салтанат, бизнинг тасарруфимизда, дахлсиз, - деди у сирли қилиб”¹³¹.

Иблис эътирофидан унинг тундаги эркин фаолияти, ғафлатдаги ҳукмронлиги, такаббурлиги маълум бўлади. Унинг осойишу ҳаловатига ҳалал бераётган кимсани васвасага йўналтиришдан аввал кузатиб, таҳлил қилиб, тазйиқини ўтказа бошлайди. Тундаги танҳо кимсанинг сўлғин, тушкун кайфияти иблисга маъқул келади ҳамда унга тажовуз бошланади.

Хаёл образи инсон истакларини образли ифодалайди. “Сен мен излаб кетаётган шаффоф манзилсан. Сен яшаш ва курашиш учун боқий даъватсан. Сен эса менинг оҳим етмас юксак-юксакларда учиб борасан...”¹³²

Хаёл кенгликларида ҳар қандай инсон ўзини озод ҳис этади. Асрлар давомида одамзот тахайюлидаги эврилишу ўзгаришлар ниҳонлигича қолмоқда. Ҳаётдаги омаду бахтдан мосуволар хаёлида юксак марраларни забт этишга қодир бўлади. Қаҳрамон туссиз, маънисиз, биқиқ зулмат, исканжадан халослик илинжида хаёлига изн беради. У киши ҳавасларига рағбат бериб, яшаш, роҳатланиш завқини оширади.

Тунда ҳасрат саҳифаларини варақлаётган қаҳрамон болалик палласини Робиядек беғубор қиз, ўсмирлик ҳаловатини Ҳосиладай ёр билан хотирлайди. Инсонга самимий муҳаббат куч, қувват ато этиб, уни руҳлантириб боради. Айрилиқ танҳоликка мубтало этиб, кишининг оила, сўнг жамиятдан бегоналашувига сабаб бўлади. Шу ҳолатда муқимлашиб қолган кимса яшаш формуласини тушкунлик, бепарволик ҳукмига ҳавола этади.

¹³¹ Ўша асар. –Б.84.

¹³² Ўша асар. –Б.186.

Қаҳрамоннинг исмсизлиги ҳам модерн асарга хос хусусият бўлиб, унинг умидсиз, лоқайд ҳолатини асослайди. Бу инсон жамиятдаги турли касб, жинсдан нафратланиб, борлиққа адоват нигоҳи билан боқади. Ҳаётидаги фожианинг илдизини ўзидан эмас, атрофдагилардан излайди. Ботиндаги кўрқоқлик, ҳафсаласизлик уни абсурд, маънисиз алфозда кўрсатади. Ғафлат уйқусидаги кимса фақат ғимирлаб юради, ҳеч нарсага талпинмайди, келажак борасида режа тузмайди. У баъзан болаликдаги бахтиёр дамларни соғингандай туюлади, бироқ муваққат истак тез унут бўлади.

Тундаги сукунат асли киши вужудидаги ҳаётга иштиёқнинг маҳв бўлишидир. Халқнинг “Ноумид – шайтон” мақоли асардаги воқеаларни шарҳлашда муҳим функцияни бажаради. Инсон яралишидан унга рақиб иблис ерда, самода, тоғу уммонда ҳозир бўлади. Хусусан, тунда жин, шайтонлар найрангу ҳийласига шароит кўпаяди. Улар қутқуси, васвасаси боис киши муқаддас неъмат имондан айрилганини идрок этмайди, шу сабаб Яратгандан доим паноҳ тиланади.

Адиб асарда шайтон салтанатидаги низомни эслатар экан, исён, куфр боис бу йўлга кирганларни фош этади. Адиб қиссада икки олам манзарасини параллел тасвирлашга муваффақ бўлади. Кишилар кундалик маиший турмуши, ахлоқий қарашлари қамраб олинган жамиятда ҳаёт оқими давом этаверади. Иккинчи сирли олам тун шаклида намоён бўлиб, унинг ёлғиз, ноумид тоифаси шайтон ҳукмронлигига маҳкумлигини тан олмайди. Айни шу олам вакиллари фаолияти модерн асар композициясини ташкиллаштиради.

Муаллиф асарда тирик ва марҳумларни муқояса этиб, умр водийсидаги бахт ва бахтсизлик, саодат ва ҳалокат тушунчасини қаҳрамон ҳасрату надомати доирасида баҳолаб боради. Ҳаётни тун салтанидан иборат деб билган кимса имону шафқатдан мадад олишни ўйласа ҳам унга жазм қилолмайди. Унда ўз дунёсидан нурли манзилга кўчишга ирода, жасорат етишмайди.

Назар Эшонкул қисқа давр – бир тун воқелигини тарих кўзгусида тақдим этишга ҳаракат қилади. Қоронғу бўшлиқдаги қаҳрамон тириклик дунёсига қўл силтаб, хаёл ҳудудига интилар экан, бу рўё, сароблар гирдобига ғарқ бўлаверади. Тун бари фожианинг гувоҳи, куфру исённинг маҳзун кимсани забт этишини сокин кузатади. Панжара куфрдан имонга қайтишга имкон бермаётган тўсиқ бўлиб, истагу шижоат бунга барҳам бериши мумкин.

“Чинданам XX асрга келиб инсоннинг турмуши цивилизация оқибатида мисли кўрилмаган даражада мураккаблашди, одамларнинг ўзаро руҳий муносабатда бўлиш имкони торайди, бундай эҳтиёж-руҳ ҳаёти инсоннинг ичига ҳибс этилди, натижада руҳий изтироб туғилди, руҳ касалликка чалинди... Назаримда модернизмнинг руҳий-психологик асоси шу нуқтадан бошланади,”-дейди ижодкор олим У.Ҳамдам¹³³.

Модернистик асарда қиёфадан маҳрумлик, исмсизлик, тушқунлик ҳолати инсондаги тилсимни кашф этишга қизиқишни орттиради. У яшаётган маскан, муайян анъаналар ҳақида деярли мулоҳаза юритилмайди. Йўлсизлик ҳамда вақтсизлик қаҳрамонни аросатда қолдириб, маънисизликка ундайди. Ҳаётга совуққонлик муносабатини шакллантирган кимса танҳоликда ўз қобиғига бурканиб ўлими онларини кутади. Асосан, тун, зулмат, хароба тасвири, қора бўёқлар, қон иси инсон мавжудлиги, азизлигини инкор этишга қаратилади. Омонат умрдаги сароб ғоялар, хаос, таназзул қаҳрамоннинг ҳаёт борасидаги орзуларини пучга чиқаради. Асардаги нореал лавҳалар, маънавиятдан маҳрум кимсаларни хаёлот кашфиётлари теграсида ҳаракатлантиради.

Инсон жамиятдаги тартибу низомга бўйсунмай, уни инкор этишга уринади. Курраи заминда ўз ўрни, мақомини асрашдан маҳрум кимса энди яшаш моҳиятини унутиб боради. У энди такаббурлик, риёкорлик ниқобини тақиб, бари нарсалардан нафратланишга одатланади. Ботиндаги нафс уни бошқаришга киришиб, жисмоний ҳамда руҳий қувватини жиловлаб боради.

¹³³Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи –Т.: Фан, 2007 –Б.169.

Қалбни тилкалаётган ғусса умид туйғусини емириб ташлайди. Шу ондан инсон тизгини иблис ҳукмига бўйсунади.

Модерн асар “мен”нинг маҳв этилиши, исённинг куртак отишидан таназзулга қадар бўлган ҳалқани аста мустаҳкамлаб боради. Айни ҳалокатнинг ибтидоси инсоннинг шайтон назоратига ўтиши, лоқайду тушқун кайфиятга мослашишини тезлатади. Ҳаётий муаммонинг ичига кириш, тилсимни уқишга интилиш ҳудудсиз олам тароватини ҳис қилишдан бошланади. Қаҳрамоннинг тартибсиз ҳаёти, тушуниксиз кечинмалари ғайритабиий лавҳаларни юзага келтиради. Ижодкор бизга маълум олам ажойиботидан ўзга диёрларга ҳам нигоҳ ташлашга имкон яратади. Курраи заминдаги тилсимотни рамзлар орқали англатишда вақт, макон тушунчаларида аниқликка риоя этилмайди, умумий мақсадни ёритишда ҳаёл маҳсулидан ҳам ўринли фойдаланилади.

Модерн қиссалардаги бадий образ анъанавий образлардан тафаккур оқими, тирикликни англаш жараёни билан фарқланади. Улар учун юксак марра муҳаббат, оила, меҳнат доирасида идрокланмайди. Маънавият борасидаги низомлар ислоҳ этилиб, муҳитдан қоникмаслик, норизолик кайфияти устунлик қилади. Асар поэтикасида қаҳрамон монологи воситасида руҳий маънавий изтиробни ёритилар экан, унинг оила, жамият олдидаги масъулияти ўзгараётгани кузатилади. Характер фаол, ишчан, интилувчан ҳолатини ҳаёлчан, кўникувчан тарзга йўналтиради. У ҳаёт оқимида мослаша олмай, ўзини танҳолик, тутқунликка мубтало этаётганини кейин тушуниб етади. Инсон тийнатидаги итоат сарҳадини исён забт эта бошлайди. Носирлар имону куфр мубоҳасасини қаҳрамон ботинидаги кураш негизда тақдим этади.

Фаслда ўрганилган муаммо натижасида модерн қиссадаги янги образ фалсафий, диний, дунёвий қарашлари янада теранлашиб, киши шахсига ёндашув мезони ўзгарганини асослайди. Қисса композициясидаги макон мавҳумоти, вақт мезони, қаҳрамон синоати орқали ҳаётдан, жамиятдан қоникмаётган лоқайд кимсалар қисматига ишора берилади. Инсоннинг ўзини

кайта кашф этиб, руҳ эркинлигига эришиши ёхуд шайтанат фитнасига мубтало бўлиб, маҳкумга айланиши бадий талқин қилингани, ифода усулида қаҳрамон онгости ҳаракати, сезгилари, хаёллари, тушлари моҳиятни англатишга қаратилгани тадқиқ этилади.

4.2. Қисса жанрида поэтик тил ва услубий ранг-баранглик

Ижодкор шахсиятидаги хусусий жиҳатлар – ўткир зеҳни, маънавий-ахлоқий қарашлари, эстетик принципи, мушоҳада юритиш қобилияти, воқеликни бадиий тадқиқ этиш усуллари ҳар бир ёзувчида турлича намоён бўлади. Адибнинг бадиий образ яратиш маҳоратида тасвирдаги оригиналлик, ғоявий-эстетик жиҳатдан мукаммал ифодаланганлик ҳам кўзга ташланади.

“Реал борлиқдаги, инсон руҳиятидаги турли-туман ўзгаришлар ва кечинмаларни ижодкор ўз онги, дунёқараши, эстетик идеали, мақсади орқали синтез қилиши оқибатида бадиий образ шаклланади”¹³⁴.

Ёзувчининг бадиий тил воситасида образ, портрет, характер, пейзаж яратиш, моҳиятни ёритишда зарур сўз ва ибораларни қўллай билиши, киши тасаввурида конкрет воқеа-ҳодисани гавдалантира олиши муҳим аҳамият касб этади.

“Ҳар бир ёзувчининг услуби, – деб ёзади А. Блок, – унинг қалбида нима борлигига шу даража чамбарчас боғлиқки, тажрибали киши автор қалбини унинг услубидан билиши, шаклни ўрганиши орқали мазмуннинг энг теран маъзига кириб бориши мумкин”¹³⁵.

Муаллифнинг таланти тилни пухта билиши, бадиий тўйинтирилган сўзларни ўрнида қўллай олиши, турли тасвирий воситалар орқали жонли, образли ифодалар яратиш, мантикий изчил, асосли хулосалар чиқариши, аниқ лўнда фикрни баён қилишида намоён бўлади.

Ижодкорлар сўздан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланади. Сиқик жумлалар қатига кенг маъно кўламини сингдириб юборади. Асарлар таҳлилида тигиз, аммо теран ифода, мантикий-изчил тасвир, фалсафий-эстетик қарашлар кўзга ташланади.

Санъаткор сўз воситасида нафақат инсон зоҳири-ю ботини, балки миллий қиёфа, ўзликни бус-бутун, асосли, мантикий фикрлар билан талқин

¹³⁴ Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари ва мезонлари. - Т.: 2004 –Б.13.

¹³⁵ Адабиёт назарияси – Т.:Фан, 1978 –Б.329.

этади. Абдулла Қодирий “Обид кетмон” қиссасида муболағавий тасвир учрайди:

“Хатиб домла Мулла Обиднинг кучоғидаги кўрилмаган даражада зўрайиб кетган қизил уруғ қовунларга ва уларнинг узоқдан кўриниб турган коп-қора қуюқ палакларига қараб ҳайрон қолади”¹³⁶.

Фольклор адабиётнинг қисса, афсона мотивига муштараклик, халқ тасаввуридаги нарсанинг ҳажми, рангининг инобатга олиниши, қовун детали орқали Обид миришкорлигига нисбат берилади. Ҳосил даражасини бўрттириш меҳнатга иштиёқни уйғотибгина қолмай, образлар дунёқараши борасидаги тасаввурни тўлдиради. Мазкур тасвир усули замонавий қиссаларда халқ қиссаларига хос лавҳалар ҳам қоришиқ қўлланишини кўрсатади.

Ойбекнинг “Болалик” қиссасида сифатлаш санъати эътиборни тортади:

Ҳаво ёқимли. Ғир-ғир майин баҳор шамоли...Қуёш осмонда улуғвор кезади¹³⁷.

Табиат нафосати, кўкламдаги тароват ҳаво, шамол, қуёш уйғунлигида тақдим этилади. Уйғониш палласидаги замин ҳодисоти самовий кенгликка қадар қамраб олинади. Қаҳрамон бола фитратидаги беғуборлик ҳам баҳор насимидай ёқимли бўлиб, киши умрининг ҳайрат палласи кузатилади.

Асар матнида жонлантириш санъати ҳам кузатилади:

Мана момақалдироқ ҳавони янградиб юборади. Ҳалигина тиник ярқираб турган ҳавони бир онда коп-қора булутлар буркаб олади¹³⁸.

Борликдаги ҳар бир ҳодиса муайян ҳикматга йўналтирилган. Момақалдироқ овози тинч, осуда ҳолатни издан чиқаради, унга ҳамроҳ булут рангида огоҳлик, сергакликка даъват сезилади. Улар биргаликда сокин заминга зулмат келтиради.

¹³⁶ Қодирий А. Обид кетмон. - Т.: Бадий адабиёт нашриёти, 1959 –Б.72.

¹³⁷ Ойбек. Болалик. - Т.: Ёш гвардия, 1963 –Б.46.

¹³⁸ Ойбек. Болалик. - Т.: Ёш гвардия, 1963 –Б.63.

Ғафур Ғулом “Шум бола” асарида куш турлари, гул навлари борасидаги тасвирлар эстетик завқни оширади.

“Уларнинг уйидаги гулларни-ку сон саноғи йўқ: гулбеор, гулраъно, гулсафсар, гулҳамишабахор, қўқонгул, қалампиргул, намозшомгул, самбитгул, атиргул, картошкагул, кашқаргул-ишқилиб санаб тугатиб бўлмайди.”¹³⁹.

Мазкур манзара бола нигоҳи орқали берилади. Муаллиф икки хусусият: ўзбек кишиси табиатида гулга ошиқлик ҳамда бефарзанд амма гулларга меҳр улашиб, ўзига таскин беришини кўрсатади. Қушлар нағмаси ва гуллар ифори киши сезимларига завқ бағишлайди. Ифодадаги уюшиқ эга ички оҳангни юзага келтиради.

“Жума куни, қўйлар маъраган, туялар бўкирган, отлар кишнаган, бозорчилар сўкишган, толе осмонини бозорнинг чанги қоплаган, даллолларнинг билаклари “бор барака топ”да чарчаган”¹⁴⁰.

Мазкур тасвирда сажъ санъати қўлланган бўлиб, бозор маконига оид манзарани таъсирли ифодалаган. Турли сасу ҳайқириқ жонли, табиий жараённи тасвирлашга хизмат қилган. Тириклик уйига менгзалган бозорда инсонун жонзот яшаш учун курашиб, толеига битилган насибага ошиқади. Вақт (жума) ва макон (бозор) конкрет берилиб, ҳар бир нарсa, кимса ҳолати лўнда ифодаланади.

Ўткир Ҳошимовнинг “Дунёнинг ишлари” қиссасида ифода усуллариининг турфалиги ҳиссий идрок қувватини оширган. Бадиий образ моҳиятини англатишда психологик, эстетик хусусиятлар далилланган.

“Майин шамол эсар, ўрик гуллари унсиз тўкилар, дарахтзор остида майсалар оҳиста тебранар, аммо бутун табиат бир зум унсиз бўлиб қолган, ҳамма-ҳаммаси фақат мана шу дутор садолари-ю қўшиқни тинглагани учун тиниб қолгандек эди”¹⁴¹.

¹³⁹ Ғулом Ғ. Шум бола. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973 –Б.138.

¹⁴⁰ Ўша асар. 182-б.

¹⁴¹ Ҳошимов Ў. Сайланма -Т.: Шарқ , 1993 –Б.130.

Мазкур лавҳада сажъ пейзаж тасвирини тиниқлаштиради. У ҳиссий бўёқдорликни орттириб, оҳанг товланишини намоён этади. Майин, унсиз, оҳиста каби сўзлар метафорик тасвирни қуюқлаштириб, табиат неъматини тимсол даражасига кўтаради. Санъат синтези қаҳрамон сезимига параллел берилиб, оламу одам яхлитлигини асослайди.

Асарда ўхшатиш санъати кузатилади:

Тўнғич чучмомалар энг аввал сукутга чўмган қабристон устида маъюс кўнғироғини чалади. Бағри қон қизғалдоқлар биринчи бўлиб мана шу ерда очилади¹⁴².

Муаллиф баҳор фасли чизгиларини чучмома, лолақизғалдоқ образларида истифода айлайди. У марҳумлар диёридаги сукунатни кўнғироқ жаранги билан пардалайди. Тириклик, яшариш фалсафаси азалу абад сатҳига жамланади. Қизғалдоқ (ол, қизил) тимсолида қон сўзига ишора берилиб, бўёқ қуюқлашади. Адиб сокинлик масканидаги наботот қатламини руҳоний ҳамда дунёвий ҳақиқат ила уйғунлаштиради.

“Бадиий асарда қўлланган образли ифодалар, бадиий тасвир воситалари, фразеологик бирикмалар, халқ оғзаки ижоди намуналари- мақол, матал, ривоят ва ҳикоятлар ижодкорнинг истеъдод қирраларини, бадиий тафаккури ва сюжет қуриш маҳоратини кўрсатувчи омиллардан саналади,”- дея фикр билдиради Д.Холдоров¹⁴³.

Миркарим Осимнинг “Синган сетор ” қиссасида ўхшатиш санъати қўлланади:

“Чўлларни қоплаган чечаклар ҳидидан маст бўлган баҳор шамоли дадил қадам ташлаб кетаётган йигитга тегажоқлик қилаётгандек яктаги этакларидан тортқилар, юзини сийпалаб, гўё қулоғига бир нарсалар деб шивирлар эди”¹⁴⁴.

¹⁴² Ҳошимов Ў. Сайланма. - Т.: Шарқ, 1993 –Б. 97.

¹⁴³ Холдоров Д. Ижод моҳияти - услуб хосияти. - Т.: Turon zamin ziyo, 2017 –Б.21.

¹⁴⁴Осим М. Аждодларимиз фожеаси – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1983 –Б.156.

Фасл шукуҳи, таровати қурук, иссиқ маконга ҳам таъсирини ўтказди. Шамол йигитга пешвоз келиб, унинг кайфиятига монанд кўтаринкилик бахш этади. Борликдаги яратиклар сассиз бир- бирини тинглаб, тушунишида латиф уйғунлик юзага чиқади.

Юқоридаги қиссаларда портрет, пейзаж тасвирига аҳамият берилар экан, она замин нафосатини ёрқин бўёқда ифодалашга эришилади. Носирлар табиий манзарани тасвирлашда кўчма маъноли сўзлардан, иборадан фойдаланилгани кузатилади. Кун, фасл, бирор табиат ҳодисаси содда, аниқ баён қилинади. Пейзаж тасвирида бадиий воситалар—сифатлаш, ўхшатиш, жонлантириш ҳам ўринли қўлланади. Қиссаларда инсон умри, кайфиятига монанд фасл манзаралари киритилиши муаллиф бадиий ниятини англатиш, қаҳрамон ҳолатини ҳис қилдиришга қаратилади.

Ёрқин Аъзамнинг ”Отойининг туғилган йили” қиссасида сажъ қўлланади:

“Олдимда уюм-уюм китоб, дарслик; теварагимда бари яшаш учун илм олаётган кимсалар; ташқарида эса, ҳаёт аталмиш беқиёс мўъжиза: чарақлаган қуёш, тип-тиниқ осмон, топ-тоза ҳаво, кўзни қамаштирувчи атлас кўйлақлар-барно қизлар, ўйноқи фавворалар, хушнағма қушлар...”¹⁴⁵

Тасвирда жонли ҳаёт манзараси инсонга табиат ҳолатини мувофиқлаштиради. От туркумидаги сўзлар ички оҳангга ҳосил қилиб, нарсалар сифати, хусусияти ҳиссий самарани оширади. Уюшиқ бўлақлар муайян предмет, жисм, кимсалар ҳолатини образли ифодалайди. Илм толиби нигоҳида вақтни билим олишга сарфлаш бош маънавий мақсад, ҳаётдан завқланиш моддий эҳтиёж каби тушунилади.

Адибнинг “Шоирнинг тўйи” қиссасида ўхшатиш кузатилади:

“Тириклар беомон, тириклар бешафқат, ўликларга қийин, ўликлар ўзини ҳимоя қилолмайди, улар ночор, қабрларидан туриб ёқангизга чанг сололмайди-ҳеч қурса, шуни инобатга олиб инсоф қилсак бўлмасми?! ”¹⁴⁶

¹⁴⁵ Аъзам Э.Кечикаётган одам –Т.:Шарқ, 2002 –Б.14.

¹⁴⁶ Аъзам Э.Кечикаётган одам –Т.:Шарқ, 2002 –Б.336.

Муаллиф тасвир жараёнида тазод (тирик, ўлик) санъатини ҳам қўллаб, фонийлик ҳамда боқийлик ҳолатини шарҳлайди. Тирик киши сийратидаги иллат даражаси марҳум руҳини ҳам безовта қилиб, одамийлик шаънига номаъқуллиги, ёлғон, сохта риё билан ниқобланиш жаҳолатга етаклаши асослаб берилади. Инсоннинг тубанлашувига инсофу диёнатдан маҳрумлик сабаб бўлиши эслатилади.

Ҳожиакбар Шайховнинг “Аждодлар хотираси” қиссасида илми тибнинг микро хоссалари бобидаги мулоҳазалар савол жавоб усулида тақдим этилади:

“Сиз хойнаҳой одамнинг мияси аслини олганда кўп қаватли омбор эканлигини, унинг қаватлари шахснинг ривожланиши жараёнида информация билан тўлиб боришини эшитгандирсиз? Мазкур информация миямизга генларимиз орқали ўтади. У кодлаштирилган ва ҳозирча одамзот уни ўқишни ўрганиб улгурмаган.”¹⁴⁷

Бу лавҳалар генетика тизимидаги мураккабликлардан бохабар айлаб одам шуури, қувваи ҳофизаси, туш жараёни борасидаги имкониятдан баҳс боғлайди. Кучли зўриқиш, асабийлашиш маълум муддат киши хотирасини заифлаштириши, хотиржам онда мия тизими тиниқлашиб, кишидаги қобилият, интеллектни намоён этиши мумкин. Генетика микроорганизмнинг белги ва хусусиятини, кўникмасини, тириклик асрорини ўқиш илми саналади. Ирсий касаллик, хасталикка чидамлилиқ, биологик боғлиқлик, радиактив нурларга қаршилиқ борасидаги тилсимлар генетика фанининг асос масаласи бўлиб, бу фантастик қисса композициясида ибтидоий ва замонавий кишининг ижтимоийлашув, маданийлашув жараёнини қамраб олган.

Тоҳир Маликнинг “Алвидо...болалиқ” қиссасида болалиқ даври манзарасида ўхшатиш санъати кузатилади:

“Болалиқ тасаввури, болалиқ сурури, яшаш ҳамиша лаззатли, умр фақат ёруғликдан иборат деган тушунча болалиқ даври ҳатлаб ўтилиши

¹⁴⁷Шайхов.Ҳ.Аждодлар хотираси –Т.:Ёш гвардия,1986 –Б.174.

билан биринчи қоронғуликка, биринчи ноҳақликка... урилиб, барча сурурларни чилпарчин қилиб юборган эди”¹⁴⁸.

Мазкур лавҳада инсон умрининг пок, мунаввар дамлари, тирикликнинг фарахбахш даври образли ифодаланади. Болалик беғуборлик палласи, бахту саодат ёруғликка менгзалиб, қоронғулик зулмат ташрифидан огоҳ айлайди. Контраст тасвирда аччиқ ҳақиқатга ишора берилади. Дунёни шаффоф, нурли рангда тасаввур айлаган бола қалби илк ёвузликдан парчаланади, унинг соф туйғулари поймол этилади. Айни шу ондан у улғайиб, муҳитга ўзга нигоҳ билан қарашга мослашиб боради.

“Ота-онасиз ўсаётган болаларнинг ҳаёт фалсафаси, ҳаёт ҳақидаги беимон оталар, бевафо оналар ҳақидаги тушунчалари анча барвақт шаклланади”¹⁴⁹.

Инсоннинг ёруғ дунё, бахт туйғусини тўлиқ ҳис этишида ота-она устун бўлиб, уларнинг фарзанд олдидаги вазифаси муҳим саналади. Меҳр, мурувватдан мосуво болалар қалбида аламзадалиқ куртакланади. Уларда ҳаётга муҳаббат, иштиёқ ўрнига нафрат устуворлик қилади. Тирик етимнинг кўнглидаги соғинч, армон изтиробга айланиб, имонсиз падару волидага нисбатан қаҳру ғазабни алангалатиб боради. Айни шу ибтидо бола қалбидаги эзгуликни забт этиб, ёвузлик сари йўналтиради.

Услуб – ижодкор сийрати кўзгуси. У ёзувчи истеъдодини аниқ-равшан акс эттиради. Ижодкор бадий сўз имкониятларидан унумли фойдаланиб, укуви, диди, дунёқарашини асарларига муҳрлайди.

Тоғай Мурод асарларида китобхон диди, интеллектуал салоҳиятини ҳисобга олган ҳолда воқелик тигиз ва аниқ баён қилинади. Муаллиф воқеа-ҳодисани тасвирлашда, бадий тадқиқ этишда сўз имкониятидан унумли фойдаланади.

“Ойдинда юрган одамлар” қиссасида адирдаги учрашув мотиви эътиборга молик:

¹⁴⁸ Малик.Т. Алвидо...болалик –Т.:Ёш гвардия,1989 –Б.108.

¹⁴⁹Малик Т. Алвидо....болалик –Т.:Ёш гвардия,1989 –Б.47.

“Қоп-қора булутлар Арчакўтал чўкқиларини чалиб кетди.

Шунда ... шунда, булутлар орасида бир чол пайдо бўлди. Чол уст-бошлари оппоқ бўлди. Соқолларида оппоқ бўлди”¹⁵⁰.

Мазкур лавҳа ҳам афсона-эртақ жанрлари йўсинида акс эттирилган. Зулматдан ёруғликнинг таралишида тасвирдаги зиддият мавжуд. Ранглар: оқ ва қора – маъно фарқланишига, манзара, табиат тасвиридаги жозибани юзага чиқаришга хизмат қилади. Муаллиф ранг воситасида рамзий ифодавийликни таъминлабгина қолмай, у орқали маълум маъно қирраларини талқин қилишга ҳаракат қилган. Оппоқ сифати поклик, умид рўёбига ишора бериб, Қоплон кўнгил асроридан Хизр образининг воқиф этилиши, ҳожат сўралишига имкон яратади.

Оймомонинг бешик тебратиб, алла айтишида ботиндаги дардга ишора берилади:

“Аллада Шеробод даштларидай анқиллаб ётмиш кўнгил ноласи бўлди.

Кўнгил дарди бўлди, армони бўлди.

Кўнгил фожиаси бўлди!”¹⁵¹

Муаллиф алла воситасида қаҳрамон тақдирига ишора қилади. Нола, дард, армон сўзлари қалб изтиробини тўлиқ ифодалашга қаратилган. “Фожа” тасвирнинг авж нуқтаси, маъно кучайган ўрин. Боиси аёллик бахтининг мукамаллиги гўдак, фарзанд неъматини ила она мақомига эришишдир. Оймомо ҳам Момо Ҳавво (сўз ўзаги - момо) каби инсон наслини давом эттириш орзусида оилани эъзозлайди. Алла замирига аёл ҳаёти, тирикчилигининг асосий эзгу нияти сингдирилади.

Адиб халқ оғзаки ижоди жанрларидан воқеалар ривожига туртки бериш ҳамда персонаж аҳвол руҳиясини мантикий асослашда фойдаланади. Сюжет чизигида ўлан, ёр-ёрлар равонлик, соддаликни, мақоллар яхлит фикрни, халқ кўшиқлари мунглилик, баъзан жўшқинликни, ривоятлар кучли

¹⁵⁰ Мурод Т. От кишнаган оқшом – Т.: Шарқ, 1994 –Б.313.

¹⁵¹ Мурод Т. От кишнаган оқшом –Т.: Шарқ, 1994. -Б.347.

мантикийликни эртақ, афсона йўсинидаги эпизодлар сирлилик, образлиликни юзага келтириб, ўзига хос кўламдорлик, ифодавийликни уйғун бириктиради.

“От кишнаган оқшом” асарида қаҳрамон сийратидаги ҳолатлар образли акс эттирилади:

“Шундай дейишга дедим. Ана, дедим. Аммо кўнглим туб-тубида нимадир... нимадир бир нима майда-майда ушоқ бўлиб-бўлиб кетди. Тарлон учун ич-ичимдан раҳмим келиб-келиб кетди...”¹⁵²

Мазкур сатрлардаги сокинлик қаҳрамон руҳиятини, қалб изтиробини ҳис қилдиради. Такрор сўзлар (туб-тубида, ич-ичидан –равиш; майда-майда–сифат; бўлиб-бўлиб, келиб-келиб – феъл) ҳолатни изчил тасвирлашга хизмат қилади. Ушоқ асли майда бўлади, тасвирда “майда-майда” ушоқ қўллангани таъсирли бадиий манзара яратган. “Нимадир, нимадир” – у мазкур ҳолатни, дилидаги оғриқни сўз билан ифодалашга ожиз, бунда пауза ҳам кечинмани чуқур ҳис эттиришга хизмат қилади.

Адабиётшунос А. Расулов: “Услуб – ўзлик. Услуб қайсидир маънода тақдир. Услуб – ижодкорнинг ботиний, руҳий сурати”¹⁵³, – дея баҳолайди.

Ёзувчи аёл портретини рассом нигоҳида чизади. Момоқиз: “Энсиз қошлари, киприклари хиёл эгилди” дея тасвирланади-да, асар сўнгида чизгиларга аниқлик киритилади: “У ўроқ ўриб-ўриб ... рўмолининг учи кўкрагига тушиб-тушиб ... уни тагин елкасига ташлаб-ташлаб ... менга қиё боқиб-боқиб... зулфларини тоблаб-тоблаб ... ҳам иболи, ҳам гинали қулиб-қулиб ... қўшиқ айтади”¹⁵⁴.

Аёлга хос гўзаллик, нафосат, меҳнатсеварлик ифодасида қўлланган сўзлар оҳангга мослаштирилади, хусусан, “у” ва “ў” унлилари ички мувофиқлиги мисра жарангдорлигини таъминлайди. Тасвирда сурату сийрат уйғунлиги воқелик кетма-кетлиги, такрор сўзларга урғу берилиши, мантикий асос, паузаларда, майин, нафис оҳангда кўзга ташланади.

¹⁵²Мурод Т. От кишнаган оқшом. - Т.: Шарқ, 1994 –Б.183.

¹⁵³ Расулов А. Услуб - истеъдод портрети – Т.: Янги аср авлоди, 2013 –Б.17.

¹⁵⁴ Мурод Т. От кишнаган оқшом. - Т.: Шарқ, 1994 –Б. 99.

Момосулув тасвирида ташбех ва тажохули ориф санъатларининг умумлашмаси кузатилади:

“Юзлари кулчадайми ё сулувми? Кўзлари қорами ё зиғир гулидайми? кошлари куюкми? Куюк бўлса, қайрилмами?” Қиз киёфаси таърифида юз, кўз, кош ифодасида образлилик, сўроқ оҳанги етакчи. Муаллифнинг мақсади таъриф ё тавсиф воситасида маҳбуба суратини изчил чизишга қаратилган. Оймомо портретида ровий ҳайрати, ҳаяжонини яширмайди:

“Сарвқад бўлди.

Сағир бир қиз бўлди, бир қиз бўлди-е!!

Сулув юзларини оппоқ десак, бизнинг ҳақимиз кетади. Қорачадан келган десак, қизнинг ҳақи кетади.

Бугдойранг бўлди.

Барчин юзли бўлди, саратон юлдузли бўлди”¹⁵⁵.

Жумлаларнинг янги сатрдан бошланиши, “с” ва “б” товуши жарангдорликни, сажъ – барчин юзли, саратон юлдузли; бўлди феълига урғу берилиши – барчаси оҳангдошликни юзага келтирган. Тасвирда аввалги сатрдаги таърифни кейинги сатрда янада кучлироқ, тўлиқроқ, аниқроқ ифодалангани намоён бўлади.

Адиб яратган мазкур портретлар бири иккинчисини такрорламайди. Ўхшатиш, жонлантириш, тажохули ориф каби санъатлар портретдаги тиниқлик, жозибанинг юзага чиқишига туртки берган. Асарларда портретларга қаҳрамон ё ровий нигоҳи орқали чизги тортилади. Тоғай Мурод мумтоз адабиёт анъаналарини насрда давом эттирди, шеърый санъат жозибасини насрий матнда намоён этди.

Адиб тез айтиш усулидаги бир хил товуш такрорига асосланган образли ифодаларни ҳам самарали қўллайди:

“Сурхон саратони саратонни саратони бўлди.

Аёлимиз аёллар ашуласини бошлади.

Атиргуллар атриёт анқитди.

¹⁵⁵ Ўша асар. –Б.222.

Табиатни тўлғоқ тутди”.

Мазкур сатрлар оҳанги узлукли, тез ва шиддатли нутқ ҳосил қилади.

Бунда ҳаракатдаги давомийлик, кетма-кетлик аниқ кўрсатилиб, томонларни монандлаш фикр изчиллигини юзага келтирган. Бадий воситалар асарлар руҳига сингиб, таъсирчанликни оширган, манзаралар табиий жонланишига замин яратган.

Ўхшатиш санъати:

Саратон ошиқ юрагидай ёнди.

Халқ ... кўклам елларида чайқалмиш буғдойзор мисол ... тўлқинланиб-тўлқинланиб олди. Умид одам учун мисоли уфқ.

Жонлантириш санъати:

Субҳи содиқ маҳалдан саррин-саррин саболар эди. Саболар танларни силаб-сийпади, саболар вужудларни эркалаб ўйнади.

Муаллиф насрий матнда бадият асослари – шеърий санъатлардан унумли фойдаланган. Насрий асарда воқеабандлик китобхон ҳаёлини қамраб олиб, уни мушоҳадага, ўйга чорлашидан диққат-эътибори моҳиятни англашга қаратилган бўлади. Вақти-вақти билан вазиятни озроқ юмшатиш, тинимсиз ишлаётган тафаккур, асабларга ҳузур бахш этувчи лавҳа, кўринишларни киритиш, яъни тасвир табиий реаллиги айна дамда ҳолат образлилиги ўқувчи туйғулари, сезимларига ижобий таъсир қилади.

Тоғай Мурод асардан-асарга улғайиб, маҳоратини, бадий дидини ўстириб боради. Сўзларни такрор, зид қўллаш оҳангдорлик, ҳиссий таъсирчанликнинг юзага чиқишига туртки бўлади. Ўқувчи матн ўзлаштириш жараёнида мақол даражасига кўтарилган ибораларни учратади. Муаллиф қалбидаги асосий гаплар, қарашлар жумла, ибораларга кўчгани маълум бўлади.

Адиб *сажъ*дан ҳам унумли фойдаланади:

“Беғубор болалик, бебош ёшлик, яқин олисларда... яқин олисларда-сочларнинг оқи, юзларнинг бужури, кўзларнинг нури, кўнгилнинг туб-тубида қолди”.

Сажъ ритмик функция бажаради, насрда оҳангдорликни таъминлайди, мазкур парчада ҳам вазндош сажъ тури қўлланилган: беғубор болалик – бебош ёшлик, сочларнинг оқи, юзларнинг буружи – кўзларнинг нури. Сажъ бевосита тасвирдаги изчилликни юзага чиқарган.

Жуфт от ва такрор равишларнинг ўзаро қофияланиши эвфоник жарангдорликни оширади:

“Ноз-неъматлар товлана-товлана туради.

Ширин-шакарлар боллана-боллана туради.

Аччиқ-чучуклар бўйлана-бўйлана туради”.

Насрий асарда муаллифлар сажъ орқали маълум ҳолат, тасвирни образли ифодалашга эришган. Сатрларда бўгин тенглиги ёхуд бир оз фарқланиши кузатилади, воқеликнинг муфассал, равшанроқ ифодаланиши, маълумотнинг аниқ, лўнда берилиши эпик асарга хос жиҳатни белгилайди, тасаввур имконини кенгайтиради.

Нормурод Норқобиловнинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида сажъ қўлланилиши маълум бўлади.

“Отини секинлата-секинлата, ўгирилиб кўчкига, шовқиндан чўчиб, арчазорда ғуж бўлиб турган сурувга, қози атрофида айланаётган кекса отга, бағри куйган арчага бир-бир боқиб, аста йўлга тушди”¹⁵⁶.

Мазкур мотивдаги от туркуми (кўчкига, сурувга, отга, арчага, йўлга) ички тадрижни босичма босқич кўрсатиб, оҳангдошликни юзага чиқаради. Бу манзаранинг таъсирли, кучли ифодаланишига хизмат қилади. Қаҳрамон ҳолатига кекса от, бағри куйган арча бирикмалари параллел келтирилиб, руҳиятдаги изтироб, аламни ҳис эттиришга имкон беради. Инсон қалбидаги дардни енгиш, умрини сарҳисоб айлаш мақсадида йўлга танҳо чиқади.

“Қуёш ўша-ўша мўл-кўл нур сочар, оппоқ бир булут кунботишдаги қоя бағрига соя ташлаб, оҳиста сузиб борар, неваралари аллақачон эшакқўпкарини тугаллаб, ҳовли саҳнида чопқиллашиб юришар, аёллар негадир ўрмак тепасида ғуж бўлиб туришар, кампири эса, бир қўлида урчук,

¹⁵⁶Норқобилов Н. Тоғдаги ёлғиз одам –Т.:Шарқ, 2011 –Б.252.

иккинчи кўли билан белини тутганча улар бошида тик қотган, чамаси келинларига ниманидир уқтирмоқда эди”¹⁵⁷.

Қуёш, оқ булут борлиқнинг бўлак, қисмлари мувозанатини асрамоқда. Самодаги тароват, жозиба ер, заминдаги инсонлар кайфияти, ҳолатига монанд тасвирланади. Фақат кунботишдаги қоя рамзий маъно касб этиб, ота дардига соя ишора беради. Ота хонадонидаги болалар, аёллар эса кундалик ташвиш, юмушлар билан банд. Отанинг руҳий изтиробини одамлар, яқинларидан кўра табиат жисми булут ҳис этади. Сочар, борар, юришар, туришар каби феъллар ички қофияни таъминлаб, эстетик таъсир қувватини оширади.

Шойим Бўтаевнинг “Шўродан қолган одамлар” қиссасида сажъ кўлланади:

“Бундан ичкаридагиларнинг тоқатлари тоқ бўлар, малолланишар, ғазабланишар, билиб кўриб турсалар-да нега кетмайди, деб бир-бирларига қарашар, аёлнинг бу ҳолати ... гўё уларнинг мол-мулкларига таҳдид солаётгандай, моликоналарининг кўркига путур етказаётгандай бўларди”¹⁵⁸.

Тасвирда бўлар, малолланишар, ғазабланишар, қарашар феъллари ички оҳангни юзага келтиради. Инсон қадри, иззатининг йўқолишига кундалик вазият, ҳолат сабаб бўлади. Назоратчи аёли рўзғоридан қийналгани, эрининг лоқайдлиги боис қўшнилар олдида қадрсизланиб боради. Кишилардаги ачиниш ҳисси ғазабга айланаётганини англамаган аёл ночор, тушкун ҳолда таҳқирланиб қолаверади.

Ижодкор ғояси, эстетик қарашлари характер моҳиятининг қай даражада ёритилганига, ўқувчининг қабул қилиши, характер зиммасидаги вазифани тўғри аниқлай олишига ҳам боғлиқ. Зеро, ўқувчи қаҳрамон ҳолатини кўради, эшитади, ундаги масрурлик ё маҳзунликни ҳис қилади.

Қиссаларда ҳиссий самарадорлик кучайтирилиши, нутқ синтактик элементларининг тартибли тақсимланиши, мазмун салмоқдорлиги, фикр ва

¹⁵⁷Норқобилов Н. Тоғдаги ёлғиз одам –Т.:Шарқ, 2007 –Б.255.

¹⁵⁸Бўтаев Ш. Ҳаёт –Т.:Шарқ., 2000 –Б.377.

туйғу уйғунлиги, асар оҳангдорлигига эришишда муҳим восита ҳисобланади. Жумла равонлиги, товуш ва сўз жаранги, мантикий пауза, қофия ва такрорлар, интонация жилвадорлиги эмоционалликни оширади. Бадий воситалардаги хушоҳанглик, ёрқин бўёқдорлик, фалсафий теранлик асар моҳиятини англаштиришда киши ҳиссиётига таъсир этувчи янги поэтик тасвир яратди. Матнда маъно қирраларини акс эттириш, сўзнинг нозик маъно фарқланишлари, оҳанг турланишларини ифодалаш, нутқни мукамал ҳис қилиш имконини беради. Ёзувчи тафаккур ва тасаввур оламининг кенглиги, истеъдоди, диди, сажияси, асарлар воситасида англашилади.

“Ёзувчининг ёзувчилиги у танлайдиган бадий воситаларда намоён бўлади. Бу воситалар ёзувчи кўрсатмоқчи бўлган таассуротларни имкони бор қадар кенг ва теран қўзғатмоғи ёхуд чиқармоғи мумкин бўлсин. Бошқача айтганда, у эстетик самарага эга бўлсин, бу самара эмоционал, интеллектуал йўналишга эга бўлсин”,- дейди Ян Парандовский¹⁵⁹.

Тўхтамурод Рустамов “Танаффус” асарида инверсия ҳодисаси воситасида изчил ҳолатни намоён қилишга аҳамият берган:

“Бошланди шу тахлит кўрик: бармоқларим текширилиб, яна бир чизик тортилди дафтарчага- бу демак, тирноғим ўсик; оёқларим текширилиб, яна бир чизик тортилди-бу демак, бошмоғим ифлос; папкам очилиб текширилгач, яна битта чизик тушди дафтарчага-бу демак, бирорта ҳам дафтар олиб келмаганман бугун мактабга; ҳеч қаерим текширилмай, яна битта чизик тортилди-бу демак, мактабга қондани бузиб, енги калта катак кўйлақда келганман...”¹⁶⁰

Жумлаларда инверсия ҳодисаси наср тили ифодалилиги, жозибасини ошириб, фикрни алоҳида ажратиб, таъкидлаб кўрсатган. Асосан, такрор-бу демак эътиборни тортиш, муҳим бир воқеага кишини тайёрлаш мақсадида қўлланган, мисраларда чизик тортилди бирикмаси аввалги тушунчани янада таъкидлаб, тўлдириб, кучайтириб ифодалашга йўналтирилади. Ўқувчилар

¹⁵⁹ Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида – Т.:Маънавият, 2010 –Б.263.

¹⁶⁰Рустамов.Т.Ғаройиб мактуб –Т.:Шарқ,1995 –Б.49.

ички назорати мотивида бола табиатидаги безътиборлик, бепарволик хусусияти маълум қилинади.

Қиссалар поэтикасида сўз такрори, товуш жарангдорлиги, қофиядош сўзлар, зид сўзларни қўллаш орқали жумла таъсирчанлиги ҳосил қилинади. Ёзувчилар ҳис-туйғу, кўтаринки ҳолатларга мувофиқ сўзни танлайди. Асар гоёси, қаҳрамон дунёқараши, жамият ва инсон муносабатлари ифодасида муаллиф зийрак нигоҳи аҳамиятга эга.

Ижодкорлар сўздан тежаб-тергаб, оқилона фойдаланади. Сиқик жумлалар қатига кенг маъно кўламини сингдириб юборади. Асарлар таҳлилида тигиз, аммо теран ифода, мантикий-изчил тасвир, фалсафий-эстетик қарашлар кўзга ташланади.

Адабиётшунос М. Храпченко : “Ёзувчи ижодининг кўтаринки руҳи унинг бадиий асарлари оҳангининг асосий хусусияти, устунлик касб этувчи услуби билан узвий боғланади”, – дея эътироф этади¹⁶¹.

Назар Эшонқул “Уруш одамлари” қиссасида уруш тушунчасига умуминсоний миқёсда ёндашади. Адиб *ўхшатиши* ва *жонлантириши* санъати воситасида фикрини тиниқ ифодалайди:

“Ниҳоят қўнғирот элига баҳор кириб келди. У минг хил ноз, минг хил қарашма билан уруш заҳматлари эзиб ташлаган уруш одамларининг юрагига яшаш ва яшаш ишқини солди. Уларни эркалади, сочларини силади, адирларни қип-қизил лолаларга тўлдирди, бутун борлиққа гўзаллик гиламини ёйди”¹⁶².

Умид рамзи баҳор романтик кайфият ҳосил қилиб, тушкун, лоқайд кишилар руҳиятига таскин улашади. У беҳол, бемажол, совуққон жаҳолат қурбонлари қалбига илинж, мақсад куртагини қадайд. Қип-қизил сифати инсон вужудидаги қон рамзи, у яралиш, яшашга далда беради. Уруш одамзотни залолатга рўбарў этган дамда гўзаллик нурли манзилга

¹⁶¹ Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. - М.:Советский писатель,1970 – С.124.

¹⁶² Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди. - Т.: Шарқ , 2008 –Б. 112.

етаклайди. Тасвирда бош маъно баҳор сўзида намоён бўлиб, бу ўлиму айрилиқдан парчаланган, таҳқирланган инсониятни яна тириклик сурурини ҳис этишга чорлайди. Айнан баҳор киши умрининг зийнати саналгани боис мажруҳ қалбга малҳам бўлади.

Улуғбек Ҳамдам ”Ёлғизлик” асаридаги мурожаат қаҳрамон руҳиятидаги тебранишни лирик пафосда ёрқин ифодалаган:

“Эй, дил! Тўкил! Шу бир парча қоғоз бизнинг мазоримиз-ўзимизни кўйрга жойимиз экан, борлигини от унинг бағрига! Эй, бош! Ур ўзингни шу кафтдек тошга! Манзилимиз бўлди у бизнинг! Эй, жон! Ахир излаб кўрдинг, бўзлаб юрдинг...юракларинг қон бўлди, бошларинг айланиб, йўлинг тугул ўзингни ҳам йўқотдинг!...”¹⁶³

Монологик нутқ дил армони, изтиробини образли суратлаб, синовда бардошли бошни, вужуднинг тириклик асоси жонни дард теграсига жамлайди. Мозор, манзил умумий йўлга бориб туташади. Бош-тош, жон-қон каби ички қофия оҳангдорликни таъминлайди. Иқрорнома қаҳрамон ботинидаги ниҳон асрорни, юрак ноласини зоҳирга чиқариб, руҳиятдаги пўртаналардан тингловчини воқиф айлайди.

Исажон Султоннинг “Муножот” қиссида фалсафий, диний тафаккур маҳсули жумла сермаънолигини оширади.

Ўхшатиш санъати:

“Шуур қатламлари аро чалинаётган куй-бу асрлар оша етиб келаётган нидо, ҳаво шу асрлар оралиғида яшаб ўтган зотларнинг зарралари, овоз соҳиби - улуғ жафокашнинг нақ ўзи эди...”¹⁶⁴.

Ўтмиш қаъридан таралаётган садо инсон қисматида нола чекади. Тафаккур ва тахайюл кенгликларида кўнгил олами, руҳий кечинмалар бирлашиб кетади. Соҳиби жафокаш - аҳли урафо вужуди, руҳи илоҳий покликка талпиниб, сулукида асл қадриятни тарғиб этади. Макро дунё(аср)

¹⁶³Ҳамдамов.У. Узоқдаги Дилнура – Т.: Академнашр, 2010 –Б.47.

¹⁶⁴ Султон И. Боқий дарбадар. - Т.: Шарқ, 2011-Б.109.

дан микро қатлам (зарра) гача инсоният тамаддуни , ибтидоси-ю интиҳоси тажассумини топади. Мазкур мотив адиб бадиий идеалини истифода этади.

Жонлантириши санъати:

“Еру осмон баб- баравар оҳ чекар, нолавор қўшиқ кўкка бетиним ўрлар эди”¹⁶⁵.

Курраи замин, само бағрига сиғмаган ошиқ ўзга макон, хилват гўшага рихлат истайди. Борлиқдаги сукунатни руҳий пўртаналар безовта қилиб, ҳамдардига айлантиради. Тасвирдаги умумий гармония оламу одам концепциясини бош марказга бирлаштиради. Оҳангу саслар рамзийлик, шартлилик, умумлаштирувчилик тамойилини кучайтириб, поэтик қатламни теранлаштиради.

Ижодкор сўз қўллаш маҳорати услубидаги бетакрорликни, асосан оҳангдорлигу жўшқинликни намоён қилибгина қолмай, балки шахс, давр, замон яхлит манзарасини акс эттиришга қаратилади. Бадиий адабиёт сўз кудратини тўлиқ намоён этади. Инсоният тафаккури, қалбига бевосита сўз, калом орқали таъсир қилинади. Бадиий тўйинтирилган сўз моҳияти асарни ўқиш, ўзлаштириш асносида англаб борилади.

Фалсафий теранлик, мантиқан асосланганлик ҳаётий тажриба ҳосиласидир. Услуб-янги сўз, янги матал қўллаш демак, ижодкор бадиий салоҳияти кўзгуси демак. Адиблар образ яратишда ҳар бир деталга аҳамият бериб, образнинг тўлоқонли ва ҳаққоний тасвирланишига эришадилар. Ҳаётий кузатиш, тажриба, воқеликни тасаввурда пухта пишитиб олиш, унга эстетик қарашларини сингдириш адибга образ чизгиларини изчил ёритишда мадад бўлади. Айни шу ҳис қилиш, дардни туйиш, реал ҳаётни бадиий талқин қилиш имконини беради. Ёзувчи кишиларда ташқи кўринишни эмас, балки тийнатдаги покликни, маънавий қиёфа гўзаллигини устун қўяди. Бу унинг эстетик қараши, диди, яратган қаҳрамонларида ҳам айни шу индивидуал хусусиятларга урғу берилади.

¹⁶⁵ Султон И. Боқий дарбадар. - Т.: Шарқ, 2011 –Б.117.

Ўқувчи матни ўзлаштиришда ёзувчининг тафсилотдан кўра аниқ фикрни теран ифодалашига эътибор беради. Зеро, рус ёзувчиси А. С. Пушкин асар содда, қисқа, лўнда ёзилишини бежиз талаб қилмаган. Узундан-узун ривоя, ҳар бир тафсилотни атрофлича ёритиш, асосий ғояни англантишда сусткашлик қилиш ўқувчини ҳам зериктиради. Шу ўринда табиий савол туғилади. Асар қачон қисқа, лўнда ёзилади? Қачонки, ёзувчи фикрини, мақсадини аниқ билса, оҳангни беҳато топган бўлса ҳамда тили равон, яъни нутқи бой, сўз қўллаш маҳоратига эга бўлса, қисқа, лўнда, содда ёзади. Аслида бу материални, қаҳрамонларни чуқур, атрофлича ўрганиш, борлиқни нозик ҳис қилиш натижасидир. Адиб ижтимоий муҳит, жамият иллатлари, шахс фожиаси, онгдаги кемтиклик билан бир қаторда олижаноблик, атроф-олам нафосатини ҳам асарлари негизига сингдириб юборади.

Адиблар ижодидаги ўзига хослик воқелиқни бадиий воситалар орқали образли ифодалаш, қаҳрамон психологияси, саъй-ҳаракатини ёрқин акс эттириши, такрор, қофиядош сўзлардан, зиддиятли ҳолатлардан фойдаланиш маҳоратида намоён бўлади.

Ижодкор жумлалар тузишда инверсия, ассонанс, аллитерация, такрор қофиядош сўзлардан фойдаланади. Ёзувчи шу тарзда синчковлик билан жумладаги сўзлараро монандлик, мувофиқлик; бўғинлар тенглиги воситасида маълум маромни юзага келтиради. Бу ўз навбатида нутқнинг ички тартиби, оҳангини ҳосил қилиб, ҳар бир сўз, бўғин жарангдорлигини оширади.

Носирлар ижод жараёнида фикрни аниқ, изчил ифодалаш, мисралардаги ўлчамлилик, узлуклилик, давомийлик, ички уйғунлик, қофиялар, сажъ каби воситаларга аҳамият берадилар.

Мумтоз санъат намуналари ҳам теран мазмундорлиги, юксак ифодавийлиги, хушоҳанглиги ила барҳаёт. Зеро, ҳар бир сўз қатига, негизига ижодкор қалби, безовта руҳи сингган. Қалам аҳли воқелиқни чуқур ҳис қилдириб, киши туйғуларига кучли таъсир ўтказади, муайян ахборотни етказиб, дунёқарашини шакллантиради. Жумладан, насрий асарларда ҳам

тасвир тиниқлиги, ифоданинг аниқ ва лўндалиги, ёзувчи ғоявий эстетик принципининг изчил ёритилишини таъминлайди.

Қиссаларда миллий, маданий анъаналар негизига қурилган халқ оғзаки ижоди жанри намуналари композицияни жонлантириб, воқеаларни таъсирли ифодалаган. Айни дамда персонажлар руҳиятидаги кечинмаларга, уларнинг ҳаётга этик-эстетик аҳкомига ойдинлик киритган.

Фаслда ўрганилган масала натижасида асар бадий компонентлари муштараклиги, ички алоқадорлиги мукамаллигида маъно нуқталари узвийлиги муҳимлиги, ижодкор асар ғоясини ёритишда, ички таркибу тартибни ташкиллантришда, сюжет тадрижини белгилашда, образ характер мантиғини ифодалашда, услубий ўзига хосликни намоён этишда фалсафий, эстетик дунёқарашини ифода этиши маълум бўлади.

IV боб юзасидан қуйидаги хулосага келинди:

1. Модерн қиссалар поэтик ифода тизимида раҳмоний ва шайтоний кучлар контрасти инсон ибтидосидаги азалий ҳақиқат замирида ўзга макону замонга кўчган.
2. Модерн қисса структурасида рамзий, мажозий маъно устуворлиги, абсурд тушунча мавжудлиги, ёлғизлик мотиви кўпайгани кўзга ташланади.
3. Миллий, ахлоқий қадриятдан йироқлашиш, оммавий маданиятга эргашиш руҳий таназзулга бошлаши, шахс фожиаси орқали халқ келажагидан хавотирланиш ҳиссини орттириши аёнлашади.
4. Модерн қиссалар композициясида оламни акс эттиришнинг нореалистик усули бўртиб кўринади. Бунда ҳаёл, туш, хотиралар синтези мифопоэтик тасвирни юзага чиқаришга хизмат қилади.
5. Модерн асар поэтикасида структур, семиотик ёндашув устуворлиги маълум бўлиб, ижодкор сўзнинг матносии маъносини теранлаштириб боради.
6. Ёзувчилар қисса поэтик мазмунини тасвир воситалари, сажъ, ибора, ҳикмат билан тўлдираётгани, матн бадииятини таъминлашда уларни ўринли қўллаётгани кузатилади.
7. Бадиий сўз шукуҳи, жарангини намоён этувчи портрет, пейзаж тасвирида қамров миқёси кенглиги, имо, ишора, белгилар маъно қатламини бойитиб боради.
8. Поэтик ифодада ўхшатиш, сифатлаш, жонлантиришлар рамзий кўламдорлик, ҳиссий таъсирчанликни юзага келтириб, қиссалар бадиий, эстетик салмоғини оширади.

ХУЛОСА

XX аср ўзбек адабиётидаги қиссалар сал кам бир асрлик даврни ташкил этади. Бироқ улардаги поэтик янгиланишлар бир томондан адабий шахсиятлар, иккинчи томондан, давр имкониятларига боғлиқдир. Адибларнинг бадиий соҳадаги изланишлари, мумтоз анъаналар ва фольклордан унумли фойдаланиши, дунё адабиётидан ўрганишлари ўз самарасини берди. Дунё адабиётшунослигининг илмий-назарий талабларига жавоб берадиган қиссалар ўзбек адабиётининг яқин тарихидаги мулкига айланди. Бу қисса поэтикасида турли ёш, касб, дунёқарашга мансуб характерлар яратилди. Улар орасида болалару катталар, ишчи-ю хизматчилар, тентагу дарвешлар, исмсиз қаҳрамону ғайритабиий гўдаклар ҳам муайян функцияни бажаришга йўналтирилди. Муҳими, қиссада инсоннинг моҳиятини теран англатиш, тийнатидаги фазилату иллатларни ҳар томонлама кашф этиш тамойили чуқурлашди. Хусусан, истиқлол даврида қаҳрамон онгости жараёнини исёну куфр контрастида аниқ бадиий талқин этишга эътибор ортди, ташқи фаолиятдан ботиндаги дарду изтиробни ҳис эттиришга рағбат кучайди. Қиссанинг тарихий илдизларини ўрганиш, уларни таснифлаш, тараққиёт тамойилларига эътибор бериб тадқиқ этиш натижасида қуйидаги хулосалар майдонга келди:

1. Қисса такомилига оид қарашлар Қуръони Карим таркибидаги илоҳий хабарни чуқур идрок этиш, олам ҳамда одам яралишидаги бош муддаони англаш имконини берди. Қуръоний қиссалардаги қаҳрамон, мотив мумтоз қиссалар поэтикасида учраб, фонийлик ва боқийлик борасидаги ислом фалсафасини инсониятга сингдиришда сабоқ, ибрат бўлаётгани аниқланди. Халқ қиссаларида мажозий ишқ, ижтимоий масала етакчилик қилса, мумтоз қиссаларда ошиқ дардманд фалсафаси эстетик таҳлил объектига айланиши маълум бўлди. Бундан ташқари, XX аср ўзбек

қиссачилигида янги типдаги образлар системаси, янгича тасвир ва баён услуби, сюжет ва композиция қурилишидаги янгиланишлар далилланди.

2. Халқ қиссалари поэтикасида ўхшатиш, муболаға уйғунлиги маиший воқелик даражасини орттиргани, анъанавий сюжетни ривожлантиргани, бош қаҳрамон саргузаштини бойитгани кузатилди. Халқ қиссаларида мардлик, тантилик, қаҳрамонлик сифати алоҳида инсон имконияти, иқтидори, салоҳиятини намоён этди. Уларда миллий анъаналарнинг вужудга келиши, жамоавий муҳитнинг ташкилланиши, асосий образ мисолида халқ идеалидаги саркарда, шоҳ, паҳлавон сиймосининг гавдаланишига имкон яратди. Қиссанинг тарихий, замонавий, биографик, ҳужжатли, сатирик, фантастик каби турлари ҳамда поэтик ифода усули янгилангани асарнинг структур-семиотик жиҳатларини ёритиш орқали илмий исботланган.

3. Қуръоний қиссалар асос бўлган “Қисаси Рабғузий” асари композициясида сюжет унсурлари такомиллашиб боргани ва адибларнинг бадиий асар яратишда илоҳий оятлар билан бирга ривоят, ҳикоят, изоҳ, танбеҳ, латифа, савол жавоб каби бадиий унсурларни фаол қўллагани кузатилди. Асардаги бобларга Қуръондаги суралар номи ўхшаш инсон, макон, жонзот номи берилгани қайд этилди. Алишер Навоийнинг “Тарихи анбиё ва ҳукамо” асарида поэтик мазмунни бойитиш, асосий ғояни англатишда Қуръондаги қиссалар айнан келтирилиб, илоҳий ишқдан баҳраманд қаҳрамон шахслик мақомини, маърифий дунёқарашини кенгайтиришга хизмат қилгани белгиланди. Қисса таркибидаги ҳикоят, ривоят, шеърлар пайғамбарлар маслагини образли ифодалаш мақсадида киритилгани таҳлил этилиб, илмий ифодаланди.

4. XX аср ўзбек қиссалари ислом фалсафаси, шарқ ва ғарб анъаналари таъсирида юзага келгани кузатилди. Қисса жанри такомили давомида киши шахсига муносабат ўзгариб, ижтимоийлашув, тузумга мослашув жараёни тезлашиб борди. Ўзбек қиссаларида миллий ва

умуминсоний ғояларнинг талқини қаҳрамон характерининг муҳим жиҳатини ёритиш, ўзлик, ғурурни англатиш имконини кенгайтирди.

5. Қиссаларни ички хилларга нисбий таснифлаш жанр табиатини ўрганиш, тасвир объектини аниқ белгилаш, тизимли таҳлил қилишга туртки берди. Қиссаларда ватан, оила, муҳаббат каби умумадабиётнинг бош мавзуси билан даврдаги ўзгаришга монанд колхоз, партия, уруш, табиат мавзулари ҳам жанрнинг қамровини кенгайтирди. Асарлар табиати шахс фожиаси муаммосини жамиятдаги вазият, шароит негизида тадқиқ этиш, маънавий, ахлоқий таназзул илдизини қаҳрамонлар диалоги, монологи орқали шарҳлаш орқали очиб берилган.

6. Эпик турнинг қисса жанри композициясида меҳнаткаш пахтакор, фидойи ишчи, адолатли ўсмир, мафкуралашган кимса, манкурт одам образини тасвирлашга эътибор ортди. Шўро даври қиссачилигида бажарувчи, ҳаракатланувчи, мослашувчи қолипидаги қаҳрамон ташвиқот, тарғибот йўналишини ривожлантирди. Шу маънода қиссаларда мафкуравий сиёсатлашув тамойили етакчилиги кузатилди.

7. Ўзбек қиссаларида 80-йиллардан миллий ғурур, имону эътиқод тушунчаларини шарқ ислом тафаккури уйғунлигида бадий тадқиқ этиш тамойили кўзга ташланди. Қиссада миллий ўзликни англатиш ҳолати асар поэтикасида анъаналарни тасвирлаш, қаҳрамоннинг юрт тақдирига масъул, алоқадорлигини таъкидлашга йўналтирилди. Қисса поэтикасидаги воқелик ифодасида контраст, кескинлик устуворлик қилаётгани, инсон омилига ёндашув ўзгараётгани аён бўлди. Бадий асардаги ҳодисалар рўй берадиган замон ва макон воқелик тасвирига монанд алмашиниб туриши, инсон ва табиат муносабатида набототу жонзотни қаҳрамон руҳиятини ёритишга йўналтириш тамойили ортиб боргани аниқланди.

8. Бадий асар структурасини ўрганишда сарлавҳа, биринчи жумла, эпиграф матн изчиллиги, қисмлар узвийлигини таъминлашда муҳим поэтик вазифани бажариши асосланди. Матн структур, семантик қатламидаги сиқиклик, теранлик, тасвирийлик, мусиқийлик, сирлилик моҳиятни ёритгани

аниқланди. Қисса ғояси, ёзувчининг ижодий нияти маъно қатламининг яхлитлигида ўз ифодасини топди. Ўзбек қиссачилигида ботиний ғожиа ва мағлубиятда шахснинг маънавий камолоти ҳамда зафари бадий тажассум топганлиги очиб берилган.

9. Поэтик изланиш натижасида матн таркибидаги жумла, сўз, товуш, тиниш белгиси орқали муайян маънони образли ифодалаш, характер маънавий, эстетик қарашини тизимли ёритишга эришилгани белгиланди. Қиссаларда вақт мезони кун, ой, йил, асрлар қамровида тақдим қилиниши, бадий образ тахайюли асосида воқелик қайта идрок этилиши аёнлашди. Қисса поэтикасида кун қисмга тақсимланиб, асосан, намоз вақти билан белгиланиши, баъзан бу усул рамзийликка ишора этиши таҳлил орқали аниқланган.

10. Модерн қиссалар поэтик ифода тизимида ҳақ ҳамда ботил зиддияти инсон яралишидаги кўҳна адолат негизида ўзга макону замонга ўтгани, киши руҳиятидаги кечинмалар мураккаблашгани эътиборни тортди. Модерн қисса композициясида рамзий, мажозий маъно етакчилиги, абсурд тушунча мавжудлиги, олий маслакдан бегоналашув мотиви муқимлашгани ўз тажассумини топган. Модерн қиссалар поэтикасида умуминсоний ғоялар талқини етакчилик қилаётгани, улардаги янги поэтик изланишлар ва жанрдаги тараққиёт тамойиллар ёритилган.

11. Қисса композициясида диний, миллий қадриятдан воз кечиш, оммавий маданиятга эргашиш қаҳрамонни руҳий таназзулга етаклаши, шахс ғожиаси миллат ғожиасига айланиши асосланиб, рамзий тимсоллар воқеликни таъсирли, жонли ифодалашга йўналтирилгани эслатилди. Модерн қиссаларда оламни тасвир этишнинг нореалистик усули кузатилди. Хаёл, туш, хотира қаҳрамон тийнатида кечган жараённи турли ракурсда тадқиқ этишга имкон берди. Исмсиз қаҳрамон, маълуму номаълум макон шакллари ижодкор маънавий эстетик идеали орқали бўй кўрсатиши аниқланган.

12. Адиблар поэтик изланиши самарасида қиссалар мазмуни тасвир воситалари, сажъ, ҳикмат, ўхшатиш, сифатлаш, жонлантириш билан

бойитилиб, нутқнинг ҳиссий таъсирчанлиги ортаётгани, матнда теран ифода, фалсафий, эстетик қараш устуворлик қилаётгани таҳлиллар воситасида кўрсатилди. Ўзбек қиссалари тараққиёти натижасида қуйидаги тамойиллар аниқланди: асар поэтикасида Қуръоний, халқ, мумтоз мотивлар синтези учрагани; бадиий матнга эртак, афсона, қўшиқ йўсинидаги лавҳалар сингдирилиб, ғаройиб, сирли макондаги воқеалар тасаввурдаги бадиий моделни ифодалагани; ижтимоий воқеа тасвири етакчи ўринни эгаллагани; жаҳон адабиёти анъаналари таъсирида характер борасидаги ахлоқий, эстетик қарашлар ўзгаргани; образлар кўп қирралиги, конфликт ўткирлиги, тасвир кўламдорлиги ғоявий, бадиий салмоқни бойитгани маълум бўлди. XX аср қиссаларидаги янги услуб, янги қаҳрамон, рамзий тимсоллар талқини қиёсий-типологик усулда ўрганилиши илмий-назарий асосланди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

Ижтимоий - сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қураимиз. –Тошкент: Ўзбекистон, 2017. –483 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови.–Тошкент: O‘zbekiston, 2017. –32 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони // Халқ сўзи, 2017 йил, 8 февраль.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисида // Халқ сўзи, 2017 йил, 21 апрель.
5. Каримов И. Адабиётга эътибор - маънавиятга, келажакка эътибор. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009. –40 б.

Илмий- назарий адабиётлар

6. Аббасов А. Ўзбек повести. –Тошкент : Фан, 1973. –180 б.
7. Адабий тур ва жанрлар. –Тошкент : Фан, 1991. –240 б.
8. Адабиётимиз автобиографияси. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. –360 б.
9. Адабиёт назарияси. Т 2. –Тошкент : Ўқитувчи, 1979. –448 б.
10. Айтматов Ч ва Шохонов М. Чўққида қолган овчининг охи зори. – Тошкент: Шарқ, 1998. –432 б
11. Алиев А. Истиқлол ва адабий мерос. –Тошкент: Ўзбекистон,1997. –272 б.

12. Алишер Навоий ва ХХІ аср. Республика илмий-назарий анжумани материаллари. –Тошкент: Tamaddun, 2016. –280 б.
13. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2004. –194 б
14. Балухатый С.Д. Вопросы поэтики –Л: Издательство Ленинградского университета, 1990. –320 с.
15. Барт.Р. Семиотика.Поэтика. –М: Прогресс, 1989. –616 с
16. Бахтин М. Проблемы поэтики Достоевского –М: Советский писатель, 1979. –362 с.
17. Бахтин М. Вопросы литературы и эстетики –М: Художественная литература, 1975. –399 с.
18. Бахтин М. Литературно-критические статьи –М: Художественная литература, 1986. –543 с.
19. Бахтин М. Эстетика словесного творчества –М: Искусство, 1986 –445 с.
20. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. –Т: Ўзбекистон, 2002. – 560 б
21. Болтабоев Ҳ., Маҳмудов М. Адабий-эстетик тафаккур тарихи. Икки жилд. –Т: Mumtoz so'z, 2013-2016. –476 б.; –439 б.
22. Болтабоев Ҳ. Теранлик. Адабиётимиз фахри. –Т: Ўзбекистон 2007. –220 б
23. Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки. –М: Художественная литература. 1981. –400 с
24. Боров Ю. Введение в эстетику. –М: Советский художник, 1965. – 327 с.
25. Боров Ю. Эстетика. –М: Издательство политической литературы, 1981. –399 с
26. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. –Т: Ўзбекистон, 1993. –191 б.

27. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. –М: Высшая школа, 1989. –406 с.
28. Виноградов В.В. Сюжет и стиль. –М: Наука, 1963 –192 с.
29. Волков И.Ф. Творческие методы и художественные системы –М: Искусство, 1978. –264 с.
30. Гадамер Г.Истина и метод. –М: Прогресс.1988. –704 с
31. Гегель Г.В. Эстетика. Том третий. –М: Искусство, 1971. –621 с.
32. Головенченко Ф. Введение в литературоведение. –М. Высшая школа. 1969
33. Головкин М. Поэтика русской повести. – Саратов.1992. –160 с
34. Гуренко Е.Г.Проблемы художественной интерпретации. –М: Наука.1982. 255 с
35. Ёкубов И. Ўзбек романи тадрижи. –Т.Fan va texnologiya. 2006. – 164 б
36. Жабборов Н.Маърифат надир. –Тошкент: Маънавият, 2012.180 б
37. Жаҳон адаблари адабиёт ҳақида. –Тошкент: Маънавият.2010.392 б
38. Жирмунский В.М. Введение в метрику. Теория стиха. – Л.: Советский писатель, 1975. 664 с.
39. Жўраев М. Ўзбек халқ эртақларида сеҳрли рақамлар –Т: Фан, 1991 –153 б.
40. Жўраев Т.Онғ оқими модерн.Фарғона.2009. –204 б
41. Жўракулов У.Ҳудудсиз жилва. –Т: Фан.2006. –203 б
42. Жўракулов У.Назарий поэтика масалалари: жанр. муаллиф. хронотоп. Т.Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи 2015.356 б
43. Жўракулов У. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. – Т: Turon-iqbol, 2017. –260 б.
44. Жўракулов У. “Ўткан кунлар”да девона образи талқинлари. Абдулла Қодирий хотирасига бағишланган конференция материаллари. – Т.2019.

45. Историческая поэтика. Итоги и перспективы изучения –М: Наука, 1986 –336 с.
46. Йўлдошев. Қ. Сўз ёлкини. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018. –504 б
47. Каримов Б. Рухият алифбоси. –Т. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2016. –364 б
48. Каримов Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Т. Akademnashr. 2014. –256 б
49. Каримов Б. Абдулла Қодирий феномени. –Т: Info capital group. 2019. –480 б
50. Каримов Н ва б. XX аср ўзбек адабиёти тарихидан. –Т: Ўқитувчи. 1999. –544 б
51. Кожин В. Основы теории литературы. –М: Знание. 1962. –320 с
52. Кузьмин. А. Повесть как жанр литературы. –М: Знание. 1984. 112 с
53. Литературный энциклопедический словарь. –М: Советская энциклопедия. 1987. –752 с
54. Лотман Ю.М. Лекции по структуральной поэтике. Выпуск I. –М, 1964. –195 с
55. Лотман Ю.М. Структура художественного текста. –М: Искусство. 1970. –580 с
56. Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. –Т: Ўқитувчи. 1976. –666 б
57. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари. –Т: Ёзувчи. 2000. –280 б
58. Назаров Б. Ҳаётийлик безавол мезон. –Т: Ўқитувчи. 1983. –220 б
59. Норматов. У. Етуклик. –Т: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1982. –368 б
60. Норматов У. Қодирий боғи. –Тошкент: Ёзувчи. 1995. –220 б
61. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. –Тошкент: Ўзбекистон. 2010. –272 б
62. Основы литературоведения. –М: Дрофа. 2003. –416 с

63. Поляков М. В мире идей и образов. Историческая поэтика и теория жанров –М: Советский писатель, 1983 –367 с.
64. Пospelов Г.Н. Теория литературы –М: Высшая школа, 1978. –351 с.
65. Потебня А.А. Теоретическая поэтика. –М: Высшая школа, 1990. –344 с.
66. Расулов.А.Ардоқли адиб. –Т: Шарқ.2001. –128 б.
67. Расулов А.Бадийлик-безавол янгилик. –Т: Шарқ.2007. –336 б
68. Расулов А.Танқид , талқин, баҳолаш. –Т: Фан.2006. –232 б
69. Расулов А.Бетакрор ўзлик. –Т: Mumtoz so'z. 2009. –296 б.
70. Рашидов А. Ўзбек қиссаларида меҳнат тасвири. –Т: Фан 1980. – 232 б
71. Раҳимжонов Н.Давр ва ўзбек лирикаси. –Т: Фан.1979. –190 б
72. Раҳимжонов Н.Истиқлол ва бугунги адабиёт. –Т: Ўқитувчи.2012. –328 б
73. Саримсоқов.Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. 2004. –128 б.
74. Сирожиддинов Ш. Навоий замондошлари эътирофида. – Самарқанд: Зарафшон, 1996. –65 б
75. Сирожиддинов Ш. Ўзбек мумтоз адабиётининг фалсафий сарчашмалари. –Т: Янги аср авлоди, 2011. –200 б
76. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т: Akademnashr, 2011. –326 б
77. Словарь литературоведческих терминов. Редакторы-составители Л.И.Тимофеев и С.В.Тураев –М: Просвещение, 1974 –509 с
78. Современный литературный процесс и литературная критика. –М: Художественная литература.1982. –469 с
79. Социалистический реализм на современном этапе его развития. – М: Знание.1977. –160 с
80. Султон И. Адабиёт назарияси –Т: Ўқитувчи, 1980. –392 б.
81. Султон И. Адабиёт назарияси –Т:Ўқитувчи, 2005. –272 б.

82. Теория литературы. Теория художественного дискурса. Теоретическая поэтика. –М: Академия, 2007. –510 с.
83. Теория литературы. Том второй. –М: Академия, 2007. –359 с.
84. Тимофеев Л.И. Основы теории литературы. –М: Просвещение, 1976. –548 с.
85. Турдимов Ш. Этнос ва эпос –Т: Ўзбекистон, 2012 –95 б.
86. Улуғов А. Қиссачилигимиз қирралари –Т: Ўқитувчи, 1991. –136 б
87. Улуғов А. Адабиётшуносликка кириш. – Т: ЎзМУ, 2005. –135 б.
88. Ulug‘ov A. Adabiyotshunoslik nazariyasi. –Т: G‘afur G‘ulom nomidagi nashriyot ijodiy matbaa uyi, 2018. –308 b.
89. Umurov H. Adabiyotshunoslik asoslari. –Т: Abdulla Qodiriy nomidagi xalq merosi nashriyoti, 2004. –264 b.
90. Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. –Т: Шарқ. 2002. –256 б
91. Уэллек Р., Уоррен О. Теория литературы. –М: Прогресс, 1978 – 326 с
92. Философский словарь. Под редакцией И.Т.Фролова. –М: Издательство политической литературы, 1987. –590 с
93. Фитрат А. Адабиёт қоидалари. –Т: Ўқитувчи, 1985. –112 б
94. Феллер М. Структура произведения. –М: Книга, 1981. –220 с
95. Фольклор. Проблемы историзма. –М: Наука, 1988 –296 с
96. Фромм Э. Душа человека. –М: Республика. 1992. –430 с
97. Хализев В.Е. Теория литературы. –М: Высшая школа, 1999. –372 с.
98. Хайдеггер М. Разговор на проселочной дороге. –М: Высшая школа. 1991. –192 с
99. Храпченко М. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. –М: Советский писатель. 1970. –398 с
100. Храпченко М. Горизонты художественного образа. –М: Художественная литература 1982. –324 с

101. Холдоров Д. Ижод моҳияти-услуг хосияти. Turon zamin ziyo. 2017. 160 б
102. Xoldorov D. Hozirgi adabiy jarayon: o'zbek qissalari uslubi. –T: Nodirabegim. 2019. –84 б
103. Худойберганов. Н. Ҳақиқат ёғдулари. –Т: Фан. 1985. –140 б
104. Худойбердиев Э. Адабиётшуносликка кириш. –Т: Ўқитувчи. 1995 –272 б
105. Художественная коммуникация и семиотика. –М: Наука. 1986. –230 с
106. Художественная рецепция и герменевтика. –М: Наука. 1985. –288 с
107. Художественный образ и структура. –М: Наука. 1975. –232 с
108. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти –Т: Шарқ, 2004. –640 б
109. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. –Т: Шарқ, 2005. –630 б
110. Шукурова З. Рабғузий ва фольклор –Т: Tamaddun, 2015. –200 б.
111. Қахрамонов Қ. Адабий танқид ва болалар адабиёти. –Т: Фан., 1991
112. Қодирий Ҳ. Отам ҳақида. –Тошкент: Адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. –224 б
113. Қуронон Д. Адабиётшуносликка кириш –Андижон: Ҳаёт, 2002. –208 б
114. Қуронон Д. ва б. Адабиётшунослик луғати. –Т: Akademnashr. 2010. –400 б
115. Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т: Шарқ, 2004. –280 б
116. Қуронон Д. Талқин имконлари. –Turon zamin ziyo. 2015. –88 б
117. Қуръон маъноларининг таржима ва тафсири. –Т: Sano standart. 2019. –624 б
118. Қуръони Каримнинг машҳур суралари фазилати. –Тошкент: Ислон университети. 2015. –464 б
119. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. –Т: Фан. 1981. –264 б

120. Қўшжонов М.Сайланма. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1983. –360 б
121. Қўшжонов М.Ўзбекнинг ўзлиги. –Тошкент.Халқ мероси.1994. – 136 б
122. Қўшжонов М.Танланган асарлар. –Т: Шарқ.2018. –712 б
123. Ғафуров И.Ўттиз йил изҳори. –Тошкент.Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1987. –398 б
124. Ўзбек адабиётида жанрлар типологияси ва услуб ранг-баранглиги. –Т: Фан 1983. –208 б
125. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 жилдлик. 2-жилд. –Т: Фан, 1977. –460 б.
126. Ўзбек фольклоршунослиги масалалари. Илмий мақолалар тўплами. –Т: Фан, 2006. –133 б
127. Энциклопедический словарь юного литературоведа. –М: Педагогика, 1988. –415 с
128. Эшонқул Н. Мендан менгача. –Т: Akademnashr. 2014. –512 б
129. Эшонқул Н.Ижод фалсафаси. –Т: Akademnashr.2018. –416 б
130. Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг бадиий уйғунлиги. –Т: Mumtoz so‘z, 2011. –144 б
131. Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи. Алишер Навоий даври –Т: Akademnashr, 2011. –272 б
132. Юсупова Д. Хазойин ул маоний:шаклий етуклик ва мазмуний изчиллик уйғунлиги. Алишер Навоий ва ХХІ аср. –Республика илмий назарий анжумани.2016.
133. Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари –Т: Ўқитувчи, 1993 – 216 б.
134. Ҳамдам У.Бадиий тафаккур тадрижи. –Т: Янги аср авлоди. 2002. –240 б
135. Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. –Т: Фан. 2007. –196 б
136. Ҳамроев К. Ҳикояда илк жумла поэтикаси. // Шарқ юлдузи.2019.

137. Ҳаққул И. Навоийга қайтиш –Т: Фан, 2007. –224 б
138. Ҳотамов Н,Саримсоқов Б.Адабиётшунослик терминларининг русча ўзбекча изоҳли луғати. –Т: Ўқитувчи. 1979. –362 б
139. Чернец Л. Литературные жанры. –Издательство Московского университета. 1982. –192 с
140. Чўлпон .Адабиёт надир. –Т: Чўлпон. 1994. –240 б
141. XX аср ўзбек адабиёти масалалари. –Тошкент: Фан, 2012 –247 б

Манбалар

142. Абдуллаев А. Ҳазрати Аттор. // Шарқ юлдузи.2011.№6
143. Айтматов Ч. Танланган асарлар. Т.1. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. –408 б
144. Айтматов Ч.Танланган асарлар.Т.2. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1978. –392 б
145. Аъзам Э. Кечикаётган одам. –Т: Шарқ 2002. –448 б
146. Аминов Н.Ёлғончи фаришталар. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. –320 б.
147. Боқий Н. Қатлнома. –Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа бирлашмаси. 1992. –208 б
148. Бўтаев Ш. Ҳаёт. –Т: Шарқ. 2000. –448 б
149. Бўрихон Л. Титраётган тоғ. –Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2018. –272 б
150. Дўст М.М. Галатепага қайтиш. –Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1983. –240 б
151. Дўст М. М. Галатепа қиссалари. –Т: Ёш гвардия.1985. –192 б
152. Дўстмуҳаммад Х. Қиссалар. –Т: Шарқ. 2011. –512 б
153. Дўстмуҳаммад Х.Беозор кушнинг қарғиши. –Т: Шарқ. 2006. –512 б
154. Дўстмуҳаммад Д .Ёлғиз. // Шарқ юлдузи. 2018 №5.6

155. Ёқубов О. Биллур қандиллар. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1975.
156. Малик Т.Алвидо...болалик. –Т: Ёш гвардия.1989. –176 б
157. Малик Т.Танланган асарлар. –Т: Шарқ.2009. –460 б
158. Мамажонов С.Ранглар ва оҳанглар. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1978, –180 б
159. Маркес Г.Тўкилаётган япроқлар.// Жаҳон адабиёти.2015.№7.
160. Мурод Т.От кишнаган оқшом. –Т: Шарқ.1994. –464 б
161. Мурод Т.Танланган асарлар. –Т: Шарқ.2008. –470 б
162. Мурод Али.Кўктўнликлар. –Т: Ёзувчи.1991. –160 б
163. Навоий Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 7 том –Т: Фан 1991. –440 б
164. Навоий А. Хамса: Садди Искандарий. Тарихи анбиё ва ҳукамо. Тарихи мулуки Ажам.8 жилд. –Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2011. –520 б
165. Норқобил Қ. Кулиб тур, азизим. –Т: Шарқ, 2004. –224 б
166. Норқобилов Н. Овул оралаган бўри –Т: Шарқ, 2005. –256 б
167. Норқобилов Н.Тоғдаги ёлғиз одам. –Т: Ўзбекистон,2011. –304 б
168. Норқобилов Н. Эна бўри. // Ёшлик. 2018 №8.
169. Ойбек. Болалик. –Т: Ёш гвардия, 1963. –276 б
170. Осим М. Аждодларимиз фожиаи. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –272 б
171. Рабғузий Н. Қисаси Рабғузий.–Тошкент: Ёзувчи, 1990. –240 б
172. Рабғузий Н.Қисаси Рабғузий. –Т: Ёзувчи, 1990. –272 б
173. Рустамов Т.Ғаройиб мактуб. –Т: Шарқ. 1995. –208 б
174. Султонов Х. Бир оқшом эртаги. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1983. –208 б.
175. Султон И.Боқий дарбадар. –Т: Шарқ, 2011. –280 б
176. Султон И.Озод. –Т: Шарқ, 2012. –432 б.
177. Султон И.Боғи Эрам. –Т: Шарқ, 2015. –256 б

178. Султон И.Ҳазрати Хизр изидан. –Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи, 2018. –384 б
179. Турдимов Ш. Мезон.// Шарқ юлдузи, 2011.№6.
180. Холмирзаев.Ш.Йўллар, йўлдошлар. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти,1984. –280 б
181. Холмирзаев Ш.Танланган асарлар. –Т: Шарқ.2003. –340 б
182. Қаҳҳор А.Ўтмишдан эртаклар. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1988. –368 б.
183. Қобул Н.Каптарлар қайтмаган кун. –Т: Ёш гвардия .1984. –240 б.
184. Қодирий А.Обид кетмон. –Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти. 1959. –260 б .
185. Қодиров П. Қадрим. –Т: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи. 2007. –260 б
186. Қодиров П. Танланган асарлар. 3 томлик. –Т: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978. –340 б
187. Эшонқул Н. Ялпиз ҳиди –Т: Шарқ. 2008. –400 б
188. Ҳамдам У.Узоқдаги Дилнура. –Т: Академнашр.2010. –232 б
189. Ҳамроев Ш.Қақнус қанотидаги умр. –Т: Ўзбекистон.2016. –152 б
190. Ҳошимов Ў.Нурли дунё. –Т: Шарқ.1993. –420 б.
191. Чўлпон.Асарлар.Ж 1. –Т: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1994. –448 б
192. Ғулом Ғ.Асарлар. –Т: 5. Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти.1973. –432 б.

Диссертация ва авторефератлар

193. Холмуродов А. Ўзбек қиссачилиги: тараққиёт муаммолари (XX аср сўнгги чораги) Филол.фан.доктори..дис –Т:2008;
194. Тагматов К. Нравственный мир героя и художественные искания в узбекской повести (1960-1970 гг.): Дис...канд.филол.наук –Т:1981;

195. Тошпулатов Г. Нравственные искания в современной узбекской повести (М.М.Дуст, Тагай Мурад, Гаффар Хотам): Дис...канд.филол.наук – Т:1993;
196. Захидова С. Жанровые и стилевые особенности советской узбекской повести(60-70г): Дис...канд.филол.наук –Т:1982;
197. Тенглашев М. Особенности конфликта в узбекских повестях 80- годов: Дис...канд.филол.наук –Т:1989;
198. Кўбаев Қ .Ўзбек қиссаларида тарихий ҳақиқат ва бадий маҳорат (60-80 йиллар):Филол.фан. номзоди...дис –Т:2001;
199. Холдоров Д. Ҳозирги ўзбек қиссаларида бадий услуб муаммоси (Шойим Бўтаев ва Назар Эшонкул қиссалари мисолида): Филол.фан.буйича фалсафа док...дис –Т:2017;
200. Рустамова М. Истиқлол даври ўзбек қиссаларининг тараққиёт тенденциялари: Филол.фан. номзоди...дис –Т: 2005;
201. Бобохонов М. Ҳозирги ўзбек қиссачилигида психологизм: Филол.фан. номзоди...дис. –Т: 2012;
202. Раджапова Ф. Муаллиф адабий-эстетик қарашлари ва ижодий параллелизм (Назар Эшонкул ва Улуғбек Ҳамдам ижоди мисолида) Филол.фан.буйича фалсафа док...дис. –Т:2018;

Интернет материаллари

203. <http://www.iranicaonline.org/articles/blochmann-heinrich-henry-04-09-2016>;
204. [http://en.wikisource.org/wiki/Blochmann,_Henry_Ferdinand_\(DNB0\)-04-09-2016](http://en.wikisource.org/wiki/Blochmann,_Henry_Ferdinand_(DNB0)-04-09-2016);
205. <http://www.referun.com/n/issledovanie-zhizni-i-tvorchestva-alisheranavoi-v-zapadnoevropeyskom-vostokovedenii#ixzz2HOWXH4iO-10-02-2018>;
206. <http://www.payam-afab.com/en/news/3094/Ali-Shir-Nava%27i>
207. http://lex.uz/Pages/GetPage.aspx?lact_id=3171590

208. <http://uza.uz/oz/politics/adabyet-va-sanat-madaniyatni-rivozhlantirish-khal-imiz-mana-03-08-2017>